

ХОЖИАКБАР ШАЙХОВ

17/8  
1988

**ФАРОЙИ Б  
КУЛАНКА**



ХОЖИАКБАР ШАЙХОВ

ТАРОИИ  
КЎЛАНКА

ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК  
ҚИССА  
ВА  
ХИКОЯЛАР

80-34/94

Ургенчское  
ЦБС

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ  
Тошкент — 1980

374/15


Фантаст-ёзувчи ва инженер Ҳожиакбар Шайхов «Фаройиб кўланка» қиссасида замонамизнинг долзарб социал проблемасини кўтаради. Адиб атроф-муҳит ифлосланиши ёмон оқибатларга олиб келишини кўрсатувчи фантастик лавҳалар яратар экан, Ер деб аталмиш планетамиздаги ҳар бир киши она-табият қучоғида покиза турмуш кечириши лозим, деб уқдиради.

Тўпламга кирган ўткир сюжетли бошқа қисса ва ҳикоялар ҳам қизиқарли илмий гипотезалар асосига қурилган, социал, ижтимоий ва маънавий-этик мавзуларга бағишиланган.

Ш 70303—114 102—80 4702570000  
356(04)—80

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1980.

**ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК  
ҚИССАЛАР**



## ФАРОЙИБ ҚҰЛАНҚА

Қызил гул сайлиға чиққанлар беш киши әдилар. Ҳаммаси ҳам иккі йил аввал бир мактаб, бир синфда ўқишишан, ҳозир бири университетнинг журналистика факультети, иккитаси — биология, қолғанлари политехника институтининг турли факультетларida таҳсил олишмоқда әди.

Қора сочлари елкасига тұлқинланиб тушган, катта-кatta оху күзларининг атрофи ва узун киприкларини бүяб олган Дилафрұз шерикларидан бир оз олдинда бораркан, атрофни завқ билан кузатарди. Ана, қиялик адирнинг бир томони пахтазорга, иккинчи томони ша-харага олиб борувчи катта йўлга туташган. Адирнинг этагида бир эшак хўтиги билан ўтлаб юрибди. Ҳаво мусаффо. Айниқса, икки соатча аввал бўлиб ўтган ём-ғирдан кейин у жуда ҳам очилиб кетди. Лекин ҳув ана-ви пахтазорларга бағрини бериб ётган қорамтири нарса булатми? Ҳудди ҳавонинг бир қисмини кимдир атайин қорамтири рангга бўяб қўйгандай жуда ғалати, я.

Тепаси гўё чизиқ тортиб, осмондан ажратиб қўйил-гандай кўринувчи бу ажи булатни Дилафрұз умрида биринчи кўриши әди. Чиндан ҳам булатми шу? Ё... шаҳардаги завод-фабрикалардан чиқаётган тутун ёки чанг зарралари шу ерга ҳам етиб келган деса, унда кў-риниши...

Қиз яна гулларга қаради-ю, булатни унуди. Қалби тағин илиқ ҳаяжон ва шавққа тўлди.

— Қизлар, йигитлар!— деди шўхлиги тутиб, собиқ синфдошларига ўғирилиб қарап экан.— Юринглар, ана-ви эшакка минамиз!

— Яхши гап!— деди ингичка мўйлови ўзига яра-шиб турган дароз бўйли Абдулла.— Мен каттасига ми-наман. Негаки хўтигини босиб ўлдириб қўйишим мум-кин. Кетдик, Хосият.

Унинг ёнида гул тераётган Хосият секингнига: «Вой,

майли»,— деда Диляфруз билан Абдулла га эргашди. Унинг нозик лаблари ва қўнғир кўзларида аллақандай назокатли бир табассум бор эди.

— Биз кейин борамиз!— деди оқсариқ юзли, сочлари хийла камайиб, пешанасининг чаккалари очилиб қолган Собир исмли йигит ҳамроҳи Сурайёнинг ҳамномидан гапириб.

— Сурайё, бўлмаса сен юр,— деда Диляфруз.

— Сизлар... бораверинглар,— деди Сурайё негадир тараддудланиб,— биз етиб оламиз...

— Тушунарли,— деда Абдулла,— мана, ўртамиизда сирли гаплар ҳам чиқиб қолди. Билмадим, бу кетишда...

— Вой, ҳеч қанақа сирли гапимиз йўқ!..— Шошиб эътиroz билдириди Сурайё.

Абдулла хохолаб кулди-да, икки қизни бошлаб, эшаклар сари кетди. Диляфрузниң эътибори яна ўша қорамтири булутлар тўдасига тушди. Жуда ғалати-я!

— Менга қара, Абдулла,— деди у йигитнинг енгидан тортиб,— ҳув анави сояга ўхшаган қорамтири нарса нима?

— Кимдир гулхан ёққан бўлса, ўша энди ёмғирдан кейин тутаяпти.

— Тутун бир жойда туриб қолганини илгари ҳеч кўрганмисан ўзи?

Абдулла билмадим дегандек кифтини учирди-да, қадамини тезлатди.

Диляфруз ғалати булат тўдасидан кўз узмай бораркан, бирдан ҳайратланарли воқеа юз берганини кўриб қолди: ўтлаб, кўланкага жуда яқин бориб қолган хўтиқ қорамтири фон ичига кириши биланоқ танасидан аллақандай оч-жигарранг тутун «зув» этиб қўтарилди, ўзи эса бўйини ерга этганича қимир этмай қолди. Эшак тўсатдан безовталаниб, ҳанграб юборди. Шошиб боласининг олдига интилди. У ҳам кўланка чегарасидан ўтди-ю, ўша заҳоти тутаб, боласининг бўйнига бош қўйганча, ҳайкалдек қотиб қолди. Қўтарилган жигарранг тутун кўланкага сингиб кетди.

— Тезроқ юринглар!— деди Диляфруз юргургандай одимлар экан.— Анави жониворларга бир нима бўлди шекилли.

— Тутун, э-э... ҳалиги булат менимча, уларни қотириб қўйди!— деди Абдулла ҳаяжон билан.

— Вой, ро-ост!— деди Хосият секингина, улардан қолиб кетмасликка интилиб югурап экан.

Улар хийла катта майдонни эгаллаган гайритабиій күрнешдеги яхлит күланкага ўн беш метрча қолганда тұхташды.

— Унга яқинлашмангар! — огохлантириди шерикларини Диляфрүз күланкага тикилиб қараганча. — Чинданам эшаклар қотиб қолишибди!

— Еўзаларға қаранглар! — хитоб қилди Абдулла. — Менимча, улар ҳам қотиб ётибди. Целлофанга ўхшаган ялтироқ алланима билан қопланғанга ўхшайды улар!

Абдулла ердан катта кесак олиб, қорамтири фоннинг энг четидеги еўзага қараб отди. Ажабо, кесак күланка ичига кириши билан енгил тутаб, еўзапоянинг учига бориб теккан ҳам әдикі, еўза шохлари белигача чилчил бўлиб синди. Ҳатто, жаранглаган овоз ҳам эшитилгандай бўлди.

Иигит ва қизлар ағрайиб, бир-бирларига ҳайратомуз қараб олишди.

Абдулла яна каттароқ кесак олиб отди. Энди у бир неча еўзани чил-парчин қилди. Бу гал ёшлар худди юпқа муз қатлами сингандагидай овозни аниқ эшитилар.

— Наҳотки она-бола эшак ҳам худди шу ахволга тушган бўлса? — сўради иигит.

— Қандай даҳшат! — деди Диляфрүз кўзлари чақнаб. — Бу кўланка йўлида учраган жисмни музга айлантириш, қандайдир кимёвий йўл билан уларга бирлаҳзадаёқ ўта мўртлик хусусиятини баҳш этиш қобилиятига эга!

— Вой, у биз томонга жиляпти! — деди Хосият худди шивирлагандай Абдулланинг орқасига яшириниб.

— Ҳа, қаранглар, у тағин бир еўза қаторини ўз ичига оляпти! Ана, тутаяпти.

Иигит-қизларнинг кўйлак ва сочларини тортқилаб эсаётган шамол хийла кучайгани учунми, дарҳақиқат қорамтири булут жойидан шаҳар томонга қараб оҳиста жила бошлагандай эди.

Шу пайт орқада оёқ товушлари эшитилди. Эгат оралаб, Собир билан Сурайё ёнма-ён келарди.

— Нима бало, эшаклар хаёл сурин қолибдими? — бақириб сўради Собир.

— Ҳа, — деди Диляфрүз дилга ғулғула соладиган совуқ бир оҳангда, — улар абадий хаёлга толишган.

Собир Диляфрүзнинг ёнида тўхтаб, унга савол назарзи билан тикилди.

— Абадий?.. Бу нима деганинг?..

Дилафрұз, Абдулла ва Хосият қорамтири соядан күз узмай, қандайдыр саросимали бир қиёфада сукут сақлаб туришарди.

— Үлар бизни калака қилишяпти, Собир,— деди Сурайё хафа бўлгандаи, чиройли қошларини чимириб.

Собир ҳайкалдек қотиб турган ҳайвонларга бир қараб олди-да, яна сўради:

— Очиқроқ гапирсанглар-чи, ўзи нима гап?!

— Анави соя...— деди Хосият секингина,— ичига кирган ҳамма нарсани музлатиб қўяр экан.

— Нима-нима?— Собир ҳам, Сурайё ҳам қаршиларидаги улкан қора кўланкани энди пайқашди. Собир қизиққон йигит эмасми, дарров саволларни қалашиб ташлади:— Эшаклар чинданам қотиб қолишганми? Олдига бордиларингми ўзи? Фўзапоялар ҳам музлаб ётиби-ку? Э-вой! Нимага қараб турибисизлар ўзи? Бирор чора кўриш, раисга одам юбориш керак-ку, ахир!?

— Ховлиқма,— деди Дилафрұз қатъий оҳангда.— Биз ҳам ҳозир худди шуни ўйлаяпмиз. Бу раис билан ҳал бўладиган иш эмас.

Орага бир дақиқа сукунат чўкди.

— Бўлмаса, бундай қиласиз,— деди Дилафрұз, ниҳоят.— Собир, Сурайё сизлар бу ҳақда шаҳар ижроия комитетига хабар бергани ҳозироқ жўнайисизлар! Шошилинч чора кўриш кераклигини тушунтириб айтинглар. Бу кўз кўриб қулоқ эшитмаган даҳшатли муҳит. Эҳтимол, у — ерга космосдан келиб тушгандир. Эҳтимол, шу жойнинг ўзида қандайдир табиий шароитлар туфайли юзага келгандир. Ҳар ҳолда ҳозирча шу нарса аниқки, у билан сира ҳазиллашиб бўлмайди. Агар у ўз физик ва кимёвий хоссаларини ўзгартирмай шаҳарга кириб борса, бунинг оқибатини тасаввур қилиш қишин эмас... Қани, тезроқ бора қолинглар!

Собир эътиroz қилмоқчи бўлибми, бир зум тараддуdda қолди:

— Мен.., балки ҳозир бу ерда кўпроқ... керак бўларман. Ўрнимга Хосият бора қолсин.

— Йўқ!— деди Дилафрұз қатъий.— Хосият билан Сурайёга ишонмасликлари мумкин. Гапга чечансан, аҳвол ўта жиддийлигини сен яхшилаб уқдира олишинг мумкин. Гапни чўзмай, жўнанглар!

Собир қўл силтаб, Сурайёга ўгирилди:

— Кетдик бўлмаса!

Улар пахтазор ўртасидан ўтган катта аефальт йўл томонга чопиб кетишди.

— Биз, дўстлар, қорамтири булутни ўрганишга киришамиз. Уни шартли равишида «Кўланка» деб атаймиз. Сен, Абдулла, уни айланиб, қаёқдан келаётганини, пахтазорнинг қанча қисмини музлатганини аниқлайсан. Кейин унинг ҳажми катталашяптими ё аксинча, кичиклашяптими — шуни ҳам билишга ҳаракат қил. Лекин эҳтиёт бўл! Кўланкага яқин боришни хаёлингга ҳам келтирма! Биз эсак, Хосият билан унинг нималигини аниқлашга уриниб кўрамиз...

Абдулла одатиша катта-катта қадамлар билан кўланканинг нариги томонига қараб кетди. У ҳаммавақт Дилафрўздаги бир хислатга қойил қоларди: қиз ҳал қилувчи дақиқаларда эсанкираб қолмай, доимо оқилона фикр юритар, оқилона қарор қабул қила оларди. Умуман, Дилафрўзнинг ажойиб ташкилотчилик истеъдодини ҳамма аллақачон тан олган, у икки йилдан бери институт комсомол ташкилотининг секретари қилиб сайданиб келарди.

Дилафрўз Хосиятга юзланди:

— Биз бундай қиласиз; узун бир дараҳт новдаси ёки темир сим топамизда, кўланкага эҳтиёткорлик билан ёндошиб тажриба ўтказамиз. Аввало кўланкани шу аҳволда тутиб турган, уни энергия билан таъминловчи манбани аниқлашимиз керак. Ана шундагина<sup>1</sup> унинг фаолиятини тўхтатиб, уни «жиловлаб» олишимиз мумкин. Умуман, бу ўзи нима — газми, тутунми ё умуман одамзодга шу пайтгача номаълум бўлган фазовий материями,— шуни аниқлашимиз зарур.

— Яхши,— деди Хосият секингина.

Хосият кишида дастлаб, оғзидан гапи тушиб кетаёт-гандек таассурот қолдирса-да, лекин аслида билимдон ва чаққон қиз эди. У дарров узун дараҳт новдасини топиб, Дилафрўзнинг қўлига тутқазди. Кейин дақиқа ўтмай, катта йўл чеккасидан эгилиб-букилиб кетган узун темир арматурани судраб келди.

Дилафрўз бу пайтда кўланкага яқин бориб, қотиб қолган ҳайвонларни синчиклаб кўздан кечираётганди.

— Наҳотки улар бутунлай музлаб қолишган бўлса? Бир неча дақиқа ичидая? Сира ақл бовар қилмайди...

— Буни ҳозир текшириб кўрамиз,— Дилафрўз шундай деб, қўлидаги узун новдани кўланка чегарасидан

ўтказди-ю, ўзини бейхтиёр орқага ташлади: новданинг қорамтири фонга кирган қисми худди ёна бошлагандай чирсиллаб тутаб, бир лаҳзадаёқ цеплофанга ўхшаш юпқа пленка билан қопланган — музлаб қолганди. Дилафрўз ўзини тутиб олиб, эшакнинг қорнига муз новдани теккизган эди, ўша заҳоти у майдаланиб, сочилиб кетди. Эшак қорнида эса, новда диаметри катталигида қора туйнукча ҳосил бўлганди. Ранги оқариб, ўнг кўзи пирпираб уча бошлаган Дилафрўз ирғиб ўрнидан турди: унинг энди ҳайратланишга ҳам ҳоли қолмаганди. Буни пайқаган дугонаси ҳозиргина тўғрилаб ултурган темир арматурасини қўлга олди.

— Буни тиқиб кўрсак-чи?

— Майли,— деди Дилафрўз; унинг кўриниши паришонхотир ва бир оз саросимали эди.

Хосият темирни кўланкага «суқди». Ажабо, арматура юпқа ва ялтироқ алланима биландир қопланган, лекин музламаган, ўзидан тутун ҳам чиқармаганди.

Дилафрўзнинг юзига қон югургандай бўлди.

— Демак, темир унга нисбатан турғун элемент экан,— деди у жонланиб.

— Ҳа, лекин... балки уни ҳам музлатар, агар узоқ қўйилсан...

— Бўлмаса, бирпас шундоқ ушлаб тур. Яхшиси шу туришида ерга ташлаб қўя қол. Ана шундай. Жуда бошим қотяпти. Бу қанақа газ муҳити бўлди экан ўзи? Одатда бирор улкан бино, бостирма ёки дарахт остида кўланка ҳосил бўларди. Бу бўлса очиқ ҳавода, нақ қуёшнинг остиғасида... Бирор тутун десанг, унда манбаси қани?

— Манбаси балки... ер остидадир?

— Қани? Қани, ахир? Менга кўрсат-чи! Бу ерлар ҳаммаси азалдан пахтазор жойлар бўлиб келган...

— Бу ҳам тўғри,— деди Хосият.

— Қизиги шундаки, у худди совун пуфагига ўхшаб ўзини атмосферадан кескин чегаралаб олган. Бу муҳит физиканинг оддий диффузия<sup>1</sup> қонунларига ҳам сира бўйсунмайди.

— Гапингда жон бор,— деди Хосият баттар руҳи тушиб.

Шу пайт чирсиллаган овоз эшитилиб, улар орқага

<sup>1</sup> Диффузия — бирор муҳитда у ёки бу газнинг, суюқликнинг бир текисда тарқалиши.

тисланишди. Күланка олға жилиб, ғұзаларнинг яңғы қаторини ямлай бошлаганди.

— Темирни ол-чи,— деди Дилафрүз.

Хосият арматурани күланкадан ташқарига тортиб чиқарди-да, ерга уриб күрди. Синмади. Үшлаб күриб бир оз илиб қолганини пайқашди. Демак, музламабди. Қизлар ўзларидан мамнун ҳолда күз уриштиришди. Энди уларда маълум даражада күланкага қарши ишлатиш мумкин бўлган материал бор эди.

— Энди, биласанми, нима қиласмиз,— деди Дилафрүз,— бирор ҳашорат ёки жонивор топиб, уларга кўланка қандай таъсир ўтказади, шуни синаймиз.

— Яхши.

Хосият нарироқдаги коллектор бўйига қараб кетди.

\* \* \*

Абдулла кўланка бўйлаб бораркан, бирдан унинг чегарасидан ташқаридаги майдонда ҳам музлаб қолган ғўзаларни кўрди. Қорамтири фондан ҳоли, аммо ғўзалар музлаган бу майдон ярим ой шаклида бўлиб, унинг ўртасидан то кўланкагача бўлган масофа йигирма-йигирма беш метр чамасида эди. Атрофда бошқа шубҳали ҳеч нима кўринмасди.

Йигит қотган ғўзалардан бирига яқинроқ келиб, четига туфлисини теккизди. Муздай ялтираб турган ғўза «дув» этиб тўкилиб тушди. Абдулла чўккалаб ўтириб, муз парчаларига ўхшаш, айни пайтда биллур синиқларини эслатувчи ғўза бўлакларини синчиклаб кўздан кечирди. Ёнма-ён турган соғлом ва музлаган ғўзаларни бир-бирига солишитирди. Соғлом ғўзаларнинг жигарранг ва нозик шохлари, кўм-кўк ёш барглари шамолда оҳиста тебранар, улардан жонли ҳаёт нафаси уфуриб турарди. Музлаганлари эса, мунгайиб, шамолда қимир этишмасди ҳам. Гўё озгина қаттикроқ шамол турса, чирсиllаб синиб кетадигандай. Булар энди ҳаёти сўнгани ўлик ғўзалар эди.

Абдулла шошилмасдан қаддини ростларкан, шаҳар томонга билинар-билинмас жилаётган кўланка даҳшатини бутун вужуди билан илк марта ҳис этди.

«Кўланка» шаҳарга кириб борди ҳам дейлик,— хаёлидан ўтказди йигит,— у ҳолда одамларнинг ҳоли нима кечади? У ҳайвонларни музлатгандан кейин, одамларни

музлатиши ҳам аниқ». Абдулла, кўланка орасига кирган ва танаси бир лаҳзада «зув» этиб тутаб, ўша заҳоти қотиб қолган одамни тасаввурига келтириди-ю, баданида чумоли юргургандай, сесканиб кетди. Олдини олиш керак! Қандай бўлмасин, кўланка шаҳарга йўламаслиги керак!

Йўқса...

Абдулла яна кўзларини юмиб, хаёлга толди.

«...Мана, кўланка шаҳар чегарасига этиб келди. Чоратрофда шамол фувиллади. У ўз қанотлари билан оғир кўланкани базур шаҳарнинг ичкарисига ҳайдайди. Эрта тонг бўлгани учун шаҳар осуда уйқу оғушида. Ана, кўланка биринчи кўп қаватли тураржой биносинг бир чеккасини ўз бағрига олди. Ўша заҳоти деворлардан жигарранг тутун «зув» этиб осмонга кўтарилиб, кўланкага сингиб кетади. Лаҳза ўтмай деворлар ярқироқ оқ плёнка билан ўралиб, музлаб қолади. Кўланка деворлар орқали ичкарига ўтади. Шаҳарнинг чеккасида курсдоши Салимларнинг оиласи туради. Аввал балконда ётган — оппоқ соқоли кўксига тушадиган оқкўнгилли Одил бобо «тутаб», музга айланади. У албатта музлашидан бир дақиқа аввал худди зилзила юз бергандек қаттиқ товушда: «Субҳонолло!.. Субҳонолло!.. Субҳон...»— деб бақиради-ю, тинчиди. Унинг овозини эшигтан Салим ва унинг ота-онаси бошқа уйлардан югуриб, балконга чиқишиади-ю, чолни бу аҳволда кўриб, бир лаҳза афрайиб қолишади. Қейин отаси ўзига келиб:

— Бобой, сизга нима бўлди?— дея унга ёрдамга интилиб, кўланка чегарасидан ўтиши ҳамоноқ тутаб, Одил бобонинг устида энгашган ҳолда музлаб қолади.

— Вой, худойим! Нима бўляпти?— деб хитоб қиласи Салимнинг онаси даҳшат ичиди.

— Шошманг, ойи! Анави сояга яқинлашманг!— бор овози билан қичқиради Салим онасининг қўлидан ушлаб орқага тисланаркан.

Улар шошилиб ошхонага чиқишиади. «Газ чиқиб кетмаганмикн?»— деб газ плитага хавотир билан қарайди Салим. Йўқ, ҳамма мурватлар одатдагича маҳкамам беркитилган. Бу ўртада соя уларнинг ошхонага бостириб кира бошлайди.

— Ташқарига!— хитоб қиласи Салим онасининг қўлидан тортиб эшикка бошларкан.— Йўқса, у бизни ҳам ямлаб юборади!..

— Мени қўйиб юбор!— дейди онаси йиғлагудай бў-

либ.— Ахир даданг билан отанг ичкарида-ку! Уларни қутқармай қаёққа кетамиз?

— Ойижон! Уларга энди ёрдам бера олмаймиз! Энди биз ўзимизни, бошқа тирик қолғанларни асраш ҳақида бош қотиришимиз керак!

— Наҳотки... Наҳотки даданг билан отангдан айрилиб қолдик? Вой, жигарларим!!.— беихтиёр ҳўнграб юборади Салимнинг онаси.

Улар ташқарига чиқишганда уйнинг олдида даҳшат ва саросимада дод-фарёд солиб ўёқдан-буёққа югуриб юрган одамларга дуч келишади. Маълум бўладики, бирор фарзандидан, бирор ота-онасидан, яна бирор эри ёки хотинидан жудо бўлган.

Бу орада уйнинг икки пастки қаватини ямлаб улгурган кўланка ҳажми узлуксиз ўсиб борар экан, (дуч келган нарсани ямлаганидан кейин, шубҳасиз, ўсади-да!) олга интилади. Бу пайтда тагидаги пойдеворлари музлаб, мўрт бўлиб қолган бино гурсиллаб босиб тушади; тепадаги қаватлар ҳам кўланкага ем бўлади. Бу фожиани кўрган одамлар улкан соядан тўрт томонга қочишишади...»

— Қандай даҳшат!— деди Абдулла кўзларини очиб ва худди бирор нажот излагандай катта йўлга қаради. Аксига олиб бирорта ҳам машина кўринмасди. Бу ерларда умуман машиналар кам. Улар пахта терими мавсумидагина кўпайишади. Ҳозир эса, икки-уч соат ичида бир машина ўтса ҳам катта гап. Бўлмаса у ҳам йўқ.

Ингит кўланкадан холи, музлаган ғўзалар майдонига қараб, унинг яна кенгайганини пайқади. Кўланка ҳамон шаҳар сари жилиб борарди. У кўланкани бундан бир неча соат олдинги, яъни ғўзалари музлаган майдон шакли билан таққослаб кўриб, унинг ҳозирги айланаси, тахминан, бир неча метрга кенгайганини, айни пайтда у юқори томонга ҳам билинار билинмас ўсаётганини аниқлади.

Абдулла әнгashiб, каттароқ ғўза шохини синдириб олди-да, кўланка орқада қолдирган — музлаган ғўза-пояларининг тагини жон-жаҳди билан ковлашга киришиди. Ажабо, тупроқ музлаб, мўрт бўлиб қолган, ёғоч тегиши билан чирсиллаб, палахса-палахса бўлиб кўчиб тушарди: оддий ғўза шохи ёрдамида ҳам bemalol чуқур ковлаш мумкин эди.

Ярим метрча қазилгач, ниҳоят, одатдаги ер кўринди. «Демак, кўланка тупроқни, тахминан, ярим метр қа-

линликда музлата олар әкан», — ўзича хулоса чиқарди Абдулла.

Йигит күланканинг нариги томонига — қизлар та-рафга чопиб кетди.

\* \* \*

Собир билан Сурайё тез юриб катта йўлга чиқиши-ди-да, юргургандай одимлаб, шаҳарга йўл олишди.

— Наҳотки у ҳамма нарсаларни музлатаверса? — ҳануз ишонгиси келмасдан сўради Сурайё.

— Эшакларни кўрдинг-ку. Тезроқ юр!

— Одамларни ҳам шу аҳволга солармикин?

— Шубҳасиз.

— Жуда қизиф-а! Худди фантастик кинофильмлар-дагидай.

— Лекин бу — фантастика эмас, аччиқ ҳақиқат. Қолиб кетма, тезроқ юр, жоним! — У Сурайё билан ёл-ғиз қолган пайтларида қизга «жоним» дея мурожаат қиласарди.

Жадаллаб кетишиди.

Иккала томонда кўм-кўк ва бир текис паҳтазор худди сокин океандай ястаниб ётар, шундоқ йўлнинг би-қингинасида у ер-бу ерда кимёвий ўғитлар — супер-фосфат ва аммофос уюмлари кўзга ташланарди. Уларнинг ёнидан ўтаркан, йигит билан қизнинг димогига аччиқ ҳид урилди.

Мана, ниҳоят, улар шаҳар чеккасига етиб келишди. Шаҳарга кираверишда ўртасига қизил атир гуллар экилган катта ҳалқа шаклидаги йўл бўлиб, у тўрт томонга (учтаси — шаҳар ичкарисига) тармоқлаб кетганди. Бу ерда энди машиналар серқатнов эди.

— Тезроқ, жоним! — Собир қизнинг қўлидан ушлаб, ҳалқадан ўнгга бурилган кўчага бошлади. Улар азбаройи шошилишганидан светофорнинг қизил чироғига ҳам қарамай йўлни кесиб ўта бошладилар. Лекин шу заҳоти машина ғилдиракларининг асфальтга ишқаланиб қаттиқ чийиллагани эшитилдио катта юк машинаси кескин чапга бурилиб, қарама-қарши йўналишда келаётган оқ «Жигули»нинг орқа биқинига зарб билан урилди.

Кўчанинг ўртасидан чуриллаган ҳуштак овози эшитилди. Баланд бўйли қоматдор милиция сержантини тез-тез одимлаб фалокат юз берган жойга келмоқда эди. Бир зумда кўчада машиналар тўпланиб қолди. Одам-

лар йигилишди. Ҳамма пачақланган машиналарга ачи-  
ниш ва ҳайрат билан тикиларди.

Юк машинасидан тушган малла сочли қирқ ёшлар-  
даги озғин шофёр Собир билан Сурайёга ўшқира  
кетди:

— Пешанангиздаги кўзми ё пўстакнинг тешигими?  
Гарданингга солиб қолайми!

— Ўртоқлар, тарқалинглар! Ҳеч қандай томоша  
йўқ!— қоматдор милиционер бир-бири билан тўқнаш-  
ган машиналарнинг олдига келиб, уларни кўздан кечи-  
риб чиқди-да, шофёр йигитга мурожаат қилди:— Ҳов  
оғайни, қани бу ёққа келинг-чи. Грузовик сизникими?  
Сизлар ҳам бери келинглар, ҳўв укам, синглим. «Жи-  
гули» сизга қарашлами, ўртоқ?

Пачақланган люкс «Жигули»нинг эгаси — қорама-  
ғиздан келган, чуст дўппи кийган ёш йигитча йиғлагу-  
дай бўлиб, боши билан тасдиқ маъносини билдириди.

— Ўртоқ сержант,— деди боядан бери нима қила-  
рини билмай ағрайиб қолган Собир, ниҳоят ўзини ту-  
тиб олиб: қарасаки ҳаливери бу ердан кетиша олмайди-  
ган. Шунинг учун у сержантга шоша-пиша бор гапни,  
қаерга ва нимага кетишаётганини қисқа қилиб айтнб  
берди. Гапининг охирида:— Майли, кейин бизни суд  
қилсанглар ҳам розимиз!— дея қўшимча қилди. Сер-  
жант йигитга аввал ажабланиб тикилди. Лекин «Жи-  
гули»нинг эгаси қулоғига алланима деб шивирлаши билан юзини истеҳзоли бир парда эгаллади:

— Э, оғайни, суд қилиш учун сиздан розилик сўраб  
ўтиришмайди. Яқинда қуёш ботса, кўланкангдан асар  
ҳам қолмайди. Яхиси эртагингни бориб бувингга айт.  
Кўча қондасини буздингларми, энди жавоб берасиз-  
лар!..

— Ахир, тушунсангиз-чи, ўртоқ сержант, сизга ай-  
тиб берганим эртак эмас. Аҳвол жуда жиддий! Кўлан-  
ка шаҳарга бостириб келяпти!

— Менга қара, ука, сен кўп бошимни қотирма. Кўр-  
япсан-ку, кўча ҳаракати тўхтаб қолди.

Сержант шундай деб машиналар ҳаракатини йўлга  
солиш мақсадида йўлнинг нариги томонинга ўтди. Эшик-  
ларини очиб, қараб турган шофёрларга қўлидаги таёқ-  
часини ўйнатиб, айланиб ўтиб кетаверишни буюрди ше-  
килли, машиналар бирин-кетин қўзғала бошлади. Кўча  
ҳаракати ниҳоят изга тушгач, сержант орқасига қайтди.

Собир кўланка ҳақида унга илтижо билан яна уқди-

ра бошлаган эди, шундоқ ҳам фифони ошиб турган юи машинасининг ҳайдовчиси — малла сочли озғин одам ўшқира кетди:

— Менга қара, ука, гарданингга солиб юборайми!? Қилгиликни қилиб қўйиб, тағин нега аллақаёқдаги гаплар билан бошни қотирасан?

— Нега ишонмайсизлар, ахир! — куйиниб дерди Собир. — Қасам ичишим мумкин!..

— Мен ҳам қасам ичишим мумкин! У рост айтятти! — гап қўшди йиғлагудай аҳволда турган Сурайё.

«Жигули»нинг әгаси — чуст дўппили ёш йигит милиционернинг қулоғига:

— Улар найранг қилишяпти, ака, — деб пичирлади. — Сизни алдаб, осонгина қутилиб кетишмоқчи.

Бироқ унинг гапини ҳамма эшитди. Озғин ҳайдовчи яна ғазабини сочди:

— Мен сенларга найрангбозлик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Ҳар доим шунақа, булар кўча қоидасини бузишади, жабрини биз ҳайдовчилар тортамиз...

— Тинчланинг, оғайни, тинчланинг! — дерди сержант баланд овозда ёнига осиб олган сумкасидан қалам-қофозларини оларкан. — Ҳозир протокол тузамиз, ҳаммангиз тагига имзо чекасизлар.

Собир ноилож:

— Майли. Нима қилсангиз ҳам тезроқ бўлинг, — деди бўшашибгина.

— Мана бу бошқа гап...

\* \* \*

Абдулла қизларнинг олдига етиб келганда, Дилаф рўз билан Хосият узун темир арматура ёрдамида кўланка ичидан музлаб қолган қурбақани тортиб олишга урнишиштанди. Йигит арматурани дарров уларнинг қўлидан олди-да, учини қурбақага теккизиб, уни четга сурib чиқарди. Худди ойнадек ялтироқ бўлиб қолган қурбақа учга бўлинib кетган эди.

— Демак, кўланка ҳар қандай органик моддани қотириш хусусиятига эга, — хулоса қилди Дилафрўз, кейин Абдуллага мурожаат қилди: — Хўш, сен нималарни аниқлай олдинг?

Абдулла нимаики аниқлаган бўлса, ҳаммасини бирма-бир айтиб берди.

— Бўлмаса шаҳардан одамлар келгунча бекор турмай, яна шундай бир тажриба ўтказсак, дўстлар,—

деди Дилафрүз пicha ўйланиб олгач,— ҳозир сен, Абдулла, бирор каттароқ темир тунука топасан. Қейин унинг ёрдамида кўланкани эҳтиётлик билан қирқиб кўрамиз. Ҳа-ҳа, қирқамиз, менимча, бу оддий газ эмас, қандайдир яхлит масса. Бир парчасини ажратиб олганимиздан кейин эса, унинг устида бошқа тажрибалар ўтказишимиш ҳам осонлашади.

«Ақлданам бор-да роса!— Дилафрўзниң гапидан ҳайратга тушган Хосият кўнглидан ўтказди.— Ҳамма гап унинг жуда кўп китоб ўқиганлигида бўлса керак. Болалигидан то шу кунгача шунақанги кўп ўқийдик!.. Аввал эртаклардан бошлаганди. Эртак кетидан эртак, эртак, эртак... Ҳатто, ота-онаси хавотирга тушиб, қўлидан китобларини тортиб олиб қўйганини ҳам ўзи неча марта кўрган. Унинг ўзи бўлса, деярли китоб ўқимай, болалигини фафлатда ўтказиб юборибди. Бунинг устига бирор нарсага бундоқ тузукроқ ихлос ҳам қўймабди-я,вой каллаварам».

Абдулла тунука парчасини қидириб, сал нарироқдаги коллектор томонга кетди. Дилафрўз Хосиятга юзланди:

— Иккаламиз эса, манави сим ёрдамида кўланканинг зичлигини аниқлаймиз.

Хосият бир зум ағрайиб қолди, кейин секингина сўради:

— Қандай қилиб?

— Жуда оддий. Мана қараб тур!— Дилафрўз ердан арматурани олди-да, бир чеккасидан юқорига кўтариб «фи-ювв» этказиб ҳавони кесди.— Қўряпсанми, ҳавонинг қаршилиги симга нисбатан жуда кам. Деярли бемалол ҳаракатланяпти. Энди шу ҳаракатни кўланкада такорлаймиз.— Қиз кўланкага яқинлашиб симни куч билан унинг чекка «деворига» урди. Сим аввал кескин пастга жилиб, кўланканинг чегарасига етгач, худди сувни кесиб ўтаётгандай қўққисдан ҳаракати бир мунча сусайиб, яна ташқарига чиққач, тезлашиб қизнинг оёқларига тегай деди.

Хосият жон ҳолатда:

— Вой, эҳтиёт бўл!— дея хитоб қилди.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Дилафрўз бамайлихотир.— Ана, кўланканинг солиширма зичлиги ҳавоникидан анча кўпроқ эканини ҳам билиб олдик.

— Худди сувнинг солиширма оғирлигидай шекили?

— Ың, менимча, ундан ҳам ортиқроқ.

— Газ бўлса ҳам, роса оғир газ экан-да?

Қызлар ўйчан ҳолда яна күланкага тикилишаркан, чирсиллаган овозлардан беихтиёр орқага тисарилишиди. Күланка ғўзаларнинг навбатдаги қатори устига хуруж бошлаганди. Бир неча дақиқа ичидა қызларнинг кўз ўнгига яна бир қатор ғўза тутаб, қотиб қолди.

— Қандай даҳшат-а! — деди Хосият ҳаяжон билан шивирлаб.

Дилафрўз ўғирилиб, Абдулла кетган томонга қарди. Паҳтазор узра шамол кучайган, ғўзалар худди унинг мусиқасига рақсга тушаётгандай бараварига ўёқдан-буёққа вазмин бош эгишар, паҳтазорнинг ҳувчеккасидағи баланд-баланд дараҳтларнинг хийла катталашиб қолган барглари худди байроқчалардек пирпирап эди. Абдулла адир томондаги коллектор ёнида ивирсиб тунука излар эди.

— Собир билан Сурайё жуда узоқ қолиб кетишидими? — деди Дилафрўз шаҳарга жўнаган «чопарларни» эслаб. — Менимча, қайтадиган вақтлари бўлди.

— Ха, автобусда борилса, ижкөрөмгача атиги олти-  
етти бекат.

Дилафрўз бу ердан анча олисдаги йўл билан адир ўртасидаги чайлага ўҳшаган уйни кўриб қолди-да, бирдан миясига яна бир фикр келди.

Нама қыламна борибә

— Нима қыламыз борио?

— Кагтароқ одам булса, зора ердами теса. үндән кейин... калламга бир ўй келди.

— Яна тажрибами?

— Да. А

— Ха күнди адамга

— Да, күчли алана.  
— Маңсандынгга тушундим. Лекин күланкага алана уриш хавфли эмасмикин?

— Менимча, йўқ. Солиштирма оғирлиги катта жисмлар одатда қийин ёнади ёки умуман ёнмайди. Асосйиси, словнинг унга қандай таъсир қилишини билиб олишда. Балки суюқликка айлантириб, эритиб юборар?

— Жуда қизиқ!

— Кетдик бўлмаса.

Қизлар уйча томонга жадал юриб кетишиди.

2-3565

17

\* \* \*

Абдулла эски тунука ёки темир парчаси қидирап, бироқ хәёли ҳамон даҳшатли кўланкада эди. Мактабдош ўртоқлари унга «хаёлпараст» деб бежиз лақаб қўйишмаганди. Ҳозир ҳам ўзи излаётган тунука парчасига кўзи тушди. У коллекторнинг нариги томонида турроққа ярим ботиб ётарди. Лекин хәёли бошқа жойда бўлгани учун уни пайқамади. Нигоҳини бошқа ёққа ўтказди. Аммо бир дақиқадан сўнг қўққисдан тунука парчасини қаердадир кўрганини сезиб, дарров яна ўша томонга қаради. Ҳа, ана!

У темир парчасини олди-да, кўланка сари йўналди. Қизларнинг адир томонга йўл олишганини кўриб, тағин ўз ўйларига берилди.

«Мана, кўланка шиддатли тезликда олға интиляпти. Чор-атрофда шамол турган. Фўзалар худди денгиз тўлқинларидаи оҳиста чайқалади. Кўланка даставвал юқори вольтли электр узатиш тармоғининг баланд пўлат таянчи, унга туташган зангори изоляторлар қатори ва йўғон-йўғон симларни ўз «бағрига» олади. Уша заҳоти изоляторлардан бир зум тутун кўтарилади-ю, улар чирсиллаб, ўзлари кўтариб турган симлар билан бирга пастга қулайди. Ўзаро тегиб кетган симлар қисқа туташув туфайли чор-атрофга яшиндек ўт чақнатиб узилиб тушади. Бу тармоқни ишдан чиқаргач, кўланка иккинчи ва учинчи линияни ҳам осонгина ўз измига олади. Оқибатда... оқибатда электр қувватидан буткул маҳрум бўлган шаҳар қоронгулика қолади. Ахир бу учта тармоқ шаҳардан етмиш километр наридаги улкан ГРЭС ва ГЭСнинг электр қувватини етказиб берувчи асосий магистраллар-да!

Кўланка йўлида давом этаркан, энди коллекторни кесиб ўта бошлайди. Коллекторнинг даҳшатли соя теккан қисми ҳам электр таянчларининг қисматига шерик бўлади. Кўланка чеккасида қолган сув тошиб, пахтазорга уриб кетади.

Лекин кўланканинг катта канал билан тўқнашуви натижасида юзага келадиган сув тошқини олдида буниси ҳолва.

Ана, кўланка каналга ҳам бостириб келди. Сувнинг юзаси ярим метр қалинликда дарров тутаб, музга айланиб, оқимнинг йўли тўсилади. Оқибатда сувнинг сатҳи юксала бориб, музлаган сувнинг янги-янги қаторлари юқорига кўтарила бошлайди. Бир неча фурсатдан

сүнг каналнинг кўланка босган жойида каттагина муз тўрон ҳосил бўлади. Сув энди табиий равишда каналдан тошиб, атрофга ёйлади. Унинг ўнг томони шаҳарга, чап томони пахтазорга қараб уради... Қандай даҳшат!..»

— Топдингми, Абдулла? — Узоқдан Дилафрўзнинг жарангдор овозини эшитиб йигит чўчиб тушди. Сал нарида қўлида алланарсалар кўтарган собиқ синфдошлиари келишарди.

— Ҳа, мана.

— Жуда соз. Биз ҳам излаган нарсамизни топдик,— Дилафрўз қўлидаги сариқ примусга ишора қилди,— ичидагеросини ҳам бор экан. Энди шаҳардан одамлар келишгунча баъзи тажрибаларимизни ўтказиб олишимиз мумкин.

Абдулла бир лаҳза қовоқ-лунжи осилиб, ўйланиб қолди. Қейин қатъий оҳангда:

— Менимча,— деди,— биз ҳозир тажрибаларни қўя турсак! Ахир анави таянчларни кўряпсанми? — Юқори вольтли линияларга ишора қилди йигит.— Уларга бир чақирим ҳам келмайди. Агар кўланканинг йўлини тўсишнинг бирор иложини қилмасак, у ҳолда...

— У ҳолда шаҳарда фалокат юз беради.

— Демак, биз ҳозир қандай бўлмасин, шаҳар раҳбарларини воқеадан воқиф этишимиз керак.

— Ахир Собир билан Сурайё худди шу мақсадда кетишиди-ку!

— Улар жуда ҳаяллаб қолишиди... Балки гапларига ҳеч ким ишонмаётгандир?

— Собир анои эмас, ишонтиради. Ҳозир эса, тажрибани давом эттирамиз.

— Яхши. Мен нима қилишим керак?

— Тунука ёрдамида кўланкадан жиндак қирқиб олишга уриниб кўр. Эҳтиёт бўл, фақат. Биз эсак, примусни ёқиб, сен қирқиб олган кўланка бўлакчасининг оловга бардошини синааб кўрамиз.

— У олов таъсирида портлаш хусусиятига эга бўлса-чи?

— Менимча, портламаса керак. Айтдим-ку ҳали, умуман катта зичликка эга бўлган материаллар оловорга бардошли бўлишади.

Улар бир зумда ишга тушиб кетишиди. Абдулла бир дақиқа ичидәёқ тунукани гоҳ оёқлари остига олиб, гоҳ қўллари билан бука-бука узун тутқичли учбурчак шак-

лидаги ҳокандоз ясади. Қизлар эса, примусни ловиллатиб ёқиб юборишиди.

— Башладик! — Абдулла шундай деб, кўланка сари юрди.

Қўққисдан Дилафрўз йигитга:

— Енгингни торт! — деб қичқириб юборди. Ӯша заҳоти Абдулла орқасига тисланди. Лекин у кечикканди: кўланкага уриб олган енгининг ўрик баргидек жоий ялтираб музлаб қолганди.

— Энди шошилмай тур! — Унга яқин келган Хосият ердан фўза новдасини синдириб олди-да, Абдулланинг енгига — музлаган жойга теккизди. Ӯша заҳоти енгда тешик ҳосил бўлиб, ундан бир оз қизарган қўл кўринди.

— Ачишяптими? — ачиниб сўради Хосият.

— Озгина, — деди Абдулла, — танамга тегмабди шекилли.

— Шунақага ўхшайди, — деди Дилафрўз, — эҳтиёт бўл, дедим-ку! Ё ҳокандозни менга берасанми?

— Йўқ, ўзим, — йигит ўжарлик билан яна ўгирилди. Ҳокандозни худди юмшоқ пахса деворнинг тагига ургандай кўланканинг пастки қисмига ботирди. Кейин тутқични пастга босган эди, кўланканинг фиштдек бўлаги ҳокандознинг юпқа оқиш пленка билан ўралган учбурчак қисмига қўшилиб ажралиб чиқа бошлади.

— Қўрдингми, бу оддий тутун эмас, моддий нарса! — хитоб қилди Дилафрўз ҳаяжонда. — Четга торт, тортавер!

Абдулла кўланканинг фиштдек қисмини куч билан сурба бошлади.

— У магнит хусусиятига ҳам эга экан, — деди йигит ундан кўз узмай, — ажратилаётган қисмини катта куч билан ўзига тортяпти!

— Тортавер, тортавер! — ҳовлиқиб гапирди Дилафрўз. — Магнит куч-чизиқлари қаердадир тугаши керак-ку, ахир!

«Фишт» бир ярим метрча сурилгач, асосий кўланканинг таъсир кучи тугади шекилли, Абдулла «уф» тортиб, ҳокандозни бўшатди. Кўланка бўлаги икки фўза қатори орасида гумбаз шаклида қотиб турар, устки қисми эса, магнит майдони таъсириданми, ҳар қалай асосий танага интилиб, бир оз қийшайиб қолгандай эди.

\* \* \*

Милиционер Собир билан Сурайёни эшик пештоқынга «С—т Маҳмудов М. М» деб ёзилган хонага олиб кирди-да, шу ерда ўтира туринглар, дея ўзи қаёққадир кетди. «Тфу!»— деди Собир азбаройиғиңиндан муштларини туғиб. Сурайё йиғлагудек аҳволда хонани кўздан кечирди. Одатдаги оддий иш кабинети. Стол, стуллар, телефон, деворларда кўча ҳаракати қоидаларига оид плакатлар, расмлар...

Қиз нигоҳини яна телефонга тикди. Кўзлари чақнади. Собирга ўгирилди:

— Телефон!..

Собир дарров столга юзланди-да, ўша заҳоти ўзини телефонга отди. Шошилиб «09»ни терди. Аксига олиб линия банд эди. Яна терди. Яна, яна.. Ниҳоят, жуда узоқдан аёл кишининг қўйполроқ овози келди:

— Менга шаҳар ижрокоми раисининг телефонини берсангиз,— бақириб илтимос қилди Собир ҳовлиққанича. Аёл янайам қўйполроқ овозда:

— Ёмон эшитиляпти, бошқатдан телефон қилинг,— деди-да, трубкани осиб қўйди.

— Оббо!— Собир ҳам жаҳл билан трубкани жойига қўйди. Кейин тағин олиб бошқатдан номер теришга тушди. Линия яна банд эди. Ўзи доим шунақа. Бир ишинг юришмаса, ҳаммаси чаппасига кетаверади. Ўжаҳл билан трубкани жойига осаман деб, кўрсаткич бармоғини қисиб олди. «Ихх..»— дея бармоғини оғзига олиб борди.

Энди Сурайё номер теришга тушди. Кейин ижрокоми раиси телефонининг номерини қофозга ёзиб, Собирга узатди.

— Бормисан, жоним!— Чеҳраси ёришган йигит дарров раисга телефон қилишга тутинди.

Шу чоқ хонага сержант қайтиб кирди.

— Ие, ие,— деди у кўзларини Собирга қадаб,— Ҳали бирорнинг хонасида хўжайнчилик ҳам қиляпман денглар. Қўй жойига! Қўй деяпман сенга!

Собир иложсиз трубкани қўйди.

— Ҳозир сизларни бўлим бошлиғимиз майор Клеблеев ҳузурига олиб кираман,— деди сержант қатъий оҳангда.

Майор Клеблеев қирқ беш ёшлардаги, соchlарининг ақласига оқ оралаган салобатли ва жиддий одам экан. Собир уни кўриши биланоқ сўниб қолаёзган умид уч-

қунлари қайта ёлқинланди. Бу одам унга ишониши керак. Буни кўзлари айтиб турибди. Албатта ишониши керак.

Майор бир зум уларга қаттиқ тикилиб турди-да, афсусланган оҳангда:

— Жуда ёш экансизлар,— деди бошини оҳиста чайқаб,— яаш жонига тёккан одамларга сира ўхшамайсизлар. Энди ўзинглар айтинглар-чи, нима қилсак бўлади сизларни?

Собир бор гапни ётиғи билан бирма-бир айтиб берди. «Жуда шошилганимизнинг боиси ҳам шу»,— деди гапининг охирида.

Клеблеевнинг салқи пешанасида ажинлар пайдо бўлди. У қаршисидаги ёш йигитнинг ақл бовар қилмайдиган ишонгандек эди. Буни пайқаган сержант руҳсат сўраб, гапга аралашди:

— Менимча, унинг кўланка тўғрисидаги гаплари уйдирма. Ахир ҳаммаёғи очиқ паҳтазорда, ҳеч қандай бостирма йўқ жойда кўланка нима қилсин?!

Майорнинг пешанаси тиришган тунд чеҳраси ҳамон ўйчан тусда эди.

Собир қотиб қолган ғўзалар, тириклайн музлатилинг ан ҳайвонлар ҳақида қайта гапира бошлаганида, Клеблеевнинг пешанаси янада кўпроқ тиришгандай бўлди. Ниҳоят, йигитга тик қараб, савол берди:

— Айтинглар-чи, ўша кўланканинг тагида ҳеч нарса йўқмиди? Бирор тошми ёки метеорит парчасими?

— Йўқ!— Бараварига жавоб беришди қиз билан йигит.— Ҳеч нарса йўқ эди.

— Қизиқ,— деб қўйди майор худди ўзига гапиргандай. Кейин сержантга буюрди:— Сотиболдига айтинг, дарров машинани олиб чиқсан.

— Ҳўп бўлади, ўртоқ майор!— сержант шошилиб чиқиб кетди.

Майор телефон трубкасига қўл узатар экан, ёшларга мурожаат қилди:

— Сизлар ташқарида кутиб туринглар. Беш минутдан кейин ўша айтган жойингизга жўнаймиз.

«Кучли одам экан,— ўзича ўйларди Собир Сурайёнинг ортидан ташқарига йўл оларкан,— бирорта ҳам ортиқча гап гапирмайди. Ҳамма гапи худди ўқдай мўлжалга урилади. Қиёфаси ҳам қандайдир салобатли»,

Майор Клеблеев унга жуда маъқул тушганди.

\* \* \*

Гумбаз шаклидаги жажжи кўланка, шамол таъсириданми, худди жонлидай билин-билинмас тебраниб турарди. Дилафрўз, Хосият ва Абдулла уни уч томондан ўраб олиб, кўланкага олов таъсири ҳақида баҳса-лашишарди. Нарироқда примус ёниб турибди. Ниҳоят, бир қарорга келишиб шекилли, бирдан Абдулла примусни қўлига олди-да, эҳтиёткорлик билан гумбазга тутди. Ажабо, оловнинг қизил тили кўланканинг чегарасини осонгина ёриб ўтди-да, ўша заҳоти бинафша рангга кириб, ўзидан қандайдир оч ҳаворанг тутун чиқара бошлади. Тутун гумбаз ичиди бир текис тарқалар экан, жажжи кўланка тобора қуюқлашиб борар, айни пайтда катталашаётган ҳам эди.

— Қаранглар! У семиряпти! — хитоб қилди Дилафрўз. Абдулла примусни тортиб олар экан:

— Демак, алантга чиқарадиган углеводород гази кўланка учун «севимли таом», — деди.

— Ҳа, — деди Дилафрўз, — унга қарши олов ёрдамида курашиш мумкин эмас!

— Унга сув сепиб кўрсак-чи? — журъатсизгина сўради Хосият.

— Ҳозир коллектордан сув олиб келаман, — Абдулла йўлга отланди.

— Шошилма. Примусни ўчириб, мурватини оч. Аввал унга озгини керосин сепиб кўрамиз.

Абдулла дарров Дилафрўзнинг айтганини қилди. Кейин кафтини қошиқ қилиб озгини керосин қўйди-да, гумбаз устига сепди. Ажабо, керосин томчилари жажжи кўланканинг устки қисмидаёқ тутаб, муаллақ ва тартибсиз ҳолда музлаб қолишиди.

— Тутадими, керосин ҳам унинг учун «таом». Лекин агар сув сепсан, у тутамаса керак, негаки таркибида углеводород йўқ, — қатъий қилиб деди Дилафрўз.

Шу пайт қиз орқасига ўгирилиб кутилмагандага қичқириб юбораёзди. Асосий кўланка шундоқ Хосиятнинг ёнига етиб келган, қиз агар тирсагини озгини қимирлатса ҳам унга тегиши аниқ эди.

— Қимирлама! — деди Дилафрўз бақиргудай овозда. — Орқага қоч!

Хосият ўзини орқага олди.

— Чорак соат ҳам ўтмасдан наҳотки у бир неча метрга силжиган бўлса?

— Шамол кучайганга ўхшайди. Шу кетишида у

электр узатиш линияларига бир неча соат ичидаёк етиб олади...

— Мен шаҳарга бориб келаман,— деди Абдулла қатъий.— Собирлар жуда ҳаяллаб кетишиди.

— Хосият ҳам бора қолсин,— деди Дилафрўз.

— Йўқ, ҳа демай қоронғи тушади, у шу ерда кўпроқ керак бўлиши мумкин,— шундай деб йигит жадал одимлаганча, йўлга тушди.

— Энди нима қиласиз?— сўради секингина Хосият.

— Эндими?.. Кўланканинг нариги томонига ўтайлик-чи...

Кўланканинг ортида қизлар яна ғайриоддий манзаранинг гувоҳи бўлишиди: каллалари ва думлари «си-ниб» тушган эшак ва унинг хўтиги энди кўланкадан четда қолиб кетишиганди. Ўтган вақт ичида кўланка юз метрча масофага олдинга силжиганди.

— Кўряпсанми, у энiga ҳам ўсибди,— деди Дилафрўз,— кўланка орқасидаги ярим айланани қарагин-у, унинг шу туришдаги ярим айланасини қара. Фарқ жуда катта, тўғрими? Демак, у йўлида дуч келган нарсаларнинг гўё «қонини» шимиб, ўзи тўхтовсиз ўсиб бораётиди!

— Қизиқ,— деди Хосият журъатсизгина,— кўланка ни йўқотишининг ёки унинг йўлини тўсишнинг умуман бирор иложи бормикин ўзи?

— Менимча, бор. Бунинг учун янада жиддийроқ тажрибалар ўтказиб кўриш керак.

— Масалан?

— Масалан, унинг таркиби, босими, иссиқлик дарожаси, турли электромагнит хусусиятларини обдон ўрганиб чиқиши керак. Қуёшдан тушадиган ультрабинафша, инфрақизил, юлдузлардан келувчи космик нурлар унга қандай таъсир қиласи, буларни яхши билиб олганимиздан кейингина бирор хулосага келиш мумкин.

— Ҳа, тажриба учун ажойиб объект экан,— деб қўйди Хосият дугонасининг жавобидан қониқиши олғандай бир оҳангда.— Айтмоқчи, унинг йўлини балки улкан металл девор ёрдамида тўсиш мумкинди?

Дилафрўзнинг кўзлари хурсандликдан чақнаб кетди.

— Бироқ,— деди у бир оздан сўнг ўйчанлик билан,— кўланка ер ва ҳаводаги моддалар билан туташиб, тўхтовсиз ўсишда давом этаверса, деворни ошиб ўтиши ҳам мумкин... Кейин металлнинг кўланкага нисбатан бардоши қанчага етади, балки у ҳам маълум

вақт ўтгач, чидаш беролмай, музлаб, емирилиб кетар. Булардан ташқари кўланка металл девор остидан ўпирб чиқиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Негаки, тепага ўсаётган номаълум газ қатлами ер ости сари ҳам хуружга ўтган, дейилса, сира мантиқа зид бўлмайди. Яъни вақт ўтиши билан балки у ерни ярим метр эмас, эҳтимол, икки, уч метр, ҳатто ундан ҳам чуқурроқ қалинликда музлатиб емира олиш хоссасига ҳам эгадир? Ким билади, бир неча йил бир жойда турса, балки Ер шарининг нариги томонидан ҳам тешиб чиқа олар?..

— Жуда қизиқ,— деди Хосият ҳайратдан оғзи очи-либ. Дилафрўз пича ўйланиб тургач, кутилмаганда сў-раб қолди:

— Менделеевнинг элементлар даврий системаси өсингдами?

— Ҳа,— чўчибироқ жавоб берди Хосият.

— Агар ёдингда бўлса, унда нўлинчи группа элементлари ҳам бор; гелий, неон, аргон...

— Ҳа, ёдимда.

— Ана шу группанинг пастроғида эса, тартиб номерларигина кўрсатилган бир неча бўш катакчалар бор. Булар табиатда мавжуд деб топилган-у, лекин ҳали кашф этилмаган. Менимча, қаршимиздаги кўланка ана шу фаройиб инерт газларнинг ҳали кашф этилмаган янги вакили иштирокидаги фоятда мураккаб бирикма. Бироқ уни айни маънода инерт газ деб аташ ҳам тўғри эмас. Негаки, инерт газлар ниҳоятда пассив, реакцияга киришмайдиган, киришса ҳам фоятда беқарор бирикмалар ҳосил қилишгагина қурби етадиган элементлар эканлиги ҳаммага маълум. Бу, менимча, инерт газларга нисбатан акс хоссаларга эга бўлган газ. Яъни у жуда актив ва жуда барқарор, жаҳондаги жами нарсалар ва моддалар билан реакцияга киришаверади, улардан ўзига керакли моддаларни тортиб олади-да, ортиб қолганини чиқитга чиқараверади.

— Ақлинга қойилман!— хитоб қилиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди Хосият.

\* \* \*

Кўп ўтмай майор хонадан чиқиб, коридорда ўтирган Собир билан Сурайёга мурожаат қилди:

— Қани, кетдикми?

Собир сакраб ўрнидан турди:

— Кетдик!

Лаҳза ўтмай, майор Клеблеев, қоматдор сержант,

Собир ва Сурайё ўтирган «Волга» катта кўча бўйлаб ўқдай учиб бораарди.

— Битта-яримта физик ёки кимёгар олимлардан олиб кетсак яхши бўлармиди,— деди Собир олдинги қаторда сукут сақлаб ўтирган майорга мурожаат қилиб. Клеблеев бошини ярим ўгириб, бир зум ўйланиб турди-да, шофёрга буюрди:

— Фанлар академиясига ҳайданг.

Орадан чорак соат ўтгач, машина академиянинг ҳашаматли биноси қаршисида тўхтади, майор Клеблеев ичкарига кириб кетди. Беш минутдан сўнг у каттароқ ёшлардаги бири тепакал ва бирининг сочи оппоқ миқти гавдали икки олимни бошлаб чиқди-да, Собир билан шофёр йигитга қаратса:

— Сизлар йўл бошланглар, биз орқангиздан анави «Волга»да борамиз,— деди.

Улар учаласи сал олдинроқда турган «Волга» томонга кетишиди. Иккала машина Дилафрўз билан Хосият имирсилашиб юрган жой яқинидаги тупроқ йўлда тўхтаганида чор-атрофга оқшом чўка бошлаган эди...

Икки олим ва майор Клеблеев аввал кўланканинг ўёқ-буёғига ўтиб обдон текширишиди. Қотиб қолган ҳайвонлар ва гўзаларни кўриб ҳайратланишиди. Сўнгра Дилафрўз билан бир неча фурсат савол-жавоб қилишиди.

Энди шаҳарга етай деганида машиналарни кўриб, дарҳол орқасига қайтган Абдулла қўли билан юқори вольтли электр линияларини кўрсатиб, алланималарни зўр бериб уқдиришга уринарди.

Вазмин ва қатъий ниҳояли оқиш сочли олим, ниҳоят, хотиржам овозда хулоса қилди:

— Вазият ниҳоятда жиддий, ўртоқлар, ёшлар буни вақтида пайқашибди, жуда таҳсинга сазовор иш бу! Мазкур газ бирикмасини ҳар томонлама яхшилаб текширмасдан у ҳақда бирор қатъий хулосага келиш қишин, лекин шу нарса аниқки, у инсоният бошига мисли кўрилмаган улкан фалокатларни келтириши мумкин. Даҳшатли кўланка бу! Ута даҳшатли!..

— У на ўтда ёнади ва на сувда чўкади,— қўшимча қилди соchlари тўкилиб тушган қизғиш чеҳрали иккичи олим,— уни ҳатто портлаш йўли билан ҳам йўқ қилиб бўлмайди. Негаки портлатувчи модданинг ўзини у оддий муз парчасига айлантириб қўяди. Шунинг учун ҳам тезкорлик билан ҳозирнинг ўзидаёқ академия Бош

Илмий Советининг кенгайтирилган фавқулодда кенга-шини чақиришимиз керак.

— Сержант Асилбоев! — майор Клеблеев ёнидаги сержантга мурожаат қилди. — Шу ондан бошлаб кўланкага қўз-қулоқ бўлиб турасизлар. Ёшлар сизга ёрдам беришади. Ҳеч ким унга яқинлашмасин...

— Манави сингилларимизни ҳам ўзимиз билан олиб кетсан,— деди оқиши сочли олим Диляфрўз билан Хосиятни кўрсатиб,— бу ерда ўтказган тажрибалари ҳақида академиянинг илмий кенгашида гапириб беришади...

Икки автомобиль сержант, Абдулла ва Собирни қўланка олдида қолдириб, тупроқ йўлни чангитиб, келган изларига қайтишиди.

Қоматдор сержантнинг чеҳраси хавотирли кўринар, гоҳ қўланкага, гоҳ Абдуллага безовта тикиларкан, Собирга гап қотди:

— Сиз, ука, бояги гапларга мендан хафа бўлманг, маъқулми? Сизларни одатдаги тартиббузарлардан деб ўйлабман. Хизматчилик-да энди. Аммо, ука, грузовик билан «Жигули» қаттиқ урилди. Яхшиям шоферларнинг ўзлари соғ қолишибди. Қани, энди мёнга манави ғалати қўланкаларинг ҳақида тузукроқ тушунтириб берингларчи. Бояги гаплардан ўлай агар бирор нарса тушунган бўлсан. Маъқулми?

Абдулла қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб беришда устаси фаранг эди. Ҳозир ҳам ўз қобилиятини намойиш қилишга имкон туғилганидан ичиди хурсанд бўлиб, дарров гапга тушиб, қўланка тўғрисида қилган тасаввурларини тўкиб солди. Унинг ҳикоясини тингларкан, сержантнинг бир оз қисиқ қўзларида таажжуб ва саросима борган сари ортар, қовоқ-лунжи тобора осилиб борарди.

— Ёпирай! — деди у ниҳоят, гап охирига етганда қўзлари чақнаб. — Наҳотки бу шунаقا даҳшатли бўлса?

— Бўлмасам-чи?! Менимча, бунақа бирикма умуман ер юзида илгари бўлмаган. Йиғлишмасам, у космосдан тушган. Қандай дейсизми? Жуда оддий, менимча, у аввал алоҳида таркибга эга оддий метеорит бўлган. Ернинг атмосферасига киргач, ишқаланиш натижасида неча минг даражагача қизиб кетган ва ер саҳнига тушишдан аввал суюқликка, кейин тўла газга айланган. Бу — бир тахмин, холос. Эҳ-ҳе, ҳали бу борада қанча гипотезалар бўлмайди, дейсиз! Ҳали бу ҳақда

дунёдаги ҳамма газета-журналларда ёзишади. Агар инсон ияқин ойлар ичида уни жиловлаш ва йўқотишнинг бирор йўлини топмаса, у ер юзидағи ҳаётни супуриб ташлашга қодир бўлган қудратли кучга айланиши мумкин-да.

— Ё тавба!— ҳамон ҳаяжонини босолмасди сержант.— Сира ақлга сиғмайди-бы гаплар!

\* \* \*

Ойиси ва дадасининг яккаю-ягона эрка қизи бўлган Сурайё уйга бугун жуда таъби хира бўлиб қайтди. Ойиси пешанасидан ўпид:

— Яхши ўйнаб келдингларми, она қизим? Терган гулларингиз қани?— деган саволига ҳам жавоб бермай, боши оғриётганини баҳона қилиб, ётоқхонасига кирди-ю, ўзини каравотга ташлади.

Бугун у ўз ҳаётida жиддий бир хатога йўл қўйилганини илк марта англаб етгандай эди. Ҳа, ота-онаси унга болалигиданоқ ҳамма нарсани муҳайё қилиб беравериши. Қизнинг отаси бир техник олий ўқув юртида кафедра мудири бўлиб ишлар, онаси медицина институтida дарс берар, умуман оиласи ўзига тўқ — пири-бадавлат хонадонлардан эди. У болалиги давомида камикўст нималигини билмади. Ўрта мактабни ҳам яхши баҳоларда тамом қилди. Маҳаллада ҳам, мактабда ҳам ҳамма уни баҳти кулган, келажаги порлоқ қизлардан деб билишарди.

Бироқ у ўзини ҳаётда энг муҳим нарса — мустақилликка ўргатишмаганини илк бор пайқаган эди. У ҳамма нарсада ота-онасига орқа қилишга ўрганиб қолганди. У энг оддий масала бўйича ҳам ҳеч қачон ўзи мустақил қарор қабул қилмас, доим ота-онасининг оқил маслаҳатига суюниб иш кўрарди. Бу ҳол унда ташаббускорлик ҳиссини умуман йўқотиб юборганди.

Бу қандай шармандалики, боя у Собир ўлиб-тирилиб сержант ва бошқаларга аҳволни тушунтираётганда, унга заррача бўлса ҳам ёрдам беришининг уддасидан чиқа олмаса-я?!

Улар машинада Фанлар академияси биноси қошига етиб келишгач юз берган ҳодиса, айниқса, ҳаммасидан ўтиб тушди. Машинадан тушишаркан, ҳалиги икки олимдан бири Дилафрўз билан Хосиятга мурожаат қилиб:

— Қани, сизлар биз билан юринглар, қизлар,— деган, кейин Сурайёга қараб қўшимча қилганди:— Сизга

эса, синглим, рухсат, кеч бўлиб қолди, ота-онангиз **хавотир олиб ўтиришгандир**.

Ўшанда Сурайё аламдан тарс ёрилай деди. Ўша минғаймас Хосият ҳам нимадир қилибди, кимгадир керак бўлибди, у эса ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмай, ҳайдалиб ўтиrsa-я!..

Нима учун Дилафрўз ҳамма нарсани шартта-шартта ва осонгина ҳал қиласди? Чунки у мустақил фикр юритади. Нима учун Дилафрўзга ҳамма нарса аниқ ва равшан ва унинг учун дунёда айтарли ҳеч қандай жумбоқ йўқ? Шунинг учунки, у ниманини ўқиган, ўрганганд бўлса, ҳаммасини мустақил равишда ҳаётга тадбиқ қилишини билади.

Хўш, Сурайё-чи?.. Бирор ишқалроқ масала чиқиб қолса, бўлди, ота-онасининг олдига югуради. Ахир ақлли одамлар турганда, ўзи бош қотириб ўтиришининг нима ҳожати бор?! У юзага келган вазиятда бари бир уларчалик оқилона қарорга келолмайди. Ахир ота-онасининг ақли билан унинг ақлини таққослаб бўлармиди!. Мана масаланинг илдизи қаерда!

Наҳотки у бир умрга шундайлигича қолиб кетса? Дадаси билан ойисининг ёшлари ҳам бир жойга бориб қолди. Улар чексиз умр кўришмайди, ахир! Тўғри, у Собирга турмушга чиқади. Ундан у ёғига Собирнинг ақли ва мустақиллиги ҳисобига яшайвериши мумкин. Лекин қачонгача араванинг охирги ғилдираги бўлиб, олдинги ғилдираклар қаёққа тортса, ўша ёққа кетаверади?

Айтишларича, инсон характеридаги асосий фазилатлар асосан ўрта мактаб ёшида ва институтда таҳсил олиш жараёнида шаклланар экан. У эса, бу ёшдан деярли ўтди-ку? Наҳотки унинг хулқ-атвори шундайлигича қолаверса? Наҳотки уни ўзгартиришнинг бирор йўли бўлмаса?.. Мумкин эмас! Бирор йўли бўлиши керак! Албатта, бор!

Эшикдан кирган онаси унинг хаёлини бўлди. Гарчанд Сурайё кўзларини юмб ётган бўлса ҳам, онасини худди кўриб тургандай эди: мана, у унсизгина одимлаб келиб, унинг тепасида тўхтади. Мехр тўла нигоҳ билан қизига термуларкан, журъатсизгина сўради:

— Она қизим, бошингиз оғриётган бўлса, дори олиб келиб берайми?

Дадаси ҳам у билан худди шу тахлит майин овозда «сиз»сираб гаплашади. Сурайё бошини четга ўгирди:

— Қеракмас.

— Бўлмаса чиқиб бир пиёла иссиқ чой ичиб олинг.  
Е шу ерга олиб келайми?

— Ҳожати йўқ.

— Ихтиёргиз, она қизим, бўлмаса ўзингиз чиқарсиз.

Ойиси яна унсизгина одимлаб, айвонга чиқиб кетди. Доим шу аҳвол. Уни ота-онаси кафтларида тутишга интилишади. Ҳаёт доим одамни кафтида тутмайди-ку? У тўлқинга ўхшайди. Бир гал эркалатса, бир гал бурнингни қонатади. Нега буни ҳисобга олишмайди булар?

Сурайё бугун юз берган ҳодисадан кейин илк марта ўзини онасига нисбатан алланечук бегона ҳис қилмоқда эди.

Даҳшатли кўланка унинг кўп йиллардан бери англамай юрган қусурини фош этган, кўзини очган эди.

У энди нима қилиши керак? Кўланкага қарши курашиб бўйича ҳамма тенгдош дўстлари бирор иш билан банд. Диляфрўз билан Хосият академияда олимларга ўз тажрибалари хусусида гапириб беришяпти. Абдулла билан Собир кўланкага соқчилик қилишяпти. Фақат угина шундай масъулиятли бир пайтда... Наҳотки унинг қўлидан ҳеч қандай иш келмаса? Наҳотки у ана шунақа ношуд бўлса?

Сурайё кўзларига тирқираб ёш келганини ўзи ҳам сезмай қолди. Маржон-маржон томчилар қорага бўялган узун киприкларига тегиб, қорамтири тусда юзидан оқиб туша бошлади.

У ҳаётида илк марта чинакамига изтироб чекмоқда, ўз оқизлиги туфайли азоб чекмоқда эди.

Сурайё шу алғозда қанча ётди, билмайди.

Бир пайт нариги уйда ишлаб турган радиода концерт тугади-ю, дикторнинг қандайдир ғайри-оддий огоҳлантирувчи овозини эшишиб, хуши жойига келди. Кўзларини очди. Шу пайт диктор шаҳар ташқарисида пайдо бўлган номаълум ҳаво массаси ҳақида қисқача ахборотни тутатиб, сўзни Фанлар академиясининг вакилига берди. Сурайё ирғиб ўрнидан туриб, радио ёнига югурди.

— Муҳтарам энликлар,— дея гап бошлади йўғон ва хотиржам овозда олим; унинг шундай жиддий вазиятда ҳам осойишта оҳангда гапириши қизни ҳайратга солди,— шаҳримизнинг шимолий чеккасидан бир неча километр нарида номаълум табиатли қорамтири ҳаво мас

саси пайдо бўлди. У чорак гектарча майдонни эгалланган. Номаълум массани илк пайқаган ёш талабалар ва олимлар ўтказган дастлабки текширишлар бизга ҳозирча у космосдан тушган болид, яъни осмонда гоҳоҳода кўринадиган энг равshan метеор қолдиги бўлиши мумкин, деб тахмин қилишга бир мунча асос беради. Шунингдек, бошқа гипотезалар ҳам йўқ эмас. Ҳозир тадқиқот ишлари давом этяпти.

Масса аста-секинлик билан шаҳарга қараб жилмоқда. Гарчанд у биз учун айтарли катта хавф туғдирмаса-да, бунга омил яратиши эҳтимоли бўлган баъзи масалалар бўйича шаҳримиз аҳолисини огоҳлантириб қўшишни ўз бурчимиз деб билдик...

Шу пайт хонага одатиша унсизгина одимлаб қизнинг онаси кирди. Унинг қорамағиздан келган чеҳрасида ташвиш ва саросима ифодаси бор эди. Сурайё радиога ишора қилиб, кўрсаткич бармоғини лабларига босди. Олим ҳамон хотиржам оҳангда гапини давом эттирди:

— Номаълум ҳаво массасининг йўлини тўсиш бўйича шаҳар маъмурияти ва олимлар томонидан қатъий чоралар кўрилмоқда. Бироқ шунга қарамай, яқин соатлар ичida масса шаҳарни электр билан таъминловчи энергия тармоқларини кесиб ўтиши хавфи бор. Такрорлайман, энергия тармоқларининг тўла хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чоралар кўрилмоқда. Шундай бўлса ҳам, муҳтарам энликлар ҳеч қандай тахликага тушмай, қоронғида қолмасликнинг олдини олишга киришмоқлари лозим, деб ҳисоблаймиз. Барча корхона, завод-фабрика, идора ва муассасаларнинг раҳбарлари тезкорлик билан фойдаланилмаётган кўчма дизель электр станцияларини ишга шай қилишлари, агар лозим бўлса, уларни кучланиш остига қўйиш тадбирларини кўришлари даркор.

Номаълум массани текшириш натижалари ва унга қарши олиб борилаётган тадбирлар ҳақида телевидение ва радио тўлқинлари орқали аҳборот бериб борилади...

Онанинг ташвишли нигоҳи Сурайёнинг синиқсан чеҳрасига савол назари билан қадалди:

— Ҳали ўша массани шаҳар чеккасида биринчи учратган сизлармидингизлар?

Қиз узун киприкларини оҳиста ерга қаратди:

— Ҳа, ойи.

— Вой ўргилай, она қизим,— у Сурайёning елкала-ридан қучди,— жуда қўрқиб кетгандирсизлар? Қайфи-ятингиз нега бунақа десам... Ҳечқиси йўқ, қизим. Ҳафа бўлманг, шунча олимлар албатта бирор чорасини қилишади. Ҳали-замон чироқ ўчиб қолиши мумкин деди, шамларни топиб қўйишимиш керак экан.

— Ҳа.

— Дадангиз ҳам негадир ҳаяллаб қолдилар.

— Ҳм.

— Энди юрақолинг, она қизим. Аччиқ мастава қил-ганман, бир коса ичиб олсангиз, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз.

— Яхши, ойи.

\* \* \*

Дилафрўз билан Ҳоснат залдан чиқиб, мармар зиналар орқали пастга қараб кетишида, фойеда, академиянинг икки табақали эшиги олдида тўхташи. Улар фавқулодда олимлар кенгаши тузган кўланкани ўрганиш бўйича Давлат комиссияси аъзоларини кутишмоқда эди.

Мана, улар — асосан катта ёшли, чеҳраларидан қандайдир нур ва саҳоват ёғилиб турган оқиши сочли олимлар бирин-кетин шошилиб пастга туша бошлаши. Комиссия аъзолари пастда турган машиналарга ўтириб, кўланка томонга жўнашлари лозим эди.

Дилафрўз пайт пойлаб, Комиссия раиси — баланд бўйли, қотма, олтмиш ёшлар чамасидаги ҳақадемикка мурожаат қилди:

— Домла, биз ҳам сизлар билан борсак майлими?

Академик тўхтади-да, шерикларига, машинага ўтираверинглар, дея ишора қилиб, қизларга яқин келди:

— Биласизми, ўйлашимча, сизлар ўз комсомоллик бурчингизни тўла адо этдингиз. Бизга ҳозирги дақиқалар учун жуда муҳим бўлган илмий ахборотни етказиб бердингиз. Ҳозир эса, биз билан бориб, ўзларингизни ортиқ уринтиришингизга эҳтиёж бўлмаса керак, деб ўйлайман.

— Ҳар ҳолда ёрдамимиз тегиб қолар, домла!

— Энди Комиссия сизларни яна хавф билан юзмюз бўлишингизга йўл қўя олмаса керак, деб қўрқаман

Дилафрўз бир зум ўйланиб олди-да, ниҳоят, бир иш чиқара олмаслигини пайқади шекилли, ҳақадемикка тик қараб гапирди:

— Майли, домла, нима ҳам дердик. Сизларга оқ йўл ва муваффақият!

— Раҳмат, қизим!

Улар ташқарига йўл олдилар.

— Кетдик бизникига,— деди Дилафрўз Хосиятга олимлар машиналарда жўнаб кетишгач.— Қалламга бир фикр келди, ўшани мухокама қиласиз.

— Қанақа фикр?

— Кейин айтаман. Сенинг ойингга бизнидили-гинги телефон қилиб қўямиз.

— Майли,— деди секингнина Хосият.

Сал наридаги троллейбус бекатига қараб кетишиди. Одамлар билан хийла гавжум кўча физ-физ ўтиб турган машиналардан чиқаётган ёқимсиз газ ва чангга тўла эди. Улар одамлар тирбанд троллейбусга бир амаллаб чиқиб олишди. Уч бекатдан сўнг троллейбус ичини ачиған ўрикками, чириган писта ҳидигами ўхшаш ёқимсиз ҳид тутиб кетди, улар аллақайси кимёвий корхона ёнидан ўтишаётган эди.

Уриниб-суртиниб, бир амаллаб троллейбусдан тушиб олишгач, қизлар тўрт қаватли энергетика ва автоматаика институти ёнидан ўнгга бурилиб Дилафрўзларнига йўл олишди.

— Биласанми, Хосият,— деди Дилафрўз дугонасининг қўлтифидан олиб,— менда бир шубҳа туғилди.

— Нима боисдан?

— Биз шу пайтгача кўланкани шамол таъсирида шаҳар томонга жилаяпти, деб ўйловдик.

— Ҳа, тўғри.

— Аслида, менимча, бунақа эмас. Назаримда, у қандайдир номаълум бир куч таъсирида олға жилаётгандай. Йўналиши ҳам шамоникидан деярли бошқа йўналишда.

— Буни қандай исботлай оласан?

— Жуда оддий. Ажратиб олганимиз жажжи кўланка эсингдами? Агар ёдингда бўлса, унинг катта кўланкага, тўғрироғи шаҳарга қараган чеккаси тепа томондан бир оз бўртиб, қабарив тургандай эди. Яна бир қанча вақтдан сўнг биз унинг катта кўланка сари билинар-билинмас тезликда жила бошлаганини ва охири тағин унга қўшилиб олганининг гувоҳи бўлдик.

Энди хоҳ ишон, хоҳ ишонма, ўша катта кўланканинг ҳам, агар кўзинг тушган бўлса, шаҳарга қараган томо-

нининг тела қисми қабариб турғанди. Биласанми у шаҳарнинг қайси томонига қараб қабарганди?

Хосият ҳайратдан ағрайганича, боши билан «йўқ» ишорасини билдири.

— Катта цемент заводига!

Хосият зўр-базўр:

— Жуда қизиқ! — дея олди, холос.

— Демак, ўша заводда кўланкани ўзига тортаётган нимадир бор. Энди ҳамма гап, менимча, ана шуни аниқлашда қолган!..

Бироқ энди Хосият унинг гапларини эшиитмас, ўз хаёли билан банд әди.

«Қизиқ, нима учун бундай гапларнинг, тахминларнинг ҳаммаси Дилафрўздан чиқяпти? Уларни Хосият ҳам айтиши мумкин-ку? Ахир у ҳам Дилафрўзга ўхшаб ўрта мактабни битирган, олий ўқув юртини тамомлаяпти. Доим шунақа ўзи: ҳамма ақлли гапларни Дилафрўз айтиб бўлгач, шу гапларни нега мен айтмадим, деб ачиниб юради. Ё бу ҳам одамнинг табиий қобилияти, истеъодидига боғлиқмикин? Демак, у истеъодосиз одамлар тоифасига кирар экан-да?.. — Шу топда Хосиятда ҳам, Сурайёга ўхшаб, илк марта ўзига нисбатан қандайдир исён ҳисси уйғонган эди. — Хўш, нима учун у бор гапни Дилафрўзга ўхшаб шартта-шартта одамнинг юзига айттолмайди? Ё бирор нарсадан истиҳола қиладими? Нима сабабдан истиҳола қилади? Ҳар қандай гапини чайналиб, журъатсизлик билан зўрга айтади. Тўғри, унинг онасининг хулқ-атвори ҳам шунақа. Ё бу унг она мерос ҳислатмай? Ундаи деса, Дилафрўзнинг онаси ҳам жуда кўнгилчан, оғир табиат аёл-ку? Бўлмаса гап нимада?»

Бирдан калласига келган фикрдан Хосиятнинг беихтиёр қовоқлари уйилди. У ҳаётида илк марта ўзини қўрқоқликда айبلاغан эди. Ҳа, у — қўрқоқ! У ҳаётида яхшиликларни ҳам, ёмонликларни ҳам кўп кўрган, ёмон маданиятсиз одамлар томонидан ҳақоратланган ҳам, оқибатда бошқа ҳақоратланмаслик учун ўта эҳтиёткор, ҳар бир ишда ўн ўлчаб бир кесадиган, тўғрироғи, журъатсиз ва қўрқоқ бўлиб қолган! Гап мана шунда!

— Вой, ёдимиздан кўтарилий дебди! — бирдан қичқириб юборди Дилафрўз. — Ахир ҳозир телевизорда кўланка хусусида Академиянинг вакили чиқиб гапириши керак-ку! Соатинг неча бўлди? Демак, ўн минут қолибди. Чопдик. Улгирсак бўлади!



Хосият истамайгина дугонасига эргашди.

\* \* \*

Улар ҳалмослаганча, ихчам темир дарвоза орқали ўртасига атиргул ва райхонлар экилган шинам ҳовлига кириб келишганда, бу ерда Дилафрўзнинг укаси Даврондан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Айвондаги телевизорнинг устига сарғиш духоба жилд ёпиб қўйилган. Дилафрўз бора солиб телевизорни очиб, вилкасини токка улади. «Ахборот» берилаётган экан. Экрандаги хушбичим юзли ёш жувон иссиқлик электр станицияси қурувчиларининг меҳнат ғалабаларига бағищланган телерепортажни ўқиб бўлгач, реслублика Фанлар академиясининг вакили тақиқли академикка сўз берди. Қизлар телевизор қаршиисига — пастак стол атрофидаги атлас кўрпачаларга шошилиб ўтиришаркан, экрандаги тик қоматли, қарашлари дадил ва хотиржам, вазмин чехрали, сийрак қўнғир сочли эллик беш ёшлардаги кишига қизиқиш ва ҳаяжон билан тикилишди.

Олим гўё ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса юз бермандек, хотиржам ва осойишта оҳангда гап бошлади:

«Муҳтарам энликлар! Бир неча соат аввал биз шимолдан номаълум таркибли ҳаво массаси шаҳrimiz томонга келаётгани ҳақида ахборот берган эдик. Олимларимиз ўтиказган текширишлар шуни кўрсатдики, бу — оддий ҳаво ёки газ массаси эмас, балки ҳозирча бизга номаълум табиий ёки сунъий йўл билан синтез қилинган ўта мураккаб структурага эга моддий жисм. Сўнгги соатлар давомида у ўн беш метр олдинга силжигани, айни пайтда, ҳам эни, ҳам бўйига ўсгани аниқланди. У шаҳар томонга шамол таъсирида жилаяпти, деган дастлабки таассурот нотўғри бўлиб чиқди. Унинг йўналиш координатлари шаҳrimizning катта цемент заводига бориб туташади...»

Бу гапни эшитган қизлар бир-бировларига маъноли қараб олиши.

«Бу, мазкур модда бизга ҳали номаълум бўлган қандайдир биомагнит кучлар таъзийки остида ҳаракатланаётibди, деб тахмин қилишга ҳам асос беради.

Номаълум массанинг шаҳарга келиш йўлини тўсиш ва юқори вольтли линияларга путур етказишининг олдини олиш мақсадида Давлат Комиссияси тезкорлик билан баландлиги ўн беш метр, бўйи юз метр бўлган «П» ҳарфи шаклида пўлат девор ўрнатишга қарор қил-

ди. Девор бир неча метр чуқурликка ўрнатиладиган төмөнкүлдөрдөн пойлеворларга маҳкамланади...

Күрилаётган қатый чора-тадбирларга қарамай, ҳамشاҳарларимизга әхтиёт шарти билан кечаси чироқ үчиб қолишига қарши барча тарааддуларни кўриб қўйиш лозимлигини яна бир карра эслатиб ўтамиш...»

Экранда яна ёш диктор аёл пайдо бўлиб, телевидение мухбирига сўз берди. Мухбир илғор чўпон Отақўзиев отаридан репортаж олиб бера бошлар экан, Дилафрўз телевизорнинг овозини пасайтирга.

— Демак, пўлат девор ўрнатиладиган бўлишибди-да. Худди ўйлаганимиздай.

— Қизиқ, кўланканинг йўлини бу девор қанча вақт гача тўсib турга олар экан?

— Менимча, узоги билан бир ҳафта. Мана мени айтди дерсан. Кўланканинг қанчалик қудратли кучга эга эканини ҳали олимлар ҳам, яңгилишмасам, англаб етишмаган. Лекин яқинда билиб қолишиади. Бироқ унгача биз...

— Нима биз? — Хосият дугонасига синичклаброқ тикилди.

— Биз... бирор чорасини топишимиз керак! Ахир кўланканинг ҳам кашф қилдик-ку! Эциди уни йўқ қилишининг йўлини ҳам ўзимиз тонишимиз керак.

Хосият дугонасига энди ҳайратланиб тикилди:

— Қандай қилиб?

— Қандай қилиб бўларди? Бунинг учун яна кўланкадан намуна олиб, тажрибаларимизни давом этдиришимиз керак.

— Энди бунинг иложи йўқ-ку... Олимлар намуна олдириб бўбди!

— Нега энди? Агар хоҳиш бўлса, истаган иши амалга ошириш мумкин. Абдулла билан Собир ўша ерда. Жуда бўлмаса, улар бирор йўлини топиб, кўланкадан бир парча олиб беришар.

— Бироқ... бизни энди у ёқقا қўйишмайди-ку! Кеийин бизни деярли ҳамма олимлар таниб қолишиган.

— Йигитларнинг ёнига... Сурайёни юборамиз!

Дилафрўз ўрнидан сакраб туриб, телевизорнинг ўнг томонидаги тумбочкага қўйилгаш телефон трукасига ёпишиди. Аввал Хосиятларнинг кўнғироқ қилди. Унинг ойисини хотиржам қилгач, шошилиб Сурайёларнинг комерини тераркан, дугонасига қаратади:

— Бизникида истаган тажрибаларимизни ўтказаве-

ришимиз мумкин,— деди овозини пасайтириб.— Дадам билан ойим Қавказга дам олишга кетишган. Үкамнинг бўлса, фойдадан бошқа «зарари» тегмайди.

Хосият «яхши»,— дегандай боши билан тасдиқ ишорасини билдириди. Дилафрўзнинг ҳаракатчанлиги ва серташвиш кайфияти уни ҳам ғайрат отига минидиргандек эди...

\* \* \*

Сурайё телевизорда академикнинг чиқишини томоша қилгандан сўнг, истамайгина овқатлангач, яна ётоқхонасига кирди. Тағин ўзини каравотга ташлади. Худди қаламда чизилгандек нафис қошлири хиёл чимирилди, хушбичим чехраси ва қорага мойил қўнғир кўзларида қандайдир изтироб ифодаси бор эди унинг.

Шу чоқ кетидан бир даста газета кўтариб онаси кириб келди.

— Мана, она қизим, янги газеталар. Ўша ғалати соя ҳақида ҳам ёзишганга ўхшайди. Үқиб чиқарсиз.

Қиз иргиб туриб, дарров газеталарни варақлашга киришди. Биринчи ва иккинчи бетларда айтарли янгиликлар йўқ эди. Учинчи бетда қизнинг нигоҳи пахтазордаги улкан кўланка акс эттирилган суратга қадалди-ю, юраги ҳаприқиб кетди. Суратнинг тагида «Ғаройиб кўланка» сарлавҳали унча катта бўлмаган мақола ҳам бор эди. Бошқа газеталарда ҳам кўланка ҳақида «Сири соя», «Тутунми ё кўланка?», «Ғалати масса» каби турли-туман сарлавҳалар остида қисқача хабарлар ёритилганди.

Шу пайт нариги хонада телефон жиринглаб қолди. Трубкани олган онаси товушини бир оз баландлатиб Сурайёга мурожаат қилди:

— Она қизим, сизни сўрашяпти.

«Дилафрўз эмасмикин?»— деб хаёлидан ўтказган Сурайё тез чиқиб трубкани қулогига тутди. Чинданам Дилафрўз экан.

— Сенга маҳсус топшириқ бор, Сурайё,— деди Дилафрўз қаттиқ-қаттиқ гапириб.— Биз кўланка устида бошлаган тажрибаларимизни давом этдиришга қарор қилдик. Бунинг учун ундан яна озгина бўлса-да, намуна олишимиз керак. Сендан шу мақсадда кўланка турган жойга ҳозироқ бориб келишингни илтимос қилмоқчи эдик. Абдулла билан Собирга айт. Бирор темир идишга кўланкадан бир парча «қирқиб» солиб беришсин.

Сурайё дарров жавоб бермади. Буни ўзича тушунған Дилафрўз изоҳ беришга киришди:

— Биласанми, Сурайё, биз борсак бўлмайди...

Сурайё қатъий оҳангда унинг гапини бўлди:

— Тушундим. Мен кийиниб, ҳозироқ жўнайман.

Дилафрўз дугонасининг бундай осонлик билан розилик беришини сира кутмаганди. Одатда бундай кезларда у доим: «Шошмайтур, ойим билан маслаҳатлашиб кўрай», «Билмадим, дадам рухсат берармикинлар?»— деб мужмал жавоб қайтарарди. Қизнинг гап оҳангидаги қатъият ҳам Дилафрўзни ҳайратга солди. Бир гап бўлмадимикин ишқилиб?

— Биз сени қачон кутайлик бўлмаса?— сўради Дилафрўз бир оз ташвишли овозда.

— Намуна олишим билан етиб бораман!— яна қатъий жавоб берди Сурайё.

— Яхши. Айтмоқчи, ойингга айтиб қўй, бизникида етиб қоласан. Келишдикми?

— Келишдик.

Қизнинг телефондаги гапларига хавотир билан қулоқ солиб турган онаси у трубкани жойига қўйиши билан ёнига келди:

— Тинчликми, қизим? Қаёққа отланмоқчисиз?

— Зарур иш чиқиб қолди, ойи. Бормасам бўлмайди.

Қизнинг кўзларида аллақандай нотинчликни сезгани онанинг дилига ғулгула тушди.

— Ахир дадангиз келиб қолсалар, она қизим...

Сурайё совуққонлик билан кийина бошлади.

Онаси лом-мим демай эшик томонга кетаётган қизини худди илк бор кўраётгандай унинг орқасидан аграбийб қараб қолди.

\* \* \*

...Сурайё бундан бир неча соат аввал машиналар тўқнашгани жойдан ўтиб, далага олиб чиқадиган. йўл бўйлаб кетди.

Офтоб қонталаш рангда уфққа ёнбошлаган. Текис бетон йўлнинг икки томонида ястаниб ётган пахтазор енгил шабадада вазмин чайқалади. Бу ерда гавжум шаҳар осмони билан пахтазор осмони ўртасидаги фарқни аниқ сезиш мумкин. Шаҳар устидаги қандайдир сарғимтири ва тўзон аралаш қуюқ бўз ранг ҳаво уюмлари дала, адирларнинг кўм-кўк ва мусаффо осмонига ҳужум бошламоқчилик, гоҳ палахса-палахса, гоҳ ўркач-ўркач бўлиб сузиб юради.

Киз катта йўлдан пахтазор ичига қараб бурилган йўл бўйлаб бир оз юрди-ю, кўланкага кўзи тушди. Энди унинг чор-атрофини одамлар, олимлар-у, шаҳар раҳбарлари ўраб олишган, улардан икки юз метрча нарида милиция формасидаги ўн чоқли одам, чамаси, навбатчилик қиласиди. Абдулла билан Собир ҳам кўланка ёнидагилар орасида ивирсиб юришарди.

Кўланканинг дастлабки жойидан анча илгари жилгани, ҳажмининг хийла катталашгани ҳам қизнинг эътиборидан четда қолмади.

Кўланканинг шаҳарга қараган томонида — юқори волътили электр узатиш тармоқларига яқин жойда монтаж ишлари қизиб кетган, икки экскаватор пойдеворлар ўрнатиш учун зўр бериб чуқур ковлар, нариги чеккасида монтажчилар кўкимтири рангдаги автокран ёрдамида ясси темир-бетон пойдеворларни ўрнатарди. Автокраннинг ортида темир-бетон пойдеворлар билан бирга девор учун келтирилган катта-катта металл панеллар туради, «Уларни жуда тезкорлик билан тайёрлашибди», — хаёлидан ўтказди Сурайё.

Кизни милиционер йигитлар тўхтатиши.

— Орқага қайтинг, синглим, бу ёққа мумкин эмас.

— Менга анави икки ёш йигит керак эди,— деди Сурайё.

— Мумкин эмас,— деди офтобда қорәйган ўттиз беш ёшлардаги сержант,— улар жуда муҳим иш билан банд, синглим.

— Мен ҳам муҳим иш билан келганиман,— бўш келмади Сурайё,— бир минутга чақириб берсангизлар бўлди...

Хуллас, Сурайё йигитларни кўндирамагунча қўймади. Кўп ўтмай, Собир югургандай одимлаб, қизнинг олдига етиб келди. Улар чеккага чиқишиди.

— Нима гап, жоним, тинчликми?

— Мен топшириқ билан келдим...

Собир қизга ҳайрат билан тикилди;

— Сен-а?.. Хўш, қандай топшириқ?

— Кўланкадан намуна олиб кетишим керак.

— Бу фикр ҳойна-ҳой Дилафрўздан чиққандир-да? — деди Собир, кейин бир зум ўйланиб олгач, қўшимча қилди: — Ҳозир, Абдулла билан маслаҳатлашиб кўрайчи! — Шундай деб, у орқасига қайтди.

Бир оздан сўнг Сурайёнинг олдига Абдулла келди.

— Ҳозир тўғрилаймиз,— деди у овозини пасайтирганча, оҳиста қизнинг қўлтиғидан олиб бир четга бошларкан.— Кўланка намунасини бояги эски примусга солиб бериворсак ҳам бўлади. Аммо... Ишимизнинг оқибати чакки бўлмасмикин?

— Нега?

— Ахир, уни катта-катта олимлар текширишяпти. Бизнинг тажрибаларимиз...

— Балки биринчи бўлиб муваффақиятга биз эришармиз.

— Жуда гапирасан-да. Масаланинг яна бир қалтис томони бор.

Қиз йигитга савол назари билан тикилди.

— Борди-ю, кўланкадан намуна олгач, уни ўзимизга бўйсундира олмай қолсак нима бўлади? Ахир у узлуксиз катталашиш хусусиятига эга-ку!

— Бу ҳақда мен бир нима дея олмайман,— тан олди Сурайё. Қейин ўжарлик билан қўшиб қўйди:

— Лекин мен бари бир қизларнинг илтимосини бажаришим керак!

Абдулла қизга ажабланиб бир қараб қўйди-да, қўслини силтади:

— Майли, кўланканинг бир бўлакчасини қирқиб, примусга солиб келтириб бераман. Лекин... эҳтиёт бўлинглар! Ҳализамон ўзим ҳам олдингларга бориб қоларман. Бу ердан бизни ҳайдашмоқчи.

— Нега?

— Фақат мутахассислар иш олиб бориши керакмиш. Бироқ биз осонликча бу ердан кетмаймиз. Кўланкани биринчи бўлиб топган биз бўлсак-да... Мен ҳозир!

Милиционер йигитлар уларни ошиқ-маъшуқлар деб эътибор бермай қўйишган, кўланка ҳақида суҳбатлашиб, ўзлари билан ўзлари банд бўлиб кетишганди. Бу Абдуллагага қўл келди, албатта. У эски примуснинг қопқоғини очиб, ичидаги керосинни тўкиб ташлади-да, кўланкага яқинроқ келди. Ҳеч ким қарамаётганига ишонч ҳосил қилгач, примусни оҳиста кўланканинг ичига отди. Ҳозир унинг ичи қорамтири масса билан тўлади. Қейин қайта тортиб чиқариш мумкин. Абдулла ерда ётган темир арматурани олиб, примусни туртқилаб чиқара бошлаганида қирқ ёшлардаги миқтидан келган дароз олим унга эътибор берди:

— Нима қиляпсиз, ука?

— Аnavи примусни...

— Тегманг унга, ётаверсин. Ундан кўра бу ёққа келинг, менга қарашиб юборинг.

Абдулла бирпас олимнинг хизматини қилишга мажбур бўлди. Катта қутидан ичига кўланкадан намуналар солинган трубкасимон пробиркаларни бирма-бир олиб, маҳсус идишдан сульфид кислотаси томизиши лозим бўлган олимга узата бошлади.

— Тавба,— деди ҳалиги Абдуллани ишга жалб қилган дароз олим шеригига,— солиштирма оғирлигининг ниҳоятда катталигига қарамай, бунчалик кимёвий актив моддани умримда биринчи кўришим!

Абдулла уларнинг алаҳсиганидан фойдаланиб, нарироқда юрган Собирни имлаб чақирди-да, қарашиб тур, дея ўзи секин нари кетди. Олимларнинг кўзини шамғалат қилиб, яна катта кўланка олдига келди. Чеккада ётган примусни арматура ёрдамида шартта тортиб чиқарди-ю, лекин ўша заҳоти қайта жойига суришга мажбур бўлди: примуснинг очиқ оғзидан ичига киришга улгурган кўланка «парчаси» худди шлангга ўхшаб чўзилиб, бир учи катта кўланкага туташганича, орқасига қайтиб чиқа бошлаганди-да.

Йигит ҳали ўзи ясаган ҳокандозни топиб келди. Кеинин примусни арматура ёрдамида яна тортиб чиқараркан, «шланг»ни ҳокандоз билан шартта қирқиб, қопқоғини беркитди.

Ҳайриятки, бу гал уни ҳеч ким сезмади. Бироқ, у Сурайё томонга кетаётганди, яна ҳалиги дароз олим чақириб қолди:

— Ҳей, ука! Ташланг ўша примусни. Келсангиз-чи бу ёққа! Иш бошдан ошиб ётиби-ю, қаёқдаги ишларни қиласиз-а!

— Мен ҳозир,— деди Абдулла унга қарамасдан, чунки худди нотўғри иш қилиб қўйиб, қўлга тушган боладай, ранги оқариб кетганини ўзи ҳам сезганди.— Эгаси сўраётганди,— ғўлдиради у қадамини тезлатар экан,— олиб бориб берай, пойлаб туриби...

Олим жаҳл билан деди:

— Тезроқ қайтинг.

Милиционер йигитлар ҳам примусга шубҳа билан қараб қўйишиди-ю, лекин Абдулланинг олим билан ҳозиргина гаплашганини эшитишган шекилли, индашмади.

Абдулла примусни Сурайёга тутқизаркан:

— Фақат тикка ушлаб олиб кет,— деб тайинлади,—  
Түнкара кўрма, кўланка чиқиб кетиши мумкин.

— Яхши. Мен кетдим.

Сурайё Собир билан хайрлашишни ҳам унубиб, жадаллаб кетди. Кўнглидаги ғашлик энди тарқай бошлагандек эди.

\* \* \*

Монтажчилар бригадаси қош қорайиб улгирмасида-  
ноқ «П» шаклидаги темир деворни монтаж қилиб бў-  
лишди. Олимлар ҳисоб-китобининг аниқлигини қаранг-  
ки, бу пайтга келиб кўланка унга яқинлашишига беш  
метрча қолганди. Ҳамма унинг деворга келиб тақали-  
шини сабрсизлик билан кутар экан, кўланканинг, ни-  
ҳоят, йўли тўсилганига ҳеч ким шубҳа қилмасди.

Абдулла билан Собиргина бошқача фикрлашарди.

Ниҳоят, сабрсизлик билан кутилган дақиқалар ҳам  
етиб келди. Кўланка олд томонига худди соатнинг ми-  
нут стрелкасиdek билинар-билинмас жилар экан, се-  
кин-аста тўсиқ ичига кира бошлади.

Чор-атрофда кўланкани диққат билан кузатиб, су-  
кут сақлаб турган одамлар, у охири «П» шаклидаги тў-  
сиқ исканжасига тўла қамалганида беихтиёр чукурла-  
шиб қолишиди.

— Бўлди, у энди ҳеч қаёққа жилолмайди.

— Аммо жуда зўр бўлди!

— Ана энди уни шошилмай тадқиқ этишни давом  
этдирсан бўлади.

Шу пайт чеккада турган газик машинадан барваста  
қоматли, каттароқ ёшдаги гавдали бир олим чиқди-да,  
қаттиқ овозда йиғилганларга мурожаат қилди;

— Фавқулодда Комиссия аъзоларидан ташқари ҳам-  
ма ўртоқлардан уйларига тарқалишларини илтимос  
қиласман. Кимёгар ва физиклар ўз тажрибаларини энди  
лабораторияларда давом этдирганлари маъқул...

\* \* \*

Собиқ синфдошлар Дилафрўзларникида яна жамул-  
жам бўлишиди.

Кўланка солинган примус ҳовли ўртасида тураг, қиз-  
лар ва йигитлар унинг атрофида туриб келгуси режалар  
ҳақида баҳслashiшарди; шу дақиқалардан бошлаб вақт  
ёшлиар учун ўта қайноқ ва серташвиш бўлиб қолганди.  
Йигитлар аллақайси қурилиш кетаётган жойдан тўртта  
яхлит металл панел топиб келиб, ҳовлига тўртбурчак

қути шаклида ярим метр чуқурликда күмиб маҳкамлашди-да, ўртасига кўланкали примусни ўрнатишди. Дастлаб примуснинг қопқоғини маҳкам беркитиб, кўланка нима қилишини кузатишга қарор қилишди. Қани, у мис идишни ёриб чиқа олармикин?

— Бугун кечаси Хосият иккаламиз навбатчилик қиламиз, қолганлар уй-уйларига кетаверишлари мумкин.

— Нега энди? — ажабланди Абдулла.

— Мен ҳам қоламан,— деди Сурайё негадир асабий бир тусда. Дилафрўзнинг Хосиятга ўзига нисбатан кўпроқ ишонч билдираётгани яна унинг иззат-нафсига теккан эди.

— Ўртоқлар, ҳозир тажрибаларимиз неча кун давом этиши ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса айтольмайди. Эҳтимол биз бир ҳафта ишлармиз, балки бир ёки бир неча ой. Шунинг учун кучимизни ҳозирданоқ тежаб сарфлашимизга тўғри келади.

— Тушунарли,— деди Абдулла қизнинг гапида жон борлигига ишонч ҳосил қилиб.

Собир Сурайёга қараб қўйди. Буни ўзича тушунган Абдулла баланд овозда:

— Бўпти, бўлмаса эрталаб учрашгунча, дўстлар! — дея хитоб қилди-да, ташқарига юрди. Ў бугун уйга кечиккани боисидан дадаси билан бўладиган кўнгилсиз гапларни кўз олдига келтиарarkan, беихтиёр қадамини тезлатди.

Абдулла чиқиб кетгач, Собир Сурайёга хийла паст овозда мурожаат қилди:

— Кетдикми биз ҳам?

Сурайё Дилафрўзга гинахонлик билан қараб қўйди-да, қатъий товушда:

— Ҳа, кетдик! — дея йигитни қўлтиқлаб олди.

Дилафрўз ҳам, Хосият ҳам уларнинг орқасидан та-ажжуб билан тикилиб қолишиди. Дугоналарининг хулқидаги аллақандай сезиларли даражадаги фалати бир ўзгаришни ҳар иккиси ҳам пайқаган эди.

— Эртага эрталаб кутамиз,— эслатди Дилафрўз уларнинг кетидан.

Орадан бир соатча ўтгач, айвонда овқатланиб ўтиришар экан, Дилафрўз укасининг примусли жойга бориб қолганини кўрди-ю, жон ҳолатда ўрнидан иргиб туриб, болани бошлаб келди:

— Бу ёқقا юр, Даврон! Иккинчи у ерга борганингни кўрсам... Шўрванг совиб қолди.

Айвонда ишлаб турган телевизорда ўрта ёшлардан уч олим давра стол атрофида табиат ва инсон яшетгән атроф мұхитни ифлосланишдан мұхофаза қилиш хусусида суҳбат ўтказышмоқда эди.

Қызлар беихтиёр қулоқ сола бошлашды.

Үртадаги қоп-қора соchlари орқасига силлиқ қилиб тараплан оқ-сариқдан келган олимнинг таъкидлашича, саноат фаолияти натижасида Ер атмосферасига ҳар йили 100 миллион тонна түрли заҳарловчи ва бўғувчи газлар — углеводород ва азот оксиди, 200 миллион тонна углерод оксиди, 150 миллион тонна олтингугурт иккى оксиди, 120 миллион тонна кул ва бошқа чиқиндилар чиқарилади.

Автомашиналардан чиқариладиган газларнинг таркибида эса 170 та заарли бирикма мавжуд, уларнинг 20 таси канцерогенли, яъни одамни бўғиб ўлдириш хусусиятига эга. Сўнгги пайтларда аниқланган маълумотларга қараганда, шимолий ярим шар ҳавосидаги олтингугуртнинг 93 фоизи ва жанубий ярим шардаги олтингугуртнинг 47 фоизи инсоннинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти натижасида юзага келган.

Суҳбатни ўнг томондаги оппоқ сочли, кўзойнакли олим давом этдириб, йирик шаҳарларда содир бўлаётган ва юзлаб одамларни ҳалок қилаётган газсимон чиқиндилар билан боғлиқ фожиали воқеалар ҳақида гапира бошлади:

«Лондон, Токио, Гамбург, Иокогама, Нью-Йорк, Роттердам сингари аҳолиси кўп шаҳарларнинг баъзи бир саноат районларида смог-олтингугурт газининг тутун ва фотооксидантлар билан аралашмасининг ўта юқори даражадаги концентрациялари йигилиб, аҳолини заҳарлаётгани замонамизнинг энг қайгули факторларидан биридир... Маркснинг ёзишича,— давом этди у,— маданият стихияли тарзда тараққий этса, онгли развишда йўналтирилмаса... обод шаҳарларни саҳроларга айлантиради.

— Ҳа,— унинг гапини илиб кетди биринчи нотиқ,— америкалик метеоролог Баттан ҳам бу хусусда характерли гап айтган: «Иккитадан биттаси бўлади: одамлар шундай қилишадики, оқибатда ҳавода тутун камаяди, ё тутун шундай қиласидики, оқибатда Ерда одамлар камроқ бўлиб қолади».

Дилафрўз кўрсатувни азбаройи берилиб тинглаётганидан овқатни ҳам унуглан, бутун вужуди кўз ва қу-

лоққа айланғандек әди. Шу топда Хосият ҳам ундан қолиши мәсди.

Эшиттириш тугаб, орадан бир неча дақиқа үтгач-гина Дилафрүз тилга кирди:

— Менимча, биз топған күләнка — ўша олим айт-ған смогнинг бир тури. Лекин у бизнинг шароитда қандай пайдо бўлганига ақлим етмаяпти.

— Смог дедингми? — сўради Хосият.

— Ҳа, смог,— Дилафрўзниң чөхраси ўйчан тус олди.— Бу ҳақда мен қайсиdir журналда илгари ҳам ўқиган әдим. Лекин у жуда кўп саноат чиқиндилари чиқарадиган ўта катта шаҳарларда пайдо бўлади. Бизнинг шаҳар бўлса, унақанги катта шаҳарлардан эмас.

— Ўша смогларни йўқотишнинг наҳотки бирор чораси топилмаган бўлса?

— Қисман топилган, албатта. Шу мақсадда турли қурилмалар, фильтрлар ишлаб чиқаришяпти. Лекин...

Дилафрўз бир зум ўйланиб турди-да, ўзига тикилиб турган Хосиятга қўққисдан савол бериб қолди:

— Цезарь Султоновичнинг лекциялари ёдингдами, Хосият?

— Бўлмасам-чи. Биология домласнин айтапсанда,— эҳтиёткорлик билан жавоб берди Хосият мазкур содда савол кетидан янада мураккаброқ савол келиши ни пайқаб.

— Олдинги семестрда, агар ёдингда бўлса, у уч пар лекциясини мутацияга бағищлаганди.

Хосиятнинг бир оз чөхраси ёришгандай бўлди. Чунки унга имтиҳонда худди шу мутация бўйича савол тушган ва қиз уни хийла дуруст ўзлаштириб олганди.

— Жуда яхши эгимда. Мутация — бу тўсатдан табии ёки сунъий ҳолда пайдо бўлиб, барқарор қоладиган тирик материаллардир.

— Мутация асли юнонча сўз, ўзгариш, алмашиб деган маънioni англатади, тўғрими?

— Тўппа-тўғри,— ниҳоят, дўгонасининг олдида ўзини кўрсатишга фурсат етганини пайқаган Хосият жонланиб кетди, дарсликдан деярли ёдлаб олган мутацияга оид маълумотларни бирпасда қаторлаштириб ташлади:— Мутация натижасида организмнинг турли-туман биохимик, физиологик ва морфологик белгилари ўзгариши мумкин... Соддороқ қилиб айтганда, мутация — организм белгилари ва хусусиятларининг тўсатдан ва тубдан ўзгариши.

— Тұхта! Мутантларнинг қандай йўл билан кўпайшини эслагин-а!

— Улар ирсий ва вегетатив кўпайишлари мумкин.

— Хўш, сен нима деб ўйлайсан, биз топган қўланка мутация маҳсули эмасмикан?

Хосият яна жимиб қолди. Бу саволга дарслик ёрдамида жавоб бериш мушкул иш эди, албатта.

— Нима деса бўлади? Мутация, яъни қўланка юзага келиши учун, менимча, даставвал унга асос — бирламчи ҳужайралар ёки споралар мавжуд бўлиши керак, шундайми?

Хосиятнинг юзига қизил югурди:

— Ҳа, албатта.

— Лекин улар пахтазорга қаёқдан келиши мумкин?

Хосият пешанасини уқалади.

— Эҳтимол, бу мутация эмасдир,— фикрида давом этди Дилафрўз,— балки ундан ҳам мураккаброқ, ҳали фанда номаълум бўлгай бирор процесс билан боғлиқ нарсадир. Лекин ҳар қандай жараённинг мўътадил кечиши учун бирламчи материаллар, яъни бошланғич моддалар бўлиши керак. Физиканинг энг оддий қонунларидан бирига биноан ҳеч қандай модда йўқдан бор бўлмайди ва аксинча. Эндиғи ҳамма гап ана ўша бирламчи ҳужайра, спора ёки молекулаларнинг пахтазорда қандай пайдо бўлганини аниқлашда қолди!

Бу гандан, Хосиятнинг кўзлари чарақлаб кетди. Беихтиёр дилидагини тилига чиқариб:

— Ақлингга балли!— дея хитоб қилди. Худди шу пайт Давроннинг аччиқ чинқириғи эшитилиб, ҳар иккиси ҳам иргиб ўринларидан туришди. Қизлар юргурганча, кўзларини шамфалат қилиб яна примус ёнига бориб қолган боланинг олдига келишганда, Даврон ўзини қўярга жой тополмай, «Вой қўлим!.. Вой қўлим... А—а...» дея бақириб йиғлар, ҳа деб ўнг қўлининг кўрсатгич бармоғини оғзига соларди.

— Қани кўрсат-чи!— Дилафрўз жон ҳолатда укасининг қўлига ёпишди.— Ҳеч нарса қилмабди-ку!?

— Нега ҳеч нарса қилмас экан,— деди Даврон қаттиқроқ йиғлаб,— куйди, куйди-ку қўлим!.. А-а...

— Қани, ёруқса юр-чи. Примусга тегдингми?

— Ҳа, четига тегиб кетдим. А-а... Жуда иссиқ экан. Худди дазмолдай... А-а...

Қизлар бир-бирларига қараб қўйниши.

— Бўлди, йиғлама. Қўлинг сал қизарибди, холое,

Малҳам суреб қўйсак, тузалиб қолади. Сенга неча марта айтдим, ўйнама у ерда деб. Қулоқ солмаганинг жазоси шу. Юр уйга.

Опа-ука уйдан қайтиб чиқишгац, Дилафрўз катта ўрик остига ўрнатилган ёғоч каравотдаги хонтахта ёнига Давронни ўтказиб, олдига ярим коса шўрва қўйдида. Хосиятнинг ёнига борди.

Хосият энгашиб олганича, примусни кўздан кечирмоқда эди.

— Нима гап экан? — сўради Дилафрўз.

— Примуснинг устки қисми негадир қизиб кетибди.

— Ҳалитдан-а?

— Нима, сен унинг қизиши кераклигини илгаритдан билганимидинг?

— Шундай тахмин қилаётгандим. Мактабда ўтганмиз-ку, ҳар қандай кимёвий реакция жараёнида, албатта, иссиқлик ажralиб чиқиши керак. Демак, қўланка металл билан ҳам реакцияга кириша бошлабди.

— Қизиқ, бу нима билан тугаркин?

— Сен билан биз ана шуни кузатишими керак.

Шу чоқ қизлар қандайдир кучсиз чирсиллаган овозни эшилдилар. Овоз примусдан чиқаётгани аниқ эди.

— Примус деформацияга учраяпти шекилли?

— Қўланка таъсирида деб ўйлайсанми?

— Бўлмасам-чи?

Кўп ўтмай, чирсиллаш тўхтаб қолди. Қизлар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қарашди.

— Сурайё примусни олиб келганига уч соатча бўлдими?

— Ҳа.

— Йўлга ярим соатча сарфланганини ҳам ҳисобга олсак, демак, қўланканинг металл билан реакцияга кириша бошлиши учун тахминан уч ярим соатча вақт керак. Энди реакция қанча вақтда поёнига этишини аниқлашимиз керак.

Хосият дугонасига ағрайганича, ғалати қараш қилди.

— Менга қара, Хосият, сен ҳозир Даврон билан ичкарига кириб, дамингни ол. Мен навбатчилик қиласман. Тўрт соатдан кейин ўйғотаман, алмашинамиз. Келишдикми?

Каравотига ётган Даврон пишиллаганча, дарров ухлаб қолди, Шундан сўнгина Хосият ўринга ётар экан,

секингина хұрсина, у ёнидан бу ёнінде ағдарилди. Уни күнбүйи банд қылган хәел яна олиб қочганды.

...Бордию у, Хосият, бутун күч ва иродасини ишга солиб, Дилафрұзға үхшашга интилса, характерини худди китоблардагидай обдон тобласа, дугонасидай бўлишнинг улдасидан чиқа олармикин?

Дилафрұзға үхшаганлар хоҳ оддий ҳәёттій масалада бўлсин, хоҳ ўқиши ё ишда бўлсин, хулласи, ҳамма масалада ўта фаол. Ҳар бир масала юзасидан ўз мустақил фикрига эга, кези келгандан ўз фикрларини дадил туриб ҳимоя қила олишга ҳам қодир. Үнга — Хосиятга үхшаганлар-чи? Ҳамиша оқил ва қатъий гапларга қулоқ солишга, маълум даражада иродаси мустаҳкам одамларнинг измидан юришга мажбур. Наҳотки бу Хосиятга үхшаганларда ақл ва заковат... нисбатан камроқлиги туфайли шундай бўлса?

Ақл ва ирода... Ҳар бир одамнинг инсоният жамиятидаги маълум ўрнини белгиловчи бу асосий сифатлар фақат болаликдан камолотга етишиш жарабніда ортириладими ёки инсонда түғма бўладими? Лекин ҳеч ким ҳеч қачон онадан бирданига ақлли ва иродали бўлиши учун болаликданоқ қандайдир пойдевор мавжуд бўлиши зарур экан-да? Наҳотки ана шу пойдевор одамнинг насли-насаби, қонида бўлса? Ген инженерлиги соҳаси худди мана шунга үхшаган проблемаларни ўргарди чоги.

Бу хусусда ҳам дугонаси билан фикрлашиб олса, ҳар ҳолда чакки бўлмас экан. Чунки Дилафрұз бу масалада ҳам, шубҳасиз, ўз фикрларига эга...

Кўзлари беихтиёр юмилиб, уйқуга кетаркан, Хосият шуни дилига туғиб қўйди. Бироқ у бунақа мавзуда гаплашиш ўёқда турсин, эади бош қашишга ҳам қўллари тегмаслигидан бехабар эди.

\* \* \*

Сурайё билан Собир қизнинг маҳалласи яқинидаги хиёбонга кириб боришаркан, у ҳамон паришенхотир ва бир оз ғамгии кўринарди. Қиз энди қалбида йигитга нисбатан негадир аввалгидай қайнот әҳтирос қолмаганини ҳис қилас, назарида иккисининг самимий ва илиқ муносабатларини гўё қора кўланка ўз оғушига чирмаб, тортиб олгандай эди.

— Нега бунча қовоғингни уймасанг? — сўради Со-

бир қизнинг қўлтиғидан олмоқчи бўлиб. Лекин Сурайё қўлини тортиб оларкан:

— Қўнглим негадир жуда ғаш,— деди истамайгина.

— Қўланка боисиданмасми?

— Балки.

— Хавотир қиласидиган жойи йўқ. Бари бир жиловлашади.

— Эҳтимол.

Собир Сурайёдан сал орқароқда шошилмай одимларкан, таажжуби тобора ортиб борарди. У қиз билан расмана учрашиб юра бошлаганига икки йилча бўлган, шу давр ичida Сурайёнинг феълини жуда яхши ўрганиб олдим, деб ўйлаганди. Бироқ, у янгишган экан шекилли, ўйин-кулги, ҳазил-мутойибани ёқтирадиган, ҳатто, бир оз енгилтак характерли бу қизни ҳозир таниб бўлмай қолганди. Собир авваллари пана жойларда қиздан ўпич олганида, у дарров ийиб кетар ва йигитнинг бўйидан қучганча, дарров сархушлик оғушига бериларди. Уни иродаси бўшроқ қизлар тоифасидан, дейилса ҳақиқатдан йироқ бўлмасди. Бироқ...

Кекса мажнунтол остига қўйилған ўриндиқ ёнидан ўтишаркан, йигит:

— Бир пас ўтирайлик, Сурайё,— деб таклиф қилди.

Қиз пича иккиланиб тургач, индамай скамейка сари юрди. Ёнма-ён ўтиришди, Собир унинг белидан қучди:

— Менга қара, нима қилсан бир кулиб берасан? Икки кундан бери қовоғингдан қор аrimайди.

Сурайё, бир кўнгли ҳамма дардларига йигитни шеприк қилмоқчи ҳам бўлди. Лекин унинг кўзларига қараб, уларда ўзига нисбатан хавотир, ҳамдардлик ҳислари эмас, балки биринчи галда ўпич олиш ва қучоқлашга бўлган иштиёқ учқунларини сезди-ю, дарров фикридан қайтди. Ана шу биргина Ҷигоҳнинг ўзи йигитни қалбан ўта узоқлаштириб юборди. У биқинидан Собирнинг авайлаб қучган қўлини итариб ташлар экани

— Мен борай, Собир ака, уйдагилар хавотир олишади,— деди-да, тезгина ўринидан туриб, кўча томон интилди. Йигитнинг кузатмоқчи бўлиб қўзгалганини, пайқаб, қўшимча қилди:— Кузатманг, дадам кўриб қолишлари мумкин...

Собир югургандай одимлаб бораётган қизнинг орқасидан ҳайрон бўлиб тикиларкан, беихтиёр селкасини қисди...

Сурайё ҳовлига кирди-ю, дарров пешайвон ичидаги чироқ ёниб турган деразага қаради. Ҳа, худди кутганидай: ишдан қайтган отаси жиғибийрон бўлиб, хонада уёқдан-буёққа асабий одимларкан, онасига алланимани писанда қилар, эҳтимол уни жеркаётганди. Шубҳасиз, ўзи тўғрисида гап бораётгани аниқ. Қиз эшикни очди-ю ялт этиб қараган отасига салом бериб, индамай ичкарига, ўз хонасига ўтди. У ҳозир онаси ҳам, отаси ҳам орқасидан кириб келишларини билар, шунинг учун ўзини жиддий гап бўлишига тайёрлаб, шошилмай ечина бошлиди. Ҳақиқатан ҳам, лаҳза ўтмай эшик тиқиллаб, остонаяда аввал отаси, кейин онаси пайдо бўлишиди.

Қизнинг отаси қорин қўйган, тепакал одам бўлиб, камдан-кам асабийлашадиган ва гапни дона-дона қилиб гапирадиган вазмин қиёфали зиёлилардан эди. У Сурайёнинг буваси — машҳур профессор туфайли ёшлигидан ошиғи олчи бўлиб келаётган, лекин аслида ўртамиёна олимлардан эди.

Отасининг кайфияти жудаям бузуқлиги сезилиб турарди. Қиз уни илгари сира бундай асабий ҳолда кўрмаганди.

— Шаҳарга даҳшатли кўланка бостириб келаётганидан хабарингиз бор экан, қаёқларда дайдиб юрибсиз, қизим? — овози титраб гапири профессор.

— Қаёққа кетганимни ойимга айтгандим,— совуққина жавоб берди Сурайё.

— Бўлмаган гап. Ойингиз қаердалигинизни менга айтолмадилар. Шу бир соат ичиди сочимизга қанча оқ оралаб кетди. Яна сал кечиксангиз, бутун милицияни оёққа турғизмоқчи бўлиб тургандик. Ахир бу инсофдан эмас-ку, она қизим? Илгари бундай номақбул одатларингиз йўқ эди-ку?

Шу пайт қизнинг жонига онаси оро кирди:

— Бўлди, дадаси, қизингиз бир марта янгишиди, бошқа қилмайди. Дугоналарининг қандайдир илтимосини бажараман, деб шундай қилган, бечора қизим. Бир гал кечира қолини энди, жон дадаси.

— Мен ҳеч кимдан кечирим сўрамоқчи эмасман,— деди кутилмаганди Сурайё хотиржам овоз билан.

Она ҳам, ота ҳам ҳайрат билан бир-бирларига қарашди.

— Ҳай-ҳай, она қизим, сизга нима бўлди бугун ўзи? Ё кайфиятингизни дугоналарингиз бузишдими? Анави маҳмадона ўртоғингизнинг... исми нима эди-я?.. Ҳа,

Дилафрўз! Астағириулло, худди она хотин дейсиз-а. Ё ўша дилингизни ранжитдими?

— Аввалом бор, ойи, уни ҳақорат қилишга ҳаққингиз йўқ. Ундан кейин Дилафрўз бирони ранжитадиган қиз эмас.

— Менга қаранг, қизим,— гапга тагин ота аралашди,— бугун мен сизни мутлақо танимаяпман. Ўзи нима гап?

— Зарур иш билан сал кечикдим, дада.

— Биз сизга шуни айтмоқчимиз-да, ахир. Вазият жуда қалтислигидан хабарингиз бор, тиригу нотирик — жами нарсаларни бир лаҳзада музлатишга қодир бўлган даҳшатли кўланка шаҳарга ана кираман, мана кираман, деб турган пайтда сиз бемаҳал кўчада юрсангиз, биз хавотир олмай, ким хавотир олсин?! Бунинг устига, қаерга кетаётганингизни очиқ айтмай, онангизни беҳурмат қилибсиз. Бундай номақбул одатларингиз йўқ эди-ку?

Агар шу пайт нариги хонадаги приёмникдан дикторнинг: «Диққат, диққат! Эндан гапирамиз»— деган аллақандай огоҳлантирувчи овози эшитилмаганида, бу суҳбат нима билан тугаши номаълум эди. Биринчи бўлиб ота кескин бурилди-да, бесўнақай одимлаб, нариги хонага ўтди. Кетма-кет онаси билан Сурайё ҳам орқасидан кириб боришиди.

— Қимматли радио тингловчилар!— деб бошлади гапини диктор.— Номаълум кўланка ҳақидаги навбатдаги хабарни эътиборингизга ҳавола қиласиз. Сизга маълумки, бундан беш соат аввал кўланканинг шаҳарга кириш йўлини тўсиш мақсадида темир-бетон пойдеворли металл девор ўрнатилган эди. Тўсиқ ғаройиб кўланканинг босим исканжасига яна қанча вақт чидаш бера олади, бу—ҳозирча маълум эмас. Лекин шаҳар ижроия комитетининг қарори билан монтажчилар бригадаси уни тўсиб турган девордан, тахминан, етти метр нарида янги девор барпо этишга киришишди. Унинг материали солиштирма зичлиги ниҳоятда юқори ва унча-бунча газ билан реакцияга киришиши амримаҳол бўлган маҳсус металл қотишимасидан тайёрланган. Олимлар, кўланка бундай қотишима билан умуман реакцияга киришмаса керак, деган тахминни билдиришяпти. Шунга қарамай азиз радио тингловчилар, мазкур номаълум газ уюми ҳақида ҳали бирор аниқ маълумот йўқлигини назарда тутиб, шаҳримиздаги ҳар бир хонадонда чироқ ўчиб қолиши

хавфининг олдини олиб қўйиш мақсадга мувофиқдир...

Ота-она ҳам, қиз ҳам сукут сақлаб туришар, ҳар учовининг нигоҳида энди саросима ифодаси қотиб қолгандай эди.

\* \* \*

Дилафрўз навбатчилик вақтини бекор ўтказмаслик учун газлар мувозанатига оид бирор китоб топиб ўқишга қарор қилди. Дадасининг китоб жавонини титкилаб, муқовасига ўрмон ва осмоннинг рангли сурати чизилган «Инсон ва табиат» номли бир брошюрани топди. Дарров мундарижасини кўздан кечириб, газларга оид боб мавжудлигига амин бўлгач, ташқарига йўл олди. Ҳамон қизиб бораётган примуснинг тепасига келиб, гугурт чақиб кўрди. Айтарли ҳеч қандай ўзгариш йўқ эди. Дилафрўз, чироқ ёруғига бориб ўтиради.

Китобчани варақлашга киришди. Унда қизиқ маътумотлар келтирилган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисобот-китоби бўйича одамзод цивилизация мавжуд бўла бошлаган пайтдан бўён 80-85 миллиард тонна ҳар хил ёнилги турларини ёқибди, унинг ярми сўнгги йигрма беш йил давомида ишлатилибди. Кўмирнинг ўзигина бир йилда 2 миллиард тонна ҳажмида ёқилар, у атмосферага ҳар йили 15 тоннадан кўп кўмир гази ва чанг тарқалишига олиб келаркан. Биосфера нинг қобигига кўмир газидан ташқари ёқилғилар натижасида кўплаб миқдорда углерод оксиди, олtingугурт оксиди, углеводород, азот оксиди ва қаттиқ чангсизон заррачалар ажralиб чиқар экан.

Бу бирикмалар ва элементлар юз миллионлаб йиллар давомида ўсимликлар ва планктонлар (сув ости ўсимликлари) томонидан фотосинтез қилиниши ва бошқа процесслар жараёнида йигилган, уларнинг кўп қисми литосферанинг остки қисмида қолиб кетган ва ёқибатда кўмир, нефть сингари ёқилғи моддаларига айланган эди. Энди одамлар шу қазилма бойликларини энергия олиш учун тўхтовсиз қазиб чиқаришмоқда, бироқ мазкур ёнилғи моддалар одамларга асрлар давомида консервация қилинган қуёш энергиясини қайтиб бериш билан бирга зарарли бирикмаларни ҳам «ҳадя» этмоқда эди. Оқибатда ҳар йили биосферанинг Ерга яқин қобигида кислород гази бир неча миллиард тоннага камайиб бормоқда эди.

Дунё бўйича умумий сони 300 миллиондан ошиб кетган автомашиналар, айниқса, самолётлар кислородни шафқатсизлик билан «ютар» экан. Масалан, Америкадан Европага учувчи реактив лайнер саккиз соат давомида ҳаводаги 50—75 тонна кислородни ёқиб йўқ қилар, худди шунча кислородни эса ана шу вақт ичидаги 25—50 минг гектар майдонга эга бўлган ўрмон аранг ишлаб чиқаришга қодир экан.

«Кишини ташвиш ва хавотирга солувчи қандай ғаро-йиб маълумотлар!— ўйлади Дилафрўз.— Бироқ афсуски, уларнинг қора кўланкага алоқаси бор-йўқлигини аниқлаш жуда мушкул. Балки кўланка ана шундай чиқинди газларнинг илгари сира кўрилмаган номаълум таркибдаги йифиндисидир. Бироқ, бари бир уларнинг паҳтазорда қандай пайдо бўлганига ҳеч ақл бовар қилмайди... Ҳар ҳолда кўланкани дастлаб топган жойларини яна бир синчиклаб кўздан кечириб чиқишилари керак. Ҳеч бўлмаса ниманингdir бирон-бир изи қолган бўлиши керак-ку, ахир!.. Бу ишга Абдулла билан Собирни жалб қилиш мумкин. Эртага эрталаб, албатта...»

Чирсилаш овози қизнинг хаёlinи бўлди. Иргиб ўрнидан туриб примуснинг тепасига келди. Гугурт чақиб чўпини унга яқинроқ олиб борди. Қизиб, қизариб кетган примусдан билинار-билинмас ҳовур кўтарилаётганди.

Кутилмаганда қизнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. У ёниб турган гугурт чўпини примусга яқинроқ олиб бориб, тепага қараб ёнаётган оловнинг тили қўққисдан пастга, примуснинг олов чиқадиган оғзига интилганини кўриб ҳангуманг бўлиб қолди. Айни пайтда қизнинг нигоҳи примус оғзидан чиқиб, худди чувалчандай буралиб-эшилиб турган тўртбеш кўланкага тушди.

Мана бу кутилмаган янгилик бўлди. Демак, кўланка шароитга мослашиб, зифирдек туйнуқча орқали ҳам ўзига йўл топиб ташқарига чиқиб кетавериши мумкин.

Унинг бутун даҳшатини дақиқа сайн аниқроқ ҳис қиласкан, қиз асабийлаша бошлади. Одамзод нималарга қодир эмас! Асрлар давомида у Ердаги жами тилсимотларнинг калитини қўлга олди, юксак чўққиларни забт этди, улкан уммонлар остидаги сирли жумбоқларни ечяпти, мана энди олис юлдузлар сари йўл очди! Бироқ арзимаган ана шу қора кўланка олдида наҳотки у ожизлик қилса? Ўзингдан чиқсан балога, қайга бора-

динг давога, деганларидай наҳотки цивилизациянинг нобоп оқибатлари уни инқирозга юз тубан этса? Табиатнинг энг ноёб ва қудратли маҳсули — Олий Ақл наҳотки шу тариқа ўзини ўзи ҳалок қилса?

Наҳотки бу ғалати ҳаво массаси чинданам шундай енгилмас ва қудратли бўлса? Наҳотки уни мағлуб қилишнинг ҳеч қандай чораси топилмаса? Йўқ! Табиатда инсондан қудратлироқ ҳеч нима бўлмаган ва бўлмайди ҳам!

Дилафрўз қўлидаги соатига қаради. Шундагина вақт эрталабки олтидан ошганини пайқади. Хосиятни у келишганларидек соат тўртда уйғотиши керак эди. Ҳечқиси йўқ. У икки соатча мизғиб олса бўлди. Қейин ишга киришади. Шундай ишга киришадики!..

Қиз Ҳосият билан укаси ухлаётган хонага кириб борганида, икки табақали катта деразадан тушаётган оқиш ранг хонани хийла чароғон этган — ташқарида тонг оқариб келмоқда эди.

Хосият кўзини очиши билан дарров соатига қарадида, дугонасидан гина аралаш сўради:

— Нега кеч уйғотдинг?

— Китоб ўқишига берилиб кетибман.

— Ҳеч гап йўқми?

— Қўланка примуснинг оғзидан худди илоннинг тилларига ўхшаб чиқа бошлади.

— А?!

— Ҳа, шунаقا гаплар. Фақат эҳтиёт бўл. Айлана ичидан чиқа бошласа, дарров уйғот, хўпми?

— Хўп. Яхши ётиб тур.

Хосият оёқ учida юриб, ташқарига йўл олди.

\* \* \*

Абдулла негадир табиати хира бўлиб уйғонди. У тонгга яқин ғалати бир туш кўрганди. У яна қўланканинг йўли тўсилган ўша пахтазорга борганиши. Қўланка энди худди шардай тепага кўтарилиб кетган, темир девордан ошиб тушиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас эмиш. Йигит худди чамадонга ўхшаган, лекин устки қисмига қия маҳкамланган стволли аппарат — квант генераторини кўтариб олган, қўланкани концентрацияси ўта кучли бўлган нур воситасида бомбардимон қилишга қарор этганиши.

Мана, у қўланкани кузатиб турган милиционерлар кўрмайдиган жой — пахтазор чеккасидаги ихота да-

рахтлари орасига аппаратини ўрнатди-да, аппарат стволини кўланкага шошилмай тўгрилади. Қейин нишондан кўз узмаган ҳолда маҳсус тумчани босибди. Не кўз билан кўрсинки, кўланканинг девор устидаги шишиб турган жойига қуондай бориб урилган нур оқими уни қоқ иккига ажратиб юборибди. Лекин шу заҳотиёқ унинг ёрилган жойидан қирғий бурунли улкан бир қора қуш учиб чиқибди-да, тўппа-тўғри Абдулла томонга учиб кела бошлабди. Буни кўрган йигитнинг капалаги учиб, аппарат стволини дарров қушга тўғрилабди, бироқ қуш шошилмай қанот қоққанича, бўйни буриб, нурни бир чўқиган экан, у ўша заҳоти орқасига қайтибди-ю, аппарат стволининг ичига кириб, кўздан ройиб бўлибди. Йигит генераторни ҳар қанча қайта ишлатишга уринмасин, бунинг сира уддасидан чиқолмабди. Улкан қора қуш бўлса, ҳамон унга яқинлашиб келаверибди.

Ораларида эллик метрча масофа қолганида, йигит кўрсаки, қуш олти яшар боладай гавдали, бурни тарновдай, панжаларидаги бир оз эгилган тирноқлари эса қошиқдай-қошиқдай бир маҳлуқ эмиш.

Йигит унга тикилганча, тошдай қотиб тураверди. Кўрқувдан тиззалири қалтираб, юраги худди кўксини тешиб чиққудек даҳшатли ура бошлади. Охири ўзини қўлга олиб, пахтазор бўйлаб, тирақайлаб қочишга тушди. У азбаройи тез юрганидан оёқлари остидаги ёш гўзаларни топтаб-яниб бораётганига ҳам эътибор қилмас, баъзан ариқчалардан сакрайман деб, қоқилиб йиқилиб тушар, шунда ҳам, тўртоёқлаб бўлса-да, чопишига интилармиш.

Бир пайт унинг соchlарига қушнинг баҳайбат қанотлари шамоли урилди. Сўнгра иккى қора панжаси икки елкаси узра туша бошлаганини пайқаган Абдулла жон-жаҳди билан чинқириб юборди-ю, уйғониб кетди. Абдулла кўзини очганда, кун ёришиб кетган, бутун вужудини кўрқув ва саросима чулғаб олганди. У ўзининг бир кишилик ихчам хонасидаги сим каравотида ётар, отаси ва онаси ишга кетишганига, афтидан, анча вақт бўлганди...

Йигит енгил «ух» тортиб ўрнидан турди. Қийинди, кейин бирдан шошилиб нонушта қилди-да, Дилафрўзникига отланди.

Абдуллалар турадиган кўчанинг нариги бетида са-мосвал, автомашиналар гаражи жойлашган, ҳамиша у

ердан бензин, автол ва мой ҳиди анқир, чор-атрофдаги ҳаюни эса самосвалларнинг ёқимсиз тутуни қандайдир қўчигирга мойил оч сарғимтири тусга киритганди.

Иигит автобаза томонга негадир шубҳа билан қараб қўйди-да, Дилафрўзлар турадиган маҳалла сари йўл олди.

Иигит Дилафрўзларнинг ҳовлисига кириб келганида, қизлар ёғоч каравотда чой ичиб ўтиришарди.

— Чойга кел, Абдулла,— деди Дилафрўз саломлашишгач. Иигит қиз узатган пиёлан оларкан:

— Нима янгиликлар бор?— деб сўради ўнг томондаги соя қамалган примусга нигоҳ ташлаб.

— Ҳозирча ҳеч гап йўқ,— деди Дилафрўз шошилмай чой ҳўпларкан,— кутганимиздек, примус борсан сари қизиб боряпти, қўл теккиссанг, куйдиради.— Шундай дея туриб, чаپ билагидаги соатига кўз ташлаб, қўшиб қўйди:— Асосий янгиликларни яна беш минутдан кейин эшитамиз. Радио орқали.

Шундагина иигит айвондаги эски сервант устига қўйилган транзистордан паст овозда эшитилаётган концертга эътибор берди. Машҳур хонанда шўх қўшиқ куйламоқда эди. Абдулла ана шу қўшиққа Дилафрўз жуда чиройли рақс туша олишини хаёлидан ўтказди.

— Хўш, бугунги иш планимиз қандай бўлади?— сўради Абдулла ҳам энди шошилмай чойдан ҳўпларкан, Дилафрўзнинг хотиржам кайфиятига мослашишга тиришиб.

— Сен билан Собирга махсус топшириқ бор, Абдулла,— деди Дилафрўз,— ҳозир кўланка лайдо бўлган жойидан тахминан юз эллик-икки юз метрча силжиган. Шу бугуноқ унинг дастлабки найдо бўлган жойини яхшилаб ўрганиб келиш керак. У ерда ғўзалардан ташқари яна нима бор, қандайдир тошми, ахлатми, бирор ҳайвон қолдигими, хуллас, синчиклаб қараб чиқиш керак. Топилган нарса кўланканинг қандай найдо бўлганини аниқлашимизга жуда катта ёрдам бериши мумкин.

— Тушунарли. Лекин...

— Хўш?

— Мен... муҳимроқ иш билан шуғуллансан, дегандим,— деди Абдулла темир қутига солинган кўланка парчаси томон ишора қилиб.

— Ҳозир биз учун энг муҳим иш, Абдулла, кўланканинг лайдо бўлиш сабабларини аниқлаш. Буни билмай

туриб, уни йўқотишнинг бирор чорасини топишимиз амримаҳол.

Абдулла чойни бир ҳўплашда ичди-да, пиёлани қизга узатаркан:

— Яхши,— деди қатъий оҳангда (йигит бундай масалаларда Дилафрўз билан баҳслашиб бефойда эканини яхши биларди),— бўлмаса мени кетдим. Собир келса орқамдан борсин. Кўланканинг пайдо бўлиш сабабларини насиб қиласа шу бугун... Дарвоҷе, радиода ахборотнинг маҳсус сони!..

Йигит тезгина айвон томонга ўтиб, сервант устидаги транзисторнинг қулоғини буради. Диктор ахборотни эндиғина эшиитира бошлаганди:

— «...Шаҳримиз аҳолисининг диққат марказида турган номаълум кўланка бундан икки соат аввал темир тўсиқнинг тагидан, худди мустаҳкам қурилмаган тўғон остидан ўпириб чиққан сувдек, ернинг маълум қатламини ёриб ўтиб, иккинчи тўсиқ сари интилди. Лекин унинг маҳсус металл қотишмасидан тайёрланган иккинчи тўсиқни ёриб ўтиши амалий жиҳатдан мумкин эмас. Айни пайтда кейинги тўсиқнинг пойдевори ерга икки баравар чуқурроқ кўмилган. Шунинг учун кўланканинг шаҳарни электр энергиясидан маҳрум этиши ва унга бостириб кириши боисидан ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Олимлар кўланканинг келиб чиқиш сабаблари ва уни йўқотиш йўлларини аниқлаш бўйича тадқиқотларни узлуксиз давом этдирмоқдалар...»

Ахборот тугагач, Дилафрўз бошини маъноли силкитиб:

— Демак, олимлар ҳозирча ҳеч нарсага эришолмабдилар,— деди.— Қанийди энди кўланканинг пайдо бўлиш сабабини биринчи бўлиб улар эмас, биз кашф қилсак!

— Бунинг учун ишлаш керак!— деди Хосият қатъий, кейин дарров ўз гапидан ўзи ийманиб, ерга қаради.

Шу пайт остоноада Собир кўринди-ю, Абдулла дарров эшикка йўналди.

— Ҳа, чиндан ишлаш керак,— деди у йўл-йўлакай, Собирни сўрашгани ҳам қўймай, елкасига қўл ташлаб, эшик томонга бошларкан.— Биз Собир билан кетдик. Тезда қайтишга ҳаракат қиласиз. Лекин сизлар эҳтиёт бўлинглар!

Собир негадир норози қиёфада дам қизларга, дам йигитга қаради-ю, елка қисиб, орқасига бурилди,

— Юрәвер, юрәвер, оғайни, ҳозир ҳаммасини ту-шунтириб бераман...

\* \* \*

Примуснинг олов ёнадиган тешикчаларидан худдичувалчангдай буралиб-эшилиб ташқарига тошиб чиқа-ётган кўланка дастлаб қиз боланинг майдалаб ўрил-ган соchlаридай турли томонга ёйилиб, пастга чўзила бошлади. Сўнgra айрим «соч толалари» қўшилиб, сув илондай катталикда учта яхлит ўрам ҳосил қилди-да, учи қути тагига тегиши билан бир-бир титраб, гўё балиқидан талвасага тушиб қочаётган чувалчангдай, туйнук ахтариб, темир тагини пайпаслай бошлади. Мана, икки кўланка ўрами қўйқисдан бир-бирларига қа-раб интилиб, ўзаро жипслашиб олишди. Кўп ўтмай, учинчи ўрам ҳам уларга қўшилди-ю, энди «сув илони» узлуксиз семира бошлади. Примуснинг оғиздан тушган учта қорамтири «арқон» пастда ўзаро туташиб росмана илондай катталикка эришгач, темир қутининг бурчагига қараб интилди.

Бу жараённи кузатиб турган қизлар ҳайратининг че-ки йўқ, ҳатто Дилафрўз ҳам бир нима дейишга лол ва ожиз эди.

— Худди жонли мавжудодга ўхшайди-я!— деди ҳозиргина ҳовлига кириб келиб, қизларга қўшилган Сурайё ҳаяжонланганича.

Бир неча дақиқалик сукутдан сўнг, ниҳоят, Дила-фрўз гап қотди:

— Менимча, бу — жонли мавжудонинг худди ўз-гинаси! Дунёда мавжуд жами мавжудотлар ичидан бундан йиртқичроғи ва хавфлироғи сира топилмаса керак.

Шу пайт темир қути устида энгashiб турган Хосият бирдан ўзини орқага олди-ю, қичқириб юборди. Дила-фрўз билан Сурайё ҳам беихтиёр орқага тисланишиди. Илон шаклидаги кўланка тобора чўзилиб, сира кутилмаганда темир бурчаги бўйлаб юқорига кўтарила бошлаганди. Мутация туфайли пайдо бўлган кўланка бўла-ги примусдаги керосин қолдиги, турли чўқинидилар ва мис молекулалари билан обдон реакцияга киришгач, шароитга мослашиб ўзида янги физиковий ва кимёвий хусусиятлар ҳосил қилган, у энди ўз солиштирма оғир-лигини танасининг турли қисмларида турлича миқдорга келтира олар ва шунинг ҳисобига юқорига ҳам кў-

тарилиши мүмкін эди. Құланка учун энді ҳар қандай түсиқ құт бўлмай қолган, у дафъатан түсиқлардан ошиб ўтиш йўлини «билиб» олганди.

Мана, «илон» ниҳоят темир қутининг юқори қиррасига етиб «боши»ни чиқарди-да, худди чор-атрофга разм солаётгандай, бир зум жойида қотди. Илонсимон қўланка түсиқдан ошиб, пастга интилгандагина қизлар ўзларига келишди. Ана шунда, сира кутилмаганда, Сурайё қатъият кўрсатди: чопиб бориб, ҳовли ўртасида ўсиб ётган райхонлар орасидан темир белкуракча олиб келди-да, ерга тушай деб қолган қўланкани қутига қайта солди.

Қўланканинг қути ичига қайтиб тушган қисми пастки, бир оз йўғонроқ ва қуюкроқ қисмига нисбатан анчакам солиширма оғирликка әгалигидан, бир зум ҳавода муаллақ осилиб қолди-ю, лаҳза ўтмай, қути деворига ёпишиб, тағин уни ошиб ўтишга туғинди.

— Аҳвол жуда чатоқ,— деди Дилафрўз ўта ҳавотирли қиёфада қошлирини чимириб, — уни йўқотишнинг бирор йўлини тезда топмасак, қўланка бари бир ўз қафасидан чиқиб кетади. Ана унда...

Хосият дугонасига аллақандай ҳавотир билан тикиларкан, унинг хийла чарчагани, ҳагто руҳи ҳам тушиб кетганини пайқади. Дилафрўзи тушкунликка юз тутдими, демак, аҳвол чинданам чатоқ. Ўша заҳоти хаёлидан: «Унинг кўнглини кўтариш керак!»— деган фикр ўтди. Лекин қандай қилиб? Ахир Хосият, ҳам, Сурайё ҳам ҳамиша Дилафрўзнинг ташаббускорлиги, иродаси ва салоҳиятига суюниб иш тутишар, кўп ишларни унинг изми бўйича амалга оширишарди. Афтидан, энди бунинг аксини қилиш керак, яъни улар ўзларининг бутун қобилият ва иродаларини ишга солиб, Дилафрўзни ўз йўлларига солишлари, уни дастлабки жанговар қайфијатга қайтаришлари лозим эди.

Сурайё ҳамон ўз иши, яъни илонсимон қўланка қутидан чиқиши билан уни белкурак ёрдамида яна идишга қайтариш билан овора эди.

— Шу соатдан бошлаб, қўланканинг олдида навбатчилик жорий қилишга тўғри келади,— деди Дилафрўз қандайдир умидсиз бир оҳангда.— У энди ҳаддан ташқари ҳавфли.

— Ҳозир мен навбатчи бўла қолай, тушгача,— деди Хосият атайин кўтаринки қайфиятда.

— Тушгача мен бўламан!— деди Сурайё кутилма-

ганды эътиrozга ўрин қолмайдыган бир оҳангда. Қизлар камгап ва мүмин-қобил дугоналарига ажабланиб қараб қўйиши. Унинг хулқ-автори бутунлай ўзгариб қолганди.

Дилафрўз хафсаласизгина одимлаб, ёғоч каравот зинасига бориб ўтири. Қейин Сурайё белкураги билан дам-бадам курашаётган илонсимон кўланкадан кўз узмай, паст овозда:

— Уни олган жойимизга олиб бориб ташлашимизга тўғри келмасайди, деб қўрқаман,— деди.

— Вой, нега энди, — деди Хосият,— ахир бирор чжобий натижа олмай туриб... Ана йигитлар ҳам келиши, бирга маслаҳатлашайлик бўлмасди!

Эшикдан кириб келаётган Абдулла билан Собирнинг кўринишларидан кайфиятларини чоғ деб бўлмасди.

— И-я,— деди Абдулла ҳаяжон билан кўланкага тикилиб,— ниҳоят, унга жон битибди-да!

— Жуда ғаройиб-ку! — деди Собир ҳам ҳайратланниб.

— Хўш, аниқладингларми?— сўради Дилафрўз соvuқон овозда.

— Ҳа деса ҳам, йўқ деса ҳам бўлади,— деди Абдулла.— Олдинига бизни кўланка дастлаб пайдо бўлган жойга қўйишишади. Лекин биз у ерга бир амаллаб ўтиб олдик-да, кўланка босиб ўтган жойларни роса айландик. Милиционер йигитнинг гапи бўйича кеча олимлар ҳам худди шундай қилишибди. Ҳулласи, бирор кўзга ташланадиган ҳеч нима тополмадик.

— Наҳотки ҳеч нима? Қотиб қолган ҳайвонлардан бошқа бирор жониворми, паррандами, қушми?..

— Қуш дедингми?— Абдулла Собирга тикилди.— Менга қара, сен қарғанингми, лочиннингми, қанотини кўрсатувдинг-ку, айтмоқчи?

— Ҳа, — жавоб берди Собир, — янгилишмасам, у парчаланиб кетган қарғанинг қаноти эди.

— Унинг қолган бўлаклари ҳам бормиди?

— Биласанми, назаримда бор эди. Аммо бизни асосан бирор метеорит қолдиги, тош парчалари қизиқтиргани учунми, уларга унчалик эътибор бермабмиз.

— Жуда соз! — бирдан жонланиб кетди Дилафрўз; бу хабар қизга яна кўтаринки кайфият бағишлигандай эди.— Демак, қарға. Мантиқ жиҳатдан ўйлаб кўрилса, қарға ҳам тўғри келади. Лекин сира ақл бовар қилмай-

ди. Наҳотки оддий бир қарға шунча ақлга сиғмайдиган ишларга сабаб бўлган бўлса?!

— Нима деяпсан ўзи? — деди унинг гапидан ҳеч нарса тушунмаган Абдулла. — Бундоқ аниқроқ қилиб гапирсанг-чи.

Дилафрўз собиқ синфдошларига энди аллақандай тантана ва бир оз айёрлик билан тикилди.

— Калаванинг учини топгандайман, дўстлар. Лекин ҳозир буни сизларга айтсам, менга ишонмасликларингиз мумкин. Шунинг учун олдин мутация ва мутантларга оид илмий адабиётларни яна бир синчиклаб кўриб чиқишимга тўғри келади.

— Сен тахминларингни айтавер, биз ишонишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Киз ўйланиб, бир зум сукутда қолди, кейин қатъий қарорга келди шекилли:

— Эшигинлар бўлмаса,— деди.

\* \* \*

Дилафрўзнинг қарға, мутантлар ва мутация ҳақидағи ғаройиб тахминлари йигит ва қизларни лол қолдирган, ҳаммалари уларга чипачин ишонишган эди.

— Ҳаммаси худди фантастик китоблардагидай гаплар-а! — деди Абдулла ҳайрат ва ҳаяжон билан Собирга юzlаниб.

Ёшлар ичиди Собиргина бир оз фаромуш кўринар, ярим хаёли негадир энди бир оз тинчиб қолган кўлланка олдида ҳамон навбатчилик қилиб турган тунд қиёфали Сурайёда эди. Ўтган кечада Собир алламаҳалгача ухломай ётган, ҳаётида илк марта изтиробли ҳисларга берилганди. Севгилисининг унга нисбатан ўз муносабатини кутилмаганда мутлақо ўзгартириши йигитни ўзига нисбатан танқидий кўз билан қараб, ўз шахсий афзалликлари ва камчиликларини жиддий қайта тарозига солиб чиқишига мажбур қилган эди. Мана, ёши йигирма бешга ҳам етиб қолибди, шунча йил яшаб у нимага эришди ўзи? Айтарли ҳеч нарсага. Ҳатто, ҳали институтни тамомлашга улгурмабди. Ҳаётда ўзи умуман шунаقا бўлса керак. Қимлардир катта истеъодод ва талантга эга бўлиб, ҳамма ишни (хоҳ жисмоний, хоҳ ижодий иш бўлсин), дўндириб бажараверадилар. Истеъодосиз ва дидсиз одамлар эса уларнинг соясида билинмай ва уларга орқа қилиб, ортиқча жон койитмай, айни пайтда, маълум даражада уларнинг ҳисобига

хузур-ҳаловатда яшайверадилар. Аксари кўп ҳолларда уларнинг ҳаёти истеъдодли одамларнинг ҳаётига нисбатан анча бут ва тўқисроқ бўлади. Наҳотки Собир ҳам ана шу истеъдодсиз одамлар тоифасига кирса? Наҳотки Сурайё ҳам худди ана шу мулоҳазаларга бориб, ундан кўнгли совуган бўлса? У энди қиз билан қандай гаплашади? Балки у Сурайёдек соҳибжамол қизга чинданам муносиб эмасдир?..

Нимадир қилиш керак! Қизнинг олдида ўзини оқлаш учун кечикмасдан нимадир қилиш керак!..

Йигитнинг хаёлини яна Дилафрўзниг совуқон ва огоҳлантирувчи овози бўлди:

— Энди келишиб олишимиз керак, дўстлар! Олдимизда икки йўл турибди: биринчиси — ҳали фурсат борида ва бирор фалокат юз бермасидан аввал қутидаги кўланкани асосий кўланкага олиб бориб, қўшиш. Иккинчиси — ҳар қандай хавфга юзма-юз келишдан қўрқмай, кўланкага қарши курашни давом этдириш. Биз қайси йўлни танлашимиз керак? Мен бу боисдан ҳар бирингизнинг фикрингизни билишни истардим.

— Мен курашни давом этдириш тарафдориман!— деди кутилмаганда ҳамон қути олдида белкўрак ушлаб, кўланкадан кўз узмай турган Сурайё қатъий. Ҳаммунга ҳайрат аралаш таажжуб билан қараб қўйди.

— Мен ҳам шу йўлни танладим!— қўшимча қилди Собир ҳам қўққисдан. Орага сукунат чўқди. Ҳамманинг қиёғаси ўйчан тусга кирган, фақат Сурайёнинг чехрасидагина қандайдир қатъият ва ўжарлик қотиб қолганди.

Ниҳоят, Абдулла тилга кирди:

— Менга қаранглар, ўртоқлар, масала чинданам жиддий. Биз ҳозирги шароитда тадқиқотларни давом эттиришимиз чинданам ўринлимий? Ахир хавф жуда катта. У мана шу уй, шу кўча, маҳаллагина эмас, балки бутун район ва ҳатто, шаҳарга ҳам катта фалокатлар келтириши мумкин. Шунинг учун бир қарорга келишдан аввал чуқурроқ ўйлаб кўришларингизни маслаҳат берардим.

Бирдан Сурайёнинг олдида турган Хосият жонланиб қолди:

— Дилафрўз, Абдулла! Мен сизларга тушунолмай қолдим. Хавф катталигини биз аввалданоқ, мана бу кўланкани бу ерга олиб келмасдан илгари ҳам яхши билардик. Хавфдан қўрқмай қанча ишларни амалга

оширидик. Бизга кўп нарсалар маълум бўлди. Кўланка пайдо бўлиш жараёнини ҳам деярли аниқлашга мувваффақ бўлдик. Тажрибаларимизга янада зўр бериб, уни якунлаш фурсати етганда нимадан хавфсирашимиз керак, ахир?!

Хосият ҳеч қачон бундай қизишиб сўзламаганди. Шунинг учунми, гапининг охирида юзлари чўғдек қизарib кетди.

— Хосият тўғри айтяпти,— гап қўшди Собир Сурайёning олдида озгина бўлса-да, ўзини кўрсатишга фурсат етганидан ичидан хурсанд бўлиб,— шаҳримиз учун хавф бари бир мавжуд. У шаҳарнинг у бурчидан чиқди нима-ю, бу бурчидан чиқди нима, менимча, бунинг аҳамияти йўқ. Халқимизда «чумчукдан қўрқсан тариқ экмайди», деган мақол бор, ишни бошладикми, энди иккilanmasdan охирига етказишимиз керак!

Дилафрўз ҳаммага бир-бир синовчан тикилиб чиқа, вазмин оҳангда деди:

— Демак, кўпчилик тадқиқотларни давом эттириш тарафдори. Яхши. Шундай қиласиз бўлмаса: Сурайё билан Собир қути олдида навбатчиликни давом этдиришади. Абдулла, сен шу бугундан иш журнали тўлдиришни бошлайсан. Унга ҳар гал умумий аҳвол ва қилинган ишларни ёзиб қўйишинг керак. Ҳар ҳолда бирор ижобий натижага эришсак, тарихий иш амалга ошган бўлади. Мен Хосият билан Марказий илмий техника кутубхонасидан мутантлар ва уларни парчалашга оид илмий адабиётларни олиб келиб, ўрганишга киришамиз. Тушунарлимиз?

— Тушунарли. Лекин менда яна бир таклиф бор, Дилафрўз.

— Қанақа таклиф?

— Утказган тажрибаларимиз ва мутацияга оид бояғи тахмин ҳақида Фанлар академиясига доклад ёки ҳисббот ёзсан.

— Жуда яхши. Фақат кўланканинг бир бўлакчасини қирқиб олиб келганимизни билдирамаймиз. Бу ишни Абдулла, бўлажак журналист сифатида сенга юкласак...

— Бош устига. Фақат илмий томонини бир оз таҳрир қилиб беришингизга тўғри келади.

— Ҳозир ёзавер, кейин биргалашив кўрамиз.

— Яхши.

Орадан ярим соат ўтгач, ҳовлида Собир билан Сурайёгина қолишганди: қизлар уларга Давронга кўз-қу-

лоқ бўлиб туришни тайинлаб, Марказий кутубхонага кетишган, Абдулла ичкарида Академияга доклад ёзиш билан банд эди.

Эрталабдан бери ўзининг ўйинчоқ солдатлари-ю, расм чизиш билан банд бўлган Даврон бир пайт уйдан чиқди-да, тўппа-тўғри Собир билан Сурайёнинг олдига келди.

— Қани, қўлни ташланг-чи, йигит!— деди қиз билан гапи қовушмай турган Собир ўнгайсизликни йўқотишга баҳона топилганидан суюниб.— Салом!

— Ассалом алайкум!— Даврон бўш келмай, Собирнинг узатган қўлига ўнг панжаси билан бир уриб сўрашди.

— Қалай, соғлиқлар яхшими? Бола-чақа дегандай?

— Менда бола-чақа йўқ-ку,— деди Даврон жилмайиб.

Бу гапдан беихтиёр Сурайё ҳам жилмайиб қўйди.

— Оббо азамат-ей, шунақа дегин!

— Қеча қўлимни чаққан нарсани кўрсатинг, амаки,— деди Даврон. Кутига ҳўмрайиб тикилганича.— Унинг адабини бериб қўймоқчиман.

— Э, шунақами? Фақат эҳтиёт бўл, у ерга яқинлашма, қўлингни яна чақиб олиши мумкин.

— Мен ундан ҳечам қўрқмайман. Қеча қоронғида чақиб олди-да ўзи. Бўлмаса мана бундай қилиб,— Даврон ҳавода муштини айлантириб кўрсатди,— бир урган бўл-а-ардим!

— Шунақа зўракансан-да ўзинг!

— Ҳа, зўрман шунақа! Хоҳлайсизми, ҳозир мен унинг адабини бераман!— кутилмаганда Даврон йигит билан қизнинг «ҳай-ҳай»лашига қарамай, қўланкачага энди қўл узатмоқчи бўлган эди, Сурайё жон ҳолатда боланинг қўлларига ёпиши. Лекин болани қутқазаман деб, қўланкага ўнг қўлининг устки қисми тегиб кетди-ю, вужудида бир нима «жиз» этганини ҳис қилди. Собир болани тортқиласганича, айвон томонга олиб кетаркан, Сурайё инграб, каравот устунига суюниб қолди. Болани айвонга чиқариб қўйган йигит икки сакрашда қизнинг олдига етиб келди-ю, хавотирли овозда:

— Тинчликми, Сурайё? Нима бўлди?—деха қўлидан ушлади. Шундагина ўнг қўлининг тангадек жойи ўйишиб, у ердан тирқираб қон чиқа бошлаганини кўрди-ю, эти жунжикиб кетди.

— Ўзингни бос, Сурайёхон, ҳечқиси йўқ, ҳозир йод

топиб келаман!— Собир отилиб ичкарига кириб кетди, лаҳза ўтмай, Абдулла билан бир қўлида бинт ва шиша идишда йод кўтариб қайтиб чиқди.

— Хайрият, унча қаттиқ шикастланмабди, — деди Абдулла қизнинг қўлини кўздан кечиргач,— йод, кейин дори суреб бойлаб қўйилса, ўтиб кетади.

Шу пайт Абдулланинг назари темир қутига тушди-ю, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди. Юқори вольтли кабель симдай йўғонликдаги қўланка буралиб-эшилиб қути деворидан пастга ошиб тушган, ерда ётган белкуракнинг ёғоч сопини қоқ иккига бўлиб, сомонхона жойлашган тарафга билинар-билинмас жилмоқда эди. Бир дақиқа ичидаётк у бўйига бир ярим метрча чўзилган, йўлида учраган хас-ҳашак борми, хазон ёки кесак борми, ҳаммасини ямлаб тутатиб, музга айлантириб бораркан, энига ҳам чўзилаётгани шубҳасиз эди.

Абдулла икки сакраб, қўланка интилаётган жойга етди. Сўнгра нима қилишини билмай, яна орқага қайди. У чор-атрофга жавдира бикиларкан, қўланкани идишига қайта қамашга ярайдиган бирорта темир қидиради. Аксига олиб ҳовлида ҳеч нима кўринмасди.

Бирдан у, Собир бинт билан авайлаб боғлаётган Сурайёнинг қўлига ачиниб тикилганича, ёғоч каравотнинг панжарасига тирсакларини тираб турган Давронга отилди:

— Менга қара Даврон, темир белкуракларинг қарда туради?

— Ана,— деди қўланка ёнида сопи иккига бўлинниб ётган белкуракни кўрсатиб.

— Бошқаси-чи?

— Бошқа йўқ.

Абдулла атрофга гижиниб аланглаганича, тагин нари кетди. Хаёлига бир фикр келди шекилли, бирдан қўланка томонга юрди, сопи қирқилган белкуракни эҳтиётлик билан тортиб олди. Девор тагида ўсган тол шохидан синдириб зудлик билан янги соп ясади-да, ишга тушиб кетди. Қўланка энди қутидан бир метрча узоқлашишга ултурган, уни қайта «қафасига» солиш амримаҳол иш эди. Йигит унинг бош қисмига белкуракни тираб аста-секин қути томон жилдиришга уринди. Лекин қўланка худди илондай тўлғаниб, четга сирғалиб кетар, афтидан, унинг ўз йўлидан қайтиш ияяти асло йўқ эди.

— Менга қара, Абдулла,— деди Сурайёнинг қўлини

боғлаб бўлиб, унинг ёнига келган Собир,— бўлак-булакларга қирқиб, кейин жойига солишга уриниб кўрсак қандоқ бўларкин?

Абдулла, яхши, дегандай боши билан тасдиқ ишорасини билдириб, кўланканинг бир қарич узунликдаги қисмини белкурак қирраси билан кесиб ажратиб олдида, кейин тагидан кўтариб қутига солди. Собир жуда оқил маслаҳат берган эди. Шу алфозда иш юришиб кетди. Галма, галдан ҳар иккovi ишлаб кўланканинг деярли ярмини қайта қутига қамашганда, бирдан белкурак сопининг паст томонидан «зув» этиб тутун кўтарили-ю, унинг темир қисми яна узилиб тушди. Абдулла каттароқ қирқиб юборган кўланка парчаси белкуракнинг ёғоч сопига тегиб кетган ва уни музлатиб, шу ондаёқ мўрт қилишга улгурганди; тол шохидан яна янги соп ясацга тўғри келди.

Орадан ярим соатча ўтгач, кўланка қайта қутига тушган, бироқ энди у примусни буткул кўмиб, қутининг ярмига яқин қисмини тўлдириб турарди. Унинг устини тунука билан ёпиб қўйишиди: кўланка ҳаводаги турли газларни ўзига ютиб дақиқа сайин катталашаётганига энди ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаганди.

Собир қўлинни ушлаганича ўтирган Сурайёнинг олдига борди-да, қизнинг энди врачга бир кўриниш бериши кераклигини уқдиришга тушди.

— Керакмас,— деди Сурайё унинг гапини бўлиб,— шахсий тажрибамдан биламан, врач ҳам худди шу сен қўйган дориларни тавсия этган бўларди. Унинг справкасига бўлса, ҳозир эҳтиёж...

— Ўзинг биласан. Аммо бари бир уйга қайтиб, даволанишинг керак.

— Шу ерда даволансам ҳам бўлаверади,— деди Сурайё ўжарлик қилиб.

— Ихтиёринг.

— Қани, дўстлар,— деди Абдулла қўлидаги белкуракни ҳасса ўрнида ишлатиб, уларга яқинлашаркан,— ҳамма фавқулодда ҳодисаларни бартараф этдик. Энди асосий ишларимизни давом этдирамизми?

— Давом эттирамиз!— деди Сурайё билан Собир кейин бараварига жавоб беришганидан бир-бирларига қараб кулиб қўйишиди.

— Бўлмаса, мана бу сенга, — Абдулла қўлидаги белкуракни Собирга узатди,— навбатчиликни яна сизларга топширдим.

Шундай деб, Абдулла тағин ичкари уйға йўл олди.  
Собир белкуракни кўтариб, қути ёнига кетаркан,  
ҳали ҳам қизнинг боғлиқ қўлига ачиниб қараб турган  
Даврон бирдан унга савол бериб қолди.

— Собир амаки, сиз Сурайё опани яхши кўраркан-  
сиз-а?

— Ҳа, албатта,— деди Собир бир оз ўсал бўлиб,  
қизга зимдан нигоҳ ташларкан.

— Жуда ачиниб кетганингиздан билдим.

— Мен-ку яхши кўраман,— деди йигит фурсатдан  
фойдаланиб, айни пайтда қизга гинаомуз қараш қи-  
либ,— лекин Сурайё опанг мени яхши кўрмайди-да.

— Шунақами, Сурайё опа?— қизга ўгирилди Дав-  
рон қовоқлари уюлиб.

— Йўқ,— деди Сурайё совуққина қилиб, — мен ҳам  
яхши кўраман.

Қизнинг гап оҳанги яна Собирнинг руҳини тушириб,  
бояги шубҳаларини кучайтирди. Аслида эса, Сурайё  
йигитга қилган кечаги муносабатидан афсуланаётган,  
ҳатто изтироб чекаётганди.

Шу пайт эшикдан бир тўда китоб кўтариб, Дила-  
фрўз билан Хоснят кириб келди.

— Вой-бу, — деди Дилафрўз китобларни каравот-  
нинг бир чеккасига қўйиб, қути устига ёпилган тунука-  
ни эҳтиётлик билан суриб, кўланкага қарар экан,—  
катта бўлиб кетибди-ку!

— Ҳа, у борган сари «семиряпти», — жавоб берди  
Собир.

— Демак, тезлик билан бошқа каттароқ қути топи-  
шимиз керак. Йўқса у бугун кечаси тошиб чиқиб кети-  
ши мумкин.

Бирдан Дилафрўзниг нигоҳи Сурайёнинг боғлиқ  
қўлига тушиб, хавотирли товушда:

— Нима бўлди?— деб сўради.

Сурайёнинг ўрнига шошиб-пишиб Даврон жавоб  
берди:

— Анави қутидаги илон чақиб олди!

— Нима?!— Дилафрўз энди дугонасига бир оз ран-  
ги оқариб, саросимали қиёфада тикилди,— Нега эҳ-  
тиёт бўлмадинглар, ахир?!

Бир лаҳзали сукутдан сўнг у хотиржам ва паст  
овозда гапирди:

— Кутубхонадан анча янгиликлар олиб келдик. Қў-

ланкани ўрганиш учун бошқа шаҳарлардан йирик олимлар келишибди.

— Яна нима гаплар бор экан?

— Соя иккинчи деворни ҳам ошиб ўтибди. «Танаси-нинг» турли қисмида ўз солиштирма оғирлигини турлича ўзгартириши ҳисобига. Ҳозир учинчى — «П» ҳарфи шаклида ишланган, лекин тепаси ҳам беркитилган металл түсиққа бориб тақалибди.

— Демак, соя шароитга мослашиб, «тажриба» ортириш ва шу асосда оқыл «қарор»га келиш «қобилияти»-га ҳам эга экан, бу түсиқдан ҳам бари бир ўтади.

— Юқори вольтли линиягача неча метр қолибди ўзи?

— Ун беш метрча дейишляпти.

— Яна икки түсиқ қуриш мумкин бўлган жой қолибди-да?

— Ҳа. Узоги билан бир ҳафта ичида бирор жиддий чора кўрилмаса, тамом, шаҳримиз электр энергиясидан маҳрум бўлади...

Қизлар ёғоч каравотдаги китобларни олиб ичкарига кириб кетишиди. Ҳовлида яна Даврон, Собир ва Сурайё қолишиди. Даврон ҳалиги сеткадан опасидан беркитиқча олиб қолган китобчани олиб ўзича томоша қила бошлади.

— Менга қара, боя у семиряпти, дединг-а? — бирдан ўйгитга мурожаат қилди Сурайё, унинг кўзлари негадир порлаб кетгандай эди.— Айт-чи, жонли мавжудодлар нима учун семиришади?

— Менимча, яхши овқатланганлари учун.

— Жуда яхши. Борди-ю, уларга овқат бутунлай берилмаса нима бўлади?

Собир елкасини қисиб, кулимсиради:

— Нима бўларди, очдан ўлишади-да.

— Янглишмасам, мана бу кўланка ҳаво билан, яъни асосан, кислород билан ҳам овқатланади, тўғрими?

— Тўғри, нафас олади, десак ҳам адашмасак керак.

— Яхши! — қизнинг кўзлари ҳаяжонли чақнаб, бирдан кўланка солинган қути томон одимлади.— Борди-ю, мана шу қутининг устини яхшилаб, мутлақо ҳаво ўтмайдиган қилиб беркитсак-да, қути ичидаги ҳавони сўриб ташласак, «овқатсиз» қолган кўланка «очликдан» ҳалок бўлмасмикин?

Қизнинг гапни нимага олиб келганини ниҳоят тушуниб етган Собирнинг ҳам кўзлари чақнаб, чеҳрасига мамнуният ифодаси ёйилди.

— Жуда соз! Үйлаб топганингни қара-я, Сурайё!  
Молодец! Дарров қызларга, Абдуллага айтиб күриш  
керак. Улар нима дейишаркин. Лекин менимча, ғоянг  
жуда зёр!

— Шошмай тур,— эътиroz билдириди қиз,— уларга  
айтишдан аввал уни ўзимиз пишишиб олайлик. Амалда  
шундай қилса бўлармикин?

— Нега бўлмас экан! Менимча, бўлади!

— Шошилма, Собир, биз кўланка темир ё мисни  
юқори даражада қиздириб юборишини аниқлагандик.  
У қанча қиздира олиши мумкин? Идиш ёки қутининг  
қип-қизил чўғланиб, охири эриб кетгуничами ёки кўлан-  
ка маълум даражада «куч»дан қолиб, ўзи инқирозга  
юз тута бошлагунчами?

Сурайёдан бунақа оқил ва мураккаб мулоҳаза чи-  
кишини сира кутмаган Собир қизга ҳайрат ва завқ би-  
лан тикиларкан, бир зум тараддудда жим қолди. Бил-  
майман, дейишга қиздан ор қилди, бирор нарса дей  
деса, аксига олиб, калласига ҳеч нима келмасди. Бир-  
дан унинг тиришган пешанаси ёзилиб, чеҳраси ёришиб  
кетгандай бўлди.

— Биласанми, қанча даражагача қиздириши ҳақи-  
да бир нима дёёлмайман-у, лекин қамалган кўланка  
қути деворидан электронлар ва бошқа майдар заррача-  
ларни уриб чиқариб, ана ўшалар билан озиқлансанса ке-  
рак. Физикада буни эмиссия деб аташади.

— Демак... эмиссия то жисм, яъни қути деворлари  
буткул емирилиб, ишдан чиқмагунча давом этаверади...

— Яхшиси, Сурайё, бу ҳақда Дилафрўз билан мас-  
лаҳатлаша қолайлик. Ҳар ҳолда у беш минути кам  
биолог-ку.

Дилафрўзning номини эшитиши билан қизнинг  
мўъжаз чеҳрасидаги аллақандай кўтаринки ифода бир-  
дан сўнгандай бўлди. У йигитга гинаомуз қараш қилди-  
да, товушини пасайтириб:

— Мен бўлсам, буни иккаламиз ҳал қилармиз деб  
ўйлагандим...— деди ва шу заҳотиёқ «вой» деганича  
ўзини орқага ташлади: кўланка худди оширилган ха-  
мирдек, қути устига ёпилган тунукани кўтарганича  
ташқарига тошиб чиқиб, пастга интилмоқда эди. «Бош-  
ланди»,— ўйлади Сурайё аллақандай ички қўрқув  
ҳисси билан.

Собир белкурак билан яна ишга тушиб кетди. У  
осилиб тушган «от тилларини» қайтариб қутига солар,

лекин у маромидан күпроқ ачитилган хамирдек қути деворларидан ошиб, ташқарига, ерга интиларди. Иигит кўланкани идишга зичроқ жойлайман деб белкуракнинг орқаси билан босган эди, бирдан унинг сопи кўланкага тегиб кетди-ю, ўша заҳоти узилиб тушди. Белкурак эса худди сувга, тўғрироғи ёғга тушгандек, кўланка тагига чўкиб, кўздан ғойиб бўлди.

Афтидан, беркитиқча олиб келинган кўланка парчаси, ниҳоят, ўзининг даҳшатли ва ҳал қилувчи хужумни бошлаган эди.

— Белкурак! Белкурак керак!— бақирди Собир саросимада атрофга олазарак тикилиб.

Сурайё ёғоч каравотда қўрқиб-писиб турган Давронни етаклаганча уй томонга югурди.

Лаҳза ўтмай ичкаридан Дилафрўз, Хосият ва Абдуллалар отилиб чиқиши.

— Шунча тез-а? Шунча тез-а?— дерди Дилафрўз кўланканинг қисқа вақт ичида яна тошиб чиққанидан ҳайратга тушиб.

— Ҳа,— деди Давронни алдаб ичкарида — ўйинчоқлари олдида қолдириб чиқсан Сурайё,— янгилишмасам, у янги «ҳунар»лар чиқаряпти, айниқса сўнгги соатда у жуда тез катталашяпти. Бундан буён яна ҳам тезроқ...

— Белкурак! Дилафрўз, белкурак керак!— қизнинг гапини бўлиб бақирди Собир.

— Ҳозир, қўшнилардан топамиз!— Дилафрўз кўча эшик сари югурди. Шу пайт Собирнинг миясига бир фикр келди-ю, бир дақиқа ўйланиб қолди. Чамаси Сурайёнинг олдида ўзини оқлаши учун фурсат келгандай эди. У Абдуллага юзланди:

— Абдулла, ёнингда пулинг борми?

— Ҳа, беш сўм, нима эди?— ҳайрон бўлиб сўради Абдулла.

— Керак, бериб тур. Икки кунда қайтиб бераман. Сизларда-чи, қизлар?

Собир шериклари берган икки беш сўмликни чўнтағига солиб, уларни таажжубда қолдирганича, кўча томонга чопиб кетди.

— Қаёқقا?— сўради у билан эшик остонасида тўқнеш келган Дилафрўз; қиз икки қўлида икки белкурак кўтариб олганди.

— Мен ҳозир!— Собир тротуар бўйлаб югуриб кетди.

Абдулла билан Хосият Дилафрўздан белкуракларни олиб, ишга тушиб кетишиди. Лекин уларнинг ҳамма

уринишлари беҳуда кетганди. Қўланка энди ўз қутисига сизмас, бунинг устига дақиқа сайин катталашаётганди. У ҳозир кўп бошли аждар илондай қутининг турли томонига ўрмаларди. Абдулла билан Хосият қўланканинг энди бир томонини белкурак ёрдамида орқага қайтаришса, иккинчи томони чўзилиб кетар, иккинчисига «хужум»га ўтса, яна бошқа томони «юриш» бошларди. Шу тариқа қўланканинг бутун ҳовли бўйлаб тармоқлаб чўзилиб кетиши, кейин уйларга кириб ҳаммаёқни шипшийдам қилиши ҳеч гап эмасди.

Дилафрўз «илоннинг» ҳар бир боши дуч келган тасодифий томонга эмас, балки аниқ бир йўналиш бўйича олға интилаётганини кўриб ҳайратдан ёқа ушлади. Дарҳақиқат, улардан бири зўр бериб, сомонхона томонга, иккинчиси «ўжарлик» билан девор ёқасига супуриб уйиб қўйилган ахлат уюми сари, учинчиси эса, кўча эшикка қараб интилаётганди. Афтидан, сўнгиси кўча юзида, Дилафрўзларнинг эшигидан сал нарироққа қўйилган ахлат қутисининг ҳидини илғаб, ўшани мўлжаллаётганди.

Қизнинг билиб-бilmай қилган бу кашфиёти унинг мутация ва қора қарға билан боғлиқ гипотезасини тасдиқловчи муҳим далиллардан бири эди.

Шу пайт кўчада худди темир гилдиракли арава ўтаетгандай дангир-дунгир овоз эшитилди-ю, оstonада Собир кўринди.

— Абдулла! — бақирди у ҳовлиққанча. — Бу ёққа кел, менга қарашиб юбор!

Шундай масъулиятли пайтда нимага қарашиб юбориши кераклигини тушуммаган Абдулла норозилик билан афтини тириштириди, лекин белкуракни Дилафрўзга тутқазиб эшикка юрди.

У не кўз билан кўрсники, оstonадан сал нарида катта қора бочка ётар, Собир уни думалатиб ҳовлига олиб кирмоқчи бўлаётганди. Дўстининг мақсадига тушунган йигит хурсанд бўлиб кетди.

— Шошма, кўтариб олиб кирамиз! — деди-да, ўзи бочканинг бир четидан тутди.

— Гастрономдан вақтинча сотиб олдим, склад мудири сал танишроқ эди, — деди Собир фурур билан.

Уни бир зумда ҳовлига олиб кириб, тикка турғазиб қўйишиди. Собир шошиб-пишиб бочканинг доира қопқоқчасини бураб очаркан, Сурайёга зимдан қараб қўйди-да:

— У герметик беркилади, — деди баланд овозда, ке-

йин Дилафрўзга юзланиб давом этди:— Биласанми, боя Сурайё қизиқ ғояни айтиб қолди. Қўланка примусда, кейин темир қутида асосан ҳаво билан озиқланиб семирди, тўгрими? Борди-ю, уни ана шу озиқдан маҳрум этсак нима қилади, деб қолди у. Турган гапки, менимча, бу ҳолда кўланка «ҳалок» бўлади. Дунёдаги жамики тирик мавжудодлар очликдан ҳалок бўлишадику, ахир! Ҳозир кўланкани бочкага жойлаймиз-да, ичига ҳаво кирмайдиган қилиб, қопқоғини беркитиб қўямиз. Ана шунда...

— Фоя умуман ёмон эмас,— деди Дилафрўз бир зум ўйланиб олгач,— лекин унинг ҳәтийлигига шубҳаланяпман.

— Нега энди?

Белкуракни олиб, кўланкани майдалаб бочкага солишга уринаётган Абдулла Дилафрўзниң ўрнига жавоб берди:

— Негаки кўланка металл билан ҳам, гарчанд узоқ муддатда бўлса-да, реакцияга киришиш қобилиятига эга.

— Пировардида,— қўшимча қилди Дилафрўз,— уни ҳатто эритиб, сўнгра буғга айлантириб, ўзига сингдирив олиши ҳам мумкин.

Буни эшитиб, ҳафсаласи пир бўлган Собир Сурайёга қаради.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Сурайё кутилмаганда йигитга гўё, бари бир бу ишинг зое кетмайди, деяётгандай далда берувчи оҳангда,— кўланка темирни эритгунча ичча кун, эҳтимол, ҳафталар ўтар, бу вақт ичиди эса, у ҳаво етишмаслигидан инцироэга юз тутиши ҳам мумкин. Кейин, бир неча кун ичиди ё олимлар, ё биз уни йўқотишнинг бирор янги усулини ўйлаб топармиз, ахир!

— Бу гапингга қўшилса бўлади,— деди Дилафрўз унинг фикрини маъқуллаб.

Бўлайтган гап-сўзларга қулоқ солиб, индамай ишлатгандан Абдулла билан Собир энди жон-жаҳдлари билан ишга киришиб кетишиди. Бу кутилмаган фикрдан чеҳраси бутунлай ёришган Дилафрўз эса, беихтиёр Сурайёга яқин бориб, аллақандай меҳр билан унинг елкасига қўлинни қўйди.

Орадан тўрт соат вақт ўтгач, кўланкани бочкага жойлаб бўлишди, Собир унинг қопқоғини яхшилаб беркитди.

— Энди биз тахминан бир ҳафта ўз ишларимиз билан шуғулланишимиз мумкин,— деди Дилафрўз.

— Мен бўлмаса кетдим,— деди Абдулла енги билан пешана терини сидиаркан, негадир безовта ҳолда отасини эслаб,— докладни уйда ёзиб келаман.

— Сизлар ҳам бугунча кетаверинглар, Сурайё, ҳар ҳолда кеч бўлиб қолди, уйдагилар хавотир олиб ўтиришгандир.

Сурайё сўнгги гапдан бир оз энсаси қотди-ю, лекин индамади. Собирга: «Қетдикми»,— дегандай нигоҳ ташлади. У Собир билан ўз ўртасидаги муносабатни қадрлаш, авайлаш ва унга жиддий эътибор қилиш кераклигини шу бугун, шу дақиқаларда англаб етганди.

Бир оздан сўнг Дилафрўз билан Хосият бошқаларни кузатиб, эшикни тамбалаб қайтишида, уйга кириб китобларга шўнгигб кетишиди.

Қизларнинг кўз олдидан турли-туман назариялар, мураккаб тенгламалар, формуласалар кинолентадагидай бирин-кетин ўтиб борар, мутационизм, мутантлар ва мутагенлар ва ирсият билан боғлиқ чуқур илмий мушоҳадалар уларни ўзларига тамоман ром қилиб олганди. Мутация олами сеҳр ва жумбоқларга ниҳоятда бой, бу оламда зоҳир бўлғувчи нарсалар, воқеалар худди эртаклар ва афсоналардагидай ақл бовар қилмайдиган даражада кишида ҳайрат ва таажжуб ҳисларини уйғотар эди. Қизлар ана шу мураккаб тенгламалардан қандайдир мантиқий гўзалликлар топишар, у ёки бу илмий фикрнинг гоятда устомонлик билан турли услубларда талқин этилганлиги ёшларни завқлантиради.

Мутантларнинг пайдо бўлиши, эволюциясига бағишлиланган китобларда фақат бир нарсагина, мутация жараёни туфайли пайдо бўлган у ёки бу жонли материянинг биологик тўқималарини қайси йўл билан емириши мумкинлигигина ёритилмаганди, зотан жуда катта қиинчилик билан пайдо қилинган нарсани қайта йўқотишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Бундай вазифа мазкур соҳа олдига умуман қўйилмаганди ҳам. Мана энди фалакнинг гардиши билан...

Кечки овқатни ҳам қўлда китоб билан ўтказишиди.

Қизларнинг китобларга бунчалик мукка тушганларидан Давронгина бир оз ҳайрон бўлар, жуда қизиқ эртак ўқишаётган бўлса керак-да, дея тахмин қиласарди ўзича. Бола, айни пайтда, боя сеткадан олиб беркитиб

қўйган китобини ўйлаб ичида: «Бопладим»,— дея суюниб қўяр, негаки у бошқа китобларга нисбатан энг чиройлиси, ичида аллақандай тушуниб бўлмайдиган рангли суратлари ҳам бор эди. Гарчанд бу суратлар ноаниқ бўлса ҳам, барибир, нимаси биландир, эътиборни ўзига тортар, ҳатто яхшилаб қаралса, кишида завқ уйғотарди.

Соат миллари тунги ўн иккига яқинлашганда қизлар ҳамма китобларнинг зарурий бобларини ўқиб чиқишиган, гарчанд гаройиб мутация олами ҳақида кўпгина мароқли ва қизиқ маълумотларни билиб олишганига қарамай, руҳлари тушиб кетганди. Уларга ҳозир ниҳоятда керакли маълумотлар сўнгги, Даврон беркитиб қўйган китобнинг биринчи саҳифаларидаёқ атрофлича баён этилганидан қизлар бехабар эдилар. Тақдирнинг ҳазилини қарангки, одатда у ёки бу расмда тушунмаган жойини дарров опасига кўрсатиб сўрайдиган бола, бу гал ўчакишгандай, ҳеч нарса сўрамасликка аҳд қилганди. У китобларни қандайдир ташналик билан синчиклаб кўздан кечираётган қизларни ҳасадгўйлик, айни пайтда, аллақандай айёrona тантана билан кузатаркан, уларни боплаб лақиллатганидан ўзида йўқ шод эди. Ажаб бўлсин,— дерди бола ичида,— бошида ўша қизиқ эртакларини унга ҳам ўқиб беришганида, китобни у беркитмаган бўларди. Энди ўзларидан кўришсан».

Даврон шу ўйлар билан ухлаб қолганди. Кўп ўтмай, ташқаридаги бочкадан хабар олиб келишган қизлар ҳам Дилафрўзнинг хонасидаги каравот билан диванга чўзишишди. Бироқ ётоқхонада чироқ тунги иккиларгача ёниб турди. Ниҳоят, осма соат иккига занг урганида, диванда ётган Хосият энди мизгий бошлаган ҳам эдик, Дилафрўз:

— Хосият, Брэстрапнинг монографияси сендами?—  
деб сўраб қолди.

Хосият уйқу аралаш кўзини очиб, бир зум маст одамдай гангигиб турди-да:

— Йўқ,— деб жавоб берди ётган жойидан.  
— Қизиқ, менда ҳам йўқ. Унда ким олди уни?

— Билмадим,— минфирилди Хосият уйқусираб.

— Ахир, аниқ эсимда бор, боя кутубхонадан Брэстрапнинг китобини ҳам олгандик. Унинг ҳеч қаёққа йўқолиши мумкин эмас. Қаерда экан?.. Ё Даврон олдимикин?..

Дилафрўз ирғиб ўрнидан турди-ю, тезгина хонаки шиппагини кийиб, укаси ухлаётган хонага ўтди. Бурчакда ёғоч каравот тагида бир тўда ўйинчоқлар уйилиб ётар, ўртасидаги пастаккина стол устига ҳам «авто-кран», «самосвал», «ўт ўчирувчи машиналар» қатор териб қўйилганди.

Дилафрўз табиатан синчков қиз эмасми, азбаройи уйқу босиб келганидан боши ғувиллаб, кўзлари ачишетганига қарамай, Брэстронинг монографиясини шу бугун топиб, бир сидра кўздан кечириб ётмаса, бари бир кўнгли жойига тушмаслигини яхши биларди. Шунинг учун укасининг хонасини афдар-тўнтар қилиб бўлса-да, китобни топишга қарор қилди. Бирор ишни амалга оширишни астойдил истаб, унга бел бойлаб қаттиқ киришсанг, албатта ўша иш бароридан келади.

Қиз ярим соатча уриниб, ниҳоят, монографияни топди. Даврон уни ниҳоятда усталик билан каравот остидаги гилам тагига беркитганди. Дилафрўз ўз хонасига ўтиб, китобнинг дастлабки саҳифасини очди-ю, турган жойида серрайганча қолди. «Мутагенез ва нурланиш» деган сарлавҳа билан бошланарди монографиянинг биринчи боби. Қўққисдан миясига келган ўйдан қизнинг чеҳраси ёришиб кетган, сатрларни энди қуон тезлигига кўздан кечираркан, юраги тез-тез ура бошлади. Одатда бирор қашфиёт ёки ихтиро билан боғлиқ ажойиб ғоялар кўп ҳолларда сира кутилмаганда, чақмоқ чақинидек мияда «ялт» этади-ю, ўша ондаёқ уни тизгинлаб, ақл ва мулоҳаза тарозиларига солиб ривожлантиримаса, дарров сўниб қолади. Аксари кўп ҳолларда бундай ғоялар узоқ муддатли изланишлар, бедорликда узлуксиз мушоҳада юритишлар оқибати ўлароқ майдонга келса-да, лекин уларнинг айни туғилиш муддати атиги бир лаҳзанигина ташкил этади. Дилафрўз ҳам ҳозир худди шу ҳолни бошидан кечираётган, биринчи бобнинг сарлавҳасини ўқиши биланоқ миясига келган ажиб ўйдан ўзини қўярга жой тополмай қолганди. «Нурланиш... альфа, бетта ва гамма нурлар... Айни муддао!.. Катта энергияли, тўлқин узунлиги ўта қисқа гамма нурланиш!..»

Дилафрўз ҳовлиққанича дугонасининг тепасига чопиб бориб, уни силкита бошлади:

— Хосият, тур! Тура қолсанг-чи, ахир!.. Хосият дейман!..

\* \* \*

Эрталабки соат саккизлар атрофида Фанлар академиясининг беш қаватли биноси эшиги олдида йигирма беш ёшлардаги уч қиз ва икки йигит пайдо бўлди. Улардан бири—тик қоматли, катта-катта кўзлари кишига шўх ва синчковлик билан қаровчи мўъжаз чеҳрали қиз ичкарида мудраб ўтирган милиционер йигитдан ўзлари истаб келган академикнинг ҳали келмаганини билиб чиққач, улар эшикнинг ўнг томонидаги енгил автомашиналар турадиган жой яқинига ўтиб туришди. Сочлари пешонасига тушган, елкалари кенг дароз йигитнинг қўлида оқ папка.

— Менга қара, Дилафрўз,— деди Абдулла негадир бир оз тарафдуд билан.— Фавқулодда комиссия раиси таклиф қилиб қолса, ҳаммамиз кираверамиزمи?

— Менимча, бунинг ҳожати йўқ,— жавоб берди Сурайё Дилафрўзининг ўрнига.— Сизлар иккокингиз кириб чиқаверинглар. Ҳаммамиз кирсак, домланинг фикрларини чалғитишмиз мумкин.

Кўп кутишга тўғри келмади. Ёнларига келиб тўхтаган қора рангли «Волга» машинасининг орқа эшиги очилиб, соchlари оппоқ, ҳорғин чеҳрали, лекин нигоҳлари дадил ва бардам академик тушди-да, атрофга паришон назар ташлаб, академия биноси сари юрди.

Олимнинг нигоҳи Дилафрўзларни ҳам қамраб ўтди-ю, лекин танимади. Дилафрўз чопиб унинг ёнига борди-да, баланд овозда салом берди.

— Салом, салом, қизим,— академик бир зум қизга тикилиб тургач, ниҳоят, ёдига тушди шекилли, юзига табассумга ўхшаш мулоим ифода ёйилди.— Янглиш масам, ўша машъум кўланкани топган ёшларданисиз? Ҳа-ҳа, яшанглар. Ўзи ҳам кўп гаройиб бирикма эканими-а?

Олимнинг ўта хотиржам гапиришидан ўзича ҳайрон бўлар экан, Дилафрўз дарров асосий мавзуга кўчди:

— Домла, бизнинг сизга муҳим гапимиз бор!

— Хўш-хўш, нима гап экан?— сўради академик йўлида давом этаркан.

— Биласизми, биз кўланканинг қандай пайдо бўлганини, кейин уни емириб, йўқотиш усулларини аниқлашга муваффақ бўлдик!

Қиз бу гапидан кейин академик тўхтаб, жиддий эътибор билан ўзига қарашини кутганди. Лекин олим

тўхтамади ҳам, айтарли эътибор ҳам қилмади. Лекин ўша оҳангда давом этди:

— Наҳотки?.. Агар чинданам буни аниқлаган бўлсангизлар, жуда катта иш қилибсизлар. Бўлмаса ичкарига кирайлик, пича сухбатлашамиз, шерикларингизни ҳам чақиринг.

Бир оздан сўнг улар академикнинг зални эслатувчи катта ва ҷароғон иш хонасига киришди. Хона ўртасида ги катта қорамтири стол энламасига, унга тақаб узун стол бўйига қўйилганди. Ёшлар ҳам, академик ҳам ана шу узун стол ёнидан жой олишди.

— Ана энди қулоғим сизларда, ёш дўстларим,— дея олим ҳорғин жилмайиб, «мехмонларига» савол назари билан тикилди.

Дилафрўз ўрнидан турди. У бир оз ҳаяжонланар, шунинг учунми, зарурат бўлмаса ҳам енгил томоқ қириб, бир оз титроқ овозда гап бошлади:

— Биз кўланка устида олимлар билан параллел ҳолда мустақил иш олиб бориб, аниқ илмий хуносаларга келдик.

Академик негадир чарвоқ овозда қизнинг гапини бўлди:

— Сиз кўланка тузилишининг биологик ва кимёвий моҳияти бўйича назарий ишларингизни эътиборда тутяпсиз, шундайми, қизим?

— Шундай-ку, лекин биз бевосита... кўланка билан ҳам...

Кутимаганда олимнинг чеҳрасидаги ҳорғин ифода ҳудди бирор унга сув пуркагандай, сесканиш ва ташвиш билан алмашинди.

— Нима? Бевосита кўланка билан дедингизми?!

Дилафрўз бир зум тараддудда жим қолди. Лекин дарров қатъий қарорга келиб, давом этди:

— Ҳа, домла! Биз ўшанда ўзимиз билан кўланканинг кичик бир парчасини олиб кетишга муваффақ бўлгандик.

Академик гавдасига ярашмаган чаққонлик билан ўрнидан туриб кетди.

— Қаерда ҳозир ўша парча?— унинг бояги хотиржамлигидан асар ҳам қолмаганди.

— Хотиржам бўлинг, домла, у ишончли жойга қамлган, темир бочкага.

Академик сал ҳовуридан тушгандай бўлди. Лекин энди қандайдир совуққонлик билан гапирди:

— Жуда кўп вақтимни оляпсизлар, ёш дўстларим. Аввало ўзбошимчалик қилишга сира хақларингиз йўқ эди. Бунинг оқибати, агар биз уни жиловлашни ўрганиб улгурмаганимизда, нима билан тугашини билганингизда эди...

Академик гапидан энди Дилафрўз ўрнидан туриб кетаёзди. Бошқалар ҳам олимга савол назари билан тикилишди.

— Нима дедингиз?.. Биз уни жиловлашни ўрганиб улгурмаганимизда...

Олим энди мийигида муғомбirona кулимсираб, хонада оҳиста ўёқдан бүёққа одимлар экан, боягидай шошилмай жавоб берди:

— Ҳа, сизларнинг ҳали хабарингиз йўқ. Биз кўланкани, ниҳоят, енгишга муваффақ бўлдик!

Дилафрўз турган жойида бир зум ҳайкалдек қотди. У негадир ҳаяжонга тушган, бу хабардан на курсанд ва на хафа бўлишини билмасди. Бошқаларнинг чеҳрасида эса завқ, айни пайтда аллақандай мужмал пушаймон ифодаларини ўқиши мумкин эди.

— Қачон?— Дилафрўзниң оғзи зўрға очилиб, ёпилгандай бўлди.

— Бугун кечаси.

Ёшлар академикнинг уйқусизликдан салқиб, кўкимтир тус олган қовоқлари, қизарган кўзларига энди эътибор бериб қарашди. Ҳа, бугунги кечани фақат уларгина бедор ўтказишмабди. Мос тушилганини қаранг-а!

— Кўланка энди йўқми?

— Ҳа, у ҳозиргина буткул йўқотилди!

Энди Абдулла гапга аралашди. У ҳаяжонланар, лекин айни пайтда нимадандир асабийлаша бошлагани ҳам кўриниб турарди.

— Кўланка йўқотилганидан биз жуда баҳтиёрмиз, домла. Лекин бугун кечаси билан сизга манави тушуниши хатини ёзгандик... Унга бирров кўз югуртириб берсангиз, бошимиз осмонга етарди.— Йигит академикка қўлидаги тўрт-беш варақдан иборат қофозни узатди.

Академик энди юқоридаги жойга ўтириб, уни ўқишига тутинди. Хатни ўқигани сари бир оз тунд ва совуқкон қиёғаси юмшаб борар, аҳён-аҳёнда ўсиқ қошларини чимириб қўяр, уни ўқиб тугатганида кўзлари мамнуният ва ҳатто завқ билан чақнаб кетганди.

— Офарин, ёш дўстларим! Жуда дадил ва ҳаётӣ

гипотеза!— деди академик ҳаяжонданми, яна беихтиёр ўрнидан туриб, хонада уёқдан-буёққа одимларкан.— Агар билсангиз, куни кече Электроника институти олимлари ҳам худди шундай хулосага келишди. Тўғри, улар бу ишни нисбатан анча саводли ва юксак савияда бажаришди. Гамма нурлари эмас, трансуран элементи чиқарадиган радиоактив нурланиш кўланканинг атом ва молекуляр тузилишига футур етказиб, ўзини буткул емириб юборишини назарий ва экспериментал исботлаб беришди. Бугун кўланканни худди шу усулда йўқотдик ҳам. Лекин шунга қарамай, сиз қилган иш жуда катта эътибор ва таҳсинга сазовар. Қисқаси, ёш дўстларим, мен сизларни бу кашфиёт авторлари рўйхатига қўшиб қўйишга сўз бераман! Энди менга зудлик билан исмишарифларингиз ва ўқиш жойингиз рўйхатини қолдинг-да, кейин Электроника институтига боринг. У ергагиларга қўнғироқ қилиб, айтиб қўяман: сизга кўланка қамалган бочкани олиб келиш учун машина беришади.

— Эҳ!— деди Абдулла тиззасига шапатилаб.— Озги на кечга қолибмиз-да.

Олим йигитнинг ёнига келиб, елкасига қўлинни қўйди:

— Эзгу ишнинг эрта кечи бўлмайди, ўғлим. Дарвоқе,— олим соатига қараб олди-да ўйчан ҳолда гапида давом этди:— сизлар билиб-бilmай яна бир муҳим иш қилгансизларки, у олимларнинг ҳам назаридан четда қолган. Яна ўн дақиқа вақтим бор, гапни бир чеккадан бошлай қолай.

Олим хотиржам қиёфада шошилмай ҳикоя қиларкан, ёшларнинг тасаввуридан кўз кўриб қулоқ эшишмаган ғаройиб воқеалар тизими бирма-бир ўта бошлади.

...Ҳамма нарса шаҳар чеккасидаги тураржой ва саноат кварталларидан бирига эрталаб қўйиб кетилган темир ахлат қутисида бошланди.

Дастлаб янги қутига қайсиdir кимёвий лабораториянинг синган пробиркалари, уларда чала-ярим қолган кислота ва ишқорлар ташланганди. Сўнгра кетма-кет картошка, пиёз, шолғом, сабзи ва қовоқ пўчоқлари тўкилди. Беш қаватли Лойиҳалаш институти ошхонасидан катта-катта тўрт челакда олиб чиқилган сарқит овқатлар ағдарилди... Хуллас, тўлгунча яна нималар ташланмади дейсиз унга. Орадан икки соат ҳам ўтмай лиммо-лим тўлган қутидан тоқат қилиб бўлмас даржа ачиған, қўланса ва сассиқ ҳидлар анқирди.

Агар қутининг ўнг бурчагига яна ҳалиги кимёвий лабораториядан аммиак, фторли водород қолдиқлари келтириб ташланмаган ва бир оздан сўнг эса, ёмғир савалай бошламаганида эди, эҳтимол, ҳеч нарса юз бермасди.

Шундай қилиб, қутининг ўнг бурчагида гоятда муреккаб кимёвий реакцияларнинг кечиши учун маълум даражада шарт-шароит яратиб берилганди. Кислота, ишқор ва амфотер суюқликлари ўзаро реакцияга кириша бошлади. Кўп ўтмай кимёвий таъсир остида ионлар ҳосил бўлиб, янги-янги бирикмалар юзага кела бошлади.

Кўп босқичли реакциялар натижасида пайдо бўлган алкоголят, эфир, электролит, пиридин, метилацетамид каби кўплаб моддалар эса, ўзаро бирикиб, яна ҳам муреккаброқ бирикмаларга айланди. Кучайган ёмғир, турли нотурғун моддалар, катализаторлар реакцияларга шиддатли тус берди: ниҳоят, мутация юз берди; жинсиз ва вегетатив кўпайиш йўли билан бир неча бўғинли галати ҳаворанг модда пайдо бўлди. Таркибан бошланғич моддалар ҳужайраларига сира ўхшамаган бу модда ингичка ва ўта нозик, оддий қора ипни эслатарди.

Ҳаворанг модда кўз очиб, юмгуンча катталаша бошлади. У ахлатнинг устки қисмida қуюқ-суюқликка ярим ботган ҳолда ётаркан, мочалкани эслатувчи жимир-жимири танаси тўхтовсиз нафас олаётгандай билинг-билинмас титрар, кичик-кичик ҳужайралари узлуксиз турли рангда жилваланаради. Ҳосил бўлган модда яна бошқа компонентлар билан реакцияга киришиб, шамол ё ёмғир таъсирида ион боғламлари бузилиб, сочилиб, тағин йўқ бўлиб кетиши мумкин эди. Бунинг амалга ошиши муқаррар бўлиб турган бир пайтда ахлат қутисининг бурчагига катта қора қарға келиб қўнди. У қанотларини йиғиштираётганди, дастлаб диққатини тортган нарса чўзинчоқ ҳаворанг модда бўлди. Қарға уничувалчанг деб ўйлади шекилли, бир чўқиб ютиб юборди ва... энди ҳалокатга юз тутаётган модданинг ҳаётини сақлаб қолди.

Қарға кейинроқ бутун бир шаҳар аҳолисига даҳшат солувчи кучга айланадиган нарсани ютганини ҳатто ўйига ҳам келтирмай, қорнини тўйғизища бамайлихотир давом этди. Бир неча қовоқ уруғлари ва чириган

картошкаларни териб еди. Қейин ёмғирда бўкиб қолган қора бўлка нон парчасини чўқилашга тушди...

Қарға қанчалик кўп «овқат» емасин, шунчалик қорни баттар очиқар, бироқ у бунинг сабаблари ҳақида бош қотириб ўтирумай, ўз инстинктига бўйсуниб, ахлат чўқишида давом этарди. Бир маҳал қорни пуфакдек шишиб, ошқозонида худди кимдир ичидан бураб эзгилаётгандай қаттиқ оғриқ турганини сезди! Ҳаворанг модда қушнинг ичига кириб, ташки муҳитнинг ҳалокатли таъзиқидан қутилиб олгач, ҳар қандай табиий организм каби яшаш учун қатъий кураш бошлаганди. У ўз ҳаёт фаолияти учун қувват етишмаётганини пайқаб, қарға ютаётган ҳамма «ейимликлар» билан реакцияга киришаётганди: қовоқ уруғлари ҳам, қотган нон ҳам, картошка пўчоқлари ҳам унинг танасига тегартегмас у билан чатишиб кетарди. У энди ўзига теккан ҳар бир «озиқ-овқат»ни ўша заҳоти ўз танасига айлантира оларди. Айни пайтда ўзи қарғанинг ичаклари бўйлаб чўзилиб бораради. (Ичакдаги шилимшиқ пардагина ўзининг алоҳида кимёвий хоссалари сабабли ҳозирча унинг бевосита ичакни, ҳам ямлашига йўл бермаётганди.)

Қарға қорнидаги оғриққа бардош беролмай, бир қанот қоқиб юқорига кўтарилиди. У қанча овқат еган бўлмасин, ҳамон очиқаётганидан ажабланар, пуфакдек шишиб кетган қорнига қараб, баттар ташвиши ортарди.

Ҳаворанг модда қарға осмонга кўтарилигандо, ошқозон орқали катта ичак йўлига тушиб олди-ю, оғриқ ҳам пича босилгандай бўлди. У энди зўр бериб ташқарига интилар, чунки ўз танасида кислородга катта эҳтиёж сезмоқда эди.

Ёмғир тўхтаган, гарчанд осмон булут бўлишига қарамай ҳаво мусаффо эди.

Қарға ярим соатча учиб, бетон заводининг баланд деворларидан бирига қўнди. Бу ер энди бояги жойнинг акси. Ҳаммаёқ чанг-тўзон, ҳавода учиб юрган портланд-цементнинг сон-саноқсиз майдадар зарралари кўз очдирмас, нафас олиш эса амримаҳол эди. Аммо, ажабо, бундай ҳаво негадир ҳозир қарғага ўта ёқиб тушган, ичидаги ҳаворанг модданинг талаби билан чангни ҳузур қилиб ичига ютарди. Бир пайт у овқат қидириб топиш мақсадида тагин ҳавога кўтарилиди...

Қорни ҳамон қаттиқ очиқаётган қарға, одатдагидан бир неча бор тезроқ ва чуқурроқ нафас олганча пахта-

зор ўртасидан кесиб ўтган йўл чеккасидаги оқимтирик рангдаги уюм устига бориб қўнди. Бу пахтазорга сепиладиган ўғит—селитра эди. Қарға ҳозир тош бўлса ҳам еб юборишга тайёр эди. У очлик талвасаси устида шошилиб, селитрани чўқилашга киришди. Ҳаворанг модда селитрани ҳам мамнуният билан қабул қилди, уни ўша заҳоти ўзининг таркибий қисмига айлантириди. Ўнга фақатгина кислород етишмас, негадир танасида бу ҳаётбахш газга нисбатан катта эҳтиёж сезмоқда эди.

Селитра «еб», катталашиб бир учи ичаклар орқали ташқарига тобора интилаётган модда ниҳоят, қарғанинг йўғон ичаги тугаган жойида пайдо бўлди. Уша заҳоти ёш бола жимжилогидек бир бўлаги ташқарига узилиб тушди-ю, қарға ҳолдан тойиб йиқилди. Қанотларини ҳолсизгина қимирлатиб, типирчилай-типирчилай олга интилди. Лекин беш-олти метрча жила олди, холос. Қарға уюмдан сал наридаги ғўза тури тагида жон берди.

Озодликка чиққан ҳаворанг модда парчаси ўша заҳоти бутун селитра уюми билан реакцияга кириша бошлиди. Орадан бир соат ҳам ўтмай, уюм ҳаворанг тусда турли шаклда товланар, ҳаво гўё ёнаётгандек туюлар, лекин оловнинг ўзи кўринмасди. У энди, айни пайтда, ҳаво таркибидаги кислород билан бирикаётганди. Орадан уч соатча вақт ўтгач, на ҳаворанг модда ва на селитра уюмидан асар қолганди; улар кислород билан қўшилиб, автоионлашиш процессини юзага келтирган ва янги таркибдаги ғоятда мураккаб ион боғламларига эга ГАЗга айланган эди. Агар бу енгилроқ газ бўлса, тездан юқорига кўтарилиб, атмосферага тарқалиб кетган ва шу билан ҳеч қандай хавфга ҳам ўрин қолмаган бўларди. Аммо унинг солиширима оғирлиги дунёдаги энг оғир газларнинг солиширима оғирлигидан ҳам бир неча бор ортиқ бўлганидан, ерга ястаниб, гўё ёнбошлаб олгандай кўринарди. Дарвоқе, номаълум газ баландлиги беш метрча, энига бир неча ўн метр майдонни эгаллаган бўлиб, синчиклаб қаралсагина, унинг бир оз қорамтирик тусда эканлигини пайқаш мумкин эди. У ўзига керакли кислородни йиғиб олган, энди атмосфера билан кескин чегара ҳосил қилиб турарди. Бу улкан газ булутини, афтидан, фақат кучли шамолгина жойидан ҳайдай олар, унга на ёмғир таъсир қиласири ва на табиатнинг бошқа бирор кучи. Аммо унинг ўзи энди табиат ва одамларни истаганча

даҳшатга солиб, мислсиз қирғинлар келтиришга қодир жаҳаннамий мавжудодга айланганди...

— Бу ақл бовар құлмайдыган мураккаб жараёнда,— деди академик гапини якунлаб,— күланканинг дастлабки туғилиш босқичида уни аҳлат қутисидан пахтазорга ташиб ўтган «объект»нинг нималиги олимларга қоронғилигича қолаётган эди. Кўрятасизларки, сизларнинг қарға билан боғлиқ дадил фаразларингиз туфайли бу масалага ҳам ойдинлик киритилди.

Бирдан олимнинг кўзи Сурайёнинг оқ бинт билан боғланган қўлига тушди.

— Ие, бу ҳойна-ҳой кўланканинг иши бўлса керак?

— Топдингиз,— деди иккиланиб турган Сурайёнинг ўрнига Собир.

— Кўланкани бирорта қурбонсиз енгдик десак, озгина бўлса ҳам талафот берибмиз-да.

— Ҳа, — деди Хосият секингина, кейин негадир қипқизариб, қўшиб қўйди:— Биринчи ва сўнгги талафот.

Олимнинг вазмин қиёфаси энди ўйчан тус олди:

— Биринчи талафот... Лекин сўнгисимикин? Ахир бу каби даҳшатли кўланкалар қайта пайдо бўлмаслинига бизда қандай кафолат бор?..

## АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ<sup>1</sup>

(Илмий-фантастик қисса-гипотеза)

Аслида менинг сира ақл бовар құлмайдыган бу сарғузаштларимнинг дебочаси бундан тахминан бир ҳафта аввал жума оқшомида бошланған эди. Ҳаммасига, физиклар тили билан айтганда, юқори электр күчланиш туфайли құққисдан ўнг құлымдан кириб, товонимдан ерга ўтиб кетген электронларнинг тартибли, аммо шиддатли оқими, халқ тили билан айтсак, танамни юқори вольт ли ток ургани сабаб бўлди.

Ўша куни эрталаб кайфиятим жуда яхши эди. Ахир лабораториямиз ходимларининг уч йиллик машаққатли меҳнатлари ўз натижасини берган, қийин әрувчи ва ўтга чидамли металлар комбинати учун сув ва ҳаводай зарур электрон қурилма фойдаланишга топширишга таҳт қилинганди-да. Мазкур асбобни биз уч ой аввал ишлаб чиқаришга жорий қилишимиз зарур эди, лекин ўта мураккаб схема ва куч қурилмасини лабораторияда созлаш жараёнида бир қанча хатоларга йўл қўйганимизни аниқлаб, уларни йўқотишига кўп вақт сарфлашимишга тўғри келганди. Ўша кезларда жами ходимларимиз деярли ҳар куни эрта тонгдан то қош қорайгунча ишлар, янги қурилманинг асосий муаллифи бўлганим учун, айниқса, мен ишга ҳаммадан эрта келиб, ҳаммадан кеч қайтардим.

Ниҳоят, мана, барча қийинчиликлар орқада қолди. Инсоният тарихида замонавий электрониканинг яна бир ажойиб маҳсули — мутлақо янги асбоб барпо этишга муваффақ бўлинди. Эҳ-ҳе, унга чинданам озмунча меҳнатимиз сингмади дейсизми! Илмий китобларни варақлаб, озмунча кечаларни бедор ўтказдикми? Беҳисоб электр чизмаларини ўжар математик мантиқнинг пўлат-

<sup>1</sup> Мазкур қисса физика-математика фанлари кандидати Яшин Абдуллаев билан ҳамкорликда ёзилган.

дек мустаҳкам ғалвирларидан қайта-қайта ўтказиб, озмунча пешана тери тўқдикми? Энди ишнинг энг сўнгги босқичи — асбобни амалиётга жорий қилишгина қолганди, холос.

Сизга шу гапларни айтяпман-у, лекин яратувчи, яъни муҳандиснинг меҳнат нашидаси, қувончларини тўла баён этишга нақадар ожизлик қилаётганимни дақиқа сайин аниқроқ ҳис қиляпман. Йўқ, буни оддий сўзларда тавсиф этиш жуда қийин. Буни қўшиқда изҳор қилиш зарур. Зотан инженер бирор жиддийроқ муваффақиятга эришганида, унинг бутун қалби, вужудини ажойиб бир қўшиқ оҳангি қамрайди, қўшиқ уни улуғлаб, юксакларга парвоз этдиради. Эҳ, бари бир керакли гапларни топомаяпман.

Шундай қилиб, жума куни кечки пайт, ҳамма ходимларимиз кетиб, ёлғиз ўзим асбоб-ускуна ва қурилмаларга лиқ тўла лабораторияда пианинога ўхшатиб ишланган тажриба столи ёнида сигарета тутатганча, янги асбобимиз чизмасидаги сўнгги магнит кучайтиргичнинг электр занжирини кўздан кечираётгандим. Ҳа, ҳаммаси кутилганидай, ҳаммаси кўнгилдагидай эди. Лекин, афсуски, бугун тушдан кейин электрон қурилмани синовдан ўтказаётганимизда, юқори вольтли электр манбасининг чулғамини куйдириб олгандик. Энди янги чулғам ўрашга яна икки кун вақт сарфлашга тўғри келади.

Шу пайт эшик очилиб, остоңада паст бўйли, қорамагиз қоровул чол кўринмаганида, мен, эҳтимол, ҳуштак чаlgанимча, оҳиста кийиниб, эшикни қулфлаб, уйга йўл олган бўлардим ва шу билан ҳеч қандай ғайри-оддий саргузаштларимга ўрин қолмасди. Лекин, бахтимга қарши, чол деразалар яхши беркитилган-беркитилмаганини текширди-да, олдимга яқинлашди ва менга ачиниброқ тикиларкан:

— Ҳорманг, жиян! — деди ясама хушчақчақ кайфиятда.

— Саломат бўлинг!

— Бугунга ҳали иш кўпми? — энди жиддий сўради чол.

Унинг бу саволи негадир гашимни келтирди. Ростда, катод билан аноднинг фарқига ҳам бормайдиган бу одамга ўзи нима керак?

— Ҳа,— дедим истар-истамас.— Нима эди?

— Ҳа, энди, шундай. Биз ҳам хизматдамиз-да ҳар

ҳолда. Деразалар очиқ қолмадими, ҳамма электр асбоблар ўчирилганми — қараб қўйишимиз керак,— чол жаҳлим чиққанини пайқади шекилли, дарров мавзуни бошқа ёққа бурди.— Дарвоҳе, жиян, манави ялтироқ қути нима нарса-я, ҳар гал кирганимда сўрайман дейман, хотирамдан кўтарилади.

— Бу — бўшлиқ ҳосил қиласидиган қурилма, амаки,— жавоб бердим мен хонанинг ўнг бурчагидаги устига маҳсус шиша қалпоқ кийдирилган ҳаворанг комодсимон аппаратга ўгирилиб. Чол ҳам унинг устки қисмидаги турли тутгмалар ва ўлчаш асбобларига қизиқиш билан тикиларкан, яна сўради:

— Бунинг ичи ҳам ҳар хил жиҳозларга лиқ тўлами дейман-а?

Мен ўзим ҳам сезмаганим ҳолда жонланиб кетдим.

— Бўлмасам-чи, унинг ичидаги электр двигатели, насослар, электр манбаси...

Сўнгги икки сўз оғзимдан чиқди-ю, иргиб ўрнимдан туриб кетаёздим. Электр манбаси! Ахир вакуум қурилмасининг электр манбасидан вақтинча бемалол фойдаланиб турилса бўлади-ку. Эҳ, калла! Шу пайтгача ҳеч кимнинг миясига келмаганини қаранг-а!..

Менинг яна ўз ўйларимга берилиб кетганимни пайқадими ё чинданам ишимга халақит бергиси келмадими, қоровул чол оҳиста орқасига бурилиб, индамай чиқиб кетди.

Мен дарров сим қидиришга тушдим. Гарчанд техника хавфсизлиги қоидаларини бузсан ҳам, янги асбобимизни сўнгги синовдан ўтказиш иштиёқининг азбаройи зўрлигидан, ҳозиргина миямга келган режжани амалга оширишга қарор қилгандим. Ҳайҳот, бу қалтис ишим мени нақадар ажойиб ва ғаройиб воқеалар гирдобига улоқтиришини аввалдан билганимда эди, эҳтимол...

Аксига олиб, усти маҳсус материал билан қопланган керакли ўтказгич симни бирорта шкафдан ҳам топа олмадим. Лекин столим остида турган чойнакдай ғалтакка ўралган қизғиши мис чулғами жонимга оро кирди. Симнинг ялангочлиги чакки эди. Лекин ҳечқиси йўқ. Асбоб манбага уланганидан кейин унинг ишини маълум масофада туриб кузатишим, бошқаришим мумкин-ку!

Шундай қилиб, орадан чорак соат ўтмай, мен вакуум қурилмасининг остидаги юқори вольтли электр манбасидан иккита қизғиши сим чиқариб, янги асбобга улашга улгурдим.

Вакуум қурилмасининг устига «Манба» деб ёзилган тўртбурчак тұгмасини босишга улгурганимни биламан, тўсатдан асбобнинг қисқичи чирс этди-ю, ундан чиқиб кетган қизғищ сим илондай буралиб, ўнг қўлимга чирмашди. Кўзларим тагида кучли ўт чақнаб, миям ўпирлиб кетгандек бўлди. Тиззаларимдан қувват кетиб, гур силлаб йиқилиб тушдим.

Қаёққадир пастга, тубсиз чуқурликка орқам билан қулақ борарканман, ёдимда қолган сўнгги нарса — тепамда пайдо бўлган мисли қўрилмаган улкан ва кўзни қамаштирувчи қуёш баркаши бўлди. Шундан кейин, етакчи конструкторимиз Альберт Евдокимовичнинг таъбири билан айтганда, катоди кўйиб қолган электрон лампадек буткул «ўчдим-қолдим».

\* \* \*

Қуёш энди кўринмай қолди. Уни осмонда, ўта юксакликда шохлари ўзаро чирмашиб-чалишиб кетган лиана, чинор, шунг ва бошқа улкан дараҳтларнинг қуюқ барглари зангори гиламдек тўсиб қўйганди. Аммо танамдаги ҳар бир ҳужайрам қуёш нурларини ҳис қилмоқда, гўёки бу нурлар баданимни кўйдириб, асабларимга чангаль ураётгандай туюларди. Қуёш ва унинг файри-оддий нурлари вужудимни аллақандай бир қўрқув, ҳаттоқи, даҳшат ҳиссига чулғаганди.

— Шошма-чи! — Кутилмагандан миям яшин тезлигига ишлай бошлади.— Қанақа қуёш?! Қанақа кўкатлар?! Бу ерда дараҳтлар қаёқдан пайдо бўлди?! Мен қаердаман ўзи?!

Бошимни ва қўлларимни кўтаришга уриниб кўрдим-у, ҳатто жимжилогимни ҳам қимирлатишга қодир эмаслигимни пайқадим. Мен ўз танамни бошқара олмай қолгандим! Шу заҳоти янги электрон асбобимиз, электр манба, қоровул чол ва мени ток ургани хотирамга келди. Балки мен наркоз-остида операция столида ётиб, бу тропик ўрмонни тушимда кўраётган бўлсан-чи?

Кўққисдан танам — менинг ихтиёrimдан ташқари! — ўрнидан турди... Мен шунда қанчалик ўзимни йўқотиб қўйганимни, ҳайрат ва даҳшатга тушганимни таърифлаб ўтирмайман. Мен ўз танамни кўрдим! Мускулдор, ялангоч баданим қорамтири жун билан қопланганди. Оёқларим ҳаддан зиёд кичкина, зўрга мувозанат сақлаб турардим. Тўғрироги, булар оёқ әмас, балки япасқи, тирноқлари қайрилган маймоқ панжалар эди.



Мен қандайдир тез оқар дарёнинг қирғоғида турардим. Чор-атрофимни аллақандай дов-дарахтлар ва ўт-ўланлар дунёси: ярақлаган, яшил, баҳайбат баргли даражтларнинг узун шох-шаббалари, гигант папоротникларни эслатувчи бутазорлар, зонтика үхаш каттакатта қизил ва сариқ гуллар құршаб олган. Оёқ остида қуюқ ва тикка ўсган ўт-ўланлар. Ҳаммаёқда құнғизисимон ҳашароллар изғиб юришибди. Буларнинг ҳаммаси соя остида, тепадаги зангори гиламнинг қуюқ сояси остида әди. Аммо күзға күрінmas даҳшатлы нурлар анашу түсиқни ҳам бари бир ёриб ўтаётгандай әди...

Мен соя яна ҳам қуюқроқдай туюлган дарё соҳили бўйлаб юрдим.

...Иўқ, «юрдим» деган сўз унчалик тўғри әмас. Маймун юраётганди, мен бўлсан, унинг ҳаракатларининг гувоҳи әдим, холос. Кутимаганда кучли оғриқ ҳис қилдим — маймуннинг товонига ўтқир тикон кириб кетганди. У ўтлар устига ўтириб, сариқ ва ўтқир тирноқли тарвақайлаган панжасини тикон кирган томонига узатди. Тирноқлар тиконни «ушлолмай», оғриқ уйғотиб, унинг атрофини тирнай бошлишди. Ниҳоят, маймун бошини эгди ва тиконни сарғимтир тишлари орасига олиб, бир сиқим тери билан қўшиб узиб олди.

Маймун бу муҳим иш билан шуғулланаётган пайтда воқеани қандайдир изоҳлаш учун мен хавотир ва саросима ичиди ўзимча турли гипотезалар туда бошлидим. Галлюцинация, туш, алаҳсираш — бу тахминларни мен дарров чеккага суриб қўйдим. Қаршымдаги олам ҳаддан ташқари реал ва чинакам әди. Ниҳоят, ўзим қониқиши ҳосил қилишга мажбур бўлган фавқулодда бир хуносага келдим.

Афтидан, юқори волъти кучланиш остида қолиб, мен ҳалок бўлгандим. Миямни бўлса, танамдан ажратиб олиб маҳсус совутиш камерасига солиб қўйишганди. Бу ерда у бир неча ўн йил ётгач, яна иш фаолиятини тикашган ва энди, нима мақсад кўзда тутилгани мен учун қоронғи бўлган қандайдир илмий тажрибада иштирок этаётгандим...

Шундай қилиб, менинг онгим аллақандай йўл билан ибтидоий маймун танасига ўтиб қолган. Маймун ўз ҳаёт оқими бўйича яшаётиди. Менинг ақлим ва унинг ибтидоий зимиистон мияси ўртасида бир ёқлама алоқа мавжуд, у оғриқ, иссиқ, қўрқув, намлик, очлик каби нимани сезса, ҳис қилса, мен ҳам шуни сезар, ҳис қилардим.

Мен унинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир қилигини тўла қабул қиласдим. У бўлса, менинг мавжудлигимни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Мен бутун иродамни ишга солган тақдиримда ҳам, уни ҳатто қашинишга мажбур қила олмаган бўлардим. Мен фақат томошабин, менга мутлақо номаълум бўлган қандайдир ҳолат томошабини эдим, холос.

Шунинг учун, ўйлайманки, қиссанинг давомини учинчи шахс, яъни маймун номидан (туф-э!) олиб боришга тўғри келади. Ниманидир изоҳлашга тўғри келганда-гина, гапга ўзим аралашаман.

Шундай қилиб, мен танасига кириб олган маҳлуқ маймунлар тўдасининг ўйлбошчиларидан бири эди ва бунга у ўз жисмоний кучи, чақонлиги ва абжирлиги туфайли сазовор бўлганди. Тўда элликка яқин мавжу-доддан иборат, улар кент водийда истиқомат қилишарди. Водийнинг бир томони баланд тоғ, ён бағри — ажо-йиб ўрмон, иккинчи томони — бепоён саҳро, уларнинг ўртасидан катта дарё кесиб ўтганди. Ўрмондан пастроқда — дарё соҳилларида баланд қамишзорлар бошлинар, улардан берироқда ботқоқлик, ёввойи дараҳтзорлар ва чакалакзорлар қад кўтарганди.

Тўда оромбахш ва сокин ўрмоннинг жанубий қисмида яшар, қолган территория унинг ов қиласиган маскани ҳисобланарди. Маймунлар одатда яқин атрофдагина ов қилишар, йиртқич ҳайвонларнинг ҳужумидан хавфсираб узоққа боришмасди.

Хуллас, дунёнинг бу сокин бурчагида ҳаёт асрлардан бўён ўз измida осойишта ва бир текисда кечар, та-биатда экологик мувозанат барқарор эди. Яъни кексалар ва кучдан қолганлар бирин-кетин ҳалок бўлишар, ёшлар ва кучлилар яшаб, ўз наслларини қолдиради-лар.

Ернинг бу районида оби-ҳаво ҳам мўътадил, ҳавонинг фасллардаги иссиқлик даражаси асрлардан бери ўзаро кескин фарқ қилмас, бирор турнинг бошқа турлар ҳисобига кўпайиб кетишига ҳам ҳеч қандай ташқи сабаб йўқ эди.

Маймуннинг биологик ҳужайралари орқали менга ўтган ахборотга биноан, ҳавф фавқулодда ва пинхоний бостириб келди. Шу даражада пинхоний бостириб келдики, уни бирорта ҳам жонли мавжудод на кўзлари билан кўриш ва на жисмоний сезиш имконига эга эди. Лекин ҳавф мавжуд ва у ўз ишини қилишда давом эта-

ётганди. Лекин барча тирик мавжудотларда ғалати ва нохуш бир сезгилар пайдо бўлганини хавф деб аташ тўғри бўлармикин? Аммо бу нохуш сезгилар минглаб жонзодлар учун ҳалокатли якунланаётган, бу — айниқса, ўз улкан ҳажми ва келбати билан бор маҳлуқотни даҳшатга солувчи ва ҳаётий кенгликларнинг чинакам хукмдорлари бўлган йиртқич ҳайвонлар ва ҳоказоларда яққол кўрина бошлаганди. Энди ўрмонда ва саҳроларда ўт истеъмол қилувчи кичик ҳайвонларнинг ўзини қувлаётган даҳшатли маҳлуқлар ҳужумидан тирақайлаб қочиш эпизодлари камда-кам кўринар, чор-атрофда, айниқса, очиқ адир ва саҳроларда очликдан ва кучлироқ дushman тишларидан эмас, балки секин-аста ўз-ўзидан ҳалок бўлаётган ҳайвонларни кўплаб учратиш мумкин эди.

Тўда йўлбошчиси бўлганидан кейин менинг маймумим ўз тўдадошларига нисбатан доимо қандайдир масъулиятга ўҳшаган бир ҳиссият сезар, оғир пайтларда уларнинг ҳар бирига гарчанд онгиз тарзда бўлса ҳам, ёрдамини аямасди. Ҳозир ҳам гарчанд аҳвол улар учун ўта файритабии экани, бунинг устига ўзининг хийла мазаси қочиб турганига қарамай, ҳалок бўлаётган шериларига бирор овқат топиб келиш мақсади уни манзилдан анча олислаб кетишига мажбур этганди.

Шундай қилиб, маймун ҳозир дарё ёқалаб борарди. Унинг ҳаракатлари дадил эмас — энди атай-чечак қилиб юра бошлаган боланинг юришини эслатарди. Унинг вужудини қўрқув чўлғаб олган, қуёш нурларига рўбарў келиш ҳисси маймунга тинчлик бермаётганди.

Сал нарида шоҳлари тарвақайлаб кетган бутазор кўринди. Унинг катта-катта барглари ҳандалакка ўҳшаган сарғиши рангли меваларни чала-ярим беркитиб турарди. Пастки шоҳларда мевалар кўринмас, афтидан, уларни еб кетишганди. Юқоридаги шоҳлардан меваларни узиб олиш эса, маймуннинг қўлидан келмас, — ўсимликнинг шоҳлари ҳаддан зиёд ингичка эди. Бутазор ёнида тошлар тўдаси ва қуруқ ёғочлар ётарди. Аммо маймун улардан қандай осонлик билан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди.

У сакрай бошлади. Айтиш керакки, у жуда баландга сакрай оларди. Меваларга у бари бир етолмади, бироқ сакрар экан, пастки шоҳларга тегиб бутазорни силкитиб юборди. Ниҳоят, бир неча «ҳандалак» ўт устига тушди. Маймун олазарак бўлиб чор-атрофга қааркан, уларни шошиб-пишиб, бир жойга тўплади. Кейин мева-

лардан бирини очофатлик билан чапиллатиб ея бошлади. Мазали шарбат даҳанидан оқиб тушиб, жундор кўксига томарди.

Маймун қўққисдан тор пешанали бошини бир томонга қийшайтириб, тек туриб қолди. Шох-шаббалар орасидан шитирлаган овоз эшитилганди. Бутазор ораси очилиб, суюкдан қилинганд ярим ёйсимон қилични эслатувчи ва деярли ергача осилиб тушган иккита жағ тишли, қулоқларий унча катта бўлмаган даҳшатли ҳайвоннинг башараси кўринди. Ҳайвоннинг кўзлари қинп-қизил, териси қалин ва қаттиқ жун билан қопланган эди. Тиззаларини букиб ўт устида энгашганича, махлуқ бутазор чангалидан чиқиб олди, энди унинг йўл-йўл оёқлари ҳам баралла кўринди.

Маймун бор овози билан чинқириб юборди-ю, қўлидаги мевани тушириб, яна дарё ёқалаб чопиб кетди...

Маймун ҳаддан зиёд тез югурав, лекин йиртқич (янгилишмасам, бу қилич тишли йўлбарс эди) ҳам ундан қолишимасди. Бунинг устига улар орасидаги масофа тобора қисқариб борарди. Йўқ, бу чопишида маймуннинг душмандан қутулиб кетиши амримаҳол. Қочиб ўрмонгача етолганида эди, у ерда шохларга илашиб дарахтдан-даражатга сакраш имконига эга бўларди. Аммо атрофда нозик-ниҳол буталар-у, қизил, сариқ, жигарранг ёввойи гуллардан бошқа ҳеч нима йўқ эди.

Бу ҳодиса шу даражада қўққисдан зоҳир бўлдики, менинг ақлим маймуннинг бутун хатти-ҳаракатларини бошқара олган тақдирда ҳам, тан олишим керак, мен бари бир шу топда нима қилиш кераклигини унга айтиб беролмаган бўлардим. Вужудимни чулғаган даҳшат ҳисси менда маймундагидан кам эмас эди. Балки бу ҳеч қандай тажриба бўлмаса-чи?! Балки ҳаммаси чиндан содир бўлаётгандир? Мен ҳалок бўлганман дейлик. Сўнгра... нариги дунё... қадимий ўрмон... Бўлди-э! Эсим оғиб қолмадимикин ишқилиб?

Ўткир қиличсиз тишлар ҳақиқат эди, даҳшатли қўрқув ҳисси ҳам, мана шу ёввойи ўрмонда сўнгсиз яшил ўсимликлар гилами бўйлаб таҳликали қочиш ҳам ҳақиқат эди. Мен ўз маймунимдан: «Тезроқ! Янаям тезроқ!..» — дея ўтиниб илтимос қилас, ялинардим.

Бирдан шундоқ қаршимиизда баланд-баланд дарахтлар кўринди. Мана бизнинг нажотимиз! Уларга стиб олиш учун унча кенг бўлмаган ва қуёш сахийлик билан қиздираётган яшил адирни кесиб ўтиш керак эди, холос.

Бахтга қарши, шундоқ адир ёқасида маймун худди қоқылған қозиқдай туриб қолди. Уни бошқа құрқув, йиртқич ҳайвон панжалари остида мажақланишдан күра кучлироқ құрқув тұхтатганди. Бу әнди қуёш қарши-сидаги құрқув әди!

Мен унинг бу ҳиссияттани қабул қилдим, лекин ҳеч нарасаға тушунолмадым. Қуёш чинданам қаттиқ тиғурар, лекин унинг иссигіга бемалол чидаса бўларди. Биз илмий ходимлар дам олиш кунларида ана шундай кун қизиган пайтларида танамизни тоблаб олиш имконини қўлдан бермасдик.

Худди ўшандай құрқув тазиқида йиртқич махлуқ ҳам тұхтади. У ҳаллослаб ерни олдинги оёклари билан тимдалаганича алам билан ув тортди. Энди мен унга яхшироқ тикилдим. Бу буқадай катта, миқти ҳайвон әди. Қўриниши шу даражада қаҳрли әди-ки, бизнинг давримизда яшайдиган йўлбарс унинг олдида оддий мушукдай туюларди. Йўл-йўл териси остидаги ўйдим-чукур семиз танаси илондай тўлғанарди. Даҳанининг остида иккى табиий қопчиғи мавжуд бўлиб, уларга одатда йиртқич қиличсимон тишлигини солиб юрарди.

Қилич тишли махлуқ бир оз иккиланиб маймун сари одимлади. Маймун на қочишини ва на ўзини ҳимоя қишлиши билмай, чинқирганга ўхшаш овоз чиқарди. Сўнгра букчайиб, жойида тоқатсизлик билан типирчилашга тушди. Йиртқич яқинроқ келиб, худди қиличсимон тишлигидан ташқари бошқа қуроли ҳам бўрлигини на-мойиш қилаётгандай жағларини ярим очди.

Шунда тамоман даҳшат ва саросимага тушган ва ўзини йўқотган маймун ақл бовар қилмайдиган ишга жазм этди — қуёш нурларидан афтини тириштирганча очиқ адирга чопиб чиқди. Энди йиртқич даҳшат ва саросима оғушида қолди. У қайрилиб, яна ўт-ўланлар ичидагу кўздан ғойиб бўлди.

— Уф! — дея олган бўлардим мен. Лекин маймун эмас. Йиртқич кетиши билан у, худди бирдан яна ўзига келгандай, пишқирганича ўзини тағин дарё соҳилидаги сояга урди. Бу — соҳилнинг қиялик жойи бўлиб, қизил ва нам тупроқда кичик-кичик тешиклар ҳосил бўлганди. Маймун ҳамон пишқиришдан тұхтамай сув томонга интиларди. Бироқ сертириноқ панжалари нам тупроқда сирғаниб, пастга тойиб кетди ва яна... қуёшга рўбарў чиқди.

Энди ундан мен ҳам қўрқиб қолгандим. Қуёш нурлари

худди оғир болғадай аёвсиз бошга урар, унинг қип-қи-  
зил гардиши товадай ловилларди. Кўз олдимни тағин  
қоронғилик чулғади.

\* \* \*

Ҳушим бутунлай жойига келганида, полда чалқан-  
часига йиқилиб ётганимни, боя қўлимга чирмашган сим  
худди илондай буралиб, мендан ярим метр нарида ва-  
куум қурилмасига осилиб турганини кўрдим. Хайрият-  
ки, у қўлимда қолмабди, дея кўнглимдан кечирдим ен-  
гил тортиб. Йўқса аллақачон асфаласофинга кетишим  
аниқ эди. Бошимнинг орқа қисми зириллаб оғир, ву-  
жудим темирдай оғир ва лоҳас эди. Эҳтиётлик билан ўр-  
нимдан турдим-у, дарҳол устига «Манба» деб ёзилган  
тўртбурчак тугмани босиб, вакуум қурилмасини ўчи-  
дим.

Шу пайт янги электрон қурилмамизга ўгирилдим-у,  
турган жойимда михлангандай қотиб қолдим. Не кўзим  
 билан кўрайки, унинг схемасидаги бир неча қаршилик,  
конденсатор ва транзистор куйиб қорайиб кетганди. Бир-  
ламчи занжирда наҳотки қисқа туташув юз берган бўл-  
са? Лабораториямиз мудири Аброр акага энди нима  
дейман?! Ўзи худди шу етмай турганди-я, лаънати.  
Тфу!..

Соатга қарадим. Вақт кечки саккиз яримга яқинла-  
шаётганди. Демак, мен атиги чорак соатчा� ҳушсиз ётиб-  
ман-да? Чорак соат аввал шунча саргузаштлар олдим-  
да турганини ҳатто хаёлимга ҳам келтирмагандим.  
Танамни ток ургани, ақл бовар қилмайдиган туш ва  
манави деярли ишдан чиққан электрон асбоб — ҳамма-  
си бир бўлиб мени шу даражада карахт қилиб қўйган-  
дики, шу топда нима қилишга ҳам ҳайрон эдим.

Куйган қаршиликларни ва транзисторларни ҳозир  
алмаштиришга жазм қилдим-у, лекин дарров хафсалам  
пир бўлди. Негаки қўшимча радио асбоблар катта те-  
мир қутида сақланар, унинг калитини эса, лаборатория  
мудиримиз олиб юрарди. Баттар асабийлашдим. Вужу-  
димни ғашлик худди чақир тиканакдай ғажий бошлаган,  
кўнглимга чироқ ёқса ёримасди.

Ўша куни уйга қайтгач, кечаси билан тўлғаниб, кип-  
лик қоқмай чиқдим. Эртасига одатимча ҳаммадан вақт-  
ли ишга келдим-у, зўр бериб бирор тузукроқ баҳона из-  
лашда давом этдим. Ахир режамиз бўйича асбобни эр-  
та-индин комбинатга олиб бориб ишлаб чиқаришга жо-  
рий қилишимиз керак эди-да.

Кўп ўтмай, эшик очилиб, лаборатория мудиримиз Аброр ака билан етакчи конструктор Альберт Евдокимовичлар кириб келишди. Ўшандаги аҳволимни бир тасаввур қилганингизда эди!..

— Қалай, Қамол,— деди Альберт Евдокимович, паришон ҳолда узатган қўлимни қаттиқ қисиб сўрашаркан,— «чамадон» кайфиятдасан шекилли-а? Лекин сен учун севинчли хабар бор, бугун тушгача менга Физикатехника институтидаги ҳамкасабам янги манба топиб қўйишга ваъда берди. Тушдан кейин бемалол комбинатга жўнасак ҳам бўлади.

Етакчи конструкторимизнинг ҳар бир сўзи менга аёвсиз болға зарбидай таъсир қиласади. Аброр ака ҳам мен билан сўрашгач, портфелини стулга қўйиб, электрон қурilmamiz олдига ўтди. Ўтди-ю, ҳайратдан қалин қора қошлари чимирилди, бошини кескин буриб, таажжуб, айни пайтда қандайдир fazab акс этган нигоҳини менга қадади:

— Узи нима гап, Қамол?

Лаборатория мудиримизнинг бу саволи энди менга гўё бомба портлагандай туюлди. Қулоқларим том битиб, қаршимдаги қандайдир fazab nok қиёфали Аброр аканинг юзи тўлқинли тиниқ сувдаги аксдай ёйилиб, мой бўёқда ҳисснётсиж чизилган суратдай хирадаша бошлади. Мудиримизнинг қатъий саволи эса, гавжум эфир тўлқинларига иллакишиб, гўё узоқ-узоқларда:

— Узи нима гап, Қамол?.. Узи нима гап, Қамол?... Узи нима гап, Қамол? — дея миямда бир неча бор аксадо бергандай бўлди.

Тепамга Альберт Евдокимович яқинлашиб, елкамга қўлини қўйганича, ташвишли овозда:

— Сенга нима бўлди, Қамол? Қамол деяпман?! — деб сўрагани ёдимда, яна кўз олдимдан оловли ҳалқачалар сузиб ўта бошлади. Ўша ондаёқ тагида кўзни қамастиргудек ёғду сочаётган улкан баркашли жаҳаннамий чуқурликка йиқилаётганимни ҳис қилдим... Маъшум йўқлик тагин мени ўз оғушига олганди.

\* \* \*

Яна оигим маймуни танасида экани менга маълум бўлгач, нақадар даҳшатга тушганимни таърифлашга ҳам ожизман. Биринчи «тушим» ҳақида истаган гипотезаларни тўқиши мумкин эди, лекин қадимий ўрмонда иккинчи марта бўлиш... Иўқ!

Мен жон аччиғида хотирамга зўр бердим. Бирма-бир болалигимни, эски шаҳар ҳовлимизни, таниш қизлар, яқинда Болгарияга бўлган туристик саёҳат ва ҳамкасларимни кўз олдимга келтирдим, математик формулялар, ҳар хил қизиқарли воқеалар ва ҳатто латифаларни эсладим. Бутун иРОДА кучимни ишга солиб мен ўзимдаги ваҳм ва хаёлотни ҳайдашга уринардим. Бироқ буларнинг бари беҳуда эди. Аксинча, мени ўраб турган янги дунёни дақиқа сайин янада равшанроқ ҳис қиласдим.

...Мен тагин ибтидоий ўрмонда эдим. Аммо бу бошқача ўрмон ёди. Энди мени мевали ёввойи бутазорлар ва чакалакзорлар эмас, балки тарвақайлаб кетган шохлари осмону фалак билан туташган баҳайбат дараҳтлар қўршаб олганди. Юмшоқ ва ботқоқсимон ери калта яшил кўкатлар қоплаганди. Кўзни олгудек чараклаб турган ўт-ўланлар орасида жажжи саринқ гуллар ҳам кўриниб қоларди. Ҳар одим ташлаганимда ер билқиллар эди.

Ўрмон ҳайвонлар билан тўла эди. Гўзал оҳу, турлитуман йиртқичлар, ўтхўр ҳайвонлар бот-бот нигоҳимдан ўтарди. Аммо бу маҳлуқларнинг хулқ-автори кишини ҳайратга соларди. Гўё ўрмонда истиқомат қилувчиларни номаълум бир дард ўз исканжасига олгандай эди. Ҳайвонлар бошларини қуий осилтирганча ўта ланж ҳаракатланишар, негадир нуқул соя жойларга интилишарди. Улар очиқдан очиқ қуёшдан қочишарди, аммо буни инстинктив ҳолда, худди одатий бир нарсадай, маънисиз кўзларини чор-атрофга паришон тиккан ҳолда қилишарди.

Ҳа, атрофимда энди ўзга ўрмон ёди. Мен танасига тушиб қолган маймун ҳам бошқа эди. Бу дароз ва йирик эркак маймун бўлиб, танасини жун қоплаганди. Узун олд оёқлари деярли тиззаларигача етарди. Мен оёқлар дедим. Йўқ, ҳайвоннинг яхшигина ривожланган кафти, ўсиқ бўлса ҳам япалоқ тирноқли ҳаракатчан бармоқларига тикиларканман, булар оёқлар эмас, аллақачон қўлларга айланганига тезда амин бўлдим.

Оёқ панжалари гарчанд бир оз кенгайган бўлса ҳам, юрганида айтарли билинмай ҳаракатланар, ҳар ҳолда у икки оёқда энди бемалол мувозанат сақлай олардӣ.

Мен уни «ҳайвон» дедим, аммо ўйланиб қолдим. Янглишмадиммикин? Мавжудоднинг миясини зулмат пардаси ўраган, унинг ҳаёт фаолиятини ибтидоий инстинкт

бошқаарди, аммо мен бу қалин пардан зўр бериб ёриб чиқишга интилаётган гира-шира фикр ёғдусини ҳам аниқ ҳис қилмоқда эдим.

Бу қанақа мавжудод ўзи? Ҳали одам эмас, лекин айни пайтда ҳайвон ҳам деб бўлмайди.

Чор-атрофимдаги табиатни ва ўз маймунимнинг хулқатворини кузатиш хавотирли ўйлардан бир оз бўлсада мени чалғитди.

Аммо секин-аста вужудимни яна саросима чулгай бошлади. «Бу — туш ҳам эмас, алаҳсираш ҳам,— дердим мен ўзимга ўзим».

Бироқ нима содир бўлди ўзи? Ахир қанақа тўлқин мени йигирманчи асрдан неча минг йил орқага улоқтириди? Бинобарин, бунда фақат онгимнигина улоқтириб, танамни қаерда қолдиргани ҳам номаълум. Мен ўз давримнинг энг дадил гипотезалари ва ҳатто... фантастик романларнинг сюжетларидан фойдаланиб, аҳволимга бирор изоҳ топишга уриниб кўрдим, аммо ҳеч биридан қониқиш ололмадим.

Мен ўша-ўша ўзим танасига кириб қолган маймунинг ҳар бир хатти-ҳаракати, интилишини ҳис қилардим-у, лекин жиндек бўлса ҳам унинг ҳулқига таъсир қила олмасдим.

Шундай қилиб, одамсимон маймун тог тизмаларини айланиб ўтувчи тезоқар дарёча ёқалаб бораарди. Мен унинг қуёш нурлари тушиб турган жойларни айланиб ўтаётганини пайқадим. Яна унинг соғлиги ёмонлашаётганини ҳам уқдим. У жиддий хасталикка чалинмаганди, лекин қандайдир номаълум касалликка зўр бериб қаршилик кўрсатаётган организми бу курашда тобора заифлашиб бормоқда эди.

Қўйқисдан маймунсимон одам сергакланиб, дарёчага тикилганича туриб қолди. Сувда, шундоқ қирғоқ яқинида сузгичларини аста қимирлатиб катта балиқ турарди. Мавжудод бир неча қадам орқага тисарилиб, олазарак ҳолда атрофи кузатди. Сўйилни эслатувчи йўғон қуруқ ёғочга кўзи тушганда, мен унинг қувончига шерик бўлдим. «Сўйилни» шартта ердан олиб, сув томонга чопди-да, балиқ турган жойни бор кучи билан савалай кетди. Мен унинг зарбалари кучидан ҳайратда эдим. Дастрлаб ҳеч нимани англаб бўлмади. Сув шитоб билан узоқларга сачарарди, холос. Ниҳоят, сув бетида қорни осмонга қараган балиқ пайдо бўлди.

Мавжудод энди керак бўлмай қолган калтакни чек-

кага улоқтириб, катта дараҳт остига, нақ унинг тармоқлариб кетган илдизи устига ўтириб, тишлари ва тирноқлари билан балиққа ёпишди. Аммо балиқнинг териси осонликча йиртилмади. Шунда у ердан тош олиб, тош бўлганда ҳам дуч келгани эмас, балки ўткир қирралигини олиб, балиқнинг қорнини ёрди. Овқат базми чорак соатча давом этди...

Қорни тўйгач, маймунсимон одам яна дарёча ёқалаб кетди. Очлигини у қониқтириди, лекин куч-қувватини эговлаётган номаълум дард қайтмаётганини мен ҳам аниқ сезмоқда эдим.

Бирдан унинг боши айланди, кўз олди қоронғилашибди, оғир нафас оларкан, маъносиз нигоҳини рўпарадаги бир нуқтага тикканча ҳорғин ҳолда ерга ўтириб қолди. Айни пайтда, бу ҳиссиётларни мен ҳам бошимдан кечирдим.

Дарёчанинг нариги бетидаги улкан қоя остида кичик фор кўринар, у ердан салқин шабада эсмоқда эди. Маймунсимон одам бу жой яқинидан неча марталаб ўтган, лекин форга сира эътибор бермаганди. Агар хасталик оёқдан олмаганида, ҳозир ҳам бу ердан совуққонлик билан ўтиб кетган бўларди. У қоя остидаги қуюқ сояга маънисиз тикилди. Кейин қийинчилик билан ўрнидан туриб, дарёчани кечиб, нариги бетига ўтди-да, иккилангибағина форга кирди. Фор унча каттә эмас, қуп-қуруқ ва ичкаридан фир-фир шабада эсиб турарди. Менинг маймуним хириллаганича чуқур нафас олиб ерга ёнбошлиди.

Қанча вақт ўтганини билмадим, балки йигирма минутдир, балки ярим соатдир, лекин маймунсимон одамнинг аҳволи сезиларли даражада яхшиланғанлигини пайқадим. У кучли бош оғриғи ва ўта ланжликдан холос бўлгандай эди. Мен бу нарсанинг фор маймунсимон одамни қуёш нурларидан ҳимоя қилиши билан қандайдир боғлиқ эканлигини англай бошлаган эдим. Наҳотки, ўша даврларда қуёш ерлик мавжудодлар учун қандайдир хавф түғдирган бўлса? Аммо бу ҳақда бафуржаша мушоҳада юритишга улгуролмадим.

Менинг эгам хуррак ота бошлаганди. Қизиги шундаки, унга қўшилиб мен ҳам ухлаб қолдим.

\* \* \*

Тағин мен ўқлиқ қаъридан сузуб чиқа бошлаганимни ҳис қилдим. Энди қаерда уйғонаркинман? Ибтидоий

ўрмондами? Узоқ келажакдами? Ё ўзимизнинг йигирманчи асрдами?

Мен, агар таъбир жоиз бўлса, кўзларимни очдим ва ҳамон ўзга танада эканлигимга алам билан ишонч ҳосил қилдим. Лекин бу энди бошқа тана — Одамзоднинг олис уйғониш давридаги Ёш Овчининг танаси эди. Нима ҳам дердик, дедим мен ўзимга. Афтидан, миям устида ўтказилаётган тажриба давом этмоқда эди. Иродани бир жойга тўплаш керак... Ҳализамон ҳаммаси ойдин бўлиши керак-ку, ахир! Ҳозир эса... воқеалар ўз изнида кечаверсин.

Ёш Овчи елкалари кенг, мускулдор, дағал қизғиштаниали ибтидоий йигит эди. Унинг тор пешонаси уч бурчакни эслатар, қалин қошлари ёйдек эгилган, нигоҳи кишига тешиб юборгудек боқарди, лекин шунга қарамай, аслида унинг хулқ-атвори мўмин, ўзи юмшоқ табиатли эди. Бақувват елкасига йиртилиб, илма-тешик бўлиб кетган оҳу терисини ташлаб олганди.

Ҳозир Ёш Овчи ўз қабиладошлари билан ёнма-ён Муқаддас Қоя этагида туради. Ибтидоий одамлар юз чоқли бўлиб, қоя атрофида зич ярим айлана ҳосил қилишганди. Кўпчилик ҳолдан тойган, чоллар ва кампирлар—ваҳоланки, уларнинг ёши эндиғина ўттиздан ошганди,— зўрга оёқда туришарди.

Қиёфалари тошдан шошиб-пишиб йўниб ясалганга ўхшаш бу мавжудодларга тикиларканман, вужудимни галати ҳислар чулғади. Ҳатто маймун ҳам ўзининг ҳайвоний хулқ-атвори билан менда бу гаройиб мавжудодларчалик ҳазин ва ачинарли туйғулар уйғотмаганди.

Дарвоқе, ибтидоий одамларнинг болаларини ҳатто чироили дейиш мумкин эди. Уларнинг тийрак қора кўзлари ҳамма нарсага қизиқиш билан жавдирар, ўзлари чарочқ билмай уззу-кун тупроқда имирсиласга тайёр эдилар. Болалар қандайдир меваларни ғажишар, ердан илдизларни ковлаб олиб, оғизларига солишарди.

Ёш Овчи бот-бот нигоҳ ташлаётган Тезоёқ кўзи тийраклиги билан бошқа аёллардан ажralиб туради. У леярли буқчаймасдан юра олар, унинг елкаси ва оёқларигина калта жун билан қопланганди, холос. Унинг чехрасидаги худди бошқа аёллардагидай қандайдир дағаллик билан бирга айни пайтда алланечук нурли бир назокат, энди фунча отган латифлик ҳам яққол кўзга ташланарди. Ҳа-ҳа, афтидан, мен ерда эндиғина гўзаллиқ пайдо бўлаётган даврнинг гувоҳи бўлмоқда эдим.

Буларни уқиб етганимдан сүнг вужудимни барча қабила аъзоларига нисбатан эҳтиром бўлмаса-да, лекин ҳамдардлик, чиндидан ачиниш ҳислари эгаллади...

Маълум бўлишича, ибтидоий одамлар ҳозир ҳамма асрларда ҳам энг муҳим ҳаётий муаммо бўлиб келган озиқ-овқат масаласини муҳокама қилишаётган экан.

Ярим айланада ичидаги қарама-қарши ҳолда Қабила Бошлиғи билан оппоқ соchlари елкаси узра тартибсиз осилиб тушган озгин Жодугар Кампир туришарди.

Жодугар Кампир гоҳ у томон, гоҳ бу томон чайқаларкан, кўзларини ярим юмиб, худди ит акиллагандай хирқироқ овоз билан гапиради:

— Овчиларимиз яна қуруқ қайтишди. Кўп кунлардан бери оғзимизга — гўшт тегмади. Эртага Пастки Ўрмонга бориш керак.

— Пастки Ўрмонга бориш керак! — такрорлашди унинг кетидан ибтидоий одамлар.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишим керакки, одамларнинг гаплари ҳам ўзларига яраша анча ибтидоий, жумлалари қисқа-қисқа ва сифатларни деярли ишлатишмасди. Мен уларни грамматика нуқтаи-на заридан тўғри гапиритирканман, бундан мақсадим — ўқувчига айтилган фикрларнинг мазмунини аниқ ва тўғри етказиш.

— Лекин Пастки Ўрмонда оловранг сочлилар ов қилишади,— бир оз иккиланиб эътироуз билдириди Қабила Бошлиғи — узун ва бургутницидай эгри бурунли, оғзи ниҳоятда катта ва бошқаларга нисбатан хийла йирик ёркак.

— Оловранг сочлиларни Пастки Ўрмондан ҳайдаб, уларнинг горини эгаллаб олишимиз керак,— деди кампир беўхшов яноини юқорига иргаб-иргаб қўяркан,— йўқса улар бизнинг муқаддас оловимизни ўғирлаб кетишлиари мумкин.

— Оловранг сочлиларни ҳайдаш керак,— такрорлашди қолганлар ва уларнинг митти кўзларида қўрқув учқунланди.

— Биз оловранг сочлиларни ҳайдай олмаймиз. Улар биздан кучли. Бизда эркаклар оз. Жуда кўплари овдан қайтиб келишмади,— қатъий деди Қабила Бошлиғи.

— Қуёш руҳлари бизнинг улардан кучлироқ бўлишимизга ёрдам беришади! — кутилмагандага қулоқни қоматга келтириб чинқирди Жодугар Кампир.— Руҳлар-

га илтижо қилишимиз керак, улар бизга ёрдам беришади!

— Руҳлардан бизга овда ёрдам беришларини илтимос қылсак-чи?

— Руҳларга шак келтирма, йўқса, жазоингни тортасан,— пўписа қилди Жодугар Кампир, сўнгра Муқаддас Қоя томонга ўгирилди-да, бир нималар деб лабларини қимирилатганча қўлларини осмонга кўтарди: — Чангга айлан, эй, Само қабиласи! Тупроқ билан тенг бўл! Руҳларга илтижо қил! Нажот сўра!..

Бутун қабила аъзолари ўзларини ерга ташлаб, бир зумдаёқ чангга қоришиб кетишиди. Эркаклар, аёллар, кексалар ва болалар ётган жойларида тўхтовсиз юмалашар, қўллари билан ер тимдалашар, бир-бирларига урилиб паст ва дағал овозларда уввос тортишарди. Бу анча маҳалгача давом этди.

Жодугар Кампир қўйқисдан одамларга кескин ўгирилди. Буткул тўэзгиб кетган сочлари энди шамолда байроқдек ҳилпирарди.

— Қуёш руҳлари бизни эшитиши! — қичқирди у.— Хурсанд бўл, эй, Само қабиласи! Руҳлар арзимизни эшитиши!

Ҳаяжонли ҳайқириққа ўхшаган овозлар эшитилди-ю, ўша заҳоти Жодугар Кампирнинг амри билан қабила сукутга чўмди.

Кампир эси оғиб қолган одамдай тўдани маъносиз нигоҳидан ўтказди.

— Руҳлар қурбонлиқ талаб қилишяпти,— деди у,— улар эрта шомгача кутишади. Агар биз уларнинг истагини бажо келтирмасак, унда ҳолимизгавой.

— Эртага овчиларга ўзим бош бўламан! — хитоб қилди Қабила Бошлиғи.

Шундай қилиб, масала равshan бўлди. Жодугар Кампир руҳлар билан сирли суҳбатни давом этдириш учун Муқаддас Қоя олдида қолди. Одамлар эса, Қабила Бошлиғи орқасидан ўзлари истиқомат қиладиган форга йўл олишиди. Қабила қоядан узоқлашгани сари Қабила Бошлиғининг ўзига ишончи тобора орта борди. Форда у — ҳокими мутлақ эди. Бу ерда унинг ишларига ҳатто руҳлар ҳам аралashiша олмасди.

Ҳар кимга ўзига яраша иш топилди.

Олов сақловчи аёллар кеча-кундуз — йиллар давомида форда узлуксиз ёниб турувчи гулхан учун қуруқ ўтин йиггани кетишиди. Оналар болалари ёнига шоши-

лишди. Ошпаз аёллар катта тош идишларда қабиланинг сўнгги кунларда бирдан-бир овқати бўлган ёввойи тариқ ва илдизларни түйишга тутинишиди. Чоллар ва ўсмирлар горни йигиштира бошлиши.

Ёш, бақувват эркаклар бўлса, эртага бўладиган овга тайёргарлик кўрадилар: япалоқ ва ғадир-будир тошлардан ўткир учли, тўғри ва баъзан эгри найзалар ясад, кремендан қилинган пичоқларни ўткирлаштиришга ва тери шилиш мосламаларини тўғрилашга уннаб кетишиди.

Фор — кириш қисми тошлар ва найзалар билан йиртқич ҳайвонлардан ҳимоя қилинган катта ва узун ер ости хонасидан иборат эди. Само қабиласининг ҳар бир аъзосига форда алоҳида жой ажратилган бўлиб, уни Қабила Бошлигининг рухсати билангина алмаштиришлари мумкин эди. Овчи эркаклар форнинг энг яхши, қуруқ ва иссиқ бурчагини эгаллашганди.

Бугун форда оғир вазият ҳукм сурарди. Само қабиласи учун мashaққатли кунлар бошланган эди. Яқин дарёчани ўт босиб, сув келмай қўйганди. Натижада Илиқкўл қуриб қолди. Ҳайвонлар келмай қўйнишиди, балиқлар ҳам, турган гапки, ғойиб бўлишиди.

Пастки Ўрмонда ов мўл эди. Лекин оловранг сочлилар Само қабиласи овчиларини у ерга қўйнишмас, уларни ўз ерларида кўриб қолишиса, тўда-тўда бўлиб, найза ўқталиб, қийқирганларича устларига бостириб боришаарди. Қиши яқинлашиб келмоқда, бироқ Само қабиласи ҳали озиқ-овқат фамлаб улгурмаганди. Устига устак сўнгги кунларда қабиланинг қанчадан-қанча кучли овчилари ботқоқликка чўкиб кетишганди. Ана шунинг учун ҳам одамлар ҳаммаси асабий, шунинг учун ҳам Жодугар Кампирнинг гапларига диққат билан қулоқ солишаарди...

Ниҳоят, озми-кўпми, кечки овқат тайёр бўлди. Қабила Бошлиғи овқатланишига рухсат берди. Катта зангори япроқлар устига хамирни эслатувчи таомни уйиб қўйнишиди. Биринчи бўлиб овқатга Қабила Бошлиғи қўл узатди. Сўнгра, одат бўйича, қизлардан бири Муқаддас Қоя яқинидаги руҳлар форига Жодугар Кампирнинг ҳаққини олиб кетди.

Овчилар куч йигиш мақсадида тўйиб овқатланишиди. Охирида кексаларга емиш улашилди...

Эрта саҳарда овчилар йўлга отландилар. Бугал Қабила Бошлиғи уларни тоғ этаги бўйлаб ботқоқ томонга

бошлади. У ерда ов қилиш ўта хавфли, лекин кўпроқ ўлжа қўлга тушириш мумкин эди.

Овчилар ҳаммаси бўлиб ўн икки киши эдилар. Қабила Бошлиғи уларни икки-уч кишидан иборат гуруҳларга ажратди-да, ўрмоннинг турли томонига тарқатди. Ҳар бир овчининг қўлида найза, белбоғига бир ярим қарич узуниликдаги тошдан ясалган пичноқ қистирилганди. Ҳар бир гуруҳга биттадан тош болта тўғри келарди.

Ёш Овчи Қабила Бошлиғи билан ёнма-ён бораркан, қалби севинчга тўла эди. Ҳар гал овга чиққанида курашга бўлган кучли иштиёқ, ўз кучи ва жасурлигини кўрсатиш истаги унинг вужудида завқли ҳислар уйғотарди. Бугун унинг овни қўлга киритиш истаги нақадар зўрлигини билганингизда эди!.. Йигит ўлжасини кўтариб қайтганида Тезоёқ унга қандай нигоҳ билан қараши ҳақида ўйларкан, ўзи ҳам худди ҳайвонлардек из қидириб, ўёқдан-буёққа югурап, олазарак бўлиб қоларди.

Аммо ўрмон жимжит эди: Шунда Ёш Овчи Қабила Бошлиғи билан анчадан бери дилига туғиб юрган ўйини ўртоқлашишга журъат этди. У қўлини чўзиб, ўрмон оша қад кўтарган баҳайбат чўққига ишора қиларкан:

— Балки ҳув анави Яшил Тоғларда ов мўлроқдир?— деб сўради.

— Бизнинг оталаримиз ва боболаримиз ҳеч қачон Яшил Тоғларда ов қилишмаган. Биз уларнинг удумими бузолмаймиз, йўқса, руҳларнинг қаҳрига қоламиз,— хотиржам жавоб берди Қабила Бошлиғи.

Усмир ажабланиб, бошини қуйи солди.

Бирдан олдинда — дараҳтлар орасида қандайдир жигарранг нарса кўзга ташлангандай бўлди. Кўзга ташланди-ю, тўхтади.

Унинг қоплон эканини пайқаган овчилар ҳам тўхтаб қолишиди. Ҳаммаларининг танаҳлари таранг тортилиб, жундор муштлари найзаларни беихтиёр қаттиқроқ қисди. Йиртқич улкан ва кучли ҳайвон эди. У худди ёниб тургандай қип-қизил жағларини очиб, башарасини тириштириб ириллади. Аммо одамлар, гарчанд жангга шай бўлиб турсалар-да, айтарли таҳликага тушмадилар, негаки табиатда буюк бурилиш юз берган,— одам ҳайвондан кучли эканлигини сезиб ултурганди. Бу кучни унга найза, пичноқ ва тош болталаргина эмас, балки ҳам-жиҳатлик, коллективизм ҳисси ҳам берганди. Ёввойи ҳайвон ҳужумига тўқнаш келган одам ёрдамга дарров

шерикларини чақирап ва қабиладошлари бирлашиб, ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса-да, уни қутқа-риб қолишарди. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Йўқса одам ўрмоннинг чинакам ҳокими бўлиши амримаҳол эди.

Афтидан, қоплон одамлар билан илгари ҳам тўқнашиб, мазкур ғалати икки оёқли мавжудодлардан яхшиси олироқ юриш керак, деган холосага келганди. Шунинг учун бўлса керак, у бошини ҳам қилганича, орқага тисарилди-да, ўт-ўланлар орасида фойиб бўлди.

Бу учрашув овчиларга овлари ўнгидан келишини билдирувчи рамзий дарракдай тўюлди. Улар қийқиришиб, яна ўлга тушдилар.

Кутилмагандан Қабила Бошлиғи ёш Овчининг билагидан тутди-да, жойида тошдек қотди. Иккови ҳам бурун тешикларини кериб, ҳавони зўр бериб искашаркан, атрофдан келаётган товушларга диққат билан қулоқ солишди. Ўрмонда шатир-шутур овўз эши билар, қон ҳиди келмоқда эди. Одамлар энди дараҳтлар панасиға беркиниб, аста олға силжишарди.

Қорамтир-қизғишиш бутазор яқинида териси қўнғир тусдаги катта айиқ кийикнинг қолган-қутганини тилка-пора қилиб емоқда эди.

Сал нарироқда катта-катта қора қушлар айиқдан қоладиган сарқитни бетоқатлик билан кутиб туришарди.

Қаршимиздаги айиқ гоятда серқаҳр ва даҳшатли эди. Унинг вужудидан шафқат билмас куч ёғилиб турар, кескин ҳаракатлари унинг чаққонлигидан дарак берарди. Оғзи акуланикига ўхшар, бақувват жағлари ўлим сиртмоғидай ўлжасига чиппа ёпишарди.

Аммо Қабила Бошлиғи ва ёш Овчи йиртқичнинг қон билан булғанган жағлари ва узун тирноқларига эътибор қилишмади; уларни ҳозир жалб қилган нарса — бу қорамтир тери остидаги ғарчча мойли гўшт эди.

Ҳайвоннинг тақдиди ўша дақиқадаёқ ҳал этилди. Қабила Бошлиғи ёш Овчига қўли билан имо қилиб, ўзи унсиз маҳлуқ сари жилди. Ўлжаси билан банд айиқ ҳеч нарсанни сезмади.

Қабила Бошлиғи ҳайвонга жуда яқин келгач, ниҳоят, овни бошлашга жазм этди. Найзасини отишга шайлар экан, у бор овози билан қийқириб юборди.

Буни сира кутмаган айиқ ўлжасини қолдириб, орқа оёқларида тикка турди-да, беихтиёр наъра тортди.

Худди шу онда Қабила Бошлиғи найзасини отди.

Тажрибали овчи сифатида у овнинг тўппа-тўғри томонига уриши керак эди. Бу овни муваффақиятли тугаллашнинг энг яхши усули эди.

Қабила Бошлиғи тўдада энг мерган овчи ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам уни Бошлиқ қилиб сайлашганди.

Аммо ҳозир у мўлжалдан адашди. Эҳтимол, қўллари титрагандир. Найза айиқ елкасини енгил сидириб ўтиб, унга айтарли зарар етказмади.

Қабила Бошлиғи учун бундай янглишув кечирилмасди. Уят ва аламдан чўғдек ёнаркан, у тери белбоғига қистирилган тош — кременъ пичоғини сугуриб олди-да, ўзини айиққа отди.

Қаердандир яқин атрофдан ёрдамга чопиб келаётган овчиларнинг қийқириқлари эшитилди. Ёш Овчи ҳам иккала қўли билан маҳкам қисган найзасини ҳавода ўйнатганича, айиқнинг қорнидаги ингичка оқ йўлни мўлжаллаб, олға интилди.

Айиқ, қорнини обдон тўйғазиб олишга улгурган шекилли, ўлжасидан воз кечиб, орқасига яшин тезлигига бурилди-да, чакалакзорга шўнғиди. У ердан шоҳшаббаларнинг қарсиллаб сингани, ўт-ўланларнинг шитир-шитири эшитилди.

Қочаётган овни овчилар бир неча соат давомида қувлаб боришиди. Бироқ тоққа кўтарилишганда айиқни қоялар ва тошлар орасида йўқотиб қўйишиди.

Шундан кейин одамларни омад буткул тарк этди. Уларнинг йўлида ҳатто каламуш ҳам учрамади.

Куёш руҳлари сўроққа тутишидан ўзларини йўқотган овчилар бошларини қуйи осганларича ланж ҳолда манзилларига қайтдилар. Қабила Бошлигининг қовоқлунжи осилиб кетганди. Унинг шундоқ ҳам дарз кетган ҳокимлик салтанати буткул инқирозга юз тутганди. Ёш Овчи ҳам ўйчан ва паришонхотир кўринарди. Қабила Бошлиғи овда янглишди! Демак, руҳлар ундан чина-камига юз ўғиришибди-да?

Барча қабила аъзолари уларни кутиб олишга чиқишиди. Матъум бўлишича, биринчи гуруҳдатилар ҳам қуруқ қайтишибди. Одамларнинг юрагини даҳшат чулғади. Ёш Овчи Тезоёқнинг ғамгин қиёфасини кўрди-ю, вужудини бир нима куйдиргандай бўлди.

Одамлар орқага чекинишибди. Муқаддас Қоя томондан битта-битта одимлаб Жодугар Кампир келмоқда эди. Қўлида учи ўткир, узун ёғоч. Одатда энг ях-

ши гүшт бўлаги санчилиб, махсус қиришланган зина-  
лар орқали қоянинг чўққисига олиб чиқиб қўйиларди.

Жодугар Қампир индамай, Қабила Бошлиғига ёғоч-  
ни узатди да, ўсиқ қошларини чимириб, унга савол на-  
зари билан тикилди.

Қабила Бошлиғи юзлари қорайиб, бошини чайқади.

Қампир саросима, айни пайтда нафрат ва асабийлик  
билан қичқирди:

— Сен руҳларни алдадинг! Улар кечиришмайди! Эн-  
ди бизнинг ҳолимиз хароб, ҳолимиз хароб, эй, Само  
одамлари!

Одамлар, худди кечагидай, яна тупроққа ағанашди,  
йиги-сифи, ўқирик ва қарғиш овозлари эшитилди...

Жодугар Қампир Қабила Бошлиғига дағдага қилиш-  
да давом этди:

— Сен руҳлар олдида жавоб беришинг керак! Сенинг  
тақдирингни уларнинг ўзлари ҳал қилишади! — шундай  
деб, қўёли билан Муқаддас Қояни кўрсатди.

Жодугар Қампирнинг кўриниши даҳшатли, сўзлари  
ундан ҳам даҳшатли эди. Ҳатто Қабила Бошлиғидай  
жасур одам рағиби оқариб, бир сониядаёқ буқчайиб қол-  
гандай бўлди.

— Бор! Руҳлар сен билан гаплашиб қўйишишмоқчи! —  
яна қичқирди Жодугар Қампир оғзидан кўпик сачра-  
тиб.

Қабила Бошлиғи бўйсунди.

Муқаддас Қоя ерга ярим ботган бениҳоя улкан ҳар-  
сангтош бўлиб, унинг бир томонидан зиначалар ўйиб чи-  
қилганди. Қоянинг у ер-бу еридан туртиб чиққан ўткир  
тошлар устида ҳайвонларнинг суюклари, қуруқшаб қол-  
ган терилар — тез-тез келтириб туриладиган қурбон-  
лик қолдиқлари ётарди. Қоя атрофидаги майдонда ҳеч  
қандай ўсимлик ўсмас, уни қизғиши рангдаги майда ва  
зич қум қатлами эгаллаганди.

Хуллас, Муқаддас Қоя тепа қисми текис майдонча-  
дан иборат энг оддий қоялардан бири эди. Унинг чўққи-  
сига кўтарилиш ҳеч қандай хавф туғдирмасди. Руҳлар-  
га чин дилдан ишонган одамларнинг ва Қабила Бошли-  
ғининг қўрқуви менга тушунарли эди. Лекин мен шу  
топда кекса овчи учун ҳеч қандай хавф кўрмадим.

Қабила Бошлиғи қингир-қийшиқ зиналар орқали то-  
бора юқорилаб бораради. Унинг жун босган тиззалари  
титрар, ўзи бўлса, қалин лабларини қимирлатиб, алла-  
нималар дея шивирларди.

Само қабиласи одамлари уни қўрқув ва даҳшат тўла нигоҳ билан кузатиб туришарди. Руҳларни алдаш мумкин эмас. Ваъда қилинган қурбонлик келтирилмаган экан, энди нима бўлади?

Ниҳоят, Қабила Бошлиғи чўққига етди ва худди бошига калтак келиб тушишини кутаётгандай, бошини елкалари орасига тортиб, тўхтаб қолди.

— Чеккадаги оқ тош устига ўт. Руҳларнинг жавобини кут,— деди пўписали оҳангда Жодугар Кампир.

Қабила Бошлиғи яна бўйсинди. Одамлар нимадир соидир бўлишини кутиб тошдек қотишганди. Ҳамма нарса қўлидан келадиган, яъни овда омад келтирадиган, илдизлар ва меваларнинг ҳосилдорлиги ошувига сабаб бўладиган, дарёлар ва кўлларни балиқ билан тўлдирадиган, айни пайтда жазолайдиган — ўлим, очарчилик, соvuқ қишилар ҳамда касалликлар келтирувчи руҳлар гўё барча йигилганларни сеҳрлаб қотириб қўйгандек эди.

Кўққисдан Қабила Бошлиғи қичқириб юборди, бесўнақай энганиш, жар томонга оға бошлади ва лаҳза ўтмай... ўткир қоя тошлар устига учиб кетди.

Даҳшатли фарёд жами қабила аъзоларининг томонига тиқилди. Бутун қабила тиз чўқди. Руҳлар буюк, руҳлар қудратли! Уларга совға бериб турмасанг, улар жазолашади. Одамлар чант-тўзон ичиди думалашар, буралиб-эшилишар, руҳлардан ўзларига раҳм-шафқат сўраб, афв этишларини илтижо қилишарди.

Сочларини юлаётган Жодугар Кампир, айниқса, ҳаммадан кўпроқ фарёд чекарди.

Тан олишим керак, воқеаларнинг бундай тус олишини сира кутмагандим. Қейинроқ, бу ҳақда пича мушоҳада юритганимдан сўнг, юз берган ҳодиса — Қабила Бошлиғи ўз ўлими олдидан устига ўтиб турган оқ тош билан қандайдир боғлиқ, деган холосага келдим.

Ибитидой одамлар яқиндагина уларнинг ҳукмдори бўлган одамнинг мажаҳланган танасига даҳшат ичратикиларди. Унинг синиб, буралиб кетган чап оёғининг товонидан қўзиқоринга ўхшаш бир учи шарсимон кичкина тиконни, афтидан, ҳамма кўраётганди. Лекин унга ҳеч ким аҳамият бермас, зотан бундай тиконлар кунига ўнлаб одамларнинг танасига, ёпинадиган териларига кириб қоларди.

Мени бўлса, бу тикон маълум холосага олиб келди. Тахминимча, Муқаддас Қоядаги оқ тошнинг оёқ қўйиладиган жойида бир неча митти ботиқлар бўлиб, Жоду-

тар Қампир аввалдан қандайдир қучли заҳар билан йүғрилтиң бир печа тикоңни уларга яшириб қўйганди.

«Гип бу ёқда экан-да!» — деб, хўрсаниб қўйдим. Қабила бошлиғи билан Жодугар Қампирнинг ўзаро кураши ўнгисининг ғалабаси билан тугади. Бу ғалаба беихтиёр ғимғин ва маъюс ҳислар уйғотарди кишида. Гарчанд Қабила Бошлиғи одатдаги ҳаёт тарзи, азалий удумлар тирафдори бўлса ҳам, лекин унинг соғлом ақли ва жасурлиги қабилани очликдан ва бошқа хавфлардан бир печа бор сақлаб қолганди. Энди жамоани бошқариш ҳуқуқи, бирдан-бир тўғри йўл — қўшии қабила — оловранг сочлилар билан жангга кириш, деб ҳисобловчи эси-ни еган кампир қўлига бутгунлай ўтганди.

Ниҳоят, Жодугар Қампирнинг ишораси билан қучдан қолган, ҳолсизланган одамлар ўринларидан туришди. У ҳаммага форга боришини ва оловранг сочлилар билан эртага бўладиган жангга тайёрланишни буюрди. Аёллар энг сўнгти жамғармалардан тўйимли «овқат» пиширишлари, эркаклар эса, ўз жанговар қуролларини тартибга келтиришлари лозим эди. Жодугар Қампирнинг ўзи бўлса, яна руҳлар билан гаплашиб, улардан ёрдам сўраш учун Муқаддас Қояга кўтарилди. У чўққига чиқиб, тирноқлари қингир-қийшиқ ўсган озғин қўлларини осмонга чўзди, шамол унинг узуни оқ соchlарини тортқилаб тўзғитар экан, гўё кўзга кўринмас руҳлар кампир билан сирли сухбат бошлагандай туюлди.

\* \* \*

Бу бемаъни ва ёввойи юриш ҳали қуёш уфқдан бош кўтармасдан, эрта саҳарда бошланди. Сафарга отланишдан олдин Жодугар Қампир хирқираган овозда, руҳлар Само қабиласининг эркакларини қўллаб-қувватланига вайда беришганини эълон қилди. «Эркаклар қўрқмай оловранг соchlариниг горига кетаверишсин,— деди Жодугар Қампир яна Муқаддас Қояга кўтарилар экан,— мен эсам; руҳлардан жангда ғалаба қозонишиналрга ёрдам беришларини сўрайман».

Бу ўзига хос «оқ фотиҳадаи» кейин Само қабиласининг қирққа яқин эркаги йўлга отланди. Улар сафни эслатувчи тўда ҳолида боришар, худди ўзларини ўзлари руҳлантираётгандай, вақти-вақти билан қийқириб қўйишар, наизаларини юқорига кўтариб, ҳавода силкитишарди. Секин-аста одамларни, худди йиртқич ҳайвон ҳал қилувчи сакрашдан бир неча дақиқа олдин жазавага тушгандек, қучли ҳаяжон чулғади.

Эркакларнинг орқасидан — улардан уч юз метрча нарида — йигирмага яқин ёш аёллар ва қизлар келишарди. Лекин нима мақсадда? Уз қабиладошларини илҳомлантириш учунми? Булар менга қоронғилигича қолди.

Аёллар гурухи ичиде Тезоёқ ҳам бор эди. Ёш Овчи қизнинг ўзига хайриҳоҳлик ва ҳайрат билан қарашини жуда истар, шунинг учун ҳам ҳаммадан қаттиқроқ қичқирав, мускулдор қўлларини баланд кўтариб оқиш туман оғушидаги уфққа қаратса найзаси билан пўписа қилиб қўярди.

Эркаклар қуёш нурига чўмган ва гул ҳамда қуюқ ўт-ўлан ўсган яшил майдонга чиқишиди, майдон ўртасини кесиб ўтган дарёчани кечиб ўтишиди-да, унча баланд бўлмаган тошлоқ тепаликка кўтарилишиди.

Тепаликдан ажойиб манзара кўзга намоён бўларди. Қарши томонда тоғ тизмалари билан қуршалган катта водий ястаниб ётарди. Яқинроқдаги тоғлар худди туркман гиламидай ранг-баранг эди, нарироқдагилар эса, кўкиш, сиёҳранг, янада наригилари худди туман билан ўралгандай оч яшил тусда. Водийда асосий майдонни Пастки Ўрмон эгаллаганди. Кўзни қамаштирувчи тиниқ осмонда баҳайбат қушлар қанот қоқишиарди. Ҳаммаёқда ҳаёт қайнар — ҳар бир дарахт ортида, ҳар бир тош остида қандайдир қўнғизлар, калтакесаклар, майда ҳашаротлар ўз тирикчиликлари билан изғиб юришарди. Ўрмондан аҳён-аҳёнда йиртқич ҳайвоңларнинг наъра тортгани эшитилиб қоларди.

Юрагим аллақандай оғир алам ва ачиниш ҳисларига лиммо-лим эди. Мен унча кўп сонли бўлмаган икки қабиланигина эмас, балки минглаб одамларни боқиши мумкин бўлган ва мислсиз бойликларга эга улкан майдон ҳақида ўйга толгандим. Лекин бу нима ҳол? Ибитидой одамлар учун бениҳоя чексиз бўлган бу дунёни биргалашиб ўрганиш, билиш ўрнига икки қабила бир-бирларига наиза ва пичноқлар билан ташлашишга тайёр туришса?

Ўрмондан уч овчи чиқди. Булар оловранг сочлилар эди. Сочларининг оловранглиги демаса, улар ташқи қўринишлари бўйича Само қабиласининг одамларидан деярли фарқ қилишмасди.

Душман вакилларини кўришлари билан бостириб келаётганлар газаб билан қийқиришиди-да, тепаликдан пастга югуриб кетишиди.

Оловранг сочлилар ҳеч нарсага тушунолмай бир зум уларга қараб туришди-да, кейин бирдан орқаларига бурилиб, яна ўрмонга йўналишди.

Само қабиласиниг эркаклари уларнинг изидан тушишди. Ўрмоннинг бу жойи ҳаддан зиёд серўт эди. Шох-шаббалар таналарни савалар, ўт-ўланлар ва баргларнинг тиконлари қўл-оёқларни шилар, аммо бўлажак жангдан қаттиқ ҳаяжонга тушган одамлар на оғриқни сезишарди ва на чарчоқни билишарди.

Кутилмаганда чакалакзор тугади. Овчиларнинг кўзи олдида тоғ тизмаларига бориб туташган катта адир кўринди. Тоғ тизмаларининг этагида найзалар ва тош болталар билан қуролланган оловранг сочлиларнинг зич тўдаси турарди.

Келгинди қабилани кўришгач, улар худди йиртқич ҳайвонлардек тишлигини ғижирлатиб, ириллаб қўйишиди. Узоқ югуришдан чарчаб ҳансираётган Само қабиласининг эркаклари, ниҳоят, журъатсизлик қилишдими, тўхташди. Инстинкт уларга оловранг сочлилар кучлироқ эканини айтиб турар, лекин ибтидоий онг тўғри қарорга келиш йўлини тополмаётганди.

Осмонда иссиқ тропик қуёш аёвсиз тиф урмоқда эди. У Само одамларининг кўзларини қамаштириб, гўё ҳеч нарса кўрмайдиган қилиб қўймоқчига ўхшарди. Эркаклар кўзларини қисиша, бир-бирларига аҳмоқона нигоҳ ташлашарди. Уларга қуёш руҳлари қандайдир имонишора қилаётгандай туюлар, аммо руҳлар нима демоқчи, буни Жодугар Кампирсиз бари бир аниқлай олмасдилар.

Иккала қабила аъзолари ҳам бир неча фурсат галма-галдан бир-бирларига ғазабнок қийқиришаркан, қуролларини силтаб «дўқ-пўписа» қилган бўлишди. Сиртдан қараганда бу икки қабила мазкур адирга гўё обдон қийқириб олиш, бир-бирларини қўрқитиш ва сўнгра хотиржам яна тарқалишга йиғилишгандай таассурот қоларди.

Само қабиласининг жанговар кайфияти тобора сўниб борарди. Оловранг сочлиларга нисбатан икки баробар камроқ, бунинг устига чарчоқ ўз кучини кўрсатмоқда эди. Оловранг сочлилар бўлса, тобора қаттиқ ҳаяжонга ва кучга кириб боришарди. Уларнинг қийқириқлари бутун адирни тутиб кетган, душманларининг ожиз кўринишлари эса, қаҳри-ғазабларини беш-баттар ошириб юборганди. Мен уларнинг қонга тўла кўзлари, шишиб,

илондай тўлғанаётган мускуллари, лабларидан отилаётган кўпикларни аниқ кўраётгандим.

Шу пайт Само қабиласидагилардан бири найзаси билан ўз шерикларидан бирининг елкасига тасодифан тегиб кетди. Қон сизиб чиқди-ю, буни кўрган оловранг сочлилар тамоман маст бўлиб, жазавага тушиб кетиши. Ҳангни бошлаб юбориш учун мана шу кифоя қилди.

Оловранг сочлилар даҳшат солиб, маймуннинг жарларини эслатувчи оғизларини каппа-каппа очганча, келгиндиларга ташланиши...

Кўрқув ва саросимага тушган Само қабиласининг одамлари қочишга тутиндила. Уларнинг ортидан найзалар ва тошлар ёғилди. Тасир-тусир, қарс-қурс овозлар эшитилди, кимдир худди сўйилаётган ҳайвондай ўкириб юборди.

Ўрмонга етишгач, Само қабиласининг эркаклари ўзларига эргашиб келган қиз ва аёлларга дуч келиши. Улар бир чеккага тўпланиб, ҳеч нарсага тушунолмай саросимада туришарди. Тезоёқ лиана панасида турар, гўё бостириб келаётган хавфдан ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлаётгандай, юзини яшил баргли новда билан тўсиб олганди. Яшил барглар фонида унинг даҳшатдан катта очилган қоп-қора кўзлари йилтираб кўринарди. Бирдан ёш Овчида Тезоёқни душмандан ўз кўкси билан тўсиш истаги пайдо бўлди. Бу истак шундай кучли бўлиб туғилди, бутун қалби шодлик ва файратга тўлди. Бу — тўйимли овқат ейишдан олдин бўладиган шодликка асло ўхшамас, илгари ўзи сира дилидан кечирмаган, янги дилни қитиқловчи бир ҳиссиёт эди. Бу курсандлик таъсирида ҳатто ўз ҳаётини сақлаб қолиши инстинкти ҳам орқага чекинди. Ёш Овчи шу топда Тезоёқ учун ўз жонини қурбон қилишга ҳам тайёр эди.

Шу чоқ уларга оловранг сочлилар етиб олишди. Атрофини дараҳтлар қуршаган торгина майдончада жанг қизиб кетди. Бу ерда найзалар ва тош болталар деярли кераксиз бўлиб қолди, негаки шох-шаббаларга илашиб халақит бера бошлаганди. Қременъ пичоқлар, муштлар ва тишлилар ишга солинди. Ҳали у ер-ҳали бу ерда оғир нафас олингани, кимдир инграгани ёки қаттиқ чинқироқ овози эшитилиб қоларди. Яримяланғоч, ҳайвон териси билан таналарининг айrim жойларини беркитган ибтидоий одамлар бир-бирларининг томоқларига чанг солиб, ерда думалашарди.

Ёш Овчи худди арслондай олишмоқда эди. Бош су-

яклари пачақланган икки оловранг сочли унинг оёқлари остида ётарди. У Тезоёқни ҳимоя қиляпман, деб ўйларди. Аммо Тезоёқ аллақачон қаёққадир ғойиб бўлганди.

Гарданига зарб билан тош урилгац, Ёш Овчи гандираклаб кетди. Бошига келиб теккан иккинчи тош уни ағдариб юборди. (Айни пайтда менинг ҳам кўз олдим қоронгилашиб, бир дақиқа ҳеч нарсани кўролмай қолдим.) Лианалар билан боғланган Ёш Овчи қаёққадир кўтариб кетишашётганида ўзига келди. Боши ва иккала қўлинин чидаб бўлмас даражада оғриқ тутганди.

Эслатиб ўтишим керакки, қалбим ҳамон Ёш Овчининг танаси билан омихта экан, мен ҳам бу ҳиссиётларининг барини бошимдан кечираётгандим.

Ёш Овчи орадан қанча вақт ўтганини билолмай қолди, лекин танасини тарқ этган қувват қисман унга қайтганини сезди. У ҳатто секин-аста қўл-оёқларини чирмаб турган лианани ечишга ҳам муваффақ бўлди.

Йигит ҳозир жанг кетаётган жойдан сал наридаги ўтлоқ майдончада ётарди. Унинг ёнида ётган Само қабиласининг яна олти жангчиси эса ҳансираб, холсизгина инграшарди. Улардан сал нарида бир неча қабиладош аёл ўт-ўланлар устида сукут сақлаб ўтиришарди. Ёш Овчининг кўз олди қоронгилашиб кетди; уларнинг орасида Тезоёқ кўринмасди.

Бир неча оловранг сочли, афтидан, уларга қўриқчилик қиласарди. Улар тош болталарини елкаларига гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб, газаб билан ўз асиirlарига қараб қўйишарди.

Урмонда гўё филлар тўдаси бостириб келаётгандай қандайдир шовқин турди. У тобора аниқроқ эшитила бошлади. Ниҳоят, майдончага бошқа оловранг сочлилар ҳам бостириб келишди. Улар ўзлари билан Само қабиласининг ҳамма аъзолари—аёллар, чөллар ва болаларни ҳайдаб келишганди. Жодугар Қампир ҳам шу ерда эди. Оловранг сочлилар унга ҳурмат билан муносабатда бўлишашётганди. Афтидан, улар ўз бошларига ортиқча ғавро ортдирмаслик учун руҳларга хизмат қиласиган одамга тегмасликка қарор қилишганди. Янги келганлар орасида ҳам Тезоёқ йўқ эди.

Бу пайтга келиб майдончага оловранг сочлиларнинг ҳамма қабила аъзолари йигилишиди. Само қабиласи атрофида зич айлана ҳосил қилиб, ғолиблар ўз ғанимларига худди мазах қилаётгандай гердайиб тикилишарди.

Болалар қиқирлаб кулишар, ўтда думалашар экан, ботбот ерда кўзларига ташланаётган қўнғизчаларни оғизларига солиб қўйишни ҳам унутишмасди.

Ниҳоят, оловранг сочлиларнинг қабила бошлиғи — миқти гавдали, бақувват ва дароз одам олдинга чиқди. Ибтидоий суд бошланаётган эди.

Уртага жимлик чўқди. Тинчиб қолган оловранг сочлилар ғаройиб томоша кўришга шайланиб, асиrlарга энди қизиқиш билан қарашарди. Ҳатто болалар ҳам оналари ёпинган териларга осилганча қотиб қолишганди.

Даставвал оловранг сочлиларнинг бошлиғи Жодугар Кампирдан, оловранг сочлиларга ёрдам беришни руҳлардан илтимос қилиш-қилмаслигини сўради. Бунинг учун у кампирни ҳам, руҳларни ҳам гўшт билан тўйдирб мөҳмон қилишга ваъда берди. Кампир бир шарт билан рози бўлди: оловранг сочлилар қуёш руҳларини ҳурмат қилишлари, уларнинг маслаҳатларига қулоқ осишлари керак. Бу жавобни оловранг сочлилар бошлиғи мамнунлик билан қабул қилди. У кампирни ғорга олиб бориб, яхшилаб овқатлантиришни буюрди.

Кейин у Само қабиласининг энг ёш ва бақувват аёлларини нигоҳидан ўтказди. Шу кундан эътиборан булар оловранг сочлиларнинг хотинлари бўлади, деди у. Улардан туғиладиган фарзандлар ҳам оловранг сочлилар бўлиб етишишади.

Болаларнинг энг кучли ва согломларини танлаб, улар ҳам келгусида ғолиб қабила зурёдини кўпайтиришади, деди.

Қолганларни, асосан ов қила олмайдиган чоллар ва кампирларни ўрмоннинг ичкарисига олиб бориш ва ўша ерда қолдиришни буюрди; ё очликдан ўлишади, ёки йиртқич ҳайвонларга ем бўлишади.

Энди асирга тушган овчилар — етти кучли ва соглом эркакнинг тақдирини ҳал қилиш қолганди. Қабила Бошлиғи бир зум ўйланиб қолди. Унинг тор учбурчак пеша, насида чуқур ажинилар ҳосил бўлди. Бу одамларни ўлдириш керак, деди у, ниҳоят. «Агар Самонинг бу овчиларини қабила билан бирга қолдирилса, улар оловранг сочлилардан ўч олишлари мумкин. Олис ўрмонга олиб бориб ташланса, оловранг сочлиларга тегишли бўлган ҳайвонларни ов қилишлари ҳеч гап эмас». Қабила бошлиғи қўлинни юқорига кўтариб, кескин паствга туширди.

Майдон ўртасига ингичка тош болта кўтарган уч эркак чиқди-да, асиrlарга яқинлашди. Болталар юқорига

иұтарилиб, зарб билан тушган зақоти унинг остидаги құм ва ўтлар қип-қизил қонга бүялди. Уч асир додлаш-га ҳам улгурмай, жон талвасасида типирчилай бошлади.

Шу топда ўз-ўзини ҳимоя қилиш инстинкти ўз иши-ни қилди. Ёш Овчи сакраб ўрнидан турди, илгари ечиб улгирған лиана-чилвирдан чаққонлик билан танасини бұшатди-да, ўзини ҳалоскор ўрмонға урди. Ҳаммаси шу даражада тез содир бұлдикі, оловранг сочилар бир зум гангиб қолиши. Ұлар ўзларига келишганды эса, қочоқ анча жойға бориб олғанды. Орқа-ўнгига қарамай, у қалин ўрмон, тиконли чангальзорлар ва очиқ адирлар орқали бутун сайёрада бирдан-бир биладиган жойи — ўзи ва қабиладошлари истиқомат қылған форға қараб интиларди. У қувиб келаётганлар ҳақида ҳам, танасидаги кучли оғриқ ва келгуси ҳаёті ҳақида ҳам ўйламас, умуман, у ҳеч нарса ҳақида ўйламасди. Қандай бўлмасин, форға етиб олиш истагигина уни олға ундарди, холос.

...Фор қоронғи ва бўм-бўш эди. Оловранг сочилар одамларни ҳайдаб кетибгина қолмай, кўп йиллар давомида олови ўчирилмай келинаётган ўчоқни бузиб ташлашган, қабилага тегишли терилар, турли тош асбобускуналар, пичоқлар — ҳамма нарсани ўзлари билан олиб кетишганди.

Ёш Овчи фор ўртасидаги супага ўхшаган катта япалоқ тош устига ўтиаркан, боши қуйи осилди. У мақсадига эришди. Лекин энди нима қилади? Бу бепоён нотинч ва бефаво дунёда яраланганды, ярим ёввойи одам нима қила олиши мумкин?

Кутимаганда форнинг ичкарисида алланима шитирлади. Даҳшатга тушган Овчи иргиб ўрнидан турғанини сезмай қолди.

Унинг кўзлари қоронғиликка анча ўрганиб улгирғанди. Овчи не кўз билан кўрсинки... ичкаридан унга қараб Тезоёқ келарди. Қиз шошилмасдан, худди оёқларини авайлагандек журъатсизлик ва қўрқув билан одимлаб келарди. Йигитнинг олдиди тўхтаб, дағал қизгиш кафти билан унинг елкасини силади.

— Сени ўлдиришгани йўқми? — сўради йигит жойидан қимирлашга ҳам журъат этолмай.

— Мен қочиб кетдим,— деди қиз ва унинг қўлларини ушлаб, танасининг шишиниб кетган жойларига ишора қиларкан, сўради; — Қаттиқ оғрияптими?

— Йўқ, унчалик оғримаяпти,— Ёш Очининг танасидаги оғриқ чинданам камайиб қолгандай эди.

— Сени ўзим даволайман,— ваъда берди қиз.— Жодугар менига керакли ўтларни кўрсатиб қўйган,— шундай деб Тезоёқ кутилмаганда йиғлаб юборди.

— Нега йиғлаисан? — сўради Ёш Овчи биринчи марта унинг баданига қўллари билан тегиб. Унда яна оловранг сочлилар билан қилинган жанг олдидан пайдо бўлган ёқимли ва кўтаринки ҳиссият уйғонганди.

— Энди нима бўлади? — деди қиз хўрсаниб.— Оловранг сочлилар келиб бари бир бизни ўлдириб кетишади.

— Биз беркиниб оламиз.

— Бизда на олов бер, на овқат.

— Биз ов қиласиз. Оловни эса, мен бир амаллаб ёндираман. Биз Яшил Тоғлар оша йўлга тушамиз ва янги фор топамиз, — Ёш Овчи ганиргани сари ўзига ишончи тобора ортиб борарди.

— Бундай қилишга бизнинг қурбимиз етармикин?

— Етади! — Бошини иргади йигит.— Мен кучлиман. Сенинг ҳам кучинг етарли. Кейин бизда ўғилча туғилали, кейин яна кўп ўғил-қизларни дунёга келтирамиз. Биз янги қабила барно этамиз, Тезоёқ! — Ёш Овчи шундай деб қизнинг бўлиқ билакларини қисиб қўйди.

Шу чоқ бошим айланиб, кўз олдимда оловли доирачалар гир-гир айлана бошлади. Онгим гўё Ёш Овчининг танасидан ажралиб чиққандай туман оғушига чўмди,

\* \* \*

Оддий темир сим каравотда ўзимга келдим. Аммо мазкур каравот мени ўзим ётган оқланган, саранжом хона каби ҳеч нарсага ишонтиролмасди. Ахир бу хонадан ташқарида қўхна ўрмон йўқлиги, Жодугар Кампирнинг қуёш руҳларини чақирмаётгани, Ёш Овчининг ов изидан қувиб кетмаётгани ва Тезоёқнинг форда олов ёқиб ўтирганига ким ҳам кафолат бера оларди?! Балки мен мутлақо бошқа асрга силжиб, энди қандайдир ҳарбий саркарданинг танасига ўтиб қолгандирман?

Мен бошимни кўтардим, ва... ўз танамни кўриб нақадар суюниб кетганимни билсангиз эди! Гарчанд устимдан иссиқ жун одеял ёпилган бўлса ҳам, бутуни танам ўз онгим ва ақлимга бўйсинини ич-ичимдан ҳис қўлмоқда эдим. Фақат оқ бинт билан бойлаб ташланган қўлимгина дилимда нича ташвиш уйғотаётганди, холос.

Дарвоқе, қўлим қаерда лат еди ўзи? Оловранг соч-

лилар билан бўлган жангда эмасмикин? Айтишим керакки, шу топда менга лабораториядаги сўнгги воқеаларга нисбатан ибтидоий даврдаги саргузаштларим аниқроқ ва реалроқ тууларди.

Мен ётган хонанинг унча катта бўлмаган деразаси бўлиб, унга оқ дарпарда тутиб қўйилганди. Аммо у охиригача тортиб қўйилмаган ва мен очиқ тирқиш орқали ташқарига қараб, катта, шовқин-суронли, замонавий шаҳарда эканимни англадим.

Хонадаги жиҳозларга қараганда, мен ўзим яшаётган йигирманчи асрнинг сўнгги чорагидаги даврда эдим.

Аммо... Яна ким билади дейсиз...

Эшик очилиб, хонага қотма гавдали, бўйи унча баланд бўлмаган оқ халатли одам кирди. У ихчам соқол қўйган, нигоҳи олимларга хос вазмин ва салобатли эди. Катта бурнининг устига қўзойнак тақиб олганди.

Менинг ўзимга келганимни кўриб, у хурсанд бўлиб кетди.

— Э-ҳа! — хитоб қилди у қониқиши билан.— Демак, ишларимиз чакки эмас. Кайфиятингиз қалай?

— Жойида,— жавоб бердим мен ва оловранг сочлилар билан бўлган жангда, туф-э, янглишмасам, лабораторияда йиқилганимда лат еған қўлим зирқираб оғриётганини ҳис қилдим.

— Менинг исми-шарифим Эҳсон Низомович,— деди ҳалиги одам,— мен эҳтиётсизлигингиз туфайли тушиб қолган касалхонангизнинг бош врачи, айни пайтда, жарроҳиман.

— Демак, мени сиз даволабсиз-да?

— Тўғрироғи, мен сизнинг саломатлигингиз билан шуғулланганларнинг бириман,— жавоб берди у маъноли кулимсираб. Афтидан, бу бош врач ажойиб одамга ўхшарди.

— Медицина бу даражада тараққий қилган деб сира ўйламагандим,— мен уни мақтамоқчи бўлдим.— Биласизми, мен бир дунё таассурот олдим.

— Қанақа таассурот? — жарроҳнинг қовоқлари уйилди.

— Ажойиб ва бир дунё. Ахир мен ибтидоий даврга тушиб қолдимда. Ибтидоий жамоа тузуми, ов қилишлар, қўшни қабилага қарши уруш, қуёш руҳларига сифиниш — тушуняпсизми?

— Тушуняпман,— у менга шубҳали нигоҳда диққат билан тикиларкан, қўлинини пешанамга қўйиб кўрди.—

Хароратингиз йўқми ишқилиб? — минғирлади у, сўнгра секингина: — Йўқ, соғайиш ҳақида гапиришга ҳали эрта,— дей қўшимча қиларкан, менга худди савдойиларга қарагандек тикилди.

— Ҳурматли доктор, мен соппа-соғман! — хитоб қилдим мен аввал маймун, сўнгра ёш Овчи танасидаги саргузаштларимга медицина ҳамда Эҳсон Низомович алоқадор эмаслигига дарров ақлим етиб.

Хуллас, мен кинокомедияларда жуда кўп кўрган саҳна тақрорланди. Шифокор менга гаплашишни ман қилди, албатта, ухлашим лозимлигини буюрди ва бир неча кундан кейин ҳикояларимни эштишга сўз берди.

У мени тонг қолдириб чиқиб кетди. Биз яшаётган даврда вақт машинаси барпо этилмаган. Бу тушунарли. Лекин бари бир... қандайдир йўл билан мен узоқ асрларга саёҳат қилдим, одамзод уйғониши даврининг гувоҳи бўлдим. Бу қандай зоҳир бўлди? Қим тушунтириб бера олади? Бунга ким ишонади?

Ухлай олмадим. Бир неча фурсатдан сўнг палатага биринчи қарашда жуда жиддий, ҳатто заҳардай кўринган ҳамшира қиз Наргиза кириб келди. Бахтимга, у ҳақдаги илк таассуротларим сароб бўлиб чиқди, қиз жуда дилкаш ва очиқкўнгил экан. У менга ҳамма янгиликларни тўкиб солди.

Касалхонага мени кеча кечқурун оғир аҳволда олиб келишибди. Буткул ҳўшсиз ҳолда эканман. Афтидан, кучли электр кучланиши остига тушиб қўлганман шекилли, лекин лабораториямиз ходимлари буни мутлақо инкор этишибди.

Уларнинг уқдиришларича, мен аввал хона ўртасида туппа-тузук турган эканман, кейин қўйқисдан гандираклаб, ииқилиб тушибман. Ииқилаётib қўлим билан темир столнинг ўтқир қиррасига тегиб кетиб, уни лат едириб олибман. Ҳар ҳолда мен билан анчагина жиддий шуғулланишга тўғри келиби.

Наргиза буларнинг ҳаммасини менга батафсил гапириб берди.

Марказий шаҳар касалхонасида ётганимни ҳам ундан билиб олдим.

Касалхонага бир неча бор институтдан қўнғироқ қилишибди, менинг соғлиғимни сўраб-суриншишибди. Эрталаб Аброр әка билан Алъберт Евдокимовичлар келиб кетишибди...

Ерга тушиши билан эриб, сувга айланадиган паға-па-

га лайлакқор ёға бошлади. Дераза орқали жилва беріб мілтиллаётган қор учқунларига тикиларканман, ғұғ меннің поёңсіз ўйларим ҳам уларға құшилишиб мілтилларди.

Демак, мен ҳүшимни йўқотибман-да. Саргузаштларим ҳаммаси тушимга кирибди. Бироқ жами воқеалар нега ҳаддан зиёд аниқ ва реалдай кеңди? Ибтидоий даврда бўлганим ҳақидаги ишонч ва эътиқодим ҳақида нима дейиш мумкин, ахир? Мен қуёш нурлари олдиғаги даҳшатга тушишлар, кичкина Само қабиласининг тақдири, тропик ўрмондаги жанг ва Ёш Овчи ҳамда Тезоёқ билан боғлиқ манзараларни қайта-қайта эсладим.... Илгари ҳеч қачон шу қаблдаги нарсаларни ҳатто кўз олдимга ҳам келтиролмасдим. Демак, ҳамма кўрганларим учқур хаёлнинг одатдаги ўйинларидан эмас. Илгари хаёлингга ҳам келмаган нарсани тушда кўролмайсан-ку, ахир?!

Деярли тонг отгунча мен Эҳсон Низомовичга буларнинг ҳаммасини қай тартибда ҳикоя қилиб беришни ўйлаб, мижжа қоқмадим.

Мен, бош врач, ниҳоят, саргузаштларимга қизиқиб қолади, дея умид боғлардим.

\* \* \*

Бироқ эртасига у билан суҳбатимиз мен кутганимдек бошланмади. Эҳсон Низомович бошдан оёқ менга разм солиб чиққа, қониқиши билан «ҳм»,— дея чўққи соқолини оҳиста силаб қўйди.

— Гарчанд гавдангиз ихчамгина бўлса ҳам, танангиз ҳайратда қолдирали даражада бақувват экан,— деди у.— Шундай ток кучига юрагингиз қандай бардош берганига сира ақлим етмаяпти.

— Ҳаммаси менинг бобокалоним Собиржон табиб туфайли.

— Ҳойна-ҳой у ҳам ибтидоий ўрмонда яшаган бўлса керак? — шубҳа аралаш кесатди шифокор.

Мен кулиб қўйдим.

— Йўқ, у ўтган асрда эски Тошкентнинг Чорсу да-ҳасида яшаб ўтган. Аммо Бухородан Андижонгача донғи кетган экан. Негаки ўз даврининг илфор ва билимдон шифокорларидан бўлган.

— Жуда соз, аммо буларнинг юрагингизга қандай боғлиқлиги борлигини илғай олмаяпман?

— Мана бундай. Ёшлигига бобокалоним Ҳиндистонда ўқиган, у ерда узоқ яшаб, йоглар санъатини ўзлаш-

тирган. Бу борадаги билимларининг бир қисмини ўғлига қолдирган, ўғли ўзининг фарзандига берган ва табиийки, бу билимларнинг қандайдир бир улуши менга ҳам мерос бўлиб қолган. Ҳуллас, мен юрагимнинг иш фаолиятини жисман бошқара оламан ва лабораторияда сим қўлимга келиб тегишидан олдин унинг уришини сусайтиришга улгиргандим...

Эҳсон Низомович ажабланиб, менга тикилди.

— Жуда муҳим янгилик!

Унинг бир оз қисилган кўзлари ва ўткир нигоҳидан тушундимки, бундан буён жарроҳ менга анча-мунча қизиқиб қарайди.

Жуда соз!

Ниҳоят, мен ўз ҳикоямни бошладим. Эҳсон Низомович гапларимни бўлмай қулоқ солди. Мен унинг, бирор жиддий илмий проблемага дуч келиб қолган тадқиқотчидек қизиқиши дақиқа сайин ортиб бораётганини ҳис килардим.

Саргузаштларим баёнини тугатганимда, у кўзойнагини олиб, линзаларини халатининг четига артди, унинг зирҳи из қолдирган қош оралигини бармоғи билан қашиб қўяр экан, шошилмай гапирди:

— Сиз билан камдан-кам зоҳир бўладиган генетик хотира ўйғониши ҳодисаси юз берган. Сиз ҳойна-ҳой одамнинг мияси аслини олганда кўп қаватли омбор эканлигини, унинг қаватлари шахснинг ривожланиши жараёнида инфомация билан тўлиб боришини эшитгандирсиз? Бу омборнинг пастки қаватлари илгари яшаб ўтган аждодларимиз йиғган инфомация билан байд этилган. Мазкур инфомация миямизга генларимиз орқали ўтади. У кодлаштирилган ва ҳозирча одамзод уни ўқишни ўрганиб улгирмаган.

— Демак, мен уни қандайдир йўл билан ўқишга муваффақ бўлибман-да?

— Ҳудди шундай. Қандайдир йўл билан... Ўйлайманки, бу ерда гап кутилмаган вазият, стрессли ҳолат, гайри-оддий иродангиз ва йоглик қобилиятингиз каби ҳамма факторларнинг қўшилишиб кетганлигида. Қандайдир муддатга сиз таниқи дунёдан узилиб қолгансиз-у, сўнгра сизнинг онгингиз эшикларни адаштириб юбориб, бошқа қаватга кириб қолган. Натижада яна юқорига кўтарилишдан аввал хотираңгизда сақланиб келаётган миллион-миллион эпизодларнинг бир нечтаси кўз олдингиизда қайта жонланган.

— Бунақа ҳодисалар фанга маълумми?

— Мен статистик маълумотларга эга эмасман. Аммо ўйлайманки, кўплар шунга ўхшаш воқеаларнинг гувоҳи бўлишган, бироқ уларга аҳамият беришмаган. Пастки қаватларда ўқиган инфомацияларини туш, галлюцинация, алаҳсираш деб ҳисоблашган. Бунинг устига киши хотирасида тасодифан тикланганд үтмиш воқеалари одатда узуқ-юлуқ характерда бўлади. Сизда бу бошқачароқ бўлган.

— Демак, Ёш Овчи чиндан ҳам яшаб ўтган, шундайми?

— Ҳа, кўп минг йиллар илгари. Тўғрироғи, йигит билан Тезоёқ сизнинг узоқ қариндошларингиз бўлиши керак.— Эҳсон Низомович кулимсираб қўйди.— Қизиқ, менинг авлодларим қаерда, қайси ўрмонда оз қилишган экан?

— Сизнингча, уларнинг кейинги тақдирни нима бўлган?

— Ўйлайманки, улар тоққа қараб кетишган ўша даврда фақат икковининг яшаб кетиши амримаҳол эди. Эҳтимол, тоғда улар бошқа, тинчликпарварроқ қабила-га дуч келишган ва улар ёшлиарни ўз горларига киритиб, сафларига қабул қилишган.

— Биласизми, уларни — Ёш Овчи ва Тезоёқни бошқа ҳеч қачон кўрмаслигимни ўйласам, юрагимни ачи-нишга ўхшаган бир нима тимдалаётгандай бўляпти.

— Қайғуришга шошилманг. Яқин келажакда фан генетик кодларни ўқиш йўлларини ўрганиб олади, ана шунда ҳар бир одам ўз хоҳиши бўйича истаган даврига саёҳат қилиш имконига эга бўлади. Фан учун, инсон шуурининг тадрижий ривожи учун қандай имкониятлар очилишини тасаввур қиляпсизми, ахир!

— Сиз нима деб ўйлайсиз, профессор, — сўрадим мен эҳтиёткорлик билан,— менинг бу саргузаштларим фан учун бирор аҳамият касб этиши мумкинми?

— Бениҳоя! — хитоб қилди Эҳсон Низомович стулдан ирғиб туриб, тор палатада ўёқдан-буёққа одимлар экан.— Айниқса, биринчи хотирангиз катта аҳамиятга эга.

— Биринчи? Ахир унда айтарли ҳеч қандай яхлит воқеа йўқ-ку? Маймун йиртқич ҳайвон ҳужумидан қочади, қувлаш... қандайдир қўрқув... қуёшга нисбатан...

— Ҳамма гап мана шунда! — кўрсаткич бармоғини чаққонлик билан юқорига кўтарди Эҳсон Низомович.—

Қүёшдан қўрқиша! — У соқолини силаб, ўйчан ҳолда бир зум сукутда қолгач, сўради: — Айтинг-чи, Дарвин назарияси билан қанчалик танишсиз?

- Умуман, ёмон эмас...
- Умуман деганингиз нимаси?
- Одам маймундан келиб чиққанини биламан.
- Бу жараён нега бошқа давом этмай қўйгани ҳқида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?
- Тушунмадим?
- Нима учун биз яшаётган асрда маймунлардан фагат маймун авлодлари пайдо бўляпти-ю, улар одамларга айланышмаяпти?
- Мен елкамни қисдим.
- Нима десам экан?.. Бу табиат қонуни бўлса керак-да. Маънавийлик нуқтаи-назаридан десаммикин... Тасаввур қилинг-а, ер юзида одамлар билан бир қаторда неандерталлар, австралопитеклар ҳам истиқомат қилишса... Уларни тўғри атадимми?
- Тўппа-тўғри.
- Агар одамга айланәётган маймунлар ҳозир ҳам яшаётганда қанча қўшимча муаммоларни ҳал қилишга тўғри келарди! Йўқ, табиат доно! У бир вақтлар одамзод ва бошқа тирик дунё ўртасига кескин чегара ўрнатиб, жуда оқил иш қилган.
- Доноликка доно-я, лекин у доноликни қандайдир йўл билан изоҳлаш ҳам керак-да.
- Фан ҳозирча бунга ожиз.
- Бундай хулоса қилишга шошилманг. Ернинг геомагнит инверсиялари нима эканлигини биласизми?
- Агар сиз электрон ва ярим ўтказгич асбоблар, илмий қурилмалар ҳқида гап очганингизда, мен сиз билан бемалол баҳслаша олган бўлардим. Геомагнит инверсиялар эса... Янглишмасам, бу — ер қутблари алмашиниши жараёни эмасми?
- Худди ўзи. Маълум давр оралиқларида — бир неча минг йилда ер шаримиз ўзининг магнит қутбларини алмаштириб турди, яъни шимолий қутб жанубий қутбга айланади ва аксинча. Агар билсангиз, бу — планетамиз тарихидаги энг сирли ҳодисалардан бири. Ердаги жонли дунё учун эса, магнит майдонининг аҳамияти бекиёс. У — ердаги жами тирик ҳаётни қуёшнинг зарарли пурлари, космик радиациядан сақловчи ҳимоя зирҳидек бир гап. Лекин бу жараён одатдаги инверсия бўлмаган пайтларда тўғри кечади.

— Тушундим. Қутблар алмашинаётган пайтда ана шу ҳимоя зирҳи йўқолиб, радиацион нурлар ер сатҳига ўтиб кетади, шундайми?

— Ҳа, ердаги жонли мавжудодларнинг баҳтига, қутб белгиларининг алмашиниш жараёни магнит майдонининг секин-аста камайиб, яна аввалги мӯътадил ҳолатга қайтиши, яъни радиацион фоннинг секин-аста кучайиб энг юқори қийматига эришгач, яна нормал ҳолга келиши билан кечган. Худди шу нарса ердаги ҳаётни тамомила инқизозга юз тутишдан асраб қолган.

— Айни пайтда бундай процесс қанчадан-қанча тирик дунё вакилларининг ўлимига сабаб бўлган. Хуллас, геомагнит инверсиялари табиатнинг улкан Саралаш Комиссиаси ролини ўтаб, энг кучли, энг турғун жонзотларгагина яшаш ҳуқуқини қолдирган. Янглишмадимми?

— Тўппа-тўғри. Космик радиация бўлса, ўша даврда мавжуд тирик организмларнинг генетикасига бевосита таъсири қилиб, салбий оқибатлар пайдо қилиш билан бир пайтда қатор мутацияларни ҳам юзага келтирган.

— Мутацияларни дедингизми?

— Худди шундай. Мутация, яъни тирик организм белгилари ва хусусиятларининг тўсатдан ва тубдан ирсий ўзгариши фанга қадимдан маълум нарса. Биология унга, йирик ирсий ўзгаришлар сабабли, бир турдан иккинчи турга сакраб ўтувчи эволюцион процесс деб қарайди. Сизнинг дастлабки хотираларнингизда ана шу сабаб ролини инверсия туфайли ҳимоя зирҳидан маҳрум бўлган плачетамизга сочилётган қуёшнинг зарарли нурлари ўтаган.

Ҳайратга соладиган жойи шундаки. Ерда зоҳир бўлган ҳар бир қутблар алмашиниши жараёни натижасида қатор тур ва авлодлар буткул йўқолиб, мутлақо янгилари пайдо бўлган. Дастробки шаклларидан кескин фарқ қилувчи янги турлар шу даражада шиддат билан ривож топган-ки, орадан неча минг йиллар ўтгач, ҳозирги замон олимларига бу турлар ва авлодлар орасидаги бирор биологик боғлиқлик, қон-қардошликини аниқлаш ниҳоятда мушкул иш бўлиб қолмоқда. Ахир инверсия вақтида мавжуд турнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги вакилининг пайдо бўлиши жуда қисқа муддатда, планетамиздаги бутун ҳаёт эволюцияси вақтига нисбатан атиги бир неча дақиқада кечган-да. Шунинг учун ҳам ҳар бир тур эволюция жараёнининг кўп ўринларида уларни мантиқан боғловчи звенолар йўқдай туюлади.

— Жуда қизиқ...

— Ҳар ҳолда ҳозирги замон палеонтологларининг одам эволюцияси жараёнидаги бөгловчи заңжирлар, яъни одамзод найдо бўлишининг дриопитек, австралиопитек, пятекантроп, неандерталлик ва Гомо Сапиенс босқичларидаги ўтиш моментларининг геологик қолдиқларини қидириш бўйича жами ишлари деярли беҳуда кстаётганидан хабаригиз бўлса керак?

— Ҳа-ҳа, қайсиdir журналда ўқигандим.

— Фанда бу нарса ҳануз қоронгилигина қолмоқда. Аслида эса, булар, сўнги пайтларда пайдо бўлган янги илмий гипотезага асосан, ҳар гал мутация туфайли кетма-кет содир бўлган жараёнлардир. Ерда зоҳир бўлган геомагнит инверсияларининг вақти эса, одамнинг ана шу эволюцион ўтиш даврлари билан жуда мос келар экан!

— Қизиқ!.. Жуда қизиқ!..

— Радиациянинг сифат жиҳатдан ҳаётининг янги формаларини бунёд қилиши эса, олимлар томонидан аллақачон исботланган. Нурланишдан фойдаланиб, янги мутантларни ҳосил қилиш усуллари ўсимликларининг янги — у ёки бу касалликка чидамли формаларини топишда кенг қўлланилаётгани ҳам геомагнит инверсияларининг одам эволюциясидаги муҳим ролини тасдиқлайди.

— Демак, маймун кудди шу қутблар алмашиниши даврида, яъни қўёшнинг радиактив нурлари таъсирида Гомо Сапиенс, яъни ҳозирги одамзодга айланган...

— Шундай.

— У ҳолда, одамзод жуда қадим замонлардан осмонга, қўёш ва нурга бежиз сифинмаган бўлиб чиқади...

— Албатта.

— Бундан чиқди, узоқ келажакда, орадан неча минглаб йиллар ўтиб, ерда тағин қутблар алмашиниши бўлса, ҳозирги одамзод яна бошқача, мукаммалроқ ва оқилроқ Одамга айланиши ҳеч гап эмас экан-да?

— Менимча, ҳеч гапмас.

— Қандай ғаройиб! Биргина одамнинг мия тўқималари ва генларида ўи беш миллион йиллик бутун авлодларимиз тарихи ҳақидаги инфомрация мавжуд бўлса-я!?

— Шундай. Тўғри, буларниш бари ҳали илмий тахмин, холос. Сиз бўлсангиз, ўзингиз ҳам билмаган ҳолда унинг фойдасига фоятда муҳим фактлар бердингиз. Ана ўша сизнинг биринчи одамсимон маймунингизни олай

лик. Биринчи бўлиб ғорга кирган ва у ерда яшаш керак-  
лигига «ақли» етган мавжудот. Ахир уни, таъбир жоиз  
бўлса, ўз даврининг Эйнштейни дейиш мумкин!..

— Хуллас, мен ўшанда инверсия гувоҳи бўлиб-  
ман-да?

— Ҳа, пировардида жами мавжудотларда қуёшга  
нисбатан қўрқув инстинкти уйғотган инверсиялардан  
бирига гувоҳ бўлгансиз. Кейинчалик, магнит қутблари  
ўз жойларини эгаллашгач ҳам, қуёшга нисбатан бўлған  
қўрқув асрдан асрга мерос бўлиб қолаверган. Қуёшдан  
қўрқишишган. Унга сифинишган. Сиз шафқатсизлик, зўра-  
вонлик, ўлимнинг гувоҳи бўлдингиз. Аммо ўша кезлар-  
даёқ севги, колективизм ҳисси, меҳнат қилишга одат-  
ланиш каби ижобий тенденциялар пайдо бўла бошли-  
ганди. Бу тенденциялар ривожланиб, одамни янада куч-  
лироқ ва оқилроқ қилган...

Шу пайт палатага Наргиза кириб келди.

— Эҳсон Низомович, Қамол акани кўргани ҳамкаслар  
киелишибди. Кираверишсинми?

Эҳсон Низомович розилик маъносида бош иргар экан,  
деди:

— Кираверишсин. Энди bemоримиз учун хавотир  
олмасак ҳам бўлаверади...

ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК  
ҲИҚОЯЛАР





## СИРЛИ НУР

— Улугбек! Улугбек! Мен — биринчи. Қалай әшитяпсиз? Қабул.

— Биринчи! Биринчи! Мен — Улугбек! Сизни яхши әшитяпман. Нима янгиликлар бор? Қабул.

— Нур тарқатаётган нүкта күздан ғойиб бўлди.

— Ғойиб бўлди?.. Нега? Қачон?

— Бир неча дақиқа аввал мен сайдёра атмосферасига кирдим, нурланаётган нүкта тепасида бир зум тўхтаб, кемани тўғри курсга олдим, кейин пастрлай бошладим Икки юз метр ҳам тушишга улгурмагандим, нурланиш бирдан йўқолди.

— Ҳозир остингизда нима кўриняпти?

— Ҳозир кема қуюқ булатлар қуршовида. Телелокаторлар ҳеч қандай иш бермаяпти.

— Биринчи! Ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Булатлар қатламишинг қалинлиги бизга номаълум. Сизни қуршаболган туман сайдёра сатҳигача чўзилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

— Улугбек! Кема булатлар қатламини ёриб чиқди. Баландлик 15000 метр. Сайдёра сатҳини кўр янман. Жигарранг ва алвон рангларни ажратса бўлади. Эҳ, юрагим ҳовлиқиб кетяпти! Шубҳасиз, сайдёра юзаси қуюқ ўсимликлар билан ўралган. Телелокаторлар йўналишини боя нур тарқатган нүктага тўғрилаянман.

Жимлик.

— Биринчи! Биринчи! Узи нима гап? Ҷавоб беринг! Ӯша заҳоти разведкачи-фазогир Даврон Шариповнинг ҳаяжонли, айни пайтда севинчга тўла овози янгради:

— Улугбек! Сунъий қурилма кўряпман! Баландлик минг метр. Ӯлай агар сунъий қурилма кўряпман!

— Ҳовлиқманг, биринчи, ҳовлиқманг. уни тасвирлаб беринг.

— Тагимда, янгишмасам, шаҳар ястаниб ётибди.

Ұзға сайёра шаҳри! Ниҳоятда юксак қилиб қурилған түғри формадаги цилиндрларни күрятман. Асосининг диаметри тахминан юз метрга тенг бу иншоотлар туар жой бинолари бўлса керак. Ҳар бир цилиндр тепасида горизонтал йўналишида ва турли баландликка эга спиралсимон «бутоқлар» бор. Уларнинг ҳавода муаллақ турган энг чекка қисми қалин мис ликопчани эслатади. Бинолар йигирма-ўтизистдан алоҳида-алоҳида жойлашган. Ҳар бир гурӯҳ марказида бошқача шаклдаги — шарсимон, призмасимон, түғри бурчакли қурилмаларни ҳам күрятман. Чор-атроф ўт-ўлан, дов-дараҳтлар билан ўралган. Албатта, агар қизил ва жигарранг баргли баҳайбат ўсимликларни дараҳт деб аташ мумкин бўлса. Ўсимликлар биноларнинг девор ва пастки «бутоқлари»-гача чирмашиб кетган.

— Биринчи! Нурланаётган нуқта ўрнида нима кўр япсиз?

Диаметри икки-уч километрга тенг қорамтири доира ни кўрятман. Янгишмасам, бу менинг нигоҳим қамрай олиши мумкин бўлған бутун майдондаги ўсимликлардан ҳоли ягона жой. Эҳ, жин урсин!

— Нима гап, биринчи!

— Кечиринг, ўртоқ полковник. Оғзимдан чиқиб кетди. Баландлик икки минг метр. Менга энг яқин бинонинг кўп жойлари.., шикастланганга ўхшайди!

— Шикастланиш қандай характерда?

— Бу саволга жавоб бериш учун бинога яқинроқ боришим керак. Ёнлама тортув двигателини ишга соляпман.

— Биринчи! Эҳтиёт бўлинг! Гравитацион ва майдон ҳимояси қурилмалари ишини яна бир текшириб чиқинг.

Орага яна жимлик чўкли. Кўп ўтмай, тағин Даврон Шариповнинг ҳаяжонли, айни пайтда ҳавотир аралаш овози эшитилди:

— Улугбек! Мен — биринчи! Спирал шаклдаги бино қошидаман. Бино ниҳоятда қалин ва тартибсиз ўсган ёввойи ўсимликлар қуршовида. Ўй бурчаклари нураб кетган, деворларида катта-катта ёриқлар ва чанг босган тешиклар бор. Яқин атрофдаги бошқа бинолар ҳам худди шу аҳволда. Агар бу шаҳар бўлса, у — ташландиқ, ўлик шаҳар!

— Биринчи! Шикастланиш ҳарбий ҳаракатлар натижасида юзага келган, деб тахмин қилиш мумкинми?

— Иўқ! — қатъий жавоб берди Шарипов. — Иўқ! Менимча, бинолар вақт ўтиши билан шу аҳволга тушган. Уларни кўп йиллик чанг қатламлари босган. Мен яқин келишим билан қандайдир майда жонзотлар тўдаси «гув» этиб тешик ва ёриқлардан чиқиб, бинонинг орқасига ўтиб кетишди...

— Биринчи! Дарҳол қорамтири доира нимадан иборатлигини аниқланг.

— Хўп бўлади!

Жимлик.

— Улуғбек! Мен — Биринчи! Доира устидаман. У чор-атрофини мазкур планетага хос қалин ўсимликлар ўраган оддий майдон экан. Аммо майдон ичи ўсимликлардан холи.

— Унда бирор маҳсус қурилма кўринмайдими?

— Иўқ.

— Майдоннинг рельефи қандай?

— Текислик. Ҳудди яқинда текислаб чиқилганга ўхшайди.

— Ариқлар йўқми?

— Иўқ. Лекин ўртаси бир оз кўпчиброқ турибди. Үртоқ командир, менда бир таклиф бор.

— Айтинг?

— Доира ўртасига қўнишимга рухсат берсангиз. Үшанда ажойиб обзорга эга бўламан, лозим бўлса, дарров учеб кетишига ҳам улгираман. Анализаторлар ҳавони текшириб чиқишиди. Ҳаммаси жойида. Радиация иўқ.

Унча узоқ бўлмаган жимлик. Кейин «Улуғбек» юлдузказар кемаси командирининг қатъий овози янгради:

— Қўнишга рухсат!

\* \* \*

Зиё юлдузидан биринчи сигнал Плутон яқинидаги космик зондлардан бири ёрдамида қабул қилинди. Айтиш керакки, бир неча аср давомида зондлар фазони узлуксиз тинтишар, бироқ бирор натижага эришганича иўқ эди.

Мана, ниҳоят, биринчи сигнал — ўзга дунё цивилизациясидан илк хабар олиниди. Биринчи сигналдан кейин иккинчиси, сўнгра маълум вақт оралиғида бошқалари қабул қилинди. Ҳамма сигналлар бир хил, маълум тартибда юборилмоқда, уларнинг сунъий усулда юзага келтирилаётгани эса аниқ эди.

Фазо лингвистлари дарров қабул қилингаян сигналларни матрица формасида ёзиб олиб, аниқлашга киришишди. Бироқ матрицаларда акс этдирилган белгиларнинг асл маъносини аниқлашга келганда фикрлар бўлиниди.

Матрицадаги сигналлар икки гуруҳга бўлинган эди. Биринчи гуруҳда етти сайёрадан иборат қандайдир юлдуз системаси ифодаланиб, улардан иккинчи сайёра алоҳида ажратиб кўрсатилганди. Қейин сайёрада истиқомат қуловчи мавжудотлар, ўсимликлар, баъзи кимёвий элементлар ва қатор математик функцияларнинг шартли белгилари акс этдирилганди.

Иккинчи гуруҳ белгилар ҳам биринчисининг деярли аниқ нусҳасидан иборат эди. Белгилар биринчи гуруҳдагидай кетма-кет ва маълум вақт оралиғида узатилганди. Уларда биргина фарқ бўлиб, биринчи гуруҳдаги тирик мавжудотларнинг тасвири тушириб қолдирилган эди.

Уша ондаёқ, нимададир янгилишилган, деган тахмин пайдо бўлди. Афтидан, белгиларнинг жойларини алмаштириш, яъни матрицани тескарисига ўқиш лозим эди. У ҳолда биринчи ўринга тирик мавжудотлар акс этдирилмаган гуруҳ чиқарди ва гўё Зиё цивилизацияси ана шу усулда сайёрада ҳаёт пайдо бўлгани ҳақида ахборот бермоқчи эди.

— Йўқ,— дея қатъий эътиroz билдиришди фазо лингвистлари.— Матрицани фақат бир хил усулда тузиш мумкин. Ҳозир қандай юзага келтирилган бўлса, худди шундай ҳолда. Уни тескарисига ўқишига интилиш тўла маъносизликка олиб келади, чунки бу ҳолда ҳамма белгилар ўз ячейкаларидан турли катталикда силжиди ва бутун тасвир сочилиб кетади. Матрицанинг формаси ҳақида ортиқча гап юритишнинг сира ҳожати йўқ. Олинган натижани изоҳлаш лозим.

Баҳслар авж олди, янги тахмин ва гипотезалар ўргата ташланди.

Асосийси эса, ерликлар, ниҳоят, поёнсиз коинотда ёлғиз эмасликларини узил-кесил билиб олган эдилар.

Уч аср аввал инсоният Қуёш системасидан ташқарига чиқди. Энг яқин юлдузларнинг чор-атрофи синчиклаб ўрганилди.

Вақт ўтаверди. Юлдузлар сари учиш мислсиз тезликда ривож топди. Коинотда ўта юқори тезликда ҳаракатланишининг янги усуллари кашф этилди. Инсон

олис ёритгичлар сари дадил қадам қўйди. Бироқ ҳамма жойда у сўниб бораётган ва сатҳи музлаган гелийдан иборат улкан космик сайёralар ёки эндиғина туғилаётган оловли, шиддаткор дунёларга дуч келди.

Одам ўзи каби одамлар билан мулоқат қилмасдан ёлғиз яшай олмагани каби, яхлит цивилизациялар ҳам ўз тараққиётининг маълум бир босқичида ўзаро мулоқат қилиш учун ўткир эҳтиёж сезишади. Кейин олис фазоларни тадқиқ қилишга киришишди...

Зиёдан келган сирли сигналларнинг улкан қувонч ва ўта кўтаринки кайфиятда кутиб олингандигининг боиси ҳам ана шунда эди. Дарров юлдузлараро учишга хозирлик кўрила бошланди.

Мана, ниҳоят, юлдузкезар «Улуғбек» кемаси Зиё юлдузи орбитасида айланувчи иккинчи сайёра яқинида.

Одатда юлдузкезар кемалар сайёralарга қўнишмас эди. Улар фазода маълум орбитада маневр қилиб юришар, унинг экипажи эса, маҳсус планетолетларда юлдузкезар кема ва ўрганилаётган сайёра ўртасида қатнаб иш олиб боришарди. Сайёрага биринчи бўлиб разведкачи-фазогир отланди.

«Улуғбек»да разведкачилик вазифаси тошкентлик ёш фазогир Даврон Шариповга топширилган эди.

Кема Зиёга яқинлашаётганидаёқ сайёра юзасида нурланаётган доғ аниқланган эди. Сайёрани ўраб олган қалин булатлар энг сезигир локаторларга ҳам панд берган ва нурланаётган нуқта ягона мўлжал бўлиб хизмат қиласётган эди.

Бироқ... кутилмаганда у қаёққа йўқолган бўлиши мумкин?

\* \* \*

— Улуғбек! Мен — Биринчи! — доклад қилди Даврон Шарипов сайёрага қўнгандан кейин бир неча минут ўтгач.— Ўрмонда қандайдир ҳаракат бошланди.

— Аниқроқ гапиринг, нима ҳаракат?

— Дараҳт таналари орасида ғалати соялар ғимирляяпти, шоҳлар силкинляпти, энг асосийси, гўё улкан филлар подаси қуруқ шоҳ-шаббаларни босиб, янчиб келаётгандай қаттиқ шовқин эшитиляпти.

— Бунинг сабаби кучли шамол эмасми? Ёки бирор маҳаллий қуюн кўтарилигандир?

— Балки. Аммо... Йўқ, бу шамол эмас, албатта. Дараҳтлар орасидан қандайдир қора масса судралиб чиқяпти. У секин-аста мен томонга келяпти.

— Биринчи! Тезлик билан учиб кетишга шай туринг. Ҳимоя майдони кучланишини оширинг.

— Тушунарли. Аммо бунга ҳозирча ҳожат йўқ. Масса негадир ҳаракатдан тўхтади. Ундан ингичка тармоқча ажralиб чиқиб, катта тезликда планетолет сари келаяпти. Мана, энди аниқ кўряпман... Ҳа! Бу ёққа, янглишмасам, ё қўнғиз, ёки чумолиларнинг зич тўдаси жадал юриб келяпти!

— Уларни дурустроқ тасвиirlаб беринг.

— Олдиндаги қўнғизнинг орқа томони яrim айлана шаклида, устида учта оқ доира бор. Олтита оёқ ёки қўл ёрдамида ҳаракатланади. Бош ўрнида кичикроқ яrim сфера жойлашган, ундан узун мўйловлари чиқиб турибди.

— Унинг катталиги қандай?

— Узунлиги бир метрга яқин. Баландлиги қирқ сантиметрча. Юрганида бу ўлчам бир оз катталашади. Танаси жигарранг тусда, оёқ-қўллари қоп-қора. Уларда иккитадан бўғин бор. Оёқ-қўллар пастроқда йўғонлашиб, япалоқ шаклда тугалланган.

— Афуски, биз олти оёқли қўнғизларни сизга қўшилиб томоша қилиш имконига эга эмасмиз. Нурланиш берганимизга қарамай, булутлар қатлами ҳалигача тарқалмади, телелокаторлар ҳамон жим...

— «Улуғбек!» Менимча... қаршимдагилар бирор маҳлуқ ёки ҳашарот эмас.

— Нима учун?

— Сайёра атмосферасининг состави бу ерда тез-тез кучли чақмоқлар чақнаб туришидан далолат беряпти. Демак, ҳайвонлар яшин ва у билан боғлиқ хавфни яхши билишади. Негаки, мен қўнаётганимда тормозлаш двигателидан фойдаланиб, хийла узоқ муддат кеманинг тагидан пастга олов пуркаб турдим. Лекин мен уларда оловдан қўрқсанлик аломатларини пайқамадим. Бу — ҳайвонларга хос бўлмаган хислат. Бунинг устига, бу, албатта, субъектив мулоҳаза, менга қўнғизларнинг ҳаракати ҳаддан ташқари оқилона туюляпти. Ҳайвонлар юрганда ўз энергиясини бунчалик аниқ ҳисоб-китоб билан сарфлай олмайди.

— Мабодо, қаршимда ақлли мавжудотлар турибди, деб айтиш ниятингиз йўқми?

— Бундай деб тахмин қилинса ҳам, менимча, нотўғри бўлмайди. Мен ҳар хил цивилизация вакиллари бирбирига икки сув томчисидай ўхشاши керак, деган на-

зария тарафдори эмасман. Мен жигарранг құнғизлар-нинг олий ақлга әга эканига ишонишим мүмкін. Бироқ у ҳолда ташландиқ шаҳарни қандай изоҳлашни билма-япман.

— Биз ҳали, биринчи, кўп нарсаларни изоҳлашимиз керак!

— Яна: кичкина құнғизлар учун спирал шаклдаги баҳайбат бинолар нима учун зарурлиги ҳам муаммо...

— Хўш, у ҳолда яна қандай тахмин қилишимиз қолди?

— Менимча, улар машиналар. Ёки роботлар. Ё бўлмаса, киберлар.

— Олти оёқли киберлардан қандай наф бор?

— Бу сайдёра учун худди шундай киберларгина иш берса олади. Атрофимдаги чангальзорларни бир кўрганингизда эди! Филдираклар ёрдамида улар орасида юриш мутлақо мүмкін эмас. Фақат қадам ташлаб юрувчи киберларгина амал-тақал қила олиши мүмкін. Қадам ташлаб юрувчи механизм учун эса, оёқларнинг оптимал сони, ўзингизга маълум, олтига бўлиши керак.

— Сизнингча, робот-құнғизлар планетанинг чангальзорлар билан қопланишини аввалдан билиб яратилган экан-да?

— Мен бундай деб қатъий тасдиқламоқчи эмасман. Бироқ бир вақтлар инсоният томонидан яратилган киберлар ўз-ўзларини созлаб, яна такоми ллашиб, бошқатдан бунёдга келишган ва бирданига одамзодни йўқ қилиб ташлаган, дея тахмин қилиш нега мүмкін эмас экан? Ана унда ҳаммаси тушунарли бўлади: ташландиқ шаҳар, чангальзорлар, манави мавжудотлар тўдаси...

— Нима тушунарли бўлади? Сигналлар-чи? Яқиндана нур таратган нуқта-чи? Ахир у бир неча соат давомида бекорга нурланмагандир? Бу кимдир ўзи ҳақида билдиromoқчи бўлганидан далолат бермайдими? Ўзингиз-қўнгани қора доира ҳақида нима дея оласиз?

— Менда ҳозирча бошқа тахминлар йўқ... Диққат! Жигарранг масса яна ҳаракатга келди. У, боя айтганимдай, құнғизларнинг тифиз гуруҳи экан. Улар олдинги құнғизлар тузган икки йўлнинг нариги чеккасига «оқиб» келишяпти. Боядан бери эшитилаётган ноаниқ шовқин бирдан қулоқни қоматга келтирувчи қасир-қусурга айланди. Нима бўляпти ўзи? Жигарранг масса олга интилиб, гўё ўрмонни бир чеккадан ямлаётгандай орқасидан йўл очиб кетяпти!

Тагин жимлик чўқди.

— Ақл бовар қилмайди! Бизнинг магистрал шосселардан қолишмайдиган катта йўл бир неча минут ичida ўрмон ичига шу даражада кириб кетдики, жигарранг масса; ҳатто, кўринмай қолди. Қаршимда тизилган қўнгизларнинг икки сафининг охири йўл бошига бориб тақалди... Йўл бошида қандайдир қора нуқта кўринди. У мен тарафга қуюндай тезликда учиб, тобора катталашиб кўриняпти. Мана, у олдимдаги майдонга етиб келди. Кемадан қирқ метрча нарида тўхтади. Бу... бу ҳаво ёстиқчалири ёрдамида ҳаракатланувчи оддий арава экан. Унда момиқсимон оппоқ бир нима ётибди. Афтидан, мени меҳмонга таклиф қилишаётир... Улуғбек!..

Жавоб бўлмади.

— Улуғбек! Улуғбек!..— Даврон Шарипов бир неча минут бақириб, микрофонни силкитиб кўрди. Бироқ яна ҳеч қандай жавоб бўлмади. Негадир алоқа узилиб қолган эди.

\* \* \*

Олдиндаги қўнғизлар ҳаракатга келишди. Улар ара ва олдида тўпланишиб, торгина йўлакча ҳосил қилишди.

«Нима бўляпти ўзи?» — ўйларди Даврон уларнинг ҳаракатини кузатаркан.— Улуғбекка ҳеч нима қилмаган, албатта, юлдузкезар кема сайёрадан анча нарида, бунинг устига кучли қувватли ҳимоя майдони билан таъминланган».

У ўрнидан турди, асбоб-ускуналарга тўла тор каби- нада уёқдан-буёқса юра бошлади.

Балки алоқа узилиб қолгани қайтанга яхши бўлгандир? Энди у юзага келувчи ҳар қандай вазиятда ўзи мустақил қарор қабул қила олиш ҳуқуқига эга. Уч аср! Уч аср давомида одамзод фазода ўз ақлли қардошларини қидиради. Ким билади, балки шлюз-камерагина олис Ер вакилини орзу қилинган тарихий учрашувдан ажратиб тургандир?

Шарипов ўзининг маҳаллий олий ақл эгаларига қирғин келтирган қўнғизлар ҳақидаги тахминига ўзи ҳам ишонмаган, у сайёрадаги сирли ҳодисаларга изоҳ қидирабётганди, холос. Изоҳ ҳозирча йўқ, бироқ сигналлар ҳам, ёруғ тарқатган нуқта ҳам, галати булатлар ҳам — ҳаммаси кимдир томонидан умумий бир ип билан боғлангандай эди.

Даврон Шарипов яна бир марта эфирга чиқиб, алоқа

ўрнатишга уриниб кўрди. Бироқ ҳеч қандай жавоб ололмади. Шунда у скафандрини қийди, лазер-автоматни қўлида бир айлантириб кўриб, яна жойига қўйди. Кейин ўзи билан бир неча кислород баллони олиб, шлюзкамера сари йўналди.

Оёқлари остидаги тупроқ ниҳоятда юмшоқ, у худди пружинадек босилиб, оғини олиши билан яна кўтарилиб қоларди. Шарипов бу буюк дақиқаларга мос тантанали бир гап айтмоқчи эди, бунинг ўрнига бирдан қўнғизларга қараб:

— Ҳей! Сизлар тишламайсизларми? — деб сўради.  
Қўнғизлар сукут сақлаб туришарди.

Йигит худди эс-хушини йўқотгандай, ҳеч қаёққа қарамай, тор йўлакдан қўнғизларнинг мўйловига тегартгас бўлиб, арава томонига юрди.

Арава унчалик баланд эмас, бир метрча келарди. Бир неча зина унинг платформасига олиб чиқди. Даврон момиқ деб ўйлаган нарса момиқ эмас эди, албатта. Унинг тизалларигача ботиб кирган оёқлари бу оппоқ материал орасида бемалол ҳаракат қиласарди. У оғи остидаги ғалати матони ушлаб кўргиси келди, лекин скафандр қўлқоплари бунга имкон бермади.

Бирдан унинг ўтиргиси келди. У чўккаlamоқчи эди, бироқ, кутмаганида қулай ва юмшоқ креслога ўтираётганини ҳис қилди. У орқаси билан креслога суялди, тирсаклар юмшоқ тиргагичларга тиради. У момиқсимон материал билан ўралган креслонинг шаклини аниқлашга интилиб, қўлини пастга юборган эди, бўшлиқдан бошқа ҳеч нимани топмади.

У ўзини ниҳоятда яхши ҳис қилиб, хотиржамлик оғушига чўмди. Оёқларини узатиб юборди, роҳатланиб керишиб, қўзларини юмди. Уйқу аралаш енгил шовқин эшилди: арава жойидан жилган эди.

\* \* \*

Даврон кўзини очганда, атроф ярим қоронфилик оғушида эди. У ҳамон аравада оппоқ момиқсимон материалга ботиб ётарди. Арава деворлари жигарранг кублардан ташкил топган тор ва узун коридорда турарди. Ҳар бир кубнинг ён томонида матрица шаклида жойлашган кўплаб тешикчалар мавжуд эди. Баъзи тешикчалар ўзидан қизғиш нур таратиб турарди. Давронга шин кўринмас, бироқ ёпиқ бино ичидалигини аниқ сезиб ётарди.

У күтилмаганда ўзига келиб, кескин ўрнидан турди-да, полга сакраб тушди. Ӯша заҳоти тепадан ёқимли, унча ёруғ бўлмаган нур тараалди. Арава енгил сирпаниб, коридор бўйлаб нари кетди. Паст, хотиржам, айни пайтда ёқимли овоз эшитилди:

— Хавотирланманг. Сиз ҳар қандай хавфдан холисиз.

— Мен қаердаман?

— Сиз Кибернетик Марказнинг бош пультидасиз.

— Ўзингиз кимсиз?

— Кибернетик Марказнинг товушга тақлид қилувчи модулятори.

— Сиз бизнинг тилимизни қаердан биласиз?

— Марказ учун сизнинг тилингизни ўзлаштириш қийин бўлмади. Ажабланарлиси шундаки, сизлар ҳалигача телепатияни ўзлаштириб олмай, ҳар бири маълум маънога эга бўлган «сўзлар» деб аталувчи товушлар йиғиндиси ёрдамида ўзаро мулоқат қиласар экансизлар. Тилингизни тўла ўрганиш учун Кибернетик Марказга сизнинг юлдузкезар кемадагилар билан гаплашган сўзларингиз ёзиб олинган плёнкани бир неча дақиқа анализ қилиб чиқиш кифоя қилди.

— Улуғбекка нима бўлди? Нима учун алоқа узилиб қолди?

— Юлдузкезар кемангиз мутлақо хавфсизликда. Тўғри, экипаж яна бир неча соат сиз ҳақингизда ҳеч қандай хабарга эга бўлмайди. Бунинг сабабларини сизга кейинроқ билдирамиз.

— Менинг кема билан алоқа қилишимга ким монелик кўрсатди?

— Кибернетик Марказ.

— Сиз нима учун ҳадеб Кибернетик Марказ ҳақида гапирияпсиз? Унинг бунёдкорлари — одамларингиз қани?

— Сайёрада одамлар йўқ. Ҳамма одамлар ўлиб кетишган.

— Нима-нима? Қанақасига?..

— Буюк Ӯлим Асида ҳаммаси ҳалок бўлишган.

— Буюк... Ӯлим... Асида?..

— Ҳа.

— Ҳаммаси ҳалок бўлишган, дейсизми? Ҳаммаси-я? Энг сўнгги одамгача-я?..

— Ҳозир ҳаммасини ўзингиз кўрасиз.

Тепадан тушаётган майин ҳаворанг нур сўнди, ле-

кин ўша заҳоти кўзни қамаштирувчи ёрқин қизғиш нур пайдо бўлди. Даврон жигарранг, текис полда кубларнинг жилваланаётган ва узлуксиз ўчиб-ёнаётган туйнукчаларига тикилганча, ҳамон қотиб туар әкан, кутилмаганда ўзини қоронги ва ёйсимон тоннел бўйлаб учиб кетаётгандай ҳис қилди.

Қўққисдан... унинг нигоҳи остида яна шаҳар кўриниди. Яна ўша спиралсимон баланд бинолар, призмалар, шарлар... Лекин бу энди ўлик ва ташландиқ эмас, балки ҳаёт гуркираб яшнаган, нур ва гулларга тўла шаҳар эди.

Баъзи бинолар ўзаро томчисимон автомобиллар қатнаётган катта йўллар билан туташган. Осмонда учайтган турли-туман шаклдаги аппаратлар маълум йўналишлар бўйича ҳаракат қиласар, афтидан, улар шаҳарнинг асосий транспорти вазифасини ўтарди. Даврон учувчи аппаратлар биноларнинг горизонтал «бутоқлаши»даги «ликоплар»га қўнишаётганини пайқади.

Бироқ шаҳар қанчалик ғаройиб бўлмасин, Давроннинг эътибори ҳозир унда эмас эди.

Унинг кўзи пастдаги, энг яқин цилиндр асосидаги одамларга тушган, бироқ улар узоқда бўлганлари учун қоматлари ва юз тузилишларини кўролмай фифон бўлаётганди. Қани энди уларни яқиндан кўришнинг иложи бўлса.

Бу нарса хаёлига келиши билан, бирдан зиёлик қаршиисида пайдо бўлди.

Зиёликнинг боши тухумсимон шаклда эди. Кўзлари — ерликларнига нисбатан ўзаро анча узоқда жойлашган ва дўппайиб чиқсан қорачиглар унга айни бир пайтда бутун чор-атрофни кўриш имконини берарди. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, эйёликнинг бўйни анча суст ҳаракатланар, бунинг устига, у нисбатан калта ва йўрон кўринар — бош тўғридан-тўғри танага тулашиб кетгандай туюларди. Очиқ қўллари, танасининг териси худди юзиники каби майнин ва силлиқ эди.

Кенг ва япалоқ бурни пешанасидан бошланиб, юзининг ўртасида биргина ёйсимон тешик билан тугаганди. Афтидан, бурун зиёликлар организми учун яна қандайдир бошқа, алоҳида вазифани ҳам ўтарди. Лаблардан деярли холи бўлган оғзи эса хийла катта бўлиб, икки чеккасида эшитиш органлари — қопқоқсимон пластинкали икки тешик жойлашганди.

Зиёликнинг бўйи сайёранинг гравитацион кучига мос — тўрт метрча эди. Бармоқлардан ҳоли қўллари икки қизиши сўргичлар билан тугалланганди. Давронга унинг қўл ва оёқлари суюксиздай туюлди. Эҳтиёжга қараб улар катта ва кичик радиуслар бўйича бемалол эгила оларди.

Қўнғизлар қатори илк пайдо бўлганида, уларнинг ақлли мавжудотлар тоифасига кириши ҳақида баҳс қилиш мумкин эди. Бироқ ҳозир ҳаммаси ҳеч қандай баҳссизоқ, равshan эди. Зотан зиёликка бир қарашнинг ўзидаёқ унда узоқ асрлар мобайнидаги мураккаб тараққиёт жараёнида юзага келувчи фикрловчи мавжудотга хос ҳамма сифатлар — ақл, фаросат, баҳодирлик, кўтаринки руҳ, олижаноблик, юмор ва ҳоказоларни пайқаб олиш сира қийин эмасди.

У қоматдор, хушбичим ва баҳодир эди. Ер ўлчамлари мезони бўйича эмас, албатта. Бироқ унга тикиларкан, Даврон шакллар мукаммаллигининг нақадар хилма-хил бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб, коинотнинг кўриниши турли-туман, аммо келишган ва баҳодир одамлари билан фахрлана бошлаганди.

— Ахир улар ҳалок бўлишган-ку! — бирдан ҳушига келди Даврон.— Бу тўрт метрлик одамлар Галактикада буткул йўқ бўлиб кетишган! Улар қандай фалокатга йўлиқишишган экан?

Шу заҳотиёқ фазогир ўзини катта призма шаклидаги бино ичида, тўғрироги, бино хоналаридан бирида кўрди. У қандайдир илмий лабораторияга келиб қолгани аниқ эди. Хонани ҳар хил рангдаги суюқликлар солинган турли ялтироқ шиша идишлар, асбоб-ускуналар тўлдирганди.

Хўмрайган қиёфали қоматдор бир зиёлик қандайдир колбани чайқаб кўраётганди. Қейин у ялтироқ пластинка олди, унга колбадаги суюқликдан бир томчи томизди-да, микроскопсимон аппарат остига қўйди. Бир неча минут қимир этмай турди, ниҳоят, журъат қилиб окулярга қаради. У микроскопдан бошини кўтарганида, бояги кайфиятидан асар ҳам қолмаганди. У эси оғиб қолгандай кула бошлади, кейин қўшиқ бошлаб, ўйинга тушиб кетди. Хонага бошқа зиёлилар кириб келишди, улар мўйсафидга хайратланиб тикилишди, бироқ кўп ўтмай ўзлари ҳам ашула айтиб, рақсга туша бошлишди.

— Бу Медицина Академиясининг бир гурӯҳ олим-

лари,— товушга тақлид қилувчи модуляторнинг майин овозини эшилди Даврон.— Улар ҳозир хурсанд бўлиш япти, чунки инсоннинг умрини минг йилгача узайтириш мумкин бўлган препарат — аксилгенни соф ҳолда ажратиб олишга муваффақ бўлишди. Афсуски, бу кашфиёт одамларни баҳтли қилмади...

Янги кўринув.

Умумзиё Ахборот Системаси аксилген кашф қилингани ҳақида хабар қилмоқда. Ажойиб истиқбол қаршисида инсоният қалби бамисоли ларзага келди. Минг йил ҳаёт! Минг йил ичидан қанча ишларни бажаришга улгуриш мумкин!

Яна бир кўринув.

Зиёнинг ҳамма медицина муассасалари одамларни аксилген билан эмлашга киришган. Мана, биринчи баҳти кулганлар! Минг йил яшовчи биринчи зиёликлар!

Аксилген ишлаб чиқариш бўйича алоҳида саноат тармоғи бунёд этилди. Аксилгенлар ҳаммага етиши кепрак! Ҳозир яшаётганлар ва келгуси авлодлар учун!

Аксилген билан эмлаш гўё одамзоднинг кайфияти ва ташаббусига қамчи ургандай бўлди. Одамлар ўзларини худди бошқатдан дунёга келгандай ёш ва бақувват ҳис қилишди. Келажак учун энди энг дадил режаларни тузиш мумкин эди. Сайёра бўйлаб сармаст қилувчи қувонч ва завқ тўлқинлари тараалди.

Бироқ...

Биринчи бўлиб социологлар бонг уришди. Улар зиёликларнинг ҳозирги ўсиш суръати шу ҳилда давом этаверса, минг йилдан сўнг сайёранинг аҳволи нима кечишини тезкорлик билан исботлаб беришди: аҳоли сони йилдан йилга орта боради, ўлиш деярли содир бўлмайди... Сўнгра электрон-ҳисоблаш машиналари чиқарган математик хуросалар майдонга қўйилди.

Агар бирор чора кўрилмаса, сайёра аҳолисининг сони геометрик прогрессия бўйича ўсиб бораверади ва бир неча асрдан сўнг ўзининг критик қийматига эришади. Ана унда озиқ-овқат, тураржой ва инсониятнинг кўплаб бошқа эҳтиёжларини қондириш учун планетадаги барча ресурслар тугайди.

Сайёра ортиқ бирорта одамни ҳам боқа олмайди, бутун бўш майдонларни тўлдириган осмонўпар бинолар бошқа бирорта оиласи ҳам сиғдира олмайди. Зиё аҳолисининг сони эса, ҳамон ўшишда давом этаверади.

Шундай қилиб, келажакда озиқ-овқат ҳам, турар-

жой ҳам, бўш ер парчаси ҳам муаммога айланади. Одамзод мисли кўрилмаган ҳору-зорликка дучор бўлади.

Зиёҳ ҳалқи ўз тараққиёт йўлларининг ҳамма босқичларидан ўтар экан, уруш, очлик, касаллик, қашшоқликларни бошдан кечириб, ниҳоят, эндиғина баҳтли ва ижодий яшаш ҳуқуқига эришгандай эди. Бироқ...

Сайёрада ривож топаётган ижтимоий жамиятларнинг баъзи ўзига хос хусусиятлари туфайли унда биология, медицина, генетика каби фанлар тез суръатлар билан ривожланиб, даврдан анча илгарилаб кетганди.

Эҳтимол, аксилген бир оз эртароқ, ўз вақтидан илгарироқ кашф этилгандир. Бошқачароқ шароитда, яъни зиёликлар ўз ёритгичлари системасидан ташқарига чиқиб, ўзга дунёларни ўзлаштира бошлаган маҳалда, эҳтимол, у ҳаётга муваффақиятли жорий қилинган бўлур эди. Балки ўшанда улар олдида туғилишни чеклаш проблемаси юзага келмаган бўларди.

Аммо, афсус! Олис юлдузларга учиш энди бошланган эди. Аксилген кашф этилган пайтда зиёликлар ўзларининг энг яқин қўшиллари Тао буржига боришга улгурешган ва унинг сайёralарида ҳаёт йўқлигига тўлашонч ҳосил қилиб қайтишганди. Бироқ илк экспериментал училлар буткул бошқа нарса. Ахир гап ўзга сайёralарга оммавий равишда кўчиб ўтиш, ҳатто, кўчиб ўтишгина эмас, балки фазовий жисмларни ўзлаштириш ҳақида боряпти-да!

Зиёҳ инсонияти бир неча аср давомида бунга эриша оладими, йўқми? Зотан социологлар сайёрада фақат бир неча асрлик хотиржам ҳаётгагина кафолат беришмоқда эди. Ундан кейин — чеклашлар, таъқиқлашлар, очлик, муҳтожлик...

Минг йиллик қувонч, ижод нашъаси, умид ва ғалабалар ўринига минг йил яшаш учун кураш, минг йиллик кўнгилсиз ва оч-наҳор ҳаёт. Ҳозирги зиёлиknи ҳам ма-на шундай келажак кутмоқда эди.

Кўхна сайёра ҳеч қачон бунчалик кескин тортишувлар, жанжал ва ўзаро ўта қарама-қарши фикрларнинг шиддатли курашига гувоҳ бўлмаганди. Аҳолининг бир қисми аксилген билан эмлаб бўлингани вазиятни янада мураккаблаштирганди. Кейинги инъекцияларни таъқиқлаш ҳақида, ҳатто, гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Зиёнинг Буюк Қенгаши ҳафталаб кенгаш ўтказди. Ниҳоят, у юзага келган проблеманинг асосий принципларини ишлаб чиқди.

1. Ҳеч ким инсон ҳаёти муддатини чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

2. Зиёликларнинг ҳозирги авлоди минг йил яшаши керак.

3. Ҳаёт муддатининг кескин узайтирилиши одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга таъсир кўрсатмаслиги керак.

4. Ҳамма юқорида кўрсатилган принциплар туғилишни вақтинча чеклаш ҳисобига амалга оширилиши лозим.

Асосий принципларга таяниб, Буюк Қенгаш шундай қарор қилди:

— Сайёрининг ҳамма одамлари кечиктирилмасдан аксилген билан эмланиши лозим.

— Медицина Академиясига уч йил давомида вақтинча стерилизация қилишнинг хавфсиз усулларини ишлаб чиқиши топширилсин.

— Келгусида сайёрининг ҳамма одамларини аксилген билан эмлаш вақтинча стерилизация қилиш билан биргаликда амалга оширилсин.

Бундай қарордан ҳамма қониқиш олганга ўхшади. Тўғри, баъзан эътиrozлар, хавфнинг олдини олишга интилган овозлар ҳам эшитилиб қоларди, бироқ уларга ҳеч ким қулоқ солмади. Узоқ муддат баҳтли ҳаёт кечириш умиди худди ҳимоя майдонидай, ҳар қандай бошқа фикрни улоқтириб ташлайверди.

Дастлабки икки йил давомида сайёра аҳли Медицина Академиясида юзага келаётган янгиликлар билан яшади. Икки йил — олимлар олдиларига қўйилган вазифани ҳал этишлари учун шунча муддат кифоя қилди.

Академияда покиза қалбли, тажрибали олимлар ишлашарди. Бироқ улар жуда шошилишарди: ахир улар ҳам минг йил яшашдек имкониятнинг афсонавий шукӯҳидан сармаст эдилар-да.

Мана, ниҳоят, аксилген билан сайёрининг энг сўнгги гражданни эмланган кун ҳам етиб келди. Бу кун планета тарихида энг буюк кунлардан бири бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблашди. Шу кундан бошлаб, ҳатто, янги сана ҳисобини бошлаш кераклиги ҳақида таклиф киритганлар ҳам топилди.

Орадан бир неча йил ўтгач, күтариинки кайфият ва қувончлар бошқа ҳиссиётлар билан алмашинди. Инсон психикасига бир нима бўлгандаи эди. Одамлар эҳтиёткор, сусткаш ва ҳушёр бўлиб қолишиди. Ҳар ким ўз соғлигини диққат билан назорат қиласидиган, озгина тоби қочса ваҳима кўтарадиган одат чиқарди. Ўзаро эътиборсиз муносабатда бўлиш ҳоллари кўпайди. Кутилмаганда арзимаган нарса учун қизишиб кетишлар, аҳмоқона хафа бўлишлар одат тусига кирди. Илмий экспериментларда қатнашини истовчилар сони кескин камайиб, олий ўқув юртларининг аудиториялари бўшаб қолди. Ҳеч ким ўз ҳаётини хавф остида қолдиришни истамасди. Фазогирлар, денгизчилар, учувчилар, сув ости ғаввослари оммавий тарзда ўз ишларидан воз кечиб, тураржойлари яқинида осоиишта ишлар билан шуғуллана бошлишиди. Йилгари яхлит бўлган инсоният тор ва чекланган дунёчасига биқиниб олган айрим-айрим индивидуумларга бўлинниб кетди. Минг йил яшашдек ажойиб имконият турганда, ҳеч ким хасталик ёки бирор тасодиф туфайли ҳалок бўлишни истамас эди-да.

Бироқ энг даҳшатлиси ҳали олдинда эди.

Вақтинча стерилизациянинг таъсир муддати аллақачон тугаган, бироқ туғилиш негадир ҳамон қайтала-маётганди. Аввал, стерилизация, афтидан, ҳисоб-китоб бўйича белгиланган муддатдан кўпроқ вақтга таъсир қиласа керак, деган фикр айтилди. Бироқ йиллар кетидан йиллар ўтаверди, ўн йилликларни янги ўн йилликлар алмаштириди, асрлар ҳам ўтди— одамлар, ҳатто, чақалоқ йиғиси қандай янграшини ҳам унута бошлишиди.

Ана шундагина, стерилизация бўйича тажрибалар шошма-шошарлик билан ўтказилгани, стерилизаторнинг аксилген билан ўзаро таъсирни эса, умуман текшириб кўрилмагани ёдга келди. Афтидан, худди шу — аксилген билан стерилизаторнинг ўзаро чатишмаси организмнинг янги хусусияти — наслисзликни юзага келтирганди. Шундай қилиб, инсон зоти тўла қирилиб кетиши хавфи остида қолган эди. Айборларни қидиришнинг эса ҳожати йўқ эди. Ўз вақтида ҳамма минг йил яшашни хоҳлаганди. Лекин ҳеч ким авлодларнинг ахволи нима кечишини ўйламаганди.

Бироқ... Ажабо! Бу даҳшатли янгилик зиёликлар онгига тез таъсир қилиб, уларни жисплаштириди ва уларга янги куч-қувват бахш этди. Авлодлар ҳаётини барбод

қилган кечаги худбинлар бир дақыла ичида ёк фидойиларга айланиши. Уларда мақсад пайдо бўлди.

Келгуси авлодлар ҳаёти, инсон авлодини сақлаб қолиш проблемаси ҳамманинг ўй-фикрини банд этган, одамлар бу ягона мақсад йўлида қайта яшаш ва ишлашга бел бойлашганди. Яна ҳаётбахш меҳнат ва ташаббускорлик авжга минди. Яқиндагина деярли бўшаб қолган аудиториялар қайтадан лиммо-лим тўлди. Миллионлаб одамлар ўз билимларини ошириш курслари га кириб ўқий бошладилар. Медицина Академиясида ишлаш учун истак билдирганларнинг гўё чеки йўқдай эди. Бутун сайёра наслензлик сирини излашга киришганди. Одамлар йўл қўйилган хатони тузатишга интилишарди. Улар кечаю кундуз тиним билмай ўқиша, ишлашар, тажрибалар ўтказишарди. Ўйин-кулги, маишат ва саёҳатлар тамом унутилганди. Ўйқугагина бир неча соат ажратиларди, холос.

Бироқ одамлар кечиккан эдилар. Улар ниҳоят наслензлик сабабларини аниқлашга муваффақ бўлиши. Аммо хатони тўғрилашнинг уддасидан чиқа олмадилар.

Биринчи аксилген қабул қилган одамлар вафот эта бошлаган, сайёрада ҳаёт сўниб бормоқда эди.

Шунда Буюк Кенгаш ҳамма етакчи олимларни тўплади. Сайёранинг энг сўнгги зиёлик ўлгандан кейин бўладиган кедажаги ҳақида жиддий фикрлашиб олиш керак эди.

Энг сўнгги одам ўлгандан кейин? Бироқ одамсиз қандай келажак бўлиши мумкин?

— Бўлади! — дейиши бир оғиздан олимлар.

Зиё одами коннотда ёлғиз эмас. У оламдан кўз юмади, бироқ миллионлаб ўзга сайёраларда ҳаёт давом этаверади. Модомики шундай экан, сайёрага бошка, муносиб цивилизация вакиллари келиб, уни сўнган ва ҳувиллаган самовий жисмга айланишдан сақлаб қолмоқлари лозим!

Шундай қилиб, одамлар батамом ўлганларидан сўнг ўзга цивилизация вакилларини таклиф қилиб, улар ҳақида маълум ижобий холосага келгач, Зиёдаги улкан ҳалокат сиридан уларни воқиф этиш бўйича ишларни амалга ошириши лозим бўлган Қибернетик Марказни модернизация қилиш ва автомат-роботларни яратиш

тартибларини ишлаб чиқиш даркор әди. Бунда ҳамма нарсани эътиборда тутиш, ҳар қандай вазиятни ҳисобга олиш, шу жумладан, агрессив кайфиятдаги цивилизация вакилларининг учиб келишини ҳам назардан соқит құлмаслик керак әди.

Шундай қилиб, Зиё олимлари ўз ҳаётларидағи әнг сүнгги ишни бажарышга киришилар.

\* \* \*

Даврон ўша тор ва салқин коридорда. Тепадан унча ёруғ бўлмаган нур тараги турни, жигарранг кублар бамисоли ой нурига чўмган сокин кўл юзасидай жилваланяпти.

— Бундан чиқди, сизлар фазога биринчи сигнал узатганингизда сайёрада одам қолмаган экан-да? — сўради у.

— Йўқ, у пайтга келиб атиги бир неча минг одам қолганди. Учинчи сигнал узатилаётган маҳалда сайёранинг әнг сўнгги одами ҳам вафот этганди.

— Улар биз ҳақимизда ҳеч қачон ҳеч нима билишмайди,— ўлади Даврон юраги увишиб. Кейин яна киберга мурожаат қилди:

— Бизнинг юлдузкезар кемамизни сиз қандай пайқадингиз?

— Зиёдан уч парсек<sup>1</sup>нарида бизнинг соқчи зондларимиз ўрнатилган. Биз юлдузкезар кемангизнинг орбита да қолгани ва сайёрага планетолет яқинлашиб келаётганини билганимиздан кейин тўртимчи вариант бўйича иш тутишга қарор қилдик. Бу вариант планетолетнинг Қибернетик Марказ яқинида қўниши ва унинг экипажи миясининг биоэлектр майдонларини ўрганиш учун гипнотик ҳолатда бош пультга олиб келиш ва шу тариқа мулоқат қилишни назарда тутарди.

Қисқаси, ҳамма иш қўйидаги амалга оширилганди. Сиз қўнғизлар деб атаган роботлар ўрмоннинг бир қисмини йўқ қилиб, доирасимен майдон ҳосил қилишиди ва ўша ердан ўзаро маълум вазиятларда жойлашиб, планетолетингиз томонга ёруғлик нури юбориб туришиди. Сиз бу нурни пайқадингиз ва кемангизни майдон томонга ҳайдадингиз. 15000 метр баландликда ҳар би-

<sup>1</sup> Парсек — астрономик ўлчов бирлиги, 1 парсек —  $31 \cdot 10^{12}$  километрга teng.

ри у ёки бу частотадаги тұлқинларни түсиш қобилятига әга бўлган қатор ҳимоя қатламлари жойлашган. Марказ юлдузкезар кема билан алоқанғизни узиб қўйиши лозим топди.

Сиз қўнганингиздан кейин эса, кибернетик Марказ анализ учун керакли ахборотларни йигиб бўлгач, радиотұлқинлар йўлини ҳам түсиб қўйишга қарор қилди. Унга Зиё одамлари гоятда эҳтиёткорлик билан иш тутишини васият қилиб кетишганди.

Марказ, разведкачи-фазогир оқил ва жасоратли одам бўлади ва у юзага келган вазиятда мулоқатга киришишга жазм этади, дея фикрлаб янгишмаганди.

Ер деб аталувчи сайёранинг вакили! Миянгизнинг биоэлектр майдонини ҳамда кемадаги материалларни обдон ўрганиб чиқиб, юлдузкезар кема билан алоқа пайтидаги гапларингизни, шунингдек бизнинг сдамларимиз ҳалокати билан ташшайтган маҳалингиздаги ҳатти-ҳаракат ва ҳисснётларингизни таҳлил қилиб, Марказ Ер цивилизацияси олижаноб ва бизга нисбатан дўстона кайфиятда, деган хулосага келди!

Зиё сайёраси энди шу дақиқалардан бошлиб сизларга тортиқ этилади!..

Ҳайрат ва ҳаяжон оғушида сукут сақлаётган Давронда Зиёнинг энг сўнгги одами ҳаётининг охирги дақиқаларини кўриш истаги туғилди. Ўша заҳоти унинг қаршиисида ярим қоронғи тор хона кўринди. Юмишоқ креслода оёқларини узатиб бир мўйсафид ўтирибди. Унинг юз қиёғаси косметик медицина ёрдамида хийла ёш кўринса ҳам, лекин қомати қари чолларни кига ўхшаб буқчайиб, мункиллаб қолган эди. Минг ёшлар атрофида бўлган бу одамнинг кўз қарашлари кишини ҳайратга соларди. Бу кўзларда мисслез чарчоқ, таъриф қилиб бўлмас даражадаги зерикини ифодалари мужассам эди. Ў рўпарадаги бир нуктага тикилганча, қимир этмай ўтирибди. Унинг борлиқ вужуди карахт бир ҳолга келгани, асаблари ниҳоятда тарағлашгани шундоқ кўриниб турибди.

У бирдан титраб кетди. Бутун бир сайёрада якка ўзи қолганини чинакамйга ҳис қилганди.

Сўнгги зиёлик гугурт қутисига ўхшаш ниманидир ушлаб олганди. Дастрлаб Даврон унга ҳеч қандай эътибор бермади. Зиёликнинг негадир ранги сқариб кетди, лаблари нималардир деб шивирлади, сўнгра у қутидаги қандайдир тугмачани босган эди, «шиқ» этган

овоз чиқиб, ўша заҳоти хонани кўм-кўк туман қоплади.  
Туман тарқалганда, кресло ўрнида куйиб кетган кич-  
кинагина қора нарса қолган, хонани эса аzonнинг ўт-  
кир ҳиди тутиб кетганди...

Даҳшатга тушган Даврон яна коридорда туради.  
Кубларнинг бирида қизил стрелка милтиллай бошлади.  
— Ерлик биродар! Ана у ерга боринг! — Модуля-  
торнинг овозини эшилди у.

Даврон кубга яқин келди. Шунда у мазкур куб  
бошқаларидан бир оз ўзгачароқ эканини пайқади. Ўн-  
да тешикчалар эмас, балки чизиқчалар шаклидаги  
узун-узун тирқишлиар бор эди. Куб «шц» этган овоз чи-  
қарган эди, тирқишилардан бирида қандайдир оқ плас-  
тинанинг чети пайдо бўлди. Даврои уни қўлга олиш  
кераклигини пайқади.

Пластина жилваланувчи материалдан тайёрланган-  
ди. Үнинг бир томони символлар билан тўлдирил-  
ганди.

Даврон зўр бериб тикилар экан, гарчанд символ-  
лар нотаниш бўлса ҳам, бирдан ўзини уларнинг маъно-  
сига тушунаётгандай ҳис қилди. Пластинани кўзларига  
яқинроқ олиб келиб, ўқий бошлади:

## ВАСИЯТНОМА

*Мұхтарам қардошларимиз!*

*Биз, қачонлардир мағұр ва баҳтиёр, ҳозир әса баҳти қаро ҳалқ Сизларга ҳаётимизнің әңг сүнгги соатларида мурожаат қылапмиз.*

*Бизнинг цивилизация ҳали ёш әди. Биз күп ишлар қилдик. Яна күп ишларни амалға оширишимиз лозим әди. Бизда күч, қувват ва иродада бор әди.*

*Бироқ бизнинг камчиликларимиз ҳам ійқ әмас әди. Бизни худбинлик барбод қилди.*

*Инсон агадай әмас, лекин инсоният агадай!*

*Биз ана шу оддий ҳақиқатни үнүтиб қўйдик. Оқибатда шум тақдир устимиздан аччиқ ҳазил қилди.*

*Бизни энди ҳеч нарса қутқара олмайди. Биз агадай йўқлик қаърига кетяпмиз.*

*Бироқ бизнинг ҳаёт қайнаган гўзал сайёрамиз қоляпти. Буюк инқирозимиз бўсағасида Сизлардан ўтишиб сўраймиз: муқаддас сайёрамизни қаровсиз қолдирманг! Унда яшаш учун авлодларингизни олиб келинг! Юртимизда инсон зоти, албатта, яшамоғи керак! Зотан, фақат инсонигина уни кимсасиз, бўм-бўш ва ўлик сайёрага айланышдан сақлаб қола олишига қодир!*

*Кибернетик Марказ Сизларга бизнинг билимларимиз ва барча энергия запасларимиз ҳақида маълумот беради. Бу запаслар сайёрани қайта оёққа турғазиш ва узоқ асрлар давомида Сизларни таъминлаш учун етиб ортади. Кибернетик Марказнинг ўзи бўлса, шу дақиқалардан бошлиб тўла Сизнинг ҳукмингиз остига ўтади.*

*Планетамизда баҳтиёр ҳаёт кечиринг!*

*Гоҳи-гоҳида Сизгача яшаганларни ҳам эслаб қўйинг ва ҳеч қачон уларнинг худбинларча қилган хатосини тақрорламанг!*

*Мұхтарам дўстлар, Она сайёрамизни севинг!*

*Сүнгги соатларимиз етди! Алвидо!*

САЙЁРА МУЙСАФИДЛАРИ

— Ерлик биродар! — ўша заҳоти Давроннинг қулоқлари остида модуляторнинг майин овози янгради: — Булутлар қатлами тарқатилди! Тўлқинлар тўсиқдан ҳоли этилди. Роботлар қўниш майдони бунёд этишга киришдилар. Кемага бу ҳақда дарров хабар етказинг. Шошилинг! Ҳали олдинда ишларингиз жуда кўп!..

---

## БИРИНЧИ СИНОВ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бу воқеа узоқ келажакда содир бўлган. Ие, келажакда бўлса, ҳали содир бўлмабди-да, деб сўрарсиз. Йўқ, биз чиндан ҳам келажакда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Негаки кўпчилик илмий-фантастик асарларда келажакдаги воқеалар худди ўтмишда содир бўлиб ўтгандек тасвирланаверади.

Шундай қилиб, 2279 йилнинг эрта баҳор кунларидан бирида Ердан Қора Кит буржига «Камалак» космик кемаси йўл олди. Кема экипажи бор-йўғи икки киши — у пайтда ҳали дунёга келмаган ҳикоямиз қаҳрамони жажжи Шаҳнозанинг отаси ва онасидан иборат ва уларнинг ҳар иккови энди ўтиз ёшга қадам қўйишганди. Улар кўзлаган манзил олис, бинобарин сафар ҳам узоққа чўзилиши мўлжалланган. Бу даврда фазогирлар йўлда фарзандлар кўришлари, уларни ўқитиб тарбия қилишлари ва кейинчалик кемани бошқаришини уларга топширишлари лозим эди.

Ҳали қўёш системасидан чиқмай турибоқ, фазогирлар фарзанд кўришди. Қизчага Шаҳноза деб ном қўйишди. Бутун болалик ва ёшлиги фазода ўтиши аниқ бўлган бу қизалоқ жуда тез ўса бошлади. У ярим ёшдаёқ юришини, бир ёшида бемалол гаплашишни ўрганди. Икки ёшида эса, ҳатто майда-чўйда ишларда ота-онасига ёрдам берадиган ҳам бўлди.

Бирга ўйнайдиган ўртоқлари бўлмаса ҳам, у зерик масди. Эрталаб туриб дадаси ва онаси билан бирга бадантарбия қиласи, нонуштадан сўнг залга қўйилган зангори аквариумдаги тилла рангли балиқларни қотган ион ушоқлари билан боқар, туваклардаги раънногул, наъматак, тизимгул, себарга, лолақизғалдоқ каби ранг-баранг гулларга ўзининг идишидан сув қуярди. Бу ишлари биттач, онаси билан бирга алифбени

ўрганишга киришарди. Отаси ёрдамида ҳисоб илмини ўрганишга киришганида эса бутунлай жонланиб кетар, жажжи бармоқларини галма-гал букиб, отасининг галати саволлари устида роса бош қотирарди.

Дам олиш пайтларида онаси унга олисда қолган зангори сайдёра — Она-Ер ҳақида ҳикоя бошлар, у ерда жуда күп одамлар худди улардек оила-оила бўлиб яшашлари, Шаҳнозага ўхшаган жуда күп қизчалар ва ўғил болалар борлиги ҳақида гапириб берарди. Шаҳнозани дунёдаги ҳамма нарса қизиқтирас, у ҳадеб савол ёғдираверарди. Кейин отаси унга Ердаги ҳаётни кўрсатувчи кинофильмларни қўйиб берарди.

Шу зайлда кунлар ўтаверди. Бир куни қиз отасидан:

— Ерда одамлар жуда күп экан, нима учун биз жуда озчиликмиз? — деб сўраб қолди.

— Биласанми, қизим,— пича ўйланиб туриб жавоб берди отаси,— бизнинг мақсадимиз Қора Қит буржига етиб бориб, инсон яшай олиши мумкин бўлган бирор сайдёри излаб топиш. Бу эса анча хатарли вазифа. Уни бажаришга шу мақсад учун ўз ҳаётларини ҳам қурбон қилишга тайёр фидойи инсонларгина қодир. Бундайларни қадимги замонда биринчилар деб аташган. Биринчилар тарихда ҳеч қачон кўпчиликни ташкил қилмаган. Масалан, фазога илк марта Гагарин, Титов сингари дастлабки фазогирлар битта-битта бўлиб учишган. Қуёш буржи сайдёralари ўзлаштирилаётганда ҳам бу ишга икки-учдан ортиқ фазогир жалб этилмаган. Сабаби — илгари сира кўрилмаган, инсонга ҳали тилсимот бўлиб туюлган нарсалар аксари ана шу билмаслик туфайли одамни ҳалокатга дучор қилиши мумкин. Ана шу ҳалокатга учраш эҳтимоли бўлган одамлар сони иложи борича кам бўлиши учун биринчилар доимо озчиликни ташкил қилишади.

— Тушундим, дада. Демак, биз илгари ҳеч ким бормаган сайдёрага кетяпмиз, шундайми?

— Тўппа-тўғри, қизим. Ақлинингга балли.

— Ўша сайдёрага етиб борганда, мен катта қиз бўламанми?

— Бўлмасам-чи!

Қизчанинг чеҳрасига табассум ёйилиб, кўзлари чарақлаб кетди.

— Эҳ, тезроқ етиб борсак қанийди!

Шаҳноза олти ёшга тўлганида, отаси уни биринчи

марта Бөш Пулт жойлашган хонага олиб кирди. Бу — тепаси гумбаз шаклида маҳсус қалин шиша билан ёпилган ва айланы кўринишидаги хона бўлиб, ўртасида усти турли электрон ва кибернетик асбобларга тўла стол турар, гир айланаси эса гравитомер, дозиметр, барометр, радиация счетчиги каби турли кўринишдаги сон-саноқсиз асбоб ва анжомлар маҳкамланган одам бўйи баравар шчиллар билан банд эди.

Шаҳноза ичкари кирди-ю, беихтиёр:

— Вой, чиройлилигини!.. — деб юборди. У шиша гумбаз орқали ҳаётида илк марта очиқ фазони кўрган, сокин ва улуғвор коинот, унда чарақлаётган беҳисоб катта-кичик юлдузларга болалик нигоҳи илк марта қадалган эди.

Дадаси аллақандай китсимон юлдузлар туркумининг пастки қисмига жойлашган каттароқ юлдузга қўли билан ишора қилиб:

— Биз бораётган Қора Қит юлдузи шу, — деб тушириди. — Унинг атрофида Ерга ўхшаш еттита сайёра айланади. Шуларнинг иккитасида ҳаёт бўлиши мумкин, деган таҳмин бор.

Шаҳноза юлдузга завқ ва ҳаяжон билан тикилиб қолди:

— Бўлмасам уларда ҳам одамлар бор экан-да?

— Ҳа, қизим, одамлар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ улар бизга ўхшаган бўлишлари шарт эмас. Юлдузларга илк учишлар бошланган қадимги замонда ҳам одамлар коинотдан худди бизга ўхшаган,— эркак ва аёллардан иборат, икки оёқда юрувчи, иккитадан кўз, қош, қулоқ, биттадан оғиз ва бурунга эга олий ақл эгаларини топнишга жуда кўп куч сарфлашган. Бироқ дастлабки изланишларнинг ўзиёқ коинотда олий босқичда тараққий этган ҳаёт ҳайратда қолдиарли даражада турли-туман шаклда бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

— Масалан, қандай?

— Масалан, ерликлар бир сайёрада худди минг-оёққа ўхшаган олий ақл эгаларига дуч келишган. Маълум бўлишича, улар ўзаро оғиз ва овоз воситасида эмас, балки кўзларининг пастроғини турли-туман рангга киритиш йўли билан гаплашишар экан. Ҳар бир ранг бирор фикрни англатар экан. Ё бўлмаса, океан сувига ўхшаш кўринишдаги олий қардошларимиз билан ҳам мулоқат қилишга тўғри келган.

— Жуда қизик!

— Ҳа, койнотда ҳаёт жуда ажойиб әкан. Айни пайтада, унинг сир ва тилсимотлари ҳануз беҳисоб. Лекин оламдаги кўп жумбоқлар одамзоднинг бекиёс жасорати, бу йўлда берилган кўплаб қурбонлар эвазига ечилашади.

Қизча ўн ёшга тўлганида кема экипажининг айтарли мустақил бир аъзосига айланганди. Энди у Она-Ер, ўзлари учиб бораётган олис юлдуз, одамлар ва умуман ҳаёт ҳақида катталардек жиддий мулоҳаза юрита оларди. Лекин ота-онасига савол беришини ҳали ҳам канда қилмасди.

Кўнларнинг бирида у ерлик болаларнинг ҳаётига бағишиланган кинофильмни томоша қилиб бўлгач, отасига навбатдаги саволини берди:

— Дада, биз Ерга қайтганимизда, мен неча ёшда бўламан?

— Кема вақти билан ҳисоблаганда, йигирма бешда, қизим.

— Демак, мен кап-катта қиз бўлиб қоларканман-да!?

— Ҳа, қизим,— Шаҳноза отасининг кўзларига маъюс бир ифода балқиганини пайқади, аммо савол бермасликдан ўзини тутолмади:

— Лекин... мен буни хоҳламасам-чи?

Отаси бир кун эмас, бир куни Шаҳнозанинг шундай дейишини биларди. Бироқ буни ҳозир эмас, сал каттароқ бўлганда айтади, деб тахмин қилганди. Унинг вазмин чеҳраси баттар маъюслашди.

— Она қизим,— деди у Шаҳнозанинг жажжи елкасидан оҳиста қучиб,— сен онанг иккаламизнинг юрак парчамизсан. Шунинг учун мashaққатли, олис сафаримизга сени ҳам шерик қиларканмиз, озгина бўлса-да, бунга ҳаққимиз бор, деб ҳисобладик.

Бу жавоб Шаҳнозани қониқтирумади шекилли, у энди қизишиб гапирди:

— Ахир нима учун мен йигирма беш йил умримни мана шу кичик ва диққинафас кемада ўтказишим керак экан? Нима учун ерлик болалар, ўртоқларим билан бирга ўйнашга, дengizларда чўмилишга, тенгдошларим қатори ўқишга ҳаққим йўқ?

Отасининг боши қўйи солинди. Ҳа, Шаҳноза катта қиз бўлиб қолибди! Шундай саволлар беряптики, нима деб жавоб қайтаришни ҳам билмайсан, киши. Лекин гапларидан қандайдир худбинлик ҳиди келаётгандай-



ми? Наҳотки улар қизни тарбиялаш жараёнида нима-нидир назардан четда қолдиришган бўлса? Тўғри, у кемада истаган ишини қилиши мумкин. Ҳоҳласа, соатлаб китоб ўқийди, фильмотекада кинофильмлар кўради, хоҳласа, аквариумдаги олтин балиқларни боқади... Лекин буларнинг бари қизда худбинлик ҳиссини туғдирувчи омил бўлишдан узоқ-ку?

Бироқ ота қизни худбинликда айблаб янгишаётганди. Шаҳноза эркинликка бўлган табиий талабини изҳор қилиш билан бирга бу масъулияти сафардаги ўз ўрнини, ўзига ажратилган ролни аниқроқ билиб олмоқчи бўлаётганди, холос.

— Агар билсанг, қизим,— деди ниҳоят отаси ҳорғин овозда,— Ердаги тенгдошларингнинг ҳар бири сенинг ўрнингда бўлишини жуда-жуда орзу қиласди!

— Дилингизни оғритиб қўйган бўлсам кечирасиз, дадажон. Фикримни аниқ тушунтиrolмаётгандага ўхшайман. Аввало шуни айтмоқчиманки, бу олис сафарга мен ўз ихтиёримсиз қўшилиб қолган эканма, бундан буён ўзимни қандай тутишим керак? Мустақил фазогир сингари бирор аниқ вазифани бажаришим керакми ёки роботлардай ҳамиша сизларнинг иродангизга бўйсимиш иш тутайми? Агар мен ҳам сизлар қатори бир фазогир бўлсам, нимадир иш қилишим керак-ку, ахир! Назаримда ҳозир жуда кўп вақтим беҳуда ўтаётгандай. Қилаётган ҳамма ишим асосан ўқиш ва ўрганишдан нарига ўтмаётиди. Ахир, қачон экспедицияга бирор фойда келтира бошлийман?

Отаси энди қизига уни илк марта кўраётгандай завқланиб қаради. Жуда тез улғайиб қолибди Шаҳноза! Қонуний меҳнатга бўлган ўз ҳақ-хукуқини талаб қиляпти-я! Балли, она-қизим!..

Шундан кейин у қизга Ерда ёшлар ўқиш ва ўрганишга ўн-ўн беш йиллаб вақт сарфлашлари, ана шундан кейингина мустақил меҳнат йўлига киришлари, Шаҳноза эса, яқин келажакда эҳтимол, оламшумул аҳамиятга эга бўлувчи кўплаб ишлар қилишини, ҳали ниҳоятда скиддий синовлардан ўтажагини тушунтириб берди.

Дарҳақиқат, олдинда нақадар жиддий синовлар турганини Шаҳноза ҳали тасаввур ҳам қиломасди...

Шу суҳбатдан сўнг орадан ярим йил ўтар-ўтмас «Камалак» экипажи Сомон йўлида фазонинг илк аёвсиз синовига дуч келди.

Кема одатда тинч учайтган маҳалда ортиқча энергия истроф қилмаслик учун унинг атрофидаги ҳимоявий куч майдони ўчириб қўйилар, бирор хавф яқинлашаётгани сезилгандан кейингина у ишга солинарди.

Аммо бу хавф тўсатдан келди. Бу шундай кутилмаган хатар эдикни, ҳатто, кемада кузатувчи ва навигаторлик вазифасини ўтовчи позитрон мияли робот ҳам фафлатда қолди.

Шаҳноза бу пайтда кема залида гулларга сув қўйиш билан банд эди. Тўсатдан кеманинг шили ўта шиддат билан титрай бошлади. Кеманинг орқа бўлинмаларидан бирида хўжалик ишлари билан ғимирлаб юрган онасининг бирдан қўрқув ва саросимада қичқириб юборганини эшилди. Қиз вужудини аллақандай бир даҳшатли ғулғула қоплаб олди. Шу пайт ўз бўлмасида дам олаётган отаси отилиб чиқди-ю, микрофон орқали роботга:

— Дарҳол ҳимоя майдонини ишга сол! — деб буюрди-да, ўзи юрганича Шаҳнозанинг ёнига етиб келди. Қизга ҳеч нарса қилмаганини кўргач, гандираклаганича, талмовсираб, ҳануз алланималар деб қичқираётган онасига ёрдамга юурди. Онаси бу пайтда ҳомиладор, отаенинг гапига қарагандо, қизга чиройли укача туғиб беришга тайёрланаётган эди.

Шаҳноза боши айланиб, ўтириб қолди. Шу чоқ коридорда робот-навигатор пайдо бўлди. Ажабо, у худди маст одамдай чайқалар, гандираклар эди. Шунга қарамасдан у командирнинг буйруғини бажариш мақсадида зўр бериб Бош Пульт сари интиларди. Бирдан робот деворга зарб билан урилди-да, гурсиллаб йиқилди. Қейин ётган жойида бош қисмидан кўкимтир тутун кўтарилиб, гавдаси кемага қўшилиб билинмарбилинмас, худди безгак тутган одамдек титрай бошлади.

Қиз дилидаги қўрқув янада кучайганини ҳис қиласкан, бирдан ўзининг кечикмай Бош Пультга бориши лозимлигини сезди. Ахир, дадаси, ҳимоя майдонини ишга сол, деб бежиз буйруқ бермади-ку. Ҳа, кечикмасдан ҳимоя майдонини ишга солиш керак! Онасининг аҳволи оғирга ўхшайди, отаси у билан овора... Ҳозир фақат Шаҳнозагина фалокатнинг ғлдини олиши мумкин!

Қиз ўрнидан туришга уринди-ю, лекин гандираклаб, яна ўтириб қолди. Дилида безовталик ҳисси тобора

кучайиб борар, бутун танаси бетүхтов титрарди. У энди йүлак бўйлаб эмаклай бошлади. Роботнинг олдидан ўтаётганда, яна кўз олди қоронfilaшиб, боши айланди. Назарида қаршисида ётган робот бирдан бутун танасини узун ва қоп-қора жун босгац, тўртта шохли, бойқуш кўзли ғалати бир маҳлуққа айланди-да, қизга алланималар деб имлай бошлади. Шаҳноза титраб-қақшаб яна олдинга — Бош Пульт томонга эмаклаб кетди. Қизча гоҳ полга мұккасидан тушар, гоҳ гандираклаб елкаси билан деворга уриларди. Шунга қарамай, ҳимоя майдонини тезроқ ишга солиш мақсадими ёки орқадан жундор маҳлуқ таъқиб қилиб келаётгани ҳақидаги ваҳимали ҳисми, қизчани тобора шоширади.

Шаҳноза Бош Пульт жойлашган хонанинг останасига етганда, орқасига кўз қирини ташлаб, ҳалиги шоҳдор ва жундор маҳлуқ ҳам кетма-кет унга эргашиб келаётганини пайқади. Ана, у ҳатто бесўнақай тишли орзини ҳам негадир шарақлатиб очиб ёпаяпти. У қиздан нима истайди ўзи?

Қизнинг танасидаги титроқ тобора авжга миниб, дйлидаги қўрқув ҳисси даҳшатга айланиб кетди-ю, уни ичкарига бошлади. Шаҳноза хонага кириб, қандай эшикни беркитганини ўзи ҳам сезмай қолди. Лекин қаергадир бошини зарб билан уриб олди. Пешанаси бирдан темирдек қизиб, нам бўлганини сезди, унинг ёрилган жойидан қон сизиб чиқа бошлаган эди.

Шаҳноза бошқарув пультига тиравганича аранг ўрнидан турди. У энди пультдан ҳимоя майдонини ишга солувчи мослама — куч майдони тумблерини топиши керак эди.

Вой-бу!.. Бу ерда турли-туман ўчириб-ёқувчи ускунава мосламалар шунча кўп эдик, қизнинг кўзлари қамашиб кетди. Улар турли шаклда: баъзилари пианино клавишларини эслатар, бошқалари оддий электр чирғини ёқадиган переключателларга ўхшар, айримлари эса, дастак ёки тугмачаларга ўхшатиб ишланган эди. Уларнинг баъзилари кўк, баъзилари қора, қизил, хулласи, турли-туман рангда эди.

Дарров ҳимоя майдони мосламасини топини керак! Албатта топиш керак! Йўқса улар ҳалок бўлишади! Бутун экипаж аъзоларий ҳалок бўлишади!

Шаҳноза ҳар бир мослама ва ускуналарнинг тагидаги кичик оқ рамкадаги ёзувларни зўр бериб кўздан кечира бошлади. Пультнинг четларига қўллари билан

осилганича оёғида аранг тураркан, бутун вужуди қалти-  
пар, бунинг устига ёрилган пешанаси қаттиқ ачишарди.  
Ёзувларга азбаройи зўр бериб тикилганидан кўзлари  
ёшланиб кетди. Лекин кўз ёшларини енги билан артиб,  
ўжарлик билан кузатишда давом этди. Ҳимоя майдони  
тумблери қизил рангда бўлиши керак, деб ўйларди у.  
Негаки отаси бир гал, бирор хавф туғилганда ишга  
туширилиши лозим бўлган ҳамма тугма ва мосламалар  
қизил рангта бўялган, деб айтганди. Қиз қизил рангда-  
ги мосламаларни кўздан кечираркан, ҳалиги жундор  
маҳлуқ хаёlinи тобора кўпроқ банд қилаётганини ҳис  
қилар, шу туфайлими, дилидаги қўрқув ва саросима  
тобора ортиб борарди. Бирдан қиз ўнг кўзи намланиб  
қаттиқ ачиша бошлаганини сезди. Ўнг қўлини бўшатиб,  
кўзини артмоқчи бўлган эди, қўққисдан иккинчи қўли  
сирғалиб кетди-да, у полга думалаб тушди. Пешанаси-  
дан сизиб чиққан қон кўзига тушган эди. Қиз ётган  
жойида енги билан кўзини артди-да, титраб-қақшаб  
ўрнидан турди. Пультнинг четларига қўллари билан  
осилиб, яна асбоб-ускуналарга кўз тикканида, орқаси-  
да эшикка бир нима тарақлаб урилгани, кейин эшик  
зарб билан очилиб кетганини пайқади. Бу — албатта,  
жундор маҳлуқ, деб ўйлади қизча.

У ўзини худди танасига чумоли юргургандай, бада-  
нидаги ҳамма туклари тикка бўлиб кетгандай ҳис қи-  
ларкан, ғужанак бўлиб олган, ҳатто орқасига қарашга  
ҳам юраги дов бермасди. Худди шу пайт катта қизил  
тумчача остидаги «Ҳимоя майдони» деган ёзувга кўзи  
тушган Шаҳноза ҳуши бошидан учайёзган бўлишига қа-  
рамай, бор иродасини тўплади, бироқ... Ҳозир жундор  
маҳлуқнинг ўткир тишлари орқасидан бўйнига чанг  
солиши ёки онаси айтиб берган эртакдаги Ялмоғиз  
Кампирдай ўзини ямлай бошлишини кутиб, тахта бў-  
либ қотиб қолди.

У дадасидан, қачон әкипажга наф келтираман, деб  
сўраганди. Уша фурсат мана, ниҳоят, етганга ўхшайди.  
Бутун әкипажнинг тақдиди ҳозир Шаҳнозанинг қўлида.  
Ҳозир у шундай иш қиладики, у оддий шароитда йил-  
лар давомида қилинадиган ишларга татииди! Ҳа, тари-  
хий кинофильмларда кўрсатилганидек, ҳозир Шаҳноза  
учун қаҳрамонлик йўлида қурбон бўлиш эса...

Кутилмаганда орқадан дадасининг:

— Дадил бўл, қизим! — деган хириллаган овозини

эшилди-ю, бу меҳрибон товуш қизнинг елкасидаги тоғни ағдаргандай бўлди. Ўша заҳоти кучга кириб, ҳалиги катта қизил тугмага кўрсаткич бармогини босди, кейин холсизланиб орқасига, полга ағдарилиб тушди. Бирлаҳзадаёқ ҳаммаёқ худди сув сепгандек жим-жит бўлиб қолди. Қиз ҳушидан кетган эди.

\* \* \*

...Шаҳноза ўзига келганида, ётоқхонасида тўшакда ётганини, тепасида эса, онаси унинг бошини силаб ўтирганини кўрди. У ўрнидан турмоқчи бўлган эди, онаси қўймади.

— Вуй, ойи, мени шунақанги даҳшатли маҳлук қувлади!...— деди қиз шошиб.

— Тинчлан, қизим, у энди йўқ.

— Ўзи нима бўлди, ойи?— сўради Шаҳноза.

— Биз фазода инфратовуш тўлқинлари, яъни узунлиги жуда қисқа бўлгани учун биз эшига олмайдиган товуш тўлқинларига дуч келдик,— деб изоҳлай бошлиди онаси,— улар одамнинг миясига, психикасига қаттиқ таъсир қилиши, уни ҳушдан кетказиши, кучлироқ частотага эга бўлганлари эса, ҳагто ҳалок этиши ҳам мумкин.

— Қизиқ, у қаердан пайдо бўлиб қолди?

— Менимча, шу атрофдаги бирор номаълум сайёрадан келяпти! Аниқроғи, ундан келаётган ўта юқори частотали радиотўлқинлар кемамиз қобиғига келиб уриляпти. Оқибатда кема ичидаги ультратовушлар ҳосил бўляпти.

— У ҳозир ҳам кемага келиб уриляптими?

— Ҳа, ҳозир ҳам. Лекин сен бизни унинг даҳшатли таъсиридан халос қилдинг. Сен катта жасорат кўрсатинг, қизим!

— Нима, ҳозир ҳимоя майдони ишлайптими?

— Сен тугмани босгандан кейин у ишлаб кетди-да, бир ондаёқ ўша даҳшатли товуш тўлқинларининг кемага йўлини қирқиб қўйди. Ўша заҳоти биз ҳам енгил нафас олдик.

— Бундай тўлқинлар Ерда ҳам мавжудми?

— Ҳа, қизим. Ерда инфратовуш тўлқинлари, асосан океанларда бўрон бўлган пайтларда юзага келади. Қулоқ билан эшишиб бўлмайдиган бу сирли товушлар

оазмунча пароход ва денгиз кемаларининг экипажлари-  
ни саросима ва тахликага солмаган.

— Дадам қаердалар?

— Баш Пультдалар. Дадангнинг сендан қанчалик  
хурсанд эканликларини билсанг эди!..

Қиз бу гапдан негадир ўнғайсизланиб, бошини бурар  
әкан, хүшбичим чеҳраси ширин табассумдан ёришиб  
кетди. Ў ҳаётда илк марта ўзидан мамнун эди.

---

## ПУШТИРАНГ ФАЛОКАТ

Кўзимни аранг очиб, бир оз ўзимга келганимда, бутун танам лўқиллаб оғир, миям жойидан худди ўпирилиб чиқмоқчига ўхшарди. Бунинг устига оғзим ниҳоятда bemаза, аллақандай дори-дармон, одамлар, қон, тер ва юзлаб бошқа нарсаларнинг ҳидлари димогимни ёриб юборгудай вужудимни зирқиратар, назаримда бунчалик гайритабиий ўткир ҳидларни умрим бино бўлиб биринчи ҳис қилишим эди.

Шу пайт тепамда оқ шарпаларни илғадим. Fўнғирғўнғир овозлар эшитилди. Овозлар гарчанд оқ шарпалардан чиқаётганини сезсан ҳам улар менга ниҳоятда узоқдан келаётгандай туюларди.

— Янгилик эшиитдингизми? — деди шарпалардан бири дўриллаб, — ажабо, бу товуш менга жуда таниш эди, — «Олмос» космик кемаси бир соат олдин Урандан қайтиби. Ҳозиргина телегазетада эълон қилишди.

— О, шундай денг, — бу энди аёл кишининг овози эди, — ўзлари ҳам ўн йил учишди шекилли, азаматлар.

— Ҳа, роппа-роса ўн йил! Ҳозир космопортда карантин муддатини ўтаётган экан.

Шу пайт шарпалардан бири тепамда энгашди-да, ҳаяжонли овозда:

— Шуҳрат Салимович, у кўзини очаяпти! — дея хитоб қилди.

Шуҳрат Салимович... Жуда таниш исм... Қизиқ, мен қаердаман? Булар кимлар ўзи?

Кўзимни каттароқ очиб гапирмоқчи бўлдим-у, лекин бўғзимдан итининг хириллаганига ўхшаш овоз чиқара олдим, холос.

— Жуда соз! — овозидан эркакнинг ҳам ҳаяжонга тушгани аниқ эди. — Ҳаммаси кутилгандай бўляпти. Бугун у ўзига келади. Бир ҳафта ўтгач-эса, хотираси тикланиб, ўрнидан туриши керак.

— Қарашларида ҳозирча ҳеч қандай маъни йўқ. Лекин томир уриш ва нафас олиши маромида,— деди аёл, кейин пича сукут қилгач, яна давом этди:

— Қизиқ, у вужудини итнинг танасида кўриб, ўзини қандай ҳис қиларкан?

— Ҳеч қандай. Сўнгги ўн йил ичиди биринчи шогирди сифатида хулқ-авторини ипидан-игнасигача ўрганиб чиқишга муваффақ бўлдим. Унинг иродаси пўлатдай мустаҳкам.

Яна бир неча дақиқалик сукутдан сўнг Шуҳрат Салимович қандайдир кўтаринки кайфиятда давом этди:

— Кўз-кулоқ бўлиб туринг, Светлана Назаровна. Бугун-эрта ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз керак. Шу бир ҳафта ичиди оёққа туриб кетса, ишимиз беш! Ана ўшандан сўнг тасавур қилиб қўринг! Бизнинг бу экспериментимиз бутун жаҳонга довруғ солади! Сиз билан бизни телегазеталарга ёзишади, Умумсайёра Ахборот Тармоғи тўлқинларида намойиш қилишади...

Шарпалар ва овозлар мендан узоқлаша бошлаганини ҳис қиласпман. Мана, уларнинг ҳидини ҳам буткул сезмай қўйдим.

Мен бари бир ҳеч нарсага тушуна олмагандим. Булар кимлар ўзи? Нега уларнинг исмлари менга бунчалик таниш? Нега энди улар Ерга қайтган қандайдир космик кема, аллақандай эксперимент, кейин жаҳонга довруғ солиши ҳақида гаплашишди? Мен нега бу ерда ётибман? Умуман, мен кимман ўзи?..

Қизиқ, учиб кетяпман шекилли? Ҳа, осмону фалакка кўтариляпман. Осмон шундай иссиқки, назаримда кимдир олов пуркаётгандай. Қиттак ҳам шамол йўқ. Бўғиб ўлиш ҳеч тап эмас. Дарвоқе, янглишмасам, кимдир мени бўғяпти. Ҳа! Уша оқ шарпалардан бири. Қайтиб келибди. Йўқ, у танамга нимадир санчяпти. Мен унга санчитиб бўлман! Ме-ен ун-га сан... чи... тиб... бўп... Вофф...

...Вофф!.. Сал шамол турди шекилли. Хайрият. Бари бир бошим зирқирайпти. Ҳудди бирор унинг ичига қўлини тиқиб, миямни таталётгандай. Ҳидлар... Ҳидлар... Бу ерда ҳидлар шу даражада турли-туман ва шу даражада ўткирки, гўё ҳозир димогимни тилкапора қилиб юборадигандай...

\* \* \*

Орадан анча кунлар ўтди.

Бу пайтга келиб мен юқоридаги деярли ҳамма саво-

лимга жавоб топишига улгургандим. Бошимнинг оғриғи ҳам анча камайган, Шуҳрат Салимовичнинг айтишича, «алаҳсирашларим» ҳам бутунлай қолганди. Шуҳрат Салимович — менинг сабиқ ёрдамчим, медицина фанлари кандидати, доцент. Сабиқ деяётганимнинг боиси, ҳозир у менинг лавозимимни эгаллаган, яъни жарроҳлик клиникасига раҳбарлик қилади. Мен эсам, ошини ошаб, ёшини яшаган кекса профессор, буйрагим бедаво касалга йўлиққач, ўзимни фан тараққиёти йўлида қурбон қилишга қарор қилдим. Мен ўз миямни, ундаги барча хотира молекулаларини фанга тортиқ этдим. Дастлаб бу қалтис ишни миямни бирор ёшга тавсия қилиш йўли билан амалга ошироқчи бўлдим. Лекин, афусе, бундай ёшлар топилмага, уни севикли тозитим — Қоракўзга кўчириб ўтказишни режалаштирдим. Бу фикримни Шуҳрат Салимовичга айтганимда, дастлаб у ҳайратга тушди. Бу ис мутлақо ақлга тўғри келмаслигини айтиб, ўша заҳоти эътиroz билдири. Лекин мен бир ойлик умрим қолганми, йўқми эканини, бари бир вужудим яқинда мангу йўқлик қаърига равона бўлишини, ўзида фоятда кўп билимларни жамлаган миям эса, ҳали кўп фойда келтиришини айтганимдан сўнгги на бу ҳақда ўйлаб кўриш кераклигини билдири.

У шундан сўнг менга бир неча кунгача кўриниш бермади. Орадан бир ҳафта ўтгачгина ҳузуримга кириб келди. Мени бу пайтда сунъий буйрак лабораториясида даволашмоқда эди. Буйрагим ишдан чиққанлиги туфайли мени баланд күшеткага ётқизиб, қон томирларимни организм фаолиятини вақтинча мўътадил ишлатувчи сунъий буйрак аппаратига маҳсус трубкалар ёрдамида улаб қўйишганди. Шуҳрат Салимовичнинг қовоғи солиқ эди.

— Сиз менга жуда кўп нарсаларни ўргатдингиз, устоз,— деди у қандайдир босиқ овозда,— ҳам жарроҳлик асосларини, ҳам одамийлик сирларини. Сизни отамдан ҳам афзалроқ кўраман. Менга қолса, буйрагингизни алмаштириб, умрингизни яна...

Унинг бу пессимиистик руҳдаги гапини дарров бўлдим:

— Ҳожати йўқ! Ахир айтдим-ку, мен ошини ошаб, ёшини яшаган одамман. Мана, сук ва таналарим ҳилвиллаб ётибди. Боринг ана, буйрагимни алмаштирик ҳам дейлик. Лекин бугун буйракни янгиласам, эртага ўпка ёки жигаримни, индинга яна бошқасини алмаштириш лозим бўлади. Ахир, қарилик қарилигини қилади-

да! Умуман инсон қариганда умрини узайтиришдан қандай наф күриши мүмкін? Бу менимча, ғирт ахмоқлик. Бу құшымча изтироб деган гап-ку, ахир!..

Мен бу гапларни хасталигим учун хийла заиф овозда айтган бұлсам ҳам, улар йигитта таъсир қилмай қолмади, албатта. Фурсатни ўтказмаслик керак эди. Шунинг учун яна «хужум»ни кучайтирдім:

— Инсоннинг танаси, организмлари қарийди. Лекин унинг мияси, унда бутун ҳәети давомида жамланған билимлари ва хотиралари, қалби — агар у жисмоний хасталикка мубтало бұлмаса,— ҳеч қачон қаримайды. Мәдомиқи шундай экан, нега улардан инсон әхтиёжларини қондириш йўлида фойдаланиш мүмкін эмас, масалан, менинг миямни итнинг миясига кўчириб ўтказсанг, менинг танам йўқолгани билан, сен ўз маслаҳатгўйинг, устозингдан айрилмаган бўласан. Агар ўша менинг миям ўтказилган «ақлли» ит билан фикр алмашиб методикасини ўзлаштириб олсанг, (бу эса, менимча, қийин эмас) биз сен билан то кексайгуниңгча илмий ва ижодий ҳамкорликни бемалол давом эттираверамиз.

— Бундай мураккаб операцияларни одамларда сира синааб қўрмаганмиз, профессор, бу ёфи қандоқ бўлади, ахир?!

— Ҳечқиси йўқ. Ахир уларни қачондир кимдир бошлиши керак-ку! Ўша кимдир биз бўлсақ нима бўпти.

— Тўғри-ку-я...

— Операциянинг муваффақиятли ўтишига эса, менинг имоним комил. Бундай операцияларни ҳайвонлар, шу жумладан маймунларда озмунча амалга оширганимиз!.. Бу ишдаги муваффақиятларимиз учун мана сен мукофотга ҳам сазовор бўлдинг...

— Шундай-ку-я...

— Бундай операцияларнинг деярли ҳаммасида муваффақиятга эришганмиз. Ҳайвонларни, энди экспериментларимизни одамларда давом эттириш учун фурсат етди!

— Нима десам экан...

— Тўғри, бизга бу қалтис операцияни ўтказишга рухсат бермасликлари мүмкін. Нима бўпти? Ишни яшириң ҳолда олиб борамиз. Масалан, операцияни сен, ассистент Светлана Назаровна ва яна икки ҳамшира амалга оширасизлар. Бу ҳақда бошқа ҳеч ким ҳеч нарса бидмаслиги керак, вассалом. Ишимиз муваффақиятли чиқиб, ижобий натижаларга эришсак, ана у ҳолда бу

жакда эълон қилиш мумкин. Ана унда биз мислеиз кашфиётни қўлга киритган бўламиз!..

— ...Нима ҳам дердим. Ўмуман, мен рози!..

— Мана бу бошқа гап! Бўлмаса, операцияга шу бунданоқ тайёргарликни бошлаш керак...

\* \* \*

Операция муваффақиятли ўтди. Орадан роппа-роса етти кун ўтгач, ўзим ётган реанимация палатасидаги нарсаларни илк марта аниқ ажрата бошладим. Ана, тепамда кислород яшичаси. Қаравотимнинг ўнг томонидаги столда аллақандай медицина аппаратлари. Тумбочка. Стул.

Қўлимни кўтармоқчи бўлгандим, эплай олмадим. Ҳамма ёғим каравотга боғлаб ташланган эди. Ана шунда бутун танамни қўнғир тусли жун босиб кетганини кўриб, ҳушим бошимдан уча ёзди. Ӯшандаги аҳволимни бир кўрсангиз эди. Гавдамнинг бўйдор този ит қиёфасидалигини сезгач, вужудим қалтирай бошлади. Шу пайт эшиқдан аввалги оқ шарпалар эмас, балки росмана собиқ ёрдамчим билан Светлана Назаровна кириб келишди-ю, менга ҳамма нарса равшан бўлди-қолди. Хотирамнинг бундай кескин тикланиши ҳали анча хаёта ва заиф миям ҳамда бошқа организмларим учун оғирлик қилди шекилли, кўзларим нурсизланиб, баттар мажолсизландим, бошим айланиб кетди.

Шуҳрат Салимовичнинг овози жуда узоқдан эшилди:

— Аҳволингиз қалай, профессор?— ваҳоланки, у шундоқ тепамда энгашиб турарди. У менга, ит қиёфасидаги бир маҳлуққа «профессор» деб мурожаат қилаётгани менга жуда эриш туюлди. Шуидай бўлса ҳам унга «яхши» деган маънода кўзимни юмиб жавоб қайтардим.

— Е ажаб, қарашлари нақадар маъноли!— Бу ҳаяжонли хитоб Светлана Назаровнанинг оғзидан чиққанди. Менинг сўзлай олмаслигимни билса ҳам, Шуҳрат Салимович менга қараб гапиришда давом этди:

— Биз ҳам шундай деб ўйлаймиз, профессор. Аҳволингиз ёмон эмас. Яна уч кундан кейин туриб юра бошласангиз ҳам бўлади. Лекин ҳозир бизни қийнаётган бирдан-бир масала — сиз билан бевосита Фикр алмашини методикасини аниқлаш. Ёдингиздами, сиз, бу қийин муаммо эмас, деб айтган эдингиз. Сиз бирмунча

ҳақ әдингиз, албатта. Биз сиз билан аввало телепатик усулда, яъни фикран гаплашишимиз мумкин. Лекин бу усулни ўзлаштириб олиш учун қамида иккى-уч йил машқ қилишимиз керак. Бундан ташқари фикрларингизни маҳсус аппарат воситасида магнит плёнкасига ёзиг олиб эшлишимиз, худди шу услубда сизга ҳам ўз гапларимизни узатишимиз мумкин. Бироқ бу ҳам унчалик эффектив усул әмас. Чунки доимо ўзимиз билан катта аппаратни олиб юришимиз лозим бўлади. Фикр алмашишга ҳам анча вақт йўқотамиз... Хуллас, биз ҳозир изланяпмиз, профессор. Бу ҳақда ўшанда сизнинг узил-кесил фикрингизни билиб олмаганимга ҳозир жуда афсусланяпман...

Улар мени яна ҳоли қолдиришди. Хаёлга чўмдим. Чуқурроқ ўйлаб кўрсам, одамлар билан оғзаки мулоқат қилиш илгари мен ўйлаганчалик осон иш әмас экан. Мен ўшанда даставвал оғзаки гаплашишни назарда тутгандим. Ахир дунёда уч-тўрт оғиз сўз айта оладиган итлар ҳам йўқ әмас-ку! Демак, итлар одамга ўхшаб гапира олишлари мумкин. Айниқса, одамга ўхшаб мушиҳада қила олувчи итлар!. Лекин операциядан сўнг ўзимга келгач, гапиришга биринчи интилишимнинг ўзиёқ юқоридаги фикрларимни чиппакка чиқарди. Мен ҳар қанча кучаниб-тиришмай, «вофф» деган ёки хириллаган овозларни чиқаришгагина қодир әдим, холос. Яна ким билади, келажакда балки одамлардек гапиришга ҳам мушарраф бўларман. Бироқ ишончим комилки, бунинг учун кам деганда уч-тўрт йил машқ қилишим зарур.

Ҳозирча мен учун ўзгалар билан гаплашишнинг бирдан-бир йўли кўзларим әди. Кўзларимнинг ғоятда серифодалиги Светлана Назаровнани бежиз ҳайратга солмаган бўлса керак...

Бу кутилмаган хulosамдан кайфиятим анча енгилашгандай бўлди. Лекин ҳидлар... Ҳа, ҳидлар ҳамон менинг гўё бутун вужудимга ҳукм дорлик қиласарди. Бир ҳисобдан Қоракўзнинг нерв тўқималари бу ҳидларнинг ҳаммаси одатдаги, таниш ҳидлар эканини айтиб турса, профессор учун бу сира кўнишиб бўлмайдиган ҳол әди. Қоракўз гавдали, қулоқлари бўриникидай диккайган, исқаптонар този ит әди. Унинг ҳид тўқималари ғоят даражада тараққий этган бўлиб, овни бир неча ўн километрданоқ сезар, кейин безовталаниб, вовулланича мени ўша томонга бошларди...

\* \* \*

Мени илк марта ташқарига олиб чиққанларида, кундалик ва оддий ҳидларга деярли ўрганиб улгурган эдим...

Уша куни клиника хиёбонида Шуҳрат Салимович билан ёнма-ён борардим, одамларда бирор шубҳа уйғот-маслик учун у бўйнимга иш боғлаб, бир учини ўзи ушлаб олганди. Хиёбонда айланиб юрганлар менга қизиқ-синиб тикилишар, болаларига кўрсатишар, «вуй катта-лигини!»— деб қўйишарди. Шуҳрат Салимовичнинг биринки таниши ҳатто:

— Ўзингизнинг итингизми, доктор, жуда чиройли экан!— деб гап ҳам отиб қўйиши.

Бир пайт... Бир пайт шимол томондан мутлақо нотаниш бир ҳид келиб димогимга урилди-ю, беихтиёр тўхтаб қолдим. Қоракўз номидан қасамёд қилишим мумкин: бундай ҳид илгари ер юзида ҳеч қачон бўлмаган! Бу, гарчанд билинар-билинмас бўлса ҳам, на қиёсни ва на таърифини қилиб бўладиган шундай ёқим-сиз ҳид эдики, ундан, ҳатто, баданларим жунжикиб кетди.

Шуҳрат Салимович ҳам тўхтаб, менга савол назари билан тикиларкан, овозини пасайтириб:

— Нима гап, профессор?— деб сўради.

Унинг ҳеч нарсадан бехабар осойишта юзига боқар-каиман, одамлар бундай нозик ҳидларни сезишга қодир эмасликларини эсладим. Умумай, ҳид билиш қобилияти итларда одамларга нишбатан бир неча ўн марта яхшироқ тараққий қилган-ку!

Мен кўзларимни дарров Шуҳрат Салимовичнинг назаридан олиб қочдим. Чунки саволига жавоб беришга ожиз эдим.

Шу-шу мен ўз ўтимда ўзим қовурила бошладим. Ҳид туфайли безовталигим кундан-кунга орта берди. Ўстига-устак қалбимда кечаётган ҳиссиётларимни ҳеч ким билан ўртоқлаша олмасдим. Бора-бора хиёбонга чиқишига ҳам юрагим безиллайдиган бўлиб қолдим. Чунки нотаниш ҳид гарчанд билинар-билинмас даражада бўлса ҳам, кундан-кунга кучайиб борарди. Салайлангач, Шуҳрат Салимович менинг палата томонга интилаётганимни кўриб, буни чарчаганга йўярди-да, дарров истагимни бажо келтиради.

Кунларнинг бирида ташқаридаги шамол турди. Шуҳрат Салимович одатдагича хиёбонни айлантироқчи

бўлиб келганида, мен бошим билан шамолга ишора қилиб, ташқарига чиқишдан бош тортдим. Собиқ шогирдим ҳайрон бўлди. Пича иккиланиб тургач, елкаси ни қисди-да:

— Ихтиёргиз,— дея мени ҳоли қолдири.

Шу пайт... Шу пайт, ҳайҳот, ётган жойимда юзлаб бошқа ҳидлар орасида ўша... нотаниш ҳидни ҳам сездим! У очиқ деразадан шамол билан кирган эди.

Узи нима гап? Нега мён бунчалик безовталаняпман? Нотаниш ҳид бўлса нима бўпти? Атрофда нима кўп — кимё заводлари кўп. Қишлоқ хўжалиги учун яна бирор янги зарурий-бирикма ўйлаб топишгандир-да. Бунинг менга нима алоқаси бор?

Ўшанда шундай деб ўйладим. Бироқ... Нотаниш ҳид мени негадир ўзига буткул ром қилиб олган ва ҳатто, даҳшатга солмоқда эди.

Кечга яқин палатага Шуҳрат Салимович билан Светлана Назаровналар кириб келишди. Мен жўрттага ўзимни ухлаётганга солиб, кўзларимни юмиб олдим.

— Тсс... У ухляяпти!— деди асистент аёл.

— Қизиқ, бу пайтда ухлайдиган одати йўқ эди. Бунинг устига бугун негадир хиёбонни айланишдан ҳам бош тортди.

— Балки чарчаётгандир?

— Балки. Лекин бу хилда турмай ётаверса, буткул соғайиб кетиши анчага чўзилиши мумкин. Ўзингиз яхши биласиз, жисмоний ҳаракат — организмга ёт орган киритилганда унинг она танага нисбатан номутаносиб лигини йўқотишнинг муҳим омилларидан бири!

— Шундай бўлса ҳам, менимча, яна икки-уч кун сабр қилишимиз керак, Шуҳрат Салимович. Икки-уч кунда ҳаммаси равshan бўлади. Балки уни нимадир безовта қилаётгандир?

— Безовта қилса, у бундай тинч ухлай олмасди.

Шуҳрат Салимович сукут қилиб тургач, қатъий бир қарорга келган киши гапи оҳангига давом этди:

— Гап бундай, Светлана Назаровна: жисмонан у асосан соғайиб бўлди. Ҳамма анализлар шуни кўрсатялти. Менимча, иккинчи этап экспериментларимизни бошлиш учун фурсат етди. Бу ишга эртаданоқ киришишимиз керак. Чунки у билан бевосита фикр алмашиш методикасини яратмас экамиз, бу операциямиз ҳам ҳеч қандай аҳамиятга молик бўла олмайди.

— Нима ҳам дердим. Сиз ҳақсиз, Шуҳрат Салимович.

Улар ташқарига йўл олишди шекилли, овозлари аста-секин узоқлаша бошлади.

— ...Янгиликни эшиздингизми, тунов куни учидан келган «Олмос» космик кемаси бор-ку...

— Ҳа, консервацияга қўйилди, дейишаётувди.

— Ӯша кема турган ангарга кирган икки механик негадир бўғилиб ўлибди. Мурдаларини эса роботлар олиб чиқишибди. Умуман, ӯша ангарга яқинлашган одамлар қандайдир таҳликага тушиб, ӯша заҳоти орқага қочаётган эмишлар...

Бу гапдан беихтиёр кўзларим очилиб кетди. Шуҳрат Салимовичнинг овози энди коридордан эшитилди:

— Қизиқ, дунёда нима ишлар бўлмайди!..

Мен иргиб ўрнимдан туриб кетганимни сезмай қолдим. Дераза олдига келдим. Ӯша нотаниш, ёқимсиз ҳид ҳамон димогимни қитиқлар, йўқ, таъбир жоиз бўлса, тимдаларди. Мен шу топда илк марта ӯша Урандан қайтган «Олмос» космик кемаси билан нотаниш ҳид ўртасида қандайдир боғлиқлик мавжудлигини пайқандим. Айни пайтда мен сергак овчи итга хос бўлган зийраклик ва таниқли олимга хос чуқур мушоҳада билан одамлар улкан ҳалокат ёқасида турганини ҳам биринчи бўлиб сезган эдим. Ҳа, буни ер юзида мен, фақат мен — Қоракўз ва олимнинг ноёб чатишмасигина аввалдан пайқашга қодир эдим!

\* \* \*

Мен кўп иккиланиб ўтирумадим. Шу топда зиммамга юкланаётган инсоният олдидағи буюк миссиямни тўла англаб етмоғим учун чорак соатча вақт кифоя эди. Қоронги тушишини пойламасданоқ, деразадан сакраб ҳовлига тушдим-да, клиниканинг орқа томонига йўл олдим. Шуҳрат Салимович билан хиёбон айланиб юрганимда девор панжараларидан бири мен сиғарли даражада очиқ эканини кўрган эдим. Мен ҳар нима бўлганда ҳам космопортга қараб жўнашга қарор қилгандим. Чунки зиммамга ғоятда оғир вазифа тушганди: Ер юзидағи одамларнинг тақдирини ё уёқлик, ё буёқлик бўлишида мен бош ролни ўйнашим мумкин эди.

Дараҳтлар орасидан югуриб борарканман, клиникада шов-шув кўтарилиганини пайқадим. Афтидан, менинг қочаётганимни сезиб қолишганди. Тезроқ югурга бошладим.

Аэропортга олиб борадиган бекатга етиб келганимда, бу ерда ўттиз ёшлар атрофидаги дарозгина бир аёл беш ёшлардаги чиройли болани етаклаганича электробус кутуб турар, сал нарироқда яна икки-уч йигитқизлар гурунглашарди.

Индамай боланинг ёнига келиб турдим. Бола ўша заҳоти онасиға қараб:

— Вуй, манави кучукни! — дея хитоб қилди-да, мени эркалаб, бошимни силашга тушди. Онаси менга бир оз хавотирланиб тикиларкан:

— Эҳтиёт бўл, Эркин, қутурган бўлмасин тағин, — деб қўйди.

Сочи узун йигитлардан бири менга яқинлашди:

— Қутурган эмас, хола, хавотирланманг. Қутурган итларнинг кўзлари бунақа бўлмайди. Қани менга келчи, Бобик, жуда ақллига ўштайсан. Зотинг ҳам асл экан... Қани-қани, қўлингни бер-чи...

Бахтимга шу пайт электробус келиб тўхтади. Болага эргашиб чиқиб олдим. Бу ерда боланинг ити деб ўйлашди шекилли, менга айтарли ҳеч ким эътибор бермади.

Аэропортга етиб келганимда то диктор космопортга учувчи самолёт рейсини эълон қилганича бир чеккада беркиниб туришимга тўғри келди. Кейин иккинчи кириш йўлидан самолёт томон кетаётган одамларга эргашдим. Бу пайтда ҳамма ўзи билан ўзи овора, бировнинг менга эътибор беришга вақти ҳам йўқ эди. Оталари ё оналари етаклаб кетаётган болаларгина зўр бериб мен томонга ўгирилишга интилишар, баъзилари менга завқланиб, баъзилари хавотирга тушиб тикилишарди.

Қадамимни тезлатдим. Самолётга шошиб бораётган одамларни бир зумда ёнлаб ўтиб, улардан сал олдинда бораётган — чамадонлар ортилган пастаккина электромобилнинг панасида юра бошладим. Авиатор формасидаги киши эса менга ҳай-ҳайлаб бақирганича қолаверди.

Мана, электромобиль товушдан тез учадиган баҳай-сат реактив самолётнинг чап биқинидаги очиқ люк олдига келиб тўхтади. Ҳайдовчи-робот бамайлихотир жойидан люкка тушди-да, чамадонларни бирма-бир олиб, жойлай бошлади. У орқасига ўгирилган пайтими пойлаб турдим-да, шартта электромобилга чиқиб, чамадонлар сафининг чеккасига туриб олдим.

Робот мени кўриб, ҳатто, ажабланмади ҳам. Совуқ-

қонлик билан бир қўлини бўйнимдан, бир қўлини қорнимдан ўтказиб кўтарди-да, люкка, чамадонлар орасига тиқди. Мен шундай жойга жойлашдим-ки, бу ердан бутун аэропорт деярли кўриниб туарди. Ишнинг бунчалик осон кўчганидан хурсанд бўлиб улгурмаган ҳам эдимки, аэропортга кириш йўлларидан бирида оқ ҳалатли бир неча врачни кўриб, фужанак бўлиб олдим. Мен олисданоқ улар орасидаги Шуҳрат Салимович билан Светлана Назаровнани таниган эдим. Улар чор-атрофга олазарак бўлиб, шошилинч ҳолда аэропорт ичкарисига кириб келишарди. Мана, улар менга бақириб қолган авиатор олдида тўхтаб, алланималарни сўраб-суринтира бошлишди. Улардан сал орқароқда... электробус бекатида мен билан гаплашмоқчи бўлган узун сочли йигит туарди. Врачларни бу ерга, афтидан, ўша бошлаб келганди.

Бу пайтда робот электромобилдаги энг сўнгги чамадонларни жойламоқда эди. Навбат энг сўнгги чамадонга келганда, у негадир тўхтаб қолди. Мен унинг ҳисобкитобини бузган эдим-да.

Робот сўнгги чамадонга тегмасликка қарор қилиб, люкни беркита бошлаганида, ҳалиги авиатор врачларга қўлини бигиз қилиб, мен ўтирган самолётни кўрсатаётганини илғаб қолдим. Лекин...

Бахтимга баҳайбат двигателлар ишга тушиб, самолёт тургани жойида оҳиста тебрана бошлади. Яна бир неча дақиқадан сўнг эса, биз шитоб билан осмони-фалакка кўтарилимоқда эдик.

\* \* \*

Самолёт космопортга етиб келганда, қоронгилик чор-атрофга ўз чодирини тикиб улгурган эди. Бу мен учун қўй келди, албатта. Люк очилиб, робот чамадонларни олиб, тескари ўгирилиши билан сакраб пастга тушдим. Лекин бу гал режаларим тездан чиппакка чиқди. Самолёт атрофини авиаторлар формасидаги одамлар ўраб олишган бўлиб, ҳаммаларининг назарлари менда эди. Афтидан, уларга мени тутиш ҳақида алоҳида буйруқ берилганди. Бўларнинг ҳаммаси Шуҳрат Салимовичнинг иши эканига заррача ҳам шубҳаланмадим: У, космопортга жўнаб кетганимдан воқиф бўлгач, бу ерга ҳам телефон қилишга улгурган. Ҳойнаҳой ҳали келгуси рейсда ўзи ҳам етиб келса керак.

Мен қочиш ё бошқа бирор қаршилик кўрсатиш бе-

фойда эканини сезиб, бошимни эгганимча авиаторлардан бирининг қаршиисига қараб бордим. Кайфиятим тобора ёмонлашиб борар, чунки номаълум ҳид бу ерда хийла кучайганди. Ёши анчага бориб қолган гавдалий авиатор:

— Шаҳар ижроқўми раисининг шахсан ўзини қизиқтирган ит мана шу экан-да! — деди оҳиста бўйин ҳалқамдан ушлар экан. («Демак,— кўнглимдан ўтказдим мен,— Шуҳрат Салимович шаҳар ижроия комитети раисини ҳам ишга солибди».)

Унга жавобан авиаторлардан бири:

— Дарҳақиқат, олийнасаб итлардан экан, — деб қўйди.

— Ақли ҳам жойидага ўхшайди,— деди яна бири,— қочиш бефойдалигини сезиб, дарров таслим бўла қолди.

Мени вақтинча космопорт вокзалидаги алоҳида хоналардан бирига жойлаштириши. Бу ерда пастаккина стол ва стулдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Ҳалиги гавдали авиатор олдимга бир бўлак қотган нон билан мистарелкада макарон қўяр экан:

— Мана, қорнинг очган бўлса, еб ол, тортинма. Эганг келгунча шу ерда ёта турасан,— деб чиқиб кетди. Ҳақиқатан хийла очиққанимни шу топдагина аниқ ҳис қилдим. Нонни ҳам, овқатни ҳам паққос еб олдим. Шундан кейингина келгуси режаларимни тузишга киришдим. Чунки илгари ўйлаган планларимнинг бари барбод бўлган эди. Бунинг устига дилга ғуғула соловучи ҳид бу ерда асабимга ҳаддан ташқари тегаётганди.

Мени шу топда қийнаётган бирдан-бир нарса — қалбимда кечайтган хавотирли ҳисларим, фикрларимни одамларга қандай етказиш масаласи эди. Агар хаёлимдаги тахминларим тўғри чиқса, инсоният шу дақиқаларда мисли кўрилмаган ҳалокат ёқасида турарди. Бундай хавфни оламда биринчи бўлиб мен сезган эканман, дарров олдини олмай, тақдирнинг жиловига топшириб қўйишим — ўтакетган даҳшатли жиноят бўлур эди.

Нафси замини айтганда, мен нима ҳам қила олишни мумкин? Бир оғиз гапира олмасам. Бунинг устига шу туришимда одамларга ўхшаб бирор иш бажаришга ҳам қодир бўлмасам. Ҳалокатининг олдини олишда менга одамлар, фақатгина одамлар ёрдам берга олиши мумкин. Мен эсам...

— Йўқ, бирор йўлинни топиш керак! Албатта, гапла-

шишнинг бирор йўлини топиш керак! Йўқса ҳаммамиз барбод бўламиз. Бутун инсон авлоди адойи-тамом бўлади!..

Мен ўйлаб-ўйлаб, охири, нима бўлганда ҳам, даставвал тахминларимнинг қанчалик тўғри-нотўғри эканини узил-кесил аниқлашим керак, деган қарорга келдим. Бироқ... Кўп ўтмай бу қароримдан ҳам воз кечдим. Чунки бу ишни ҳам одамлар ёрдамисиз амалга ошириш имконига мушкул эди...

Эшик очилиб, хонага гавдали авиатор билан Шуҳрат Салимович бошлиқ жарроҳлар кириб келишганда мен ана шундай қарама-қарши ва изтиробли ўйлар оғушида ўтирадим.

Собиқ шогирдим кира солиб, саволларига жавоб топиш, бир нима уқиб олиш илинжида дарров кўзларимга тикилди. Бироқ ўша заҳоти умидлари пучга чиқди. Ўзим ҳам сезиб турибман: кўзларимда саросимадан бўлак ҳеч қандай ифода йўқ эди. Ажаб: Шуҳрат Салимович қўлида катта ватман қофоз билан уни яхшилаб очилган йўғон қора қалам ушлаб олганди. Гавдали авиатор ҳам негадир менга энди бутунлай бошқача назар билан боқар, айтидан, одатдаги итлардан эмаслигимни жарроҳлар унга тушунтириб қўйишганга ўхшарди.

Собиқ ёрдамчим бирдан қофозни бўш столга ёзди, кейин аллақандай хавотирли товушда: «Нима гап, профессор?»— деб сўради-да, қофозга ишора қиларкан, қаламни менга узатди. Азбаройи хурсанд бўлиб кетганимдай «вофф» деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Ахир, Шуҳрат Салимович фикр алмашишнинг мен учун энг оддий ва энг ажойиб услубини тавсия қилмоқда эди-да! Шунга ақлим етмаганини қаранг... Шартта стулга чиқиб, чўққайиб ўтиредим-да, қаламни олдинги оёқларим орасига олдим. Пича ўйланиб олганимдан сўнг қинғир-қийшиқ ҳарфларда: «Олмос» ...ангар!»— деб ёздим. Кейин қаламни қўйиб «қўлларим» билан аввал ўзимни, сўнгра ёзувни кўрсатдим. Бу билан «мен ўша ёққа боришим керак»— демоқчи эдим. Шуҳрат Салимович менга қаттиқ тикилди. У менинг мақсадимга тушунолмай ҳалак эди.

— Бу ангарга кириш мумкин эмас,— деди авиатор, қовоғини солиб.— У ерга ҳозир соқчилар қўйилган.

— Билса бўладими, нима учун?— сўради Шуҳрат Салимович.

— Агар хабарингиз бўлса, ангарда икки механик номаълум сабаб билан ҳалок бўлишди. Ангар ёнидан ўтаётган икки фазогир эса, тўсатдан саросимада қолиб, бўғилаётгандай йиқилиб тушишди. Пайтида роботлар ёрдамга келиб олиб кетишмаганида, бу иккаласи ҳам ҳалок бўлиши турган гап эди.

— Буларнинг сабаби аниқландими?

— Ҳозирча йўқ. Ўтказилаётган текширувлар деярли ҳеч қандай натижага бермаяпти...

Шуҳрат Салимович бир зум менга тикилиб турди-да, яна авиаторга юзланди:

— Уртоқ бошлиқ, профессорга ангарга кириш учун расмий рухсат берилиши керак. Менимча, у бизга қоронги бўлган кўп нарсалардан хабардор.

— Айтяпман-ку, у ерга ҳозир яқинлашиш ҳам мумкин эмас.

Мен яна қаламни оёқларим орасига олиб, қоғоз устига энгашдим: «кислор. маска». Буни ўқигач, жарроҳлар яна савол назари билан бошлиққа тикилишди. У эса елкасини қисиб, паст овозда:

— Ихтиёргиз,— деди. Кейин ўша заҳоти товушини кўтариб, қўшимча қилди:— Лекин айтиб қўйяй, бу иш натижасида юзага келиши мумкин бўлган у ёки бу кўнгилсиз ҳодиса учун жавобгарликни бўйнимга ололмайман.

Мен дарров қоғозга: «Биз рози!» — деб ёздим.

\* \* \*

Орадан бир соатча ўтгач, биз, яъни <sup>4</sup> Шуҳрат Салимович ва мен ҳалиги авиатор бошқариб бораётган енгил электромобилда сирли ангар сари йўл олдик.

Нотаниш ҳид энди ниҳоятда кучайиб кетган, назаримда буни ҳамроҳларим — одамлар ҳам сеза бошлашган эди. Ҳид таъсириданми, мен ҳатто, даҳшатга тушиб, тиззаларим қалтирас, Шуҳрат Салимович ва авиаторнинг юзларини эса, аллақандай хавотирли бир ифода эгаллаганди. Уларни синчиклаб кузатар эканман, одамлар ҳидни бевосита сезишмаётгани, ҳид уларни вассасага сола бошлаганини сездим. Ҳа, бундай нозик ҳидни бевосита пайқаш учун албатта ит ёки бўри бўлиш керак. Шу пайт авиатор машинани тўхтатди-да:

— Ангарга бир километрча қолди. Бу ёғига кислород маскасини киймасак, ишимиз чакки бўлиши мумкин,— деда маскани юзига торта бошлади.

Шұхрат Салимович менга маска кийишда ёрдамлашиб юборди-да, (менга одамлар киядиган кислород маскаларининг махсус размери түгри келганди), ўзи ҳам бирпасда кийиниб олди.

Елкамизга ортиб олган қызил баллонлардаги тоза кислород билан нафас ола бошлаганимиз учун дилга гулғула солувчи нотаниш ҳид ҳам илк марта димогимни тарқ этди. Операция бўлганимдан бўён биринчи бор енгил нафас олиб, чор-атрофга назар солдим. Машинамиз тунги чироқлар ва турли маёқлар нурига чўмган улкан космопортнинг текис бетон йўлларидан бири бўйлаб елиб бормоқда эди. Кўп ўтмай электромобиль чироги йўллар четроғида чап қўлига қызил боғич боғлаган ва ўнг қўлини кўтараётган қоматдор бир мўйсафида ёритди-да, ўша заҳоти электромобиль унинг ёнгинисига келиб тўхтади. Мўйсафид ҳам кислород маскаси кийиб олганди.

Авиатор машинанинг очиқ деразасидан бошини чиқариб, чолга мурожаат қилди:

— Рухсатномамиз бор. Мана...

Мўйсафид авиатор узатган қофозни ёруққа солиб, қўздан кечирар экан, куюниб деди:

— Ахир бу нима деган гап?! Бир ойдан бери не-не профессорлар, не-не академиклар келиб, ҳеч нарса аниқлаша олмаса-я! Ана сизга ҳангома! Деярли ҳар куни текшириш ўтказишиади. Лекин кўп ўтмай тарвузлари қўлтиқларидан тушиб қайтиб кетишиади. Баъзан қўрқувдан этларим жунжикиб кетади. Ана сизга ҳангома!. Хўш, сиз кимларни олиб келдингиз? Яна олимларнидир-да! Э-ҳа, ит ҳам бор денг. Академиклар ҳеч нима қила олмагач, ит нима қилиб берарди. Лекин, ё тавба, бу итингизнинг қарашлари жуда бўлакча-я! Худо ҳаққи, худди одамга ўхшаб қарайди-я, кишига! Ана ҳангома-ю... Хайр, майли, йўлингизни берсин. Олимларнинг аламига зора мана шу ақлли ит бирор иш чиқарса!..

«Олмос» консервация қилинган ангар тўққиз қаватли оддий туаржой биноси ҳажмидаги баҳайбат инженерлик иншооти бўлиб, ичидан гигант зални эслатар ва у юлдузкезар кема таъмир қилинадиган махсус жой вазифасини ўтарди. Биз кириб келганимизда, бу ерда баҳайбат фазо кемаси ва бир чекада турган — устида турли чизмалар сочилиб ётган столдан бўлак эътиборни тортадиган ҳеч нима йўқ эди.

Мен юрганимча, маска кийган шерикларимнинг

кузатувида кеманинг чор-атрофини синчиклаб кўздан кечириб чиқдим. Кема корпусида шубҳали ҳеч нима йўқ эди.

Махсус ҳавозалар бўйлаб жадаллик билан кеманинг юқори томонига интилдим. Орқамдан изма-из Шуҳрат Салимович келарди. Собиқ шогирдим ҳеч нарсага тушунолмай ҳалак, ҳамма ҳаракатларини беихтиёр бажармоқда. Уни бунчалик кулгили ҳолда биринчи кўришим эди. Пастда бўлса авиатор биздан кўз узмасди.

Кеманинг бутун корпусини обдон кўздан кечириб чиқишим учун бир соатча вақт кетди. Менинг мўлжалим бўйича, кема сиртининг бирор жойида нуқтадек, эҳтимол, ундан ҳам кичикроқ бир доғ бўлиши керак эди. Бироқ, эвоҳ, бутун ўйларим чиппакка чиқди. Кема сирти ойнадек топ-тоза, бирор доғдан асар ҳам кўринибди.

Қизиқ, бу сира мен кутмаган ҳол эди. Миямга келган фикрдан оёқларимгача музлаб кетди. Наҳотки ҳамма тахминларим сароб бўлса?.. Йўқ, бундай бўлиши мўмкин эмас.

Шу пайт фавқулодда калламга келган ўйдан қалқиб кетаёздим. Ҳид! Ўша нотаниш ҳиддинг маңбанини аниқлаш керак! Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Лекин... буни қандай қилиб амалга ошираса бўларкин? Маскани бошимдан олсам, номаълум газ туфайли бўғилиб ҳалок бўлишим турган гап. Бошқа нима қилиш мумкин?.. Янглишмасам, бунинг бошқа йўли йўқ. Уша номаълум ҳид маңбанини аниқлашнинг бирдан-бир йўли — маскани қисқа муддатга ечиб, ҳавони ҳидлаш. Ана шундагина ҳид концентрацияси ва унинг йўналиши бўйича манбага йўл топиш мумкин.

Собиқ шогирдимга юзланиб, олдинги оёқларим билан ёзиш ишорасини қилиб, қалам сўрадим. Шуҳрат Салимович дарров тушунди, шимининг чўнтағидан қалам чиқариб, менга узатар экан, бемалол кема корпусига ёзверинг, дея ишора қилди.

Қингир-қийшиқ ҳарфлар сафини кема корпуси узрабита бошладим: «Мен маск еч. Керак. Соғ. яхши»— сўнгти нуқтани қўйишга улгурмадим. Худди ўша нуқта қўйилиши керак бўлган жойда тариқдек пушти ранг доғга кўзим тушди-ю, танамлаги бор тукларим тикка бўлиб кетаёзди. Мен сирли ҳодисанинг асосий қалитни, ниҳоят, топгани эдим.

Мана ўша даҳшатли заррача Ердаги йил эволюцион-

фаолиятини бошлаган жой. Стерилизация хизмати ходимларининг ўз вазифалари бир неча лаҳзалик со-вуконниклари туфайли заарсизлантирилмай қолган ўзга дунёлик бу заррача ҳозир қаерларда изғиб юрибди экан? Эҳтимол, мутлақо тасодифан тирик қолган бу ўзга самовий жисм вакили ҳозир қандай шакл олди экан? Умуман, у Ердаги оддий зарралардан нима билан фарқ қиласкин? Бу саволларга дарҳол жавоб беришim қийин эди. Лекин менга шу нарса аниқ эдикى, нотаниш заррача ҳали ангардан чиқиб кетишга улгурмаган. Эҳтимол, у ҳозир мутлақо заррача эмасдир. Лекин бары бир у қаердадир ангарнинг ичидә эди. Чунки одамларнинг бўғилиб ҳалок бўлиши ҳодисаси ҳозирча бошқа бирор жойда эмас, фақатгина мана шу ангарда юз берган. Менинг тахминимча, ҳаво таркибидаги кислород билан реакцияга киришиб, нотаниш ҳид — Ер атмосфераси учун мутлақо ёт бўлган ғалати газ бирикмасига айланётган ҳам ана шу заррача эди!

Ҳа, юзаки қарабандга, бу сира ақлга сизмайдиган нарса эди. Лекин дақиқа сайин бунинг айнан шундай эканлигига ишончим тобора ортиб бормоқда эди.

Мен энди масканни ечишдан аввал ангарнинг ичини ҳам обдон кўздан кечириб чиқишига қарор қилдим. Шуҳрат Салимовични яна ҳайратга солиб, қаламни тишларим орасига қистирдим-да, бирдан пастга интилдим. Ангар бўйлаб оҳиста одимлар эканман, унинг шипини, деворларини, полини зўр бериб назаримдан ўтказардим. Йўқ, бу ерларда шубҳа уйғотадиган ҳеч нарса йўқ эди.

Ҳайҳот, энди нима қилиш керак? Наҳотки, заррача ангардан чиқиб кетишга улгурган бўлса? Йў-ғе, у ҳозирча шу ерда. Қаердадир ангарнинг бирор жойида яшириниб ётибди. Лекин қаерида? Эндиги ҳамма гап мана шу саволга тўғри жавоб топишда қолган эди.

\* \* \*

Дарвоқе, ҳид манбаи..

Менга тикилиб турган Шуҳрат Салимовичга юзланиб, маскамга ишора қилдим. Собиқ асистентим мени одатдагича ўша заҳоти тушунди. Бошини силкиб, ниқоб ичидаги кўзларини юмиб қўйди.

Кислород маскам ечишга, тўйиб нафас олганимни биламан, кўз олдим қоронгилашиб, думалаб кетаёздим. Шуҳрат Салимович олдинги оёқларимдан маҳкам ушлаб қолиб, масканни юзимга тутмаганда, муқкадан ту-

шишим турган гап эди. Ажабо, нотаниш ҳид концентрацияси бу ерда шу даражада кучли эдикى, унинг қайси томондан келаётганини аниқлаш мутлақо мумкин эмас эди. Бироқ, яна бир ҳалигидай нафас олсан иш енгиллашарди. Лекин... шундай қылсам, ҳаётдан күз юмишим ҳеч гап эмаслигини тушундим. Начора! Бутун инсонияттнинг тақдирى олдида биргина одамга ўхшаб мушоҳадалай оладиган итнинг ҳаёти нима деган гап, ахир!

Шұхрат Салимовичга маскани күрсатиб, уни яна туширишни илтимос қылдым.

Енгил-енгил ҳаво олар эканман, кутилмаганда ҳид сезилар-сезилмас оқым тариқасида ўнг томондаги берк эшик томондан келаётгандай туулди. Бироқ нафас олишим менга жуда қимматта түшди. Негадир даҳшатта тушиб қалтирай бошлар эканман, эшик томон интиламан дея Шұхрат Салимовичнинг қўлидан чиқиб кетдим-у, ўша заҳоти гандираклаб, зарб билан деворга бориб урилдим. Ҳушимни йўқотдим. Шу алпозда қанча ётганимни билмайман, бир пайт ўзимга келсам, бошимга яна маска кийгизилган, Шұхрат Салимович билан авиатор эса зўр бериб кўкрагим ва қорнимни массаж қилишарди.

Мен тура солиб ҳалиги эшикка қарадим. Эшик девор рангида бўлиб, очилмайдиган қилиб михлаб ташланганди. Уни дарров пайқамаганимизнинг боиси ҳам шунда эди. Даставвал эътиборимни тортган нарса эшикнинг калит суқиладиган тирқиши бўлди. Ҳа, бў тирқиш ҳозир кўзимга ниҳоятда шубҳали кўринмоқда эди.

Узала тушиб ётганимча, тишимдаги қаламни олд оёқларим орасига олиб, энди полга ёздим: «Эшикни очинг!»

Ўша заҳоти авиатор қаердандир омбир ва лом тоғиб келди-да, бир неча дақиқа ичиде эшикни очди.

Эшик остонасидан ҳатладим-у, тахтадай бўзрайиб, бир зум қотиб қолдим. Шұхрат Салимович билан авиатор ҳам менинг аҳволимга тушишганди. Бу, афтидан, кислород баллонлари сақланадиган хона бўлиб, «Олмос» консервацияга қўйилгач, автоматик равишда кераксиз бўлиб қолганди. Бу ерда кишини ҳайратга соладиган нарса шунда эдикى, кислород баллонларининг газ чиқадиган оғзини на кўпиклигини ва на оқмочалкалигини ажратиб бўладиган оддий шар шаклидаги массалар ўраб-чирмаб олганди. Девор тепасига

қарадим-у, ҳайратим баттар ортди. Хонага совуқ ҳаво келтирувчи конденционер тешикларига ҳам шундай массалар, у ердан чиқаётгаш ҳавони бамисоли сұраётгандай, ёпишиб олишганди.

Менинг имо-ишораларим билан дарров эшикни беркитищди.

Ниҳоят, мен сирли ҳодисанинг тагига етгандай әдим.

Шерикларимга қарадим. Улар иккаласи ҳам ҳайрат ичра ўша ғалати массаларга тикилганча серрайиб туришар, ҳуди аллақандай нажот кутаётгандай менга ботбот назар ташлашарди.

Ҳамроҳларим олдида ҳамон чўккалаб ўтиракманман, ниҳоятда ҷарчаганимни шу топдагина аниқ ҳис қилдим.

Тишларим орасидаги қаламни чиқариб, одатимча уни олд оёқларим орасига олдим-да, энг сўнгги кучларимни ишга солиб, полга: «Стер. суюқ. кел!»— деб ёзdim. Авиатор тезгина чиқиб кетди-да, лаҳза ўтмай, ўнг қўлида шлангга уланған тўппончасимон қурилмани кўтарганича қайтиб кирди.

Мен бошим билан имо қилиб, суюқликни кўпиксимон массаларга сепиш кераклигини билдиришм ҳамоноқ авиатор ишга тushiб кетди. Шубҳасиз Шуҳрат Салимович ҳам, авиатор ҳам шу дақиқаларда ниҳоятда муҳим ва буюк вазифани бажараётганимизни аллақачон тушуниб этишган эди.

Мен бўлсанм энди азбаройи ҷарчогимнинг зўрлигидан полга ёнбошлаб олгандим. Стерилизация кислотаси таъсирида бирин-кетиб эриб, тобора йўқолиб бораётгандан кўпиксимон массаларга лоқайд ва паришон тикиларканман, кўз кўриб, қулоқ эшишмаган ғалати воқеалар тизими бирма-бир кўз олдимга кела бошлади.

...«Олмос» кемасига бепоён фазонинг қаериададир илакишган ва тасодиф туфайли тирик қолган пушки ранг заррача кема консервацияга қўйилгач, даставвал ангарнинг ҳавосидаги кислород билан секин-аста реакцияга кириша бошлаган. Ғалати кимёвий хоссага эга бўлган заррача, кислородни ютиб, ўзидан ҳавога таркиби бизга номаълум газни тарқатишга киришган. Шу процесс жараёнида ўзи тобора катталашиб, «семириб» бораверган.

Нўхатдек шаклга келган заррача, табиийки, ангардаги кислород мўлроқ бўлган жойга қараб интилади. Кема корпусида пушки ранг из қолдириб, кислород баллонлари беркитилган хона сари учади, Мана, у эшик

тирқишига құнади. Ҳозирча унға шу ердан чиқаётган кислород ҳам етарли. Қатталашған сайн, унға бу кислород камлик қиласы. Тирқишидан үтиб, мурвати яхши беркитилмеган кислород баллонларидан бирига қараб учади. Афтидан, бу ердаги баллонларнинг күпчилигидаги кислород чала-ярим ишлатылғанға үштайди. Мана, заррача янада «семириб», биргина баллон тешигидан чиқаётган кислородға қаноат құмай құяди. У бир неча бўлакларга бўлинниб, бошқа баллонларга ҳам учиб ўтади. Ҳар бир бўлак энди ўз йўлича «семира» бошлайди. Дарвоҷе, кондиционер тешиклари-чи, улардан ҳам тоза ҳаво келяпти-ку. Ана, кислородга яна роса тўйинса бўладиган жой. Заррачанинг яна бир неча бўлаклари энди кондиционер тешиклари сари йўл олади. Бу орада мазкур массалар ўзидан ажрагаётган нотаниш газ аллақачон ангар тирқишиларидан ташқарига чиқишига улгуради, чор-атрофга тарқалади.

Нотаниш ҳид орадан бир ой ўтгач, менинг она шаҳримга ҳам етиб боради. Бу ерда уни профессорга үшаб мушоҳадалай оловчи Қоракўз номли ит пайтида сезиб қолмаганды, воқеалар йўналиши қандай тус олишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳа, унда ишлар буткул бошқача бўлур эди.

Менинг тахминий ҳисоб-китобим бўйича, ҳалиги кўпиксимон массалар ангарнинг тешик-тирқишиларидан бир амаллаб, ташқарига чиқиб олгач, геометрик прогрессия бўйича кўпайиб, Ер атмосферасидаги кислородни аёвсиз ютиб, камайтириб бориши, улардан чиқсан даҳшатли газ эса, ярим йил ичиладек бутун Ер юзини эгаллаб олиши лозим эди. Одамлар дастлабки даврда ўзидай кислород чиқарувчи дараҳтлар ва турли яшия ўсимликларнинг шохларига илашган кўпиксимон массаларга, шубҳасиз, унчалик эътибор қилишмайди. Эътибор қилишганда эса, кеч бўлар, яъни кўпиксимон массалар йўқотиб бўлмас даражада кўпайиб бутун дунёга тарқалиб кетган, улардан чиқаётган даҳшатли ҳид эса, одамларда тахлика ва саросима ҳисларини уйғотиб, оғатга қарши бирон-бир ҳаракат уюштиришларига йўл бермай қўйган бўлур эди.

Шундай қилиб, кўпиксимон масса Ер атмосферасида кислород батамом тугамагунча кўпайиб боравериши, нотаниш ҳид туфайли даҳшатга тушган одамлар эса, ҳаво етишмаётгани сабабли оммавий қирғинга учрашып керак эди. Кўз кўриб қулоқ эшишмаган бундай улкан

қирғинни тұхтатишга эса ҳеч ким ва ҳеч нарса қодир бўла олмас эди.

Тасаввур қиляпсизми, буларнинг ҳаммасига тасоди-фан стерилизация қилинмай қолган ўша пушти ранг заррача сабаб бўларди.

Ҳозир эса биз, яъни менинг истеъдодли шогирдим Шуҳрат Салимович, анави камтарин авиатор ва каминагиз бир-икки соатли уринишлардан сўнг ана шундай даҳшатли ҳалокатнинг олдини олишга муваффақ бўлгандик.

Ҳамон полда ёнбошлаб ётарканман, операция бўлган давримдан буён кўнглим илк марта тўла таскин топгандай эди.

\* \* \*

Професорнинг кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган бу жасорати олам бўйлаб яшин тезлигига тарқалди. Шуҳрат Салимович раҳбарлик қилаётган клиникага юзлаб мактублар кела бошлади. Кўпчилик, башариятни улкан инцизордан сақлаб қолган, бу йўлда ўз ҳаётини мисслиз хавф остига қўйиб ғалабага эришган алломанинг қаҳрамонлигига тасаннолар ўқиган эди. Лекин юзга яқин ёш-ёш йигитлар, бундай одам ит қиёфасида асло қолмаслиги кераклигини ёзишган, уни яна одам қиёфасига қайтариш учун ўзларини қурбон этишга ҳам тайёрликларини, яъни ўз таналарига профессорнинг миясини кўчириб ўтказишини илтимос қилишганди.

Шундай ажойиб инсон албатта одам қиёфасида яшashi керак, дея алоҳида таъкидлашганди улар.

Шуҳрат Салимович бу мактубларни профессорга кўрсатган эди, у кўз юргутириб чиққач, ўйчан нигоҳини рўпарадаги бир нуқтага тикди. Собиқ шогирди синчковлик билан боқиб, унинг кўзларидан қўйидаги маънони ўқиди: «Бу — жуда қалтис ва нозик масала. Бирор қатъий қарорга келишдан аввал жиддий ва ҳар томонлама ўйлаб кўриш керак...»

**МУНДАРИЖА**

**ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК**

**қиссалар**

Фаройиб кўланка . . . . .	85
Аждодлар хотираси <sup>1</sup> . . . . .	

**ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК**

**ҳикоялар**

Сирли нур . . . . .	128
Биринчи синов . . . . .	150
Пуштиранг фалокат . . . . .	161

**Ш 18**

**Шайхов Ҳожиакбар.**

Ғаройиб кўланка. Илмий-фантастик қисса  
ва ҳикоялар. Т. «Ёш гвардия», 1980.— 184 б.

**Шайхов Ҳоджиакбар.** Необыкновенная  
тень. Науч.-фантастические повести и рас-  
сказы.

ББК 84Уз

На узбекском языке  
**Ходжиакбар Шайхов**  
**НЕОБЫКНОВЕННАЯ ТЕНЬ**

Издательство «Ёши гвардия», Ташкент — 1980 г.

Редактор Шомирзаев А.

Рассом Сухарев А.

Расмлар редактори Русломов А.

Техн. редактор Ахмаджонова Г.

Корректор Сайдалимов С.

ИБ № 650

Босмахонага берилди 10.07.1980. Босишига руксат этилди 12.09.1980. Формати  $84 \times 108\frac{1}{3}$ . Босма листи 5,75. Шартли босма листи 9,66. Нашир листи 9,790. Буюртма № 3565. Тиражи 60000, № 2 қоғозга «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Р—09145. Баҳоси 65 т. Шартнома № 42—80.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёши гвардия»  
нашриёти, Тошкент 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси  
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.